

**НАБИЖОН ҲОШИМОВ**

# **ЗЕБУЗАР**

*Воқеий детектив қисса  
(Қайта ишланған иккінчи нашри)*



Тошкент – 2008

84(59)6

Н.Хошимов. ЗЕБУЗАР. (Воқеий детектив қисса). Қайта ишланган 2-нашири. «Fan va texnologiya», 2008. 164 бет.

Тақризчи: *Ориф Фармон* – Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси

Инсон тақдири – бу неча замонлардан бўён қаламкашларни бефарқ қолдирмай, ҳар қайси даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотмай келаётган доимий мавзудир.

Сизшинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ёзувчи Набижон Ҳошимовнинг мазкур асаридағи Зебузар исмли қиз эса, бизнинг замондошимиздир. Ҳа, унинг қисмати ўта ачинарли ва атчиқдир. Афсуски, бундай ҳолатга жамиятимизда учраб турадиган баъзи диёвнатсиз, имонсиз ва худбин одамлар сабабчи.

Мазкур детектив қисса 2006 йил давомида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармасининг нашри бўлган “ОГОҲ” газетасида чоп этилгач, Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» ёшлар Маркази ҳамда «Ўзбектелефильм» студияси билан ҳамкорликда «Зебузар» фильмини суратга олишга қарор қилдилар.

Фильмни 2008 йилда мамлакатимиз киноэкранларида, намойиш қилиши режалаштирилган.



10 34625  
291

ISBN 978-9943-09-032-3

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти, 2006.  
© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2008.

## ЖИНСИ ШИМЛИ «ФАРИШТА»

Қосым тоға узоқ йиллар такси ҳайдади. «ГАЗ-24» деб аталған «түлпор» билан ниҳоят хайрлашды. Нафакага чиқди, лекин уйида ўтиrolмади. Турмушида камчилик бўлмаса-да, ўрганганд кўнгил экан, баъзи-баъзида ўз «Жигули»сида шаҳарни кезар, гоҳида эса, мижозлар рўпара келишига қараб вилоятларга ҳам бориб келарди. У одатда, йўловчилар билан кира ҳақи тўғрисида ортиқча баҳслашиб ўтиrmайди. Машинасининг мойи-ю тушлигига етиб, яна озгина чой пули қолса бас, кетаверади. Энг муҳими, у шу тариқа дунё кезиб, турли одамлар билан сұхbat куришга, умрининг ҳар дақиқасидан завқ олишга ишқибоз эди. Ҳар сафар турли одамлар, турли тақдирларга дуч келади, улфатчилик қиласи, ҳамсуҳбат бўлади. Уйида ўтирганидан кўра яхшида!

Бугун ҳам ё «хумор босди» учунми, ё узоқларга кетиб ҳаво алмаштиргиси келдими, ҳарқалай, келининга хавотир олмасликларини тайинлади. «Бирор гап бўлса қўлимда телефон бор-ку», деб қўйди у ва саҳарлик намозини ўқибоқ сафарга жўнади.

Шаҳар осмонида тонг отди. Одамлар ва транспортлар жонлана бошлади. Қосым тоға метронинг охирги бекатига бориб туришга қарор қилди. Чунки шу ердан вилоятларга борадиган йўловчилар кўп учрайди. У ўз «түлпор»ини доимий қатнайдиган «Нексия» ва «Дамас»лардан четроққа қўйиб тураверди. Бошқа ёш киракашларга малол келмаслиги учун уларнинг олдига йўловчи қидириб чиқишни ўзига эп кўрмади. «Насиб қилгани ўзи келиб қолар», деди у ўзига-ўзи ва радионинг мурватини бураб, ундан таралаётган мумтоз қўшиқларни тингларкан, машина рулини ушлаган ҳолда, «Э, Аллоҳ, ўзингга шукур», дея чукур тин олди. Шу маҳал шаҳар таксисидан, европача кийингандикки қиз тушиб келди. Машина юхонасидан сафар сумкасини тушириб олишгач, яна такси қидириб атрофга аланглашди. Демакки, аниқ — улар узоққа кетишади. Лекин...

— Қизлар, такси керакми? — деб сўради киракаш йигитлардан бири жилмайиб.

— Қаёққа борасизлар? — деб сўради қориндор, шопмўйловли киши қўзларини ола-кула қилиб.

— Ҳеч қаёққа... — деди бўйин ва қулоқлари ҳар хил тақинчоқлар билан безанганд, синалари ярим очиқ олифта қиз жинси шим кийган шеригига юзланиб шипшиди: — Сен эҳтиёт бўл, ҳар қанақа таксига ўтира кўрма. Бир марта куйганинг етар...

— Юринглар, машинам яп-янги, айтган жойларингга чиройли қилиб олиб бориб құяман, — деди ёш киракаш йигитлардан бири.

Қизлар индашмади.

— Сизлар ўзи бирор ёққа бормоқчимисизлар, ёки... дам оламизми, а? — деди уларни кузатаётган йигитлардан бири олифта қизларга сүқланиб боқаркан.

Бериги қызы «афтиң қурсин» дегандек қовоғини уйиб, терс ўгирилди.

— Ишийиз бұлмасин, йўлингиздан қолманг, — деди жинси шимлиси қатый.

— Вой-бў, худди минилмаган тойчоққа ўхшайсиз-а?

— Ҳаҳ, шилқим. Юр, бу ердан кетайлик, — деди олифта қызы дугонасига.

— Қўйсанг-чи, ахир унақада мен қандай қилиб кетаман?

— Ана, анави кишини гаплаша қолайлик. Кексароқ одамга ўхшайди. Ҳар ҳолда шилқимлик қилмаса керак, — деди у Қосим тоғани кўрсатиб.

— Э, йўқ. Ахир унинг машинаси ўзига ўхшаган шалдироқ арава-ку.

— Нима қипти, зато надёжний, — деди олифта қызы ва тоғанинг машинаси олдига келиб энгашди. Мўйсафид унинг тоят бежаб ташланган юз-кўзи ва бўртиб турган очиқ кўкракларидан кўзини олиб қочди. У билан гаплашишни истамаётганлигини билдириб қўйиш учун атайнин юқдонини кавлаб, бир нима қидирган бўлди. «Афти қурсин буларни. Бир камим энди «капалак»ларга хизмат қилиш қолувди», деба хаёлан сўзлади тоға. Лекин қызы тихирлик қилиб, ойнани ҳадеб тиқирилатаверди.

— Ҳой, тоғажон. Нима бало, гарангмисиз дейман?

Қосим тоға ноилож унга эътибор берган бўлди ва ойнани тушириди.

— Ассалому алайкум, тоғажон! — деди қызы жилмайиб. Машина салонига хушбўй ҳид кириб келди. — Кечирасиз, дугонам қишлоқдаги уйларига бориб келиши керак эди. У кечагина хориждан келди. Ўйда қари онаси, қизчаси кутаяти. Обориб келинг, илтимос.

— Ана, таксилар кўп-ку, — деди кекса ҳайдовчи, гаплашгиси келмай.

— Э, уларга ишонч йўқ-де. Сиз ҳарҳолда кўпни кўрган кўринасиз... — деди у ялинганнамо.

— Борадиган жойларинг узоқми?

— Водийга-де. «Шўрқишлоқ» деган жойда. Лекин фақат бир илтимос, дугонамнинг ёнига бошқа ҳеч кимни олмайсиз. У онасини кўриб, қизини олиб орқага қайтади.

— Шу бугунми?

— Иложи бўлса бугун, бўлмаса эртага эрталаб... — деди жинсили қиз ҳам қўшилиб.

— Ҳа, бориш-келишга тўлаймиз. Ҳўп дея қолинг энди, тоғажон! — деди олифта қиз эркаланиб.

— Ҳа, ҳўп! — деб юборди тоға ҳам беихтиёр.

— Ана, раҳмат! — деб хурсанд бўлиб кетди қиз ва дугонасини «чўлп-чўлп» қилиб ўпиб хайрлаша бошлади.

— Бўпти, Зебузар, онангга салом айт, қизингни ўпиб қўй. Тезроқ келавергин. Энди мен билан тунги клубда ишлайверасан. Мен хўжайн билан бугун гаплашиб қўяман.

— Вой, нима иш қиламан?

— Ахир, хорижда рақсни ўрганиб келибсан-ку! Ҳоҳламасанг официантлик қилаверасан. Мана қўрасан, тирикчилигинг яхши бўлади. Қизингни шу ерда ўқитасан.

— Ахир онам-чи, қизимга ўрганиб қолганлар-ку.

— Бе, ўша қишлоқда нима бор? Яна таппи ёпасанми?.. Лекин анави Маҳмудни кўрсанг, мени номимдан ҳам башарасига тупуриб қўй, хўпми? Ҳе, афти қурсин ўшани... — деди шошапиша олифта қиз, машина эшигини ёлаётган дугонасига қараб қўллари билан «Ҳайр!» ишорасини қиларкан.

Машина жойидан қўзғалди. Ҳадемай сершовқин шаҳар ҳам ортда қолди. Узоқларда кўриниб турган қорли тоғлар гўё қулоқ очиб ўзига чорламоқда эди. Зебузар орқа ўриндиқда унсиз, аллақандай чуқур хаёллар оғушида бораради. Ҳайдовчи гоҳ-гоҳида салон ойнасидан енгилтак қизлардек туюлаётган бу қизнинг юзига яширин нигоҳ ташлаб қўярди. У бундай тунд йўловчини ҳамроҳ қилганидан ичида афсусланди ва қизни гапта тутиш учун ўзича бир сабаб излай бошлади. Ахир, йўл узоқ, «миқ» этмай кетаверса, одам ёрилиб кетмайдими? Шундай ўйлар билан кария томогини бир қириб олди-да, сўз очмоққа журъат қилди:

— Кечирасиз, қизим. Сўраганни айби йўқ. Дугонангиз сизни «хориждан келди» дегандек бўлувди. Сир бўлмаса, қаерларни зиёрат қилдингиз?

— Эмиратни, — деди қиз негадир жавоб бергиси келмай.

— Эҳе, — деди ҳайдовчи бу ҳолатни гўё пайқамагандек, яна уни галга тутмоқчи бўлиб. — «Эмират» денг! У мусулмон давлатими?

— Ҳа, — деди қиз қуруқ қилиб, ташқарига боққанича.

— Арабистонга яқинми?

— Ҳа...

— Эҳа, унда зиёратингиз қабул бўлсин, қизим. Демак, ярим ҳожи бўлиб кепсиз-да, а?..

— Э, қуриб кетсин бунаقا зиёрат! — деди қиз чиндан ҳам жаҳл қилиб.

— Ие-е, ундоқ деманг қизим, айб бўлади-я! Қани энди бизларга ҳам ўша томонларга бориш насиб қиласайди...

— Сизни йўрифингиз бошқа, отахон, — деди қиз истаристамас.

— Ҳа, тушунаман. Сиз, демак, тижорат юмуши билан боргандирсиз-да. Тирикчиликни айби йўқ, қизим, — деди Қосим тоға нима гаплигини тушуна олмай, қизни тинчлантирган бўлиб.

Шу пайт қизнинг кўзларида беихтиёр ёш қалқиди ва тўсатдан пиқиллаб йифлай бошлади.

— Кошкийди, тирикчиликка бўлса тоғажон... Мени зўрлаб жўнатишган! Менинг ҳаётим расво бўлган... — дея бўзлай бошлади.

— Ҳай-ҳай, қўйинг, қизим. Соғ-омон қайтиб келибсиз. Мана онангиз, қизингиз бор деб эшилдим, Худога шукур қилинг. Мусулмон давлатига бориб келаётганингизни эшитиб...

— Э, қўйинг, мусулмончилик шунаقا бўладиган бўлса...

— Ҳай-ҳай, шак келтирманг-а...

— Мусулмончилик асли бизда бор экан, холос, отахон. У ерда на шарм-ҳаё, на одамгарчилик бор. Ўлиб кетишимга оз қолди... Яхшиям, ҳозир сиз кўрган дугонам Зулайҳо бор экан. Мени бир илож қилиб кутқарив олди.

— У қиз билан бирга ўқиганмисизлар?

— Йўқ, у ҳам мен билан Эмиратда бирга эди. У бир йил аввал қочиб келган эди. Кейин менга ёрдам берди...

— Эҳ-ҳе, бошингизга анча мушкул ишлар тушган кўринади. Узр, билмабман. Ҳеч хафа бўлманг. Кўрган оғир кунларингиз энди ортда қолгани рост бўлсин. Ҳали ёшсиз, ҳаётингиз олдинда. Ҳа айтгандек, қизингиз ҳам...

— Ҳа, бор.

— Унда куёв қаёққа қараб турувди?

— У йўқ...

— Ўлганми?

— Йўқ, мен учун ўлган. Афти қурсин уни... — деди қиз хўрсиниб.

- Маҳмуд деганими?
- Ҳа, — деди қиз ажабланиб. — Сиз унинг номини қаёқдан эшитдингиз?
- Дугонангиз айтди-ку «Мени номимдан бетига тупуриб қўй» деб.

Қизнинг юзига табассум инди. Кўзларидаги ёшини рўмолчаси билан оҳиста артиб олди.

- Жуда хушёр экансиз.

Зебузарда энди тундлик йўқолди ва ҳайдовчини илк бор зидан кузатди. Қаеридир раҳматли отаси Рашид акага ўхшаб кетар экан.

- Ўша, Маҳмуд дегани сизни қаттиқ хафа қилганми, дейман?
- Хафа ҳам гапми, у ҳётимни барбод қилди.
- Нима, у бошқага уйланаб олдими?
- Йўқ, энди у ҳеч қачон уйланана олмайди. Унга қарғиш теккан.
- Нима, бирор айби борми?
- Йўқ. У уйланса акам уни... Кейин унга қишлоқда ҳеч ким қизини бермайди.

Ҳайдовчи ҳайрон бўлгандек қиз тарафга бир қараб олди. Қиз жиддий кўринарди.

- Тавба, қизиқ-ку?
- Ҳа. Эшлишишмча, унинг отаси ҳам қишлоқдан бош олиб кетганмиш. Қайтиб келишга ор қилаётганмиш.
- Отаси дейсизми, у қанақа одам ўзи?

Содикҳожи, қишлоғимизнинг энг бойларидан эди. Энди бўлса хоксор, бир бурда нонга ҳам зор киши.

— Йўғ-е, наҳотки? — деди ҳайдовчи бошини сарак-сарак қилиб—  
У ўша Маҳмуднинг отасими?

— Ҳа... Ота бўлмай ҳар нарса бўлгур... — дея норози оҳангда қарғаб қўйди қиз.

- Галингиздан, у сизга кўп ёмонлик қилган чамаси.
- Ёмонлик ҳеч гапмас, унинг қилмишлари олдида. У мени алдаб қўшмачи хотинга сотди, — дея қиз яна ўзини тута олмай йиглаб юборди. — Илоё, гўрингда чиригур! Мени ҳомилам борлигини била туриб, шу ишни қилган, у ярамас. Маҳмуд ҳам буни биларди...

- Ё астагфуруллоҳ, ёмон иш бўлган экан-ку!

— Уям бир нави. Болам туғиладиган куни Маҳмудни бошқа бир бойваччанинг қизига уйлаш учун тўй қилиб берди. Ҳамма гапдан хабари бўлган акам аламга чидай олмай тўйни бузиб, қамалиб кетди. Ҳақиқатни айтган дугонам Шоирани ўлдириб юборишиди.

Кейин мени бошқа ифлос одамлар аврашиб, Эмиратта жүннатиб юбориши...

Қизнинг юраги тұлиб кетған эди. Чидай олмади, портлади. Юз-күзидан яхши инсонлиги күриниб турған Қосым тоғара бутун дарду ҳасратини түқиб сола бошлади. Үнга ҳақиқатдан ҳам жуда оғир эканини сезиб, гапларини ҳангы-манг бўлиб эшитиб кетаётган ҳайдовчи эсанкираб қолган ва шу чоқда хўнграб йиглаётган қизни қандай қилиб юпатишни ўйларди. «Тавба, жимгина кетаётган эдик-а. Мурғаккина шу қизнинг ҳам шунча дарду-ҳасрати бор экан-у, билмай қўзғаб қўйибман-да... Тавба, мен бўлсам уни нопок қиз деб гумон қилиб ўтирибман-а. Ахир бу дунёда не-не ишлар бўлмайди, не-не одамлар тақдири чилпарчин синмайди. Бу қиз ҳозир меҳрға жуда ҳам зор кўринади. Гаплари рост бўлса, унинг одамлардан безиб бўлгани аниқ. Қани энди, қўлимдан келса унга ёрдам бера олсан, қариганимда яхши бир савоб иш қилган бўлардим», деган фикрларни хаёлидан ўтказди Қосым тоға ва кўзларидан дувиллаб ёш оқаётган қизга илк бор меҳр билан боқди. Унинг бошини силагиси, овутгиси келди. Лекин наилож, қўллари рулда, кўзлари йўлда эди. Шу туфайли фақат бисотидаги бор яхши сўзларни қизга инъом эта бошлади.

— Хафа бўлманг, она қизим. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Энг муҳими, мана, тўрт мучангиз соғ, ўз ватанингиздасиз. Мана кўрасиз, баҳтингиз ҳам очилади, худо ҳоҳласа.

— Раҳмат... Айтганингиз келсин, илоҳим.

Ота ойна орқали қизнинг чехрасини янада яхшироқ кузатди. Унинг туташ қошлари ва чиройли лаблари кенжада келининикига ўхшаб кетар экан. Ёшлари ҳам тенг бўлса керак. Лекин кўргуликлари осмон билан ерча. Келини Лобархоннинг икки жажжи ўғилчаси бор. Ўзи ўқитувчи. Ўғли Шокир ҳам бир корхонанинг раҳбари. Улар севиб турмуш қуришли. Ҳозир жуда баҳтиёр ҳаёт кечиришмоқда. Катта ўғиллари ҳам ўзларига тўқ, тутув. «Илоҳим, кўз тегмасин», дея хўрсишиб қўйди ҳайдовчи.

Орага сукунат чўқди. Улар узоқ жим кетишиди. Қосым тоға ҳам, Зебузар ҳам чуқур хаёлга чўмған эдилар. Қояли тоғлар бошланди. Довоннинг янги қурилган, текис ва равон йўллари қизни ҳайратта солғанди. Чунки унинг хорижга кетганига олти йил бўлибди. У хаёлга берилди... Ўшанда қизчаси — Бокира икки ойлик эди. Ҳойнаҳой, ўзгариб кетгандир, онасини танимаса ҳам

керак. Ўтай онаси Гавҳаройга ҳам қийин бўлди. Уларни ўз фарзандидек кўргани учун, бошларига тушган қийинчилкларни ўз қайгуси, ўз ташвишлари каби қабул қилиб, чин оналик масъулиятини ўз зиммасига олди... «Унга қай кўз билан қарамайман энди? Нима, хорижда расво ишлар билан шугулландим, дейманми? Ё бормасаммикан, ҳалиям бўлса орқага қайтиб кетсаммикан-а?..» дея турли нохуш ўйлар гирдобида қолган Зебузар чукур хўрсиниб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қосим тоғанинг хаёлида ҳам шунга ўхшашиб фикрлар гужгон ўйнарди. «Агар менинг қизим чет элга бориб шунақа аҳволда қайтиб келганида уни қандай қилиб қарши олардим? Э, сүф-сүф, худо асрасин», деб кўйди у ўзича. – Яхшики, қизларим йўқ. Лекин қиз бола ҳам фарзанд. Бирорнинг боласини шунчалар ҳўр қилишга қандай ҳаддилари сиғди экан бу диёнатсиз бетавфиқларнинг... Энди у ўз онасининг, қизининг, қавм-қариндошларининг кўзига қандай қарамайди? Туғилиб ўсан уйининг остонасига, қишлоғига қандай кириб боради? Уни қабул қилишармикан?..» «Э, тўхта, Қосимбой. Ана энди сенинг ёрдаминг керак бўлди, шекилли. Бу қизни ҳимоя қилишим керакка ўхшайди...»

– Тогажон, шу ерда тўхтатиб юборинг! – деди Зебузар тўсатдан.

– Ҳа, тинчликми, қизим?

– Ҳа, тинчлик. Илтимос, юқхонангизниям очиб юборсангиз.

– Майли, бемалол, – деди у ва машинадан тушиб, юхона кулфига калит суқаркан, димогига урилаётган тоғнинг енгил ҳавосидан чукур нафас олди. Қиз ҳам бир сой томонга, бир тоғларга қараб, бир сония маҳлиё бўлиб қолди. Қулларини кўтариб яхшилаб керишди. У гўё: «Салом, Ватаним! Мен қайтиб келдим!» – дея ҳайқирмоқчилик эди. Қосим тоға қиз сумкасини очиб бирор нима олади-да, кейин жўнаб кетсан керак, деган ўйда эди. Лекин қиз унсиз келди-да, сумкасини кўтариб йўлнинг нариги юзига ўта бошлади ва йўл четига ўтгач ҳайдовчига қараб кулиб қўйди. Унинг олдига бир оқ «Нексия» келиб тўхтади.

– Ўтиринг ойимқиз, Тошкенттами? – деди рулдаги келишган йигит.

«Наҳотки қайтиб кетса... Уйига боришга ор қиляпти чоғи. Нега менга индамади, қизиқ. Ахир у албатта, уйига бориши керак-ку, уни кутишяпти-ку ахир...».

– Йўқ, мен ҳеч қаёққа бормайман. Ана, ўзимнинг машинам бор, – деди Зебузар «Жигули»ни кўрсатиб.

– Унақа бўлса узр, омон бўлинг.

Оқ «Нексия» оҳиста юриб кетди. Қиз эса бир кулди-да, энди тоққа қараб чиқа бошлади.

– Отажон! Мен ҳозир келаман! – деди шўхлик билан қўл силтаб.

«Э, тушунарли, мен бўлсан бошқача ўйга борибман-а», деди кекса ҳайдовчи ва капотни очиб, моторнинг у ёқ-бу ёғини кўра бошлади. Қиз қоя тошнинг ортига ўтиб кўздан йўқолди. Шу пайт бир «Дамас» келиб тўхтади ва ундан бир неча йўловчи йигитлар тушишиб, улар ҳам қиз чиқиб кетган томонга қараб юра бошлашди. Қосим тоға жаҳл билан:

— Ҳой йигитлар! Тўхтанглар, у ерда аёл киши бор, ахир!  
— дея ҳайқирди.

Ҳайрон бўлган йигитлар ортларига қайтишди. Қўп ўтмай эгнига арабча узун енг ва этакли ҳижоб кўйлак ва рўмол ўраб олган бир аёл сумкасини кўтариб қоя ортидан чиқиб келди. Йигитлар унга салом беришди. Бирори югуриб бориб унинг қўлидагини олиб ёрдамлашишга чоғланди. Тоға бу ҳолатни кўриб кувониб кетди. Унинг назарида Аллоҳ унга шу фурсатда бир қиз фарзанд ҳадя этган-у, у гўё тоғдан тушиб келаётгандек туюлди ва негадир меҳри жўш уриб кетди.

— Мана бу бошқа гап! — деди у хурсанд ҳолда.

— Сизга раҳмат. Ҳар ҳолда мусулмон давлатидан келаётганимни ёдимга солдингиз.

— Қойил, бу билан сиз ўзингизни ҳали қўп ишга қодир эканлигингишни билдиридингиз.

— Унчалик эмас. Ҳар ҳолда онамнинг олдига жинси шим кийиб боришга ор қилдим.

— Раҳмат сизга, қизим. Жуда ҳам ақлли экансиз, — деди ҳайдовчи машинани юргизар экан. Мана кўрасиз ҳали, ҳаммаси яхши бўлади. Либос сизга жуда ярашибди.

— Ҳар ҳолда бузилган жисмимни яшириб турар.

— Йўқ, ундан деманг. Энди бўлган ишларнинг ҳаммасини унугинг. Бундан буёғидаги ҳаётингизни ўйланг. Қани омин, — деди Қосим тоға қўлларини фотиҳага очиб, — Илоҳим кўрган кунларингиз ўзингизният, бирорнинг ҳам бошига тушмасин. Йўлингиз, баҳтиңиз очилиб кетаверсин. Сафаримиз бехатар бўлсин, аллоҳу акбар!..

Машина ўрнидан қўзғалди. Қиз кўзларига яна ёш олди.

— Раҳмат сизга, тоғажон. Мен сизга ўхшаган яхши инсонларни бошқа учратмасам керак, деб йўловдим.

— Раҳматни кейин айтасиз, қизим. Худо хоҳласа қўлимдан келганича ёрдамимни аямайман. Лекин бир гапни айтиб қўяй, араб юртида кўрган-кечиргандарингизни бирортасига, ҳатто

онанғизга ҳам айта күрмант. Үзингизни мусулмон илмини ўрганиб келаётган мұслина қилиб күрсатинг. Гунохингиз бұлса худонинг ўзи кечиради, мана бу лиbos сизни асрайди.

— Эскичадан ҳам хабарим бор, намоз ўқий оламан.

— Жуда яхши. Ҳамма амалларни яхшилаб, чин күнгилдан бажараверинг. Тангрининг ўзи сизни құллайды.

— Илоҳим, айтганингиз келсин.

Қосым тоға радио мурватини буради.

— Ўзбекча қўшиқларни ҳам соғингандирсиз?

— Ҳа, жудаям. Арабча мусиқалар шундай жонимга текканки, эшитсам жазавам қўзийди. Бизни тунги барда ярим яланғоч рақс тушишга мажбур қилишарди, тушмасак уриб калтаклашарди.

— Ие, ахир рақс – санъат-ку! Унга мажбуран тушиб бўлмайди-ку!

— Э, йўқ. Мақсад танамизни мижозларга қўз-қўз қилиш ва бизни сотиш бўларди.

Ҳайдовчи «Воҳ!» деб юборди.

— Бай-бай, ахир бу даҳшат-ку! Дунёда шунақа bemaza жойлар ҳам бор эканми-а?!

— Ҳа. Неча-неча қизларни турли мамлакатлардан у ерга алшаб олиб келиб, қул қилиб сотишаپти. Улар қочиб кетишолмайди, ҳужжатларини олиб кўйишади. Тилни, жойни билишмайди. Шунинг учун жуда кўплари ўз жонига қасд қиласи ёки калтак зарбидан ўлиб ҳам кетишаپти.

— Ҳай-ҳай, худо асрасин. Ахир, бу жаҳаннамнинг фирт ўзи-ку! Сизни бир худо асрабди. Умрингизни қайтиб берибди. Дугонангиз ҳақиқий мард қиз экан, ўшанга раҳмат. Шундай кўргиликларга чидаган сизгаям раҳмат!

Ҳайдовчининг кўнгли бўшаб кетди. Қизнинг тақдирига ачиниб қўзлари ўшланди. «Астагфируллоҳ», дерди у тинмай... Лекин бу ўшларни ўзи ҳам, орқа ўриндиқда келаётган ҳижобли қиз ҳам сезмаган эди. Фақат йўл четида уларни ДАН ходими тўхтатганидан сўнггина Қосым тоға қалбида ёнаётган аланганинг тафтини чиндан ҳис қилди.

— Ҳа, тинчликми, тогажон? – деб сўради нозир ҳайдовчининг ҳолатини ўзича баҳолар экан. – Нима, бирор яқинингиз ўтдими?

— Бундан кўра ўтгани яхши эди, ўша Маҳмудни...

— Ким у, Маҳмуд деганингиз? – жиддий сўради ходим машина ичини шубҳаланиб кузатаркан ва Зебузарга қўзи тушиб, – Куёвингизми?

— Куёв дейишгаям арзимайди, у ифлос!..

— Хафа бўлманг. Ўзингизни босинг. Рулда кетаётганингизни унумтманг, — деди ҳайрон бўлган нозир йигит ҳайдовчининг ҳужагатларини қайтиб бераркан.

Ҳайдовчи чўнтағидан рўмолчасини чикариб ёшлигини артиб олдида, машинаси томон йўналди ва салон ичидаги кўзларини мўлтиратиб ўтирган Зебузарга қўзи тушиб, яна бетоқат бўла бошлади.

— Ҳой ўслим, ахир бир қара, кўряпсанми, машинамда бир фаришта ўтирибди, — деди у машинасига эҳтирос билан ўтирад экан.

— Ким?

— Фаришта ўтирибди. Бу дунёдаги энг бокира қиз, тушундингми?

ДАН ходими «Нима бало, томи кеттаними, бу кишини?» дегандек ҳайрон бўлиб жўнаб кетаётган машина ортидан ажабланниб қараб қолди.

— Қизим, сен... биласанми кимсан? — деди ҳайдовчи қизнинг ўзига ҳам. — Сен фариштасан! Дунёдаги энг бокира қизсан. Анави чўққини кўряпсанми? — деди у қорли тор ўркачларини кўрсатиб.

— Ҳа, кўряпман, — деди қиз ҳам ҳайрон.

— Ана шу ерга чиқиб, «Мен бокираман!» деб бақир. Агар қорлар кўчиб тушмаса, мен одаммасман, билдингми?

Зебузар уни сенсизай бошлаганидан, қаршисида унинг тақдирига бефарқ қарай олмайдиган, ўз отасига ўхшаш ажойиб инсон турганидан ҳаяжонланиб кетди ва отахоннинг бўйнидан кучиб, кулоқлари тагидан беихтиёр ўтиб олди.

— Биз сен билан эртага қайтмаймиз, қизим, — деди чол жиддий.

— Мен уйга телефон қилиб қўяман.

— Вой!.. — деб юборди қиз ҳайрат билан.

— Ўша Содикхожини бир кўргим бор. Кейин ўша Маҳмуд билан ҳам учрашмоқчиман.

— Вой! Нимага?

— Мениям унинг башарасига туптургим келяпти.

Қиз аввалига анграйиб қолди. Сўнгра эса, шундай қаҳ-қаҳа уриб кула бошладики, унинг беғубор кулгиси, тошлардан- тошларга урилиб акс-садо бера бошлади. У шундай кулардики, унинг замирида ўзининг аянчли тақдирига бўлган алам ва келаёттан ёруғ кунларига бўлган ишонч бор эди...

\* \* \*

Ниҳоят машина ўзлаштирилган бўз ерлардан иборат чўл худудидан ўтиб бориб, Зебузарларнинг мўъжазгина қишлоғига яқинлашиб қолди.

— Тога, мен жудаям ҳаяжонланяпман, — деди қыз узоқ жимлиқдан сүнг.

— Ҳа, албатта... Сенинг келишиңгдан уйингдагиларнинг хабари борми?

— Йўқ.

Отахон унга ажабланиб бир қараб қўйди.

— Ие, шунақами?.. Хорижга кетганингдан-чи?

— Билишган бўлса керак. Лекин қайтиб келишимдан умидларини узишгани аниқ.

— Эҳ-ҳе, ҳали ҳаммаси «бор, таваккал», де. Ҳай майли, ҳаммаси яхши бўлади, хижолат бўлма.

Қиз пиқиллаб йиглай бошлади.

— Уларнинг кўзига энди қандай қарайман?..

Мўйсафиднинг жаҳли чиқди.

— Э, бўлди-да. Ҳали нима дедим сенга?! «Ҳаммасини унут», ҳеч кимга «миқ» эта кўрма! — деди Қосим тога баклашкани очиб сувдан бир култум ичиб оларкан, яна давом этди. — Бўлмаса, гап мундоқ. Уйингта яқинроқ қолганида айтасан. Мен «разведкага» бориб келаман. Сен машинада қимир этмай ўтирасан. Келишдикими?

— Келишдик.

— Ўйда ким бўлиши мумкин?

— Онам, акам, яна укам, қизим.

— Исмлари?

— Онам Чўлпоной, акам Султонали.

— Ҳалиги қамалиб чиққан, тўйбузарми?

— Ҳа. Укам Шербек. У уйланган бўлса керак. Кейин қизим Бокира. Мен кетганимда у икки ойлик эди. Энди 6 ёшга кирган.

— Демак, сени танимайди.

— Ҳа, эслолмаса ҳам керак, — деди қыз бурнини тортиб.

— Тушунарли.

— Ҳув ана қишлоғимиз, келиб қолдик.

— Қулайроқ, яқинроқ жой келганида айт. Ўша ерда тўхтаймиз. Агар уйда аҳвол ноҳушроқ бўлса, мен тез қайтаман, хўпми?

— Лекин қизимни кўрмай кетолмайман.

— Қўрқма, мен сени уларга қизим деб таништираман. Мана бу кўзойнакни ҳам тақиб ол, — деди тоға қутичадан ўзининг қора кўзойнагини олиб бераркан. — Ҳар эҳтимолга қарши. Ҳозирча сени ҳамқишлоқларинг кўрмаганлари маъқул.

— Хўп бўлади, — деди қыз итоат билан ва беихтиёр кўзойнакни тақиб олди. — Яхши экан.

- Қуёшдан асрайди. Бу билан душманингга ҳам бемалол тик қарай оласан.
- Ҳа, түғри. Ажойибсиз-да, тоғажон, — деди қыз самимят билан.
- Бизникига нима деб кирмоқчисиз?
- Тунаб қолишга жой сұрайман, мәхмөнхоналаринг бордир.

- Ҳа, бор.
  - Кейин «Машинам бузилиб қолди», дейман.
  - Акам уста, уни тузатиб беради.
  - Ҳа яхши, демак, уни атайин бузишимга түғри келаркан...
  - Қанақа қилиб бузасиз. Ахир ўзи яхши-ку.
  - Бу нима... — дедиую отахоннинг тили тутилиб қолди.
- Чунки «Бу нима, уни сенга үхшаб бузиш қийинми?» деб юборишига озгина қолди. «Астагfirуллоҳ» — деб қўйди ичида. — ... Э сени ишинг бўлмасин, бўптими? Нима дейишини ўзим яхши биламан, тушундингми?! — деди у ҳазилона ўшқириб.
- Ҳўп-ҳўп, тушундим. Мени кечиринг энди, тоғажон, — деди қыз эркаланиб.
  - Ҳе сени, ўша, эшагингга аравам... — дея ўзича сўкинди отахон.

Шундай яхши ҳайдовчини учратганидан қыз жуда ҳам баҳтиёр эди. Улар Зебузар туғилиб ўсган хонадоннинг берирогида тўхташди. Қосим тоға машинанинг у ёқ-бу ёғини кавлаб, ҳар эҳтимолга қарши калитни солса ҳам пих-пихлаб тураверадиган қилиб қўйди.

- Агар мен бирор билан қайтсан юзингни ҳам тўсиб ол, ҳўпми?
- Ҳўп бўлади.
- Қўзойнакни ечма.
- Ҳўп.

### ЧЎЛДАГИ «ЙЎРҒА»

— Бўпти, Худо мададкор бўлсин. Мен кетдим бўлмаса, — деди кекса ҳайдовчи Қосим тоға ва шаҳдам қадамлар билан бориб, Рашид аканинг дарвозасини қоқа бошлади. Юраги тузоққа илинганд қўшдек типирчилай бошлаган Зебузар уни хавотир билан кузатиб турарди. Сал нарида болалар кўча чангитиб тўп телишарди. Қыз радиони ёқди. Унда найдан «Отмагай тонг» куйи тараалмоқда эди. Қыз куйни берилиб тинглай бошлади ва кўзларидан ёш думалади. Бу орада Қосим тоға ичкарига кириб кетди. Уни кимдир ичкарига таклиф қўлди шекилли. Лекин кимлигини аниқ кўрмади. Бошларида чойшабда кўк қамишни кўтариб, бир тўда қизлар машинага сукланиб қараб ўтиб кетишиди. Яқингинада Зебузар ҳам ана шу қизлардек солда, офтоб тифида қорайган бегубор чўл

қизи эди. У қызлар ортидан қараб қоларкан, ўз болалиги ҳақида чуқур ўйга толди. Най навоси хаёлан уни аллақаёкларга етаклаб олиб кетди...

Зебузарнинг бегубор болалиги мана шу чўл қўйнида бунёд бўлган кичик бир қишлоқда ўтди. Мактабда аъло ўқирди. Айниқса, адабиётга, шеъриятга ихлоси баланд, кўплаб шеърларни ёд билар ва баъзида ўз битикларини болалар газетасига йўллаб турарди. Мактабдан бўш пайтларида ака-укаси билан бирга дадасининг дехқончилик ишларига қараашар, барча дугоналари қатори дала ва уй юмушлари билан тонг саҳардан то кечга қадар банд бўларди. Шу туфайли ота-онасига дастёр, офтоб қизи, ҳақиқий чўл қизи бўлиб улғайди. Лекин 12 ёшга борганида онаси Гавҳарой саратон касаллигига чалинди ва кўп ўтмай бу фоний дунёни тарк этди. Бу йўқотиш қизалоқнинг руҳиятига оғир таъсир қилди. У ўзини кўярга жой топа олмас, кечалари ухламай йиглаб чиқар ва тез-тез қабристонга бориб, онасининг қабри устида узоқ қолиб кетадиган одат чиқарди.

— Ойижон, бизни нега барвақт ташлаб кетдингиз? Энди биз нима қиласиз, сизсиз қандай яшаймиз? — дерди қиз ҳар доимгидек пиқиллаб йиғларкан.

— Кўй энди қизим, ноилож, кўнишишга мажбурмиз. Кўп қайгураверма, ойинг энди қайтиб келмайди, — деб овутарди отаси хомуш.

— Нимага қайтиб келмас экан? Унда биз қандай яшаймиз?.. Сиз ахир онамнинг ўрнини босолмайсиз-ку! — дерди қиз ўксисб.

— Тўғри. Иложимиз қанча, қизим.

Рашид ака қизининг ўтинчи ҳақида уларникуга йўқлаб келган опасига айтиб берди. Аммаси жиянига жуда ачинди. Қизнинг бошини силади.

— Ҳа, сен ҳали жуда ёшсан. Катта рўзгорнинг ташвишлари сенга оғирлик қиласиди. Лекин нимаям қила олардик, Аллоҳнинг инояти шунаقا экан, жияним. Сизларга бир она топмасак бўлмайди, шекилли.

— Нималар деяпсиз?! — дея жеркиб берди Зебузар. — Буни хаёлингизгаям келтирманг. Бизга ҳеч қанақа ўгай она керак эмас, қийналсам ҳам уй-рўзгор ишларини ўзим эплайвераман.

— Ҳа, қизгина-я, сенинг ақлинг нимагаям етарди? Отангниям ўйлагин-да. Ахир, қанот жуфт бўлади, деганлар.

— Нима, бизлар у кишига қанот эмасми ҳали?

— Сизларнинг йўриғингиз бошқа.

— Унақа деманг, боринг йўқолинг! — дея бақирди Зебузар ва яна йиглаб ҳовлига чопиб чиқиб кетди.

— Унга бу тўғрида бекор айтибсиз, — деди Рашид ака, опасига, — хафа бўлади.

— Бекорни айтибсан, яқинда бўйи етиб эрга бериш керак бўлади. Уни ювиб-тараб, тарбият қиладиган аёл киши бўлмаса бўлмайди. Сен ниманиям тушунардинг. Ўзинг ҳам ҳали ёшсан, сўққабош ўтишинг тўғри келмайди. Ўйлаб кўр, кийим-бошингни қачонгача қизингга ювдирасан, ахир?..

Рашид индамай қолди, нима қиларини билмай боши қотди.

— Кўп ташвиш қилаверма, бир мўлжаллаб қўйганим бор. Туғмаганлиги учун эридан ажрашган. Бола деса жонини беради.

— Э, қўйсангиз-чи!..

— Сен тек ўтири. Ҳаракатни мени ўзим қиласман.

— Кимни айтаяпсиз ўзи?

— Ҳа, юрагинг пўкилладими дарров?

— Ахир у сигирмас-ку, билиб-бilmай...

— Уни танийсан, обжувозчи Шариф акани қизи Чўлпоной.

Рашид уни эслади. Унинг кўз ўнгига обжувоз олдида шолини ёйиб қуритиб, чангини шопириб турадиган чаққон ва кўҳликкина қиз намоён бўлди. Рашид ўшлигига отаси билан бошқалар қатори обжувозга шоли олиб боришиб гуруч чиқариб келишар, дўлга солишдан аввал шолини офтобда қуритишга тўғри келарди. Бу ишларга Чўлпоной ёрдам берарди.

Ўзидан икки синф пастда ўқийдиган бу шоира қиз Рашидда ҳавас уйғотган ва унинг кўнгил торларини чертиб ўтганди. Лекин мактабни битиргач шаҳарга ўқишга ва ундан нари ҳарбий хизматга кетиб қолди. Шу туфайли ҳам дилидагини қизга ошкора айтишга ултурмайди... «Қайтиб келгунимча у мактабни битиради, кейин эса бирор ўқишга кирап. Армиядан келаману уйига совчи жўнатаман», деб кўнглига туғиб қўйганди йигит. Афсуски, орзу бошқа, ҳаёт бошқа экан. У хизматдан қайтиб келганида Чўлпонойни аллақачон Салим исмли, Рашиддан икки ёш катта бўлган йигитга бериб юборишган экан. Кўнгил торлари охиригача чертилмай армон бўлиб қолаверган эди ўшандা. Кейин билса, унинг боласи бўлмагани учун эри ҳайдаб юборган экан.

Ажойиб опаси бор-да лекин. Унинг дилидагини топиб айтганини қаранг. Эҳтимол, бошқа аёл ҳақида гапирилганида у рози бўлмаган бўлармиди? Аммо Чўлпонойга «йўқ» дея олмади.

Афсуски, «йўқ»нинг каттасини қизи Зебузар айтди. У «Бизга ўғай она керакмас», дея оёқтираб туриб олди. Кўпчилик қавм-қариндошлар унинг раъйига қараб ўтиришмади. Тез орада Шариф обжувозчининг қизи билан никоҳ ўқитилди ва келин бўлмиш Чўлпоной уларни кида елиб-югуриб хизмат қила бошлади. У Зебузарнинг деярли барча юмушларини ўз қўлига олган эди. Бу ҳолат қизни бетоқат қиласар, ўғай онага беписанд ва қўрс муносабатда бўлар, ҳатто бемаврид жеркиб ҳам ташларди. Лескин Чўлпоной қизнинг ҳолатини тўғри тушуниб, «ўтиб кетар, ўрганиб қолар» деган фикрда унинг инжиқликлари га чидаб келарди. Кичик Шербек эса, ўзига нисбатан ўта меҳрибонлик билан муносабатда бўлаётгани учун «янги ойи»ни тезда ёқтириб қолди ва ҳатто, «Ойи» деб чақира бошлади. Акаси Султонали ҳам Чўлпонойнинг самимий муносабатига тезда кўнига бошлади.

— Қизим, — деди кунлардан бир куни Рашид ака. — Ойинг сендан хафа бўлаяпти. Ундай қилма.

— Йўқ! Нега энди у менинг ойим бўларкан?! — деди қиз. қош-кўзларини чимириб.

Ойлар ўтди, лекин Зебузар ўз қайсарлигидан қолмади. Ўгай онаси ўз онасининг ўрнини эгаллаб олганига сира чидолмасди. Ўз кирларини ўзи ювар, ҳатто бирга овқатланмасди ҳам. Отаси кун бўйи далада бўлар, Зебузар эса ўгай онани писанд ҳам қилмай хоҳлаганида уйига кириб, хоҳлаганида чиқиб кетар, ўз билганидан қолмасди. Бу ҳолат Чўлпонойни ташвишга сола бошлади ва қизнинг тарбияси билан жиддий шуғулланишга жазм қилди.

— Менга худо фарзанд бермади, балки сизларни етказди. Мен бутун борлиғимни сизларга баҳшида қилишга тайёрман, қизим. Сен ҳам она бўласан, ўшанда мени тўғри тушунасан.

— Йўқ! Тушунишни хоҳламайман. Сизга биз керак эмасмиз. Сизга отамнинг қўйни керак, холос!

Бу гапнинг гувоҳи бўлиб қолган укаси Шербек опасини уринча бошлади: «Нега ойимга ўшқирасан?!» Чўлпоной йиглаб

ичкарига кириб кетди ва тезда тугунчасини кўтариб чиқиб: «Майли, ўғлим, яхши қолинглар. Мен ойиларингни ўрнини боса олмадим, шекилли» деди-да, кетишга тараддудланди.

Бу пайтда эндиғина ўқишдан қайтган Султоналини ҳам ҳайрон қолдириб: «Хайр ўғлим, яхши қолинглар. Дадаларингни эҳтиёт қилинглар», дея кўчага чиқиб кетди. Султонали эса:

— Тўхтанг. Сиз қаёққа? — деб қолаверди.

— Ануви мишиқи ойимни ҳайдаб юборди, — деди укаси Зебузарни кўрсатиб.

— Нега ундей қилдинг? Энди отамнинг аҳволи нима кечади? Яхши аёл эдику! Сен эртага бировга тегиб кетасан. Биз ким билан қоламиз? Сенинг тўйингни ким ўtkазади?

— Ташвишимни қилмай кўя қол. Менинг тўйим бўлмайди, мен эрга тегмайман, билдингми?!

Ишдан ҳориб-толиб қайтган Рашид ака ҳам уйдаги аҳволни кўриб, анча афсусланди.

— Ҳай, майли, қизим. Бўлар иш бўлти. Сен шуни хоҳлабсан, энди шундай яшайверамиз. Лекин у сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган эди. Укангни ўйласанг бўларди.

— Укамними, сизними?!

— Йўқ, ўзингни. Билиб қўй, қиз бола бировнинг хасми бўлади. Сени эса бўйинг етиб қолди. Нима, кўрпа-тўшагингни амманг қавиб берармиди?

— Қавийдиганни ўзим топиб оламан...

Ҳамма галдан хабар топган аммаси келиб, жанжал қўтарди.

— Ҳаҳ, яшшамагур! Сен ҳали катталарапнинг ишига аралашадиган, ҳаётини бузадиган бўлиб қолдингми?!

— Мен барибир ўгай онанинг биз билан яшашини хоҳламайман! — деди қиз қатъий.

— Опа, қўяверинг. Хоҳламаганидан кейин нима қиласиз, зўрлаб.

— Вой, ахир бунинг жа ўзбошимча бўп қопти-ку! Биров буни тергамаса, ўз билганини қилиб юраверса эканда-а! Бунинг ҳали бир иш чиқармаса гўргайди, деб қўрқаман... Офтоб уриб миаси айнаб қопти бу қизингни.

Рашид ака бир хўрсиниб қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Орадан кунлар ва ойлар ўтди. Тобора улғайиб бораётган болалари учун бир оз маблағ орттириш мақсадида Рашид ака дехқончилик ишларига янада шўнғиб кетди. Шоли экиш учун яна қўшимча ерлар олди, тарвуз ҳам экишди. Зебузарнинг акаси ва укаси отасининг ёнига киришди. Қиз эса асосан, уй юмушларини бажарар, далага овқат пишириб олиб борар ва қайтишда молларга ўт йиғиб чойшабда кўтариб қайтарди. Шу тарзда ою йиллар ўтиб борарди. Ҳадемай Зебузарнинг бўйи етиб,

тобора күзга яқин бўлиб қолганлиги туфайли унинг йўлини пойлайдиган йигитлар ҳам пайдо бўлди. Қишлоқ йигитларини Зебузарнинг чўлнинг қуёшида қорайиб қотган ёноғи, чиройли қадди-қоматию қизлик ифори маст қила бошлади. Зебузар ўзининг гўзаллиги, латофати ва қайсарлиги билан бошقا қизлардан кескин фарқ қиласарди. Тез орада унинг ҳусну жамоли ҳамда оғатижонлиги ҳақидаги миш-мислар бўйдоқ йигитларнинг қулоғини қиздира бошлади. У синфдош қизлар орасида энг кўхлиги эди. Шу туфайли синфдаги йигитлар орасида ҳам, мактабни битириб кетган, армия хизматидан қайтган ёки шаҳарда ўқиётган йигитлар орасида ҳам унинг хушторлари кўп эди.

Бир куни хунук воқеа юз берди. Зебузар тўпланиб турган бекорчи йигитлар ёнидан ўтиб бораркан, ўзаро бўлаётган мунозара мавзуси одатдагидек қизнинг ортидан унинг этагини ушлаб эргашиб кетди.

— Вой-бў, ана қадду ана қомат, — деди Шокир исмли ўқишига кира олмай қайтиб келган йигит.

— Ҳа, яхши нарса, — дея тасдиқлади Раҳим дегани.

— Лекин жуда қайсар-да, — деди Қўшниси Жаббор.

— Минилмаган йўрга-ку... — деди кулиб Содикҳожининг эрка ўғли Маҳмуд. У қўлидаги машинасининг калитини тўхтовсиз айлантирганча қизнинг ортидан ҳирс билан қараб қолди.

— Ҳа, бу йўргани жиловлаш анча қийин бўлса керак, — деди Шокир.

— Тўғри айтасан, у тепағон, — деди Жаббор беўхшов тиржайиб.

Йигитлар кулиб юборишиди.

— Лекин ҳар қандай ёввойи йўргани ҳам жиловласа бўлади, — деди Раҳим.

— Кизиқ, уни жиловлаш кимга насиб қиласкин-а?

— Мана менга-да, — деди тўсатдан Маҳмуд. — Уни мен жиловлайман.

— Э, қўйсанг-чи!

— Спор ўйнаймизми?

— Ўйнаймиз.

— Нимадан?

— Ютсам менга от олиб берасанлар.

— Ютқизсанг-чи?

— Ютқизсамми? — дея ўйланиб қолди Маҳмуд.

— Ютқизсанг, анави машинанг бизники бўлади, — деди Шокир.

Маҳмуд бошини қашлаб ўйланиб қолди. Бир «06» машинасига, бир узоқлашиб бораётган Зебузарга маккорона нигоҳ билан тиржайиб қаради, қўлини кўтарди-да, Шокирнинг ва бошқа йигитларнинг қуллари билан «Нима бўлса бўлар», дегандек қарс-қарс этказиб уриб чиқди. Баҳс бойланди. Йигитлар учун бу ўйин ўзгача шавқ бағишлай бошлади. Улар офтоб тифида тугунча кўтариб кетаётган қиз ортидан ҳам ҳавас, ҳам ачиниш билан қараб қолишиди.

— Қўлингдан келмайди. Нима қиласан шарт бойлашиб, — деди Раҳим бемаъни ўйиннинг оқибатини ўзича баҳолар экан.

— Нега келмас экан? Гапим гап. Йигит бир марта гапиради. Сенлар отни тайёрлайверларинг. Мен бўлмаса, «ўз йўргам»ни жиловлагани кетдим, — деди Маҳмуд ва тезлик билан машинасига ўтириб-да, қуюқ чангни тўзғитганча қизнинг ортидан ўқдай учириб кетди.

Йигитлар ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас билан чангда қолавердилар ва «Нима қиларкин?» дея ўта қизиқиши билан машинанинг ортидан кузатиб турдилар.

Ўқ каби учган машина қизга яқинлашганида мулойим кучукдай думини ликиллатиб эргаша бошлади. Маҳмуд магнитофондан бир ёқимли қўшиқни топди-да уни баланд қилиб қўйиб, қиз олдидан ўта бошлади ва унга «ўтири» дея ишора қилди. Зебузар эса қиё ҳам боқмади. Гўё ҳеч нарсани эшиитмагандек, ўз йўлида мағрут давом этди. Маҳмуд қизариб кетди. Ортига — йигитларга қаради. Улар қийқириб ҳуштак чалишмоқда эди. У энди бўзарди ва йўл ўнқир-чўнқир бўлса-да яна чангитиб машинасини тез ҳайдаб кетди.

— Ўл, афting қурсин, шилқим бойвачча, — деди Зебузар. Бу пайтда мана шу бойвачча унинг тақдирини кескин ўзгартириб юборишини сира ҳам хаёлига келтирмаган эди.

## АРЗАНДА

Маҳмуд Содиқҳожининг яккаю ягона арзанда ўғли эди. Ҳожининг катта-катта узумзор боғлари, теракзорлари, тегирмону обжувози ҳам бор эди. Уйи ҳам кўркам, дарвозаси нақшинкор, болохонали — қишлоқнинг олди уйларидан эди. Уйининг олдида қаторлашиб тракторлари, юқ машинаси, гаражида эса қора «Волга»си ҳамда ўғлининг «Жигули»си турарди. Албатта, ҳожи ўғлига ўзига ўхшаш бадавлат ойланинг қизини олиб беришни орзу қиласи ва ошналаридан бирининг қизини келин қилишни

күнглига туғиб қўйганди. Лекин чўнтағида жарақ-жарақ пули бўлган эрка ўғлининг аёлларга суюги йўқлигини ва шаҳарга тез-тез «донлагани» бориб, кеч қайтишини сезса-да, индамасди. «Кўнгилхушлик қўлгани билан бирор жойи камайиб қолармиди? Менинг давримла ўйнаса ўйнабди-да», дерди у ўзича Бироқ бир жиҳатидан бирор муттаҳам жазманга илакишиб қолиб, ишни пачава қилиб қўйишидан чўчириди. Шу туфайли у кейинги пайтларда ўғлини тезроқ ўйлантириш ва унинг учун муносиб қаллиқ топиш ҳақида кўпроқ ўйладиган бўлиб қолганди.

Кунлардан бир куни Содикҳожи гуручни үлгуржи сотишни мўлжаллаб, эски қадрдони – андижонлик савдогар Собирҳожиникига меҳмон бўлиб борди ва уйида хизмат қилиб юрган унинг кўҳликкина қизининг хатти-ҳаракатларини маҳлиё бўлиб кузатди.

– Бу кенжা қизим Шаҳло, – деди ҳожи ошнасининг нигоҳини фаҳмлаб.

– Жа одобли, хушсурат қиз бўлибди-да, кўз тегмасин, яхши жойларга тушиш насиб қиссин, илоҳим.

– Илоҳим, айтганингиз келсин. Худо хоҳласа ўғилларни уйлаб-жойладим. Бу қизим менинг энг яхши кўрган «супра қоқдим» бўлади. Илоҳи бўлса узатгим йўқ.

– Лекин наилож, қиз болани «палахмон тоши» дейишади.

– Тўғрику-я, қанақа жойга, кимнинг қўлига тушади? – деди Собирҳожи афсус билан.

– Берсангиз, мана менинг ўғлимга берарсиз-да. У ҳам менинг биттаю битта арзандам. Сизга ўхшаган тагли-тугли, яхши инсонлар билан қуда бўлишга орзумандман, – деди Содикҳожи калласига келиб қолган ажойиб фикридан тўлқинланиб.

– Тақдери насиб, деганлар... – деди Собирҳожи ҳам, «ўйлаб кўраман» деган маънода.

Шундай қилиб икки ошна ўз орзу-ҳавасларини амалга ошириш борасида «шаҳдам қадам» ташлай бошладилар. Лекин Маҳмуд ҳам бу маҳалда ўз қадамини Зебузар сари «каттароқ» ташлаш ҳаракатида эди. Унинг бутун фикри-ўйи қизни қандай қилиб «илинтириш», «ёввойи йўргани жиловлаш» бўлиб қолганди. Шундай қилмаса ўртоқларининг олдида нима деган одам бўлади, ахир.

Маҳмуднинг шарт бойлагани ҳақидаги гап аллақачон барча қишлоқ йигитлари ўртасида тарқаб бўлган, айримлари ҳайрон бўлса, баъзиларининг ғазабини қўзғаттган ҳам эди. Зебузарнинг икки синфдоши Маҳмудни ўртага олиб, бу фикридан қайтишини ҳам талаб қилдилар.

— Билиб кўй, агар Зебузарга бир гап бўлса онангни кўрсатамиз, — деди Йигитлар.

— Мен уни яхши кўраман. Мана кўрасанлар, у ҳам мени яхши кўриб қолади.

— Лекин сен уни баҳтли қилолмайсан!

— Ҳўв ука, ҳозирги замонда пулинг бўлса бўлди, баҳт деганинг қуруқ сафсата, билдинг?

— Ҳе ўргилдим, сендақа бойваччадан. Зебузар сенинг пулингга зор эмас.

Бир кун тунда унинг олдига Сайд исмли отлик ҳамқишлоқ йигит келди.

— Ҳа, менда нима ишинг бор? — деб сўради Маҳмуд.

— Мен сенга мана бу отимни олиб келдим.

— Уни нима қиласман?

— Ма, ушла, — деди Сайд отнинг юганини унинг қўлига тутқазиб. — Шарт бойлашда «ютдим» деб ҳисоблайвер.

— Ҳў, каллаварам, отингни ўзинг мин. Ахир уни олсан, Зебузар ҳам қўлимга кирган бўлади-ку...

— Зебузарни тинч кўй.

— Ў-ҳў, рақибиммисан дейман-а..

— Қўлингдан келса унинг соғ муҳаббатига эриш!

— Қўлимдан ҳамма нарса келади. Менинг ишимга аралашма.

— Агар қизга бир гап бўлса терингни шилиб оламан!

— Ҳўв бола, оғзингга қараб гапир, ўзингни абжафинг чиқиб қолмасин! — деди Маҳмуд унинг ёқасидан олиб.

Агар шу маҳалда ичкаридан отаси Содикҳожи чиқиб қолмаганида, ким билади, икки йигит ёқалашиб, аллақачон муштлашиб кетишган бўлармиди.

— Ҳа икковинг, жўжахўрозда ўҳшаб-а... — деди отаси.

— Э, йўқ, ўзимиз ҳазиллашяпмиз, — деди Маҳмуд ўзини хотиржамликка олиб.

— Сен анави Салим писмиқнинг ўғлимисан?

— Ҳа.

— Бор уйингта, аравангни торт! «Тенг тенги билан, тезак қоли билан», билдингми?!

Мулзам бўлган Сайд отини етаклаб, индамай нари кетди.

Бу гапдан кейин ҳам Маҳмуд ўз ҳаракатини тўхтатмади, балки Зебузарга бўлган «иштиёқи» янада ортди ва қандай қилиб унинг «қалъасини забт этиш» йўлларини излай бошлади. Маҳмудни бир шилқим бойвачча сифатида биладиган Зебузар унинг файриодий режаларидан бутунлай бехабар эди. У ҳам энди мактабни тамомлаб, қишлоқнинг энг кўҳлик қизларидан

бири сифатида күзга ташланиб қолган ва совчиларнинг нишонига айланниб бораётган, бироқ онаси йўқлиги туфайли улар гарангсишаётган бир палла эди. Отаси эса доим далада, иш ниҳоятда кўпайиб кетганидан акаси Султонали билан энди улар далада капада тунаб қолишар, ҳатто сигирларини ҳам далага олиб кетишганди. Зебузар бўлса, фақат укаси Шербек билан қолган, у нон ёпар, кир ювар ва овқат тайёрлар, тушликни ўзи, кечки овқатни эса укаси далага етказар эдилар.

Маҳмуд учун бу ҳолат анча қулай эди. Ҳар ҳолда она назоратида бўлмаган қизнинг бошини айлантириш унга жуда осон туюларди. Ниҳоят ҳар куни қизнинг далага бориши ва қайтишини машинасида ўтириб олиб пойтайвериш унинг жонига тегди. Писиб ётавергандан кўра «хужум қилиб жон бермоқ»ни афзал деб билди.

Кунлардан бир куни у аммасининг қизи Шоира билан Зебузарнинг апоқ-чапоқ гаплашишаётганларига гувоҳ бўлиб қолди. Билса, улар синфдош, қалин дугоналар экан.

— Менга қара, Шоира, — деди Маҳмуд қариндоши билан учрашгач. — Анави Зебузар бор-у, қанақасан?..

- Яхши, нимайди?
- Ҳалиги...
- Ҳа, танишитириб қўяйинми?
- Яхши бўларди.
- Унга уйланмоқчимисиз?
- Ҳа. Фақат ҳалиги, нимайди, аввал у билан бир гаплашиб, кўнглини билмоқчи эдим...
- Вой майли. У жудаям яхши қиз. Лекин онаси йўқ, унга жудаям қийин-да.
- Биламан. Менга у жудаям ёқади, ёрдам берасанми?
- Албатта, акажон. Жуда яхши бўларди. Лекин у ҳали турмушга чиқмаса кераг-ов.
- Чиқмай қаёқча борарди?
- Уйидагиларга ким қарайди?
- Отаси уйлансин-да бўлмасам, қачонгача сўққабош юради?
- Зебузар қўймаган. Энди ўзиям афсусда.
- Нега?
- Рашид ака Чўлпон опага уйланган эди, Зебузар бўлса уни ёқтиримай ҳайдаб солди.
- Ҳа, яхши бўлмаган экан.
- Чўлпон опа жуда яхши аёл эди.
- Айтмоқчи, улар ўртасида никоҳ ўқитилганми?

- Ҳа, ўқитилган.
- Бўлмаса уни уйига қайтариш керак.
- Ҳа, яхши бўларди, лекин ҳандай қилиб?

Маҳмуд ўйланиб қолди ва ўз онаси, Чўлпоной ҳамда Зебузарнинг онаси раҳматли Гавҳаройлар синфдош бўлганликлари, альбомларида уларнинг бирга тушган сурати ҳам борлиги ёдига тушди.

— Чўлпон опа Гавҳар опанинг яқин дугонаси эди. Ўтган ҳайит арафасида унинг қабри устида йиғлаб ўтиргани ва гул экаётганига қўзим тушган эди, — деди Маҳмуд.

- Вой ростданми? Бу ҳақида Зебузар билармикин?
- Билмасам.

— Бўлмаса яқинда Курбон ҳайити бўлади. Чўлпон опа у ерга яна келсалар керак.

— Ҳай майли, бу ўз йўлига, лекин мени дугонанг билан қачон таништирмоқчисан?

- Билмадим, ўйлаб кўрарман.

— Менда бир таклиф бор, — деди Маҳмуд бир ютиниб олиб, — бизнинг тарвузпоямиздаги капада бир ўтириш қилмаймизми? Мен сизларни меҳмон қиласман.

- Вой, у кўнмайди-да.

— Тўғри, бу осонликча бўлмайди. Ахир айтадилар-ку «Жон кўйдирмасанг, жонона қайд» деб.

Улар кулиб юборишли.

— Вой, мен унга буни қандоқ қилиб айтаман?

— Тарвузхўрлик қиласиз, дейсан. «У ерда қоровул

Матқовул ака бор», кўркма дейсан.

- Иннайкейин-чи?

- Иннайкейин, нима бўларди? Оқибати тўй бўлади-да...

- Худо хоҳласа, тақдир насиб қилса.

— Шоира, хуллас менга ёрдам бер. Мен ҳам Чўлпон опани тезроқ қайтаришга ҳаракат қилиб кўраман. Тузиб қўйган режам бор.

- Ўхӯ, куёв бола, жа бетоқатсиз-ку, а?

- Ҳа энди...

— Ундан кўра бадавлатроқ одамларнинг қизларига уйлансангиз бўлмайдими-а?

- Йўқ, менга ўша дугонанг маъқул.

- Ҳожи ота кўнмасалар кераг-ов.

— Бу ёғни қўявер. Мен нима десам, шу бўлади, билдингми?

Маҳмудга Шоиранинг раҳми келди. «Севиб қолибди-да, бечора» деди у ўзича ва унинг илтимосини бажариб, яъни уларни

яқинроқ таништириб, насиб қилса, юлдузлари юлдузларига түгри келса, баҳтли турмуш қуришларига сабабчи бўлиб қолишидан фахрланди ва бундан буён ҳақиқий воситачига айланниб қолди. Уларнинг дарди гўё ўз дардига айланди. Фақат бир муаммо бор эди. У ҳам бўлса мағрур ва беғубор дугонаси Зебузарни кўндириш, унинг жиловини Маҳмуднинг қўлига оқ кўнгиллилик билан тутқазиб, икки ёшнинг баҳтли оила қуришларига ёрдам бериш масъулияти эди. Шоира ана шу масъулият юкини ўз зиммасига олганди. Лекин воқеалар ривожи у кутганидан бошқачароқ тус олди.

Зебузар навбатдаги тушликни олиб йўлга тушганида, унинг уйидан чиқишини машинада Маҳмуд ва Шоира кутиб туришарди. Улар ҳам ўзларини даладаги ҳашарчиларга тушлик олиб бораётган қилиб кўрсатишни режалаштирган эдилар.

Машина бир қўлида тугун, бир қўлида термосни кўтариб олган қиз олдида тўхтади. Зебузар бу машинага одатдагидек парво ҳам қилмади. Чунки унинг эгаси кимлигини ва нима мақсадда тўхтаганлигини яхши биларди.

— Дугонажон, чиқа қол. Биз ҳам далага кетаяпмиз, йўл-йўлакай сени ҳам ташлаб ўтамиш, — деб қолди шу пайт машина ичидан Шоира қўлларини силтаб ва эшикни очиб уни таклиф қилди.

Зебузар ноилож машинага ўтириди ва Маҳмудга совуққина «Яхшимисиз?» деб сўрашган бўлди. Маҳмуд ўзини бепарво тутди ва қизга қарамаган ҳолда «Қалай, яхшимисиз?» деб қўйди. Икки дугона хушчақчақ гаплашиб кетишли. Маҳмуд салон ойнасидан Зебузарнинг чехрасига нигоҳ ташлаб қўяр, қиз буни сезиб ўзини ноқулай ҳис қиласарди. Машина унинг манзилига етиб келди.

— Қачон қайтасан? — деб сўради Шоира гўё ҳеч нарсадан хабарсиздек.

- Бирор соатдан кейин.
- Биз ҳам қайтиб қолармиз. Кейин бизникига боргин.
- Йўқ, вақтим йўқ, уйда ишим кўп.
- Бўлмаса ўзим кела қоламан, майлими?
- Майли.
- Хўп, ҳозирча хайр.

Улар кетишли. Лекин узокроқда баланд тол салқинида Зебузарнинг яна пайкалдан қайтиб чиқиб келишини пойлашди. Ниҳоят у чиқиб келди. Машина ҳам жойидан қўзғалди.

— Вой, чиқақол дугонажон. Биз ҳам қайтдик. Машина учун бир қадам экан-да.

Шундай қилиб Маҳмуд Зебузар сари бир қадам ташлади. Бу ёғига Шоира зўр берди. Маҳмуд ҳам қараб ўтиргади. Уйдаги альбомдан Гавҳаройнинг суратини топиб, уни суратхонада катталашириб келди. Сўнгра қабр учун чиройли панжара сотиб олди ва икки мардикорни ёллаб, уни Гавҳаройнинг қабрига ўрнатишиди. Чунки Курбон ҳайитига яқин қолган, бу билан Зебузар ва Чўлпоной учун ўзича тухфа ҳозирламоқда эди. Бу жараён у кутганидан ҳам зиёда иш берди.

Чўлпоной эккан гуллар, чиройли чўян панжара қабрга янада ўзгача салобат бахш этди. Қабр тошга Гавҳаройнинг сурати зарб қилинди.

Ҳафтада бир бор тонг саҳар гулларга сув қўйиб, Куръон тиловат қилиб дугонаси билан ўзаро дардлашиб кетишни одат қилган Чўлпоной қабристондаги бу саришталикини кўриб қувониб кетди ва бу ишларни уюштирган Рашид aka ва Зебузардан чексиз миннатдор бўлди. Уларга бўлган меҳри янада жўш урди. Қабрни янада саришталиб, тозалади. Қабристон қоровули унинг бу ишларидан ҳайратланди.

- У кимингиз бўлади? – деб сўради қоровул.
- Яқин дугонам.
- Э-ҳа, ахир сизни Рашидбекка теккан дейишганди.
- Ҳа, шунаقا.
- Ҳа, сизга раҳмат қизим. Дутонангизнинг болаларини ўз бағрингизга олибсиз, кўп савоб иш қилибсиз. Парвардигор сизни кўлласин.
- Айтганингиз келсин, илоҳим.

Ўша куни Чўлпоной Рашид аканикига қайтиб боришни жуда-жуда истади. Унинг болаларини, айниқса, ўз боласидек азиз бўлиб қолган Шербекни жуда соғинганди. Лекин қандай қилиб, Зебузарга қай кўз билан қарайди? У ҳам катта қиз бўлиб, узатиладиган бўлиб қолгандир, совчилар ҳам оғиз солишаётгандир. «Рашид aka нима қилаётган эканлар? Бечорага жуда қийин бўлаётгандир. Ё бошқа бирортасига уйланмоқчимиканлар? Унда нега менинг жавобимни беришмайди?» каби саволлар унинг хаёлида гужон ўйнарди. У дугонаси Гавҳаройни эслади. Улар жуда яқин ва сирдош эдилар. Болалик хотиралари, ёшлиқ орзулари, Гавҳаройнинг гўзал, кулиб турган чехраси бир-бир кўз ўнгидан ўтди ва туни билан дугонасига бағишлиб шеър битди. Шеър фарзандларига она бўлиштга руҳсат сўраб ёзилган нома сифатида эди. Чўлпоной эртаси тонг саҳарданоқ яна қабристонга бориб, қабр устида узоқ ўтиргди. Ёзган шеърини пичирлаб ўқиди ва уни

тўрт буқлаб, дугонасининг кулиб турган фото сурати туширилган мармартоши орқасига қистириб қўйди.

Ҳадемай Курбон ҳайит куни ҳам яқинлашди. Арафа куни Рашид ака ўғил-қизлари билан Гавҳаройнинг қабрини зиёрат қилиш учун бордилар, лекин қабрни топа олмай ҳайрон бўлдилар. Улар билган гўр ўрнида чиройли саришталанган, гуллар экилган, панжарали қабр турарди.

— Вой, ахир бу ойижонимнинг қабрлари-ку! — дея қичқириб юборди Зебузар онасининг суратига кўзи тушиб. У сурат орқасидаги қофозга битилган шеърни ҳам олди ва уни овоз чиқариб ўқиб берди. Ҳаммалари ҳайрон эдилар. «Бу кимнинг иши бўлди экан?» деган савол уларни ўйлантириб қўйган эди.

— Бу ишни асли биз қилишимиз керак эди, қизим. Лекин ким қилган бўлса ҳам отасига раҳмат, яхши инсон экан.

Улар қабристондан қайтаётib, қоровулдан: «Бу кимнинг иши?» деб сўрадилар. Қоровул ҳайрон бўлиб, «Нима, хабарингиз йўқмиди?» дея саволга-савол билан жавоб қайтарди.

— Бу ахир хотинингиз Чўлпонойнинг иши-ку! У бу ерга тез-тез келиб туради, — деди қоровул.

Рашид аканинг юраги гупиллаб уриб кетди. Зебузар ўзини қаерга қўйишини билмай қолди ва қизариб кетди. Султонали: «Э, қойил!» деб юборди. Шербек эса, «Мен янги ойимга бораман!» — дея йиғлаб юборди. Зебузар шунчалик қалби дарё аёлни хафа қилиб қўйганидан қаттиқ хижолат чекар ва ўз-ўзини тўхтамай қарғаб борарди. Улар қабристондан ана шундай ўзгача кайфият билан қайтдилар.

— Отажон, — деди Зебузар отасига. — Бугун арафа, ўзингиз бир ош қилиб беринг.

— Майли қизим, лекин далага...

— Бугунча дала туар. Дам ҳам олинг. Бирор марта оиласвий ўтирайлик.

— Хўп бўлади. Мен янги гўшт олиб келай бўлмасам...

— Биз ҳам бир жойга бориб келамиз.

— Қаёқقا?

— Ойимникига. Уни олиб келамиз.

— Й-йўғе... — деб юборди Рашид ака.

— Ҳа, ошни ойим билан бирга еймиз. Юринглар, кетдик, — деди Зебузар қатъийлик билан.

— Ур-ре! Ойимни олиб келамиз! — дея қичқирди Шербек.

— Оббо сеней, яшавор синглим, — деди Султонали ҳам.

Чүлпонойларнинг дарвозасидан бир кампир чиқиб келди ва уларни кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳайитингиз қуллуқ бўлсин, хола, — деди қиз.

— Вой, ўзларингизният. Келинглар, сизларни танимайроқ турибман, қаричилик...

— Биз ойимизни опкетгани келдик, — деди Шербек қақиллаб.

Султонали «Тек тур» дегандек унинг елкасига қўлини қўйди.

— Ҳа, — деди Зебузар ҳам уни қувватлаб. — Чўлпон опа бизнинг ойимиз бўладилар.

Умри бино бўлиб «оий» деган сўзга зор бўлган қизини сўраб учта боланинг «оижонимиз» деб келишларидан кампир алланечук бўлиб кетди. У бундан уч-тўрт йил бурун қизи Рашид исмли кишига никоҳлаганидан, аммо кўп ўтмай уйга қайтиб келиб қолганидан сиқилиб кўнгли яримта бўлиб юрарди. Лекин унинг қайтиб боришини сўраб куёвнинг ўзи эмас, бирор яқини эмас, айнан фарзандлари келганидан кампир довдираб қолган эди.

— Вой, унда нима қип турибсизлар, ичкарига кирмайсизларми?

— Оижоним уйдами? — деб сўради Шербек бетоқат.

— Ҳа-ҳа уйда, ҳовлида поя ўраётганди.

Болакай ичкарига шашт билан отилди. Ортидан Зебузар билан Султонали ҳам кириб боришиди.

— Чўлпоною!.. — дея чақирди кампир.

— Ҳув!!! — деган овоз келди.

— Кела қол, болаларинг келишиди, — деди кампир ва кўзларидан беихтиёр тирқираб ёш оқиб кетди.

— Ойимни мен ўзим опкеламан! — дея қичқирди Шербек ва ҳовли томон чопиб кетди.

Зебузар ҳам йиглай бошлади. У ўзининг қилиб қўйган ишидан минг пушаймонда эди.

— Вой, ўзимнинг ўғлимдан айланай, — ҳовлида Шербекни кўтариб олган Чўлпоной пайдо бўлди.

— Шунча болаларингни ташлаб нега келиб қолдинг-а? — деди она йиглаб.

— Оижон, мени кечиринг, ёшлиқ қилган эканман. Юринг, уйга кетайлик, — деди Зебузар йиглаб Чўлпонойнинг бағрига ўзини отар экан.

Шундай қилиб, ош дамланган маҳал Рашид аканикига «янги оий» кириб келди.

— Сенга раҳмат, — деди Рашид aka Чўлпонойга ошдан сўнг чой ичиб ўтиришар экан.

- Вой нега?
- Қабристонда анча ишлар қилибсан. Аслида бу ишларни мен қилишим керак эди...
- Айниқса, панжара чиройли чиқибди, — деди Зебузар.
- Панжарани мен қилмадим. Мен фақат гулни парваришладим, холос, — деди Чүлпоной хижолат бўлиб.
- Ота ва қиз бир-бирларига савол назари билан қараб олиши.
- Унда ким экан? — деб сўради Султонали.
- Буни қоровулдан сўрадим. Уни анави Содикҳожининг ўғли Маҳмуд деган йигит ўрнаттирганмиш.
- Ие, нега энди? — деди бараварига.
- Ўша йигитнинг онаси, раҳматли Гавҳарой ва мен синфдош, қалин дугоналар эдик. Эҳтимол шунинг учундир-да.
- Рашид аканинг хаёлидан гап ўтди: «Қизик, бунчалик саҳоватпешалик шарт эканми? Бу ерда бирор гап йўқмикан, ишқилиб?» — деди ўзича ва ўйининг тагига ета олмади. Султоналининг кўнглидан эса «Демак ойимни жуда хурмат қиларкан. Бойваччалар учун бир панжара нима деган гап?» — деган гап ўтди. Зебузар эса шилқим Маҳмуднинг шу ишга қодирлигидан ҳайратда эди. «Аслида ўзим ёмон эканман, — деди у ўзича. — Шундай бир яхши аёлни хафа қилдим. Маҳмудни ҳам «шилқим» деб доим камситаман. Унинг кўнгли тоза, яхши йигитга ўхшайди.

Шундай қилиб, Маҳмуднинг режаси иш бера бошлади. Қабристон орқали бўлса-да Зебузарнинг қалбига йўл топа олди. Энди қиз унинг машинасига тортинмай чиқадиган, очилиб гаплашадиган бўлди. Шоира ҳам ишлар кўнгилдагидек бораётганидан хурсанд эди. Маҳмуд Шоирага ҳам, Зебузарга ҳам ҳайитлик деб бир кийимликдан шойи атлас совға қилди. Қизлар беҳад қувондилар. Шоиранинг воситачилиги жуда завқли кечар, Маҳмуд ва Зебузарни худди ҳинд фильмларидағи қаҳрамонларга қиёслаб доим таърифлар экан, икки ёшнинг оташин муҳаббати туфайли баҳтли турмуш қуришларига амин эди.

Лекин ҳайёт бошқа, кино бошқа бўлиб чиқди. Шундай кутилмаган тасодифлар юз бердики, улар Шоирани довдиратиб қўйди...

## ТАРВУЗПОЯДАГИ ВОҚЕА

Кунлар ўтди. Тарвуз пишди. Маҳмуд ўзи ўйлаб қўйган режасини тўлиқ амалга ошириш мақсадида қизларни тарвузпоядаги капага таклиф қилди. Улар рози бўлишди, албатта. Чунки у ерда қоровул Матқовул aka бор. Лекин Маҳмуд унга: «Бугун уйингизда дам олаверинг, пайкални қўриқлашга энди сизга ёрдам бераман,

дадам айтдилар», деганди. Отасига ҳам ишёқмас арзанданинг ташаббуси маъқул бўлди. «Ҳа, майли, ҳадеб кўча чангитиб, машина минаверганидан кўра бир полизга ҳам қарасин», деб қўйди у ўзича.

Маҳмуд яхшилаб харажат қилиш учун машинасида бозорга кетаркан, йўлда ўртоғи Раҳимга дуч келди ва уни ҳам ўзи билан овлоди.

— Тулпорни тайёрлаяпсизларми? — деб сўради у тўсатдан Раҳимга, шарт бойлаганларини эслатиб.

— Э-ҳа, сен нима, чиндан ҳам ҳаракат қиляпсанми?

— Ўв, йигит киши битта гапиради, билдингми? Бу ҳам бир қимор. Ё ютасан, ё ютқизасан!

— Нима, сен ютқизмоқчимисан?

— Аҳмогинг йўқ. Мен машинамни гаровга қўймоқчи эмасман. Лекин тулпордан ҳам қайтмайман. Болаларга айтиб қўй, тайёргарликларини кўраверишсин.

— Биз ўз кўзимиз билан кўриб, ишонишимиз керак.

— Албатта, кўрасизлар. Яқин кунларда ўзим айтаман, дурбинимни ҳам бераман.

— Совчи юбориб уйланиб қўя қолсанг бўлмайдими?

— Аввало, уни жиловлаш керак, тентак. Биз нима учун шарт бойлашдик, эсингдан чиқдими?

— Йўқ, эсимда...

— Унда болаларга айтиб қўй. Бозор куни мол бозорга чиқиб яхши отдан таҳланглар. Мен унга Зебузарни миндирмоқчиман.

— Ютқазсанг-чи?!

— Ютқазсам келгуси бозор машинамни сотаман-да, пулинни ўртага ташлайман, ўғил бола гап.

Раҳим Маҳмуднинг бир сўзда туриб олганига ажабланди.

— Ҳа айтгандек, — деди Маҳмуд ўртоғини йўлда тушириб қолдирап экан, — анави Саид отини сотмоқчи экан, ўшани олақолинглар, ҳар ҳолда ишончли-да.

— Қайси Саид?

— Салим писмиқнинг ўғли-чи.

Раҳим «кўрамиз» дегандек елкасини қисди.

— Мен жиддий гапирияпман! — деди Маҳмуд машинаси ойнаслин бақириб. Раҳим унинг ортидан ҳайрон қараб қолди.

Ўтиришга яхшигина тайёргарлик кўрган Маҳмуд келишилганидек дала йўлида кетиб бораётган икки қизни машинасига солиб олди. Йигит юқдондан иккита бир хил француз духиси чиқарди-да, уларга узатди. Қизлар хурсанд бўлиб кетишиди.

- Духи учун катта раҳмат, — деди Шоира.
- Панжара учун ҳам, — дея қўшиб қўйди Зебузар.
- Маҳмуд «ялт» этиб қаради. «Демак, билибди-да».
- Ҳечқиси йўқ, раҳматли Гавҳар опа мен учун бегона эмасдилар-да...

Шоира ҳеч нарсани англамаган булса-да, икки ёш ўртасида илиқ муносабат ўрнатилганини фаҳмлади.

— Ҳаҳ ҳайрият, бор экансизлар-ку. Мен жудаем қийналиб кетдим, — деб юборди у хурсанд бўлиб.

— Вой, нега энди дугонажон? — деб сўради Зебузар.

— Сенинг қайсарлитаңг, акамнинг тундлиги жонимга тегди ахир. Бўладиган ишни бўлдириб қўя қолмайсизларми-а?..

— Нимани?

— Тўйни демоқчи, — деди Маҳмуд ўзини гўё бепарво тутиб.

— Жинни, — деб қўйди Зебузар ўртоғини оҳиста шапатилаб ва қалбида илк бор Маҳмудга нисбатан илиқ туйгулар уйғонганини ҳис қилди.

Улар капада чиройли дастурхон тузашди.

— Келинглар, бугун кичик бир байрам қиласиз, — деди Маҳмуд.

— Нима учун? — деб сўради Шоира.

— Зебузарнинг янги ойиси қайтиб келгани учун!

— Вой, шунақами? Нега индамай турибсан, ахир бу байрам-ку!

— Ҳа, келганлари яхши бўлди. Бунга Маҳмуд акамнинг ҳам ҳиссалари бор. Лекин бу ишни сиздан кутмаган эдим.

— Ҳали қўрасиз, менинг қўлимдан кўп иш келади. Мен ёқтириб қолган инсон учун бутун борлигимни аямайман, — деди Маҳмуд.

— Вой, қандай баҳтли инсон экан-а, ўша инсон? — деди Шоира эркаланганнамо.

— Келинглар, баҳтимиз учун олайлик, — деди Маҳмуд ва сумка ичидан шампан виносини чиқарди.

— Вой, мен ичмайман! — деди Зебузар.

— Мен ҳам ичмайман — деди Маҳмуд винони очаркан. — Чунки рулдаман, лекин далада ДАН ходими йўқ, наилож.

Қизлар кулиб юборишиди. Маҳмуд сумкадан магнитофонни ҳам чиқарди ва тезлик билан шўх қўшиқлардан бирини қўйиб қўйди.

Қадаҳлар кетидан қадаҳлар күтарилди, рақсга тушилди, латифалар айтилди. Қызлар ташқари чиқиб келиш учун кетганды Мәхмуд сумкасидан қичик идишчадаги спиртни чиқарды-да Зебузарнинг қадаҳига қыйиб қўйди. Қызлар капага хушчақчақ кириб келишди.

- Келинглар қызлар, мен бир шеър ўқиб бераман.
  - Вой, шеър ҳам биласизми?
  - Ҳа. Уни бир инсонга бағишлайман.
  - Вой, айта қолинг, — деди Шоира бетоқат.
  - Йўқ, аввало, мана шу қадаҳда қолганини ичиб қўямиз.
- Сўнгра айтиб бераман. Фақат охиригача, бўлмаса ҳисобмас.
- Йўқ, раҳмат, мен энди ичмайман, — деди Зебузар.
  - Охиргиси ахир, бошқа йўқ.

Хуллас ичилди. Шеър ҳам ўқилди. Зебузар ўзига бағишланган бу шеърни ҳузур қилиб эшилди. Кўзлари сузилди.

— Вой сизлар гаплашиб ўтиринглар, мен бироз мизгиб олмасам... — дея олди Зебузар аранг ва Шоиранинг тиззасига бош қўйиб тезда ухлаб қолди. Мәхмуд Шоирага имо-ишора қилиб, «Бор айланиб кел!» — дея буйруқ берди. Шоира эса имо билан «Вой, нега?» деб сўради. Мәхмуд унинг кўзларига ғазаб билан боқди ва «Сув олиб кел», дея пақирни узатди. Тоза сув икки чақирим наридаги дала шийпонида эканлигини Шоира яхши биларди.

— Хавотир бўлма, мен ҳам бир оз мизгиб оламан! — деди Мәхмуд тескари ёнбошлаб ва атайнин ўзини ухлаганга солди. Шоира бир оз тургач, пақирни олиб чиқиб кетди. Йигит Зебузарнинг жамолига еб қўйгудай ҳирс билан боқди ва лабларидан оҳиста ўпди. Қиз аввалига бир оз қаршилик қилган бўлди. У «Йўқ-йўқ», дея бақирав, лекин бошини кўтариб, кўзини оча олмас, норгул йигитнинг бақувват жуссаси остида ожизлиқ қилмоқда эди...

Шоира сувни олиб ортига қайтган маҳали капа томондан чинқириқ овозини эшилди ва кўнгли хунук ҳодисани ҳис қилиб, пақирни ташлади-да, бор кучи билан капа томон югурди. У етиб келганида Мәхмуд кийимларини кияётган эди.

— Билиб қўй, дугонангни ўзи осилди... Бўпти, мен сизларни машинада кутаман.

«Қалъа забт этилган» эди. Фақат унда ярадор ҳолда қонга беланиб бир «аскар» бехуш ётарди...

— Ака! Нима қип қўйдингиз?! — дея ҳайқирди Шоира. — Ифлос экансиз. Тўйгача кутсангиз бўларди-ку! — дея йиглай бошлади.

Зебузар бўлган ишни кейин англади, дод солди, Шоирани юмдалай кетди.

- Мени нима қилиб қўйдиларинг,войдод!!!
- Ўзингни бос, дугонажон, у сени яхши кўради, сенга уйланади. Мана кўрасан.
- Вой мен ўлай, шарманда бўлдим-ку!
- Ўзингни бос, илтимос. Бўлар иш бўлди, кайфчилик.
- Сен буни уюстиргансан, қанжик!
- Ўлай агар, сувга чиқиб келгандим. Йигит киши ўзини тутолмаган-да.

— Ҳе йигит бўлмай, балога йўлиқсин, ҳайвон!

— Ундан дема, сизлар турмуш қурасизлар.

— Менга уйланмаса-чи?! Унда нима бўлади?

— Уйланади, уйланмаям кўрсинг-чи. Агар у сени булғаб қўйиб, бошқасига уйланадиган бўлса, мен ўз-ўзимни ўлдираман, унинг уйига ўт қўяман. Нон урсин, қасам ичаман! — деда йиғлаб бўзлар эди Шоира.

Маҳмуд машинасига суюниб олган ҳолда гердайиб уларни кутмоқда эди. Зебузар кела солиб унинг юзига қаттиқ шапалоқ тушириди.

- Ҳе афting қурсин, ҳайвон!
- Сени яхши кўраман, ҳиссиётимни жиловлай олмадим, мени кечир.
- Ҳа-ҳа, дугонажон ўзингни бос энди. Чиқ машинага.
- Ҳе машинанг билан кўшмозор бўл! — деди Зебузар қаҳр билан ва пиёда кета бошлади. У уйига кела солдию, «бошим» деда баҳона қилиб жойига ётиб олди ва кечки овқатга ҳам, нонуштага ҳам чиқмади. Гўё нохуш шилимшиқлар унинг баданида зулукдай ўрмалаётган эдилар. Чўлпоной унинг эркалиги ҳамон давом этаётганга йўйиб, индамай қўя қолди.

Эртаси совчилар келишди. Зебузарнинг кўнгли равшан тортиди. «Хайрият, тақдирим Маҳмуд акага боғланган экан-да. Энди унга қаттиқ гапирмаслигим керак. Тилим ёмон-да, тилим қурсин», деди қиз ўз-ўзини койиди. Лекин келган аёлларни танимади. Ҳар ҳолда уларнинг орасида Маҳмуднинг онаси кўринмасди. Қиз ташқарига чиқмади. Ўтай онаси Чўлпоной ютуриб-елиб совчиларни ўзи кузатди ва улар кетгач, Зебузарнинг олдига кирди.

— Айланай қизим, мана сен ҳам улғайиб, узатиладиган бўлиб қолибсан. Совчиларга «қизим ўзи билади», деб айтдим. Яна келишади. Сайджон яхши йигит. Камбагал бўлишса ҳам ақли бутун, келажаги бор уни.

— Сайд дейсизми?! — деб сўради қиз ҳайратланиб. Лекин ўз овозидан ўзи чўчиб кетди.

— Ҳа-ҳа, Салим аканинг ўғли-да, сени яхши кўрар эканку!

Қизнинг кўз ўнгида мўйловлари сабза урган, жилмайиб отини қамчилаб ўтиб кетадиган хушсурат Саид пайдо бўлди.

— Э, йўқ, менга у ёқмайди. Айтинг, бошқа келишмасин, — деди қиз оҳиста ерга қараб.

— Қиз бор жойга совчилар келаверишади. Энди хафа бўлмайсан-да, қизим. Бирор ёқтирганинг бўлса, менга маълум қилиб қўйсанг ёмон бўлмайди. Ҳар ҳолда энди биз бегоналар эмасмиз-ку!

Қиз индамади. Маҳмуд билан бўлган хунук иш уни бехузур қиласарди. «Шоирани топишим керак, Маҳмуд акага айтсин, тезроқ совчи юборишин, бўлар иш бўлди», деди у фикран.

Шоира бор гапни Маҳмудга етказди.

— Сиз тезроқ ҳаракатингизни қилинг, Маҳмуд ака. Анави Саид ака совчи юборганимиш.

— Нима? — деди Маҳмуд мессимай. — Саид дейсанми, оббо писмиф-еий.

— Ойингизга айтинг. Ё ўзим айтайнми?

— Тўхтаб тур, аввал анави дугонанг ўпкасини босиб олсин.

— Сизни «совчи юборсин» деб ўзи айтди.

— Ўҳӯ, иштаҳаси зўр-ку. «Шошилган қиз эрга ёлчимайди» деганлар.

— Сиз ахир унга тезроқ уйланишингиз керак, — дея жаҳли чиқа бошлади Шоиранинг ҳам.

— Бўпти, дугонангга бориб айт. Энди мен билан одамга ўхшаб муомала қилисин. Эртага автобус бекатига чиқиб турсин, машинамда сайр қилдириб келаман.

— Мен ҳам борайинми?

— Энди сенинг керагинг йўқ.

Маҳмуднинг бундай муомаласидан Шоиранинг юраги «шувв» этиб кетди.

Эртаси Зебузар туман марказидаги поликлиникага бориб келишни баҳона қилиб, бекатда Маҳмудни кута бошлади. Маҳмуд кўчада гувала қуяётган Раҳимнинг олдига келиб тўхтади ва унга бекат томонга қараб туришини тайинлади.

— Ҳув анави қизни кўряпсанми?

— Ҳа, кўряпман.

— У ким, танияпсанми?

— Унчалик эмас.

— Яхшилаб қара, галварс.

— Ҳа, Зебузар экан.

— Билсанг, у мени кутаяпти. Болаларга ҳалиги гапни айтиб қўй. Сайднинг отини кўринглар. У уйланмоқчи эмиш, шунга пул зарур экан. Ҳўп, мен кетдим.

Машина қизнинг олдига келиб тўхтади. Зебузар ҳақиқатдан ҳам ҳеч иккиланмай унинг орқа эшигидан салонга кирди. Раҳим чаккасидаги оқаётган терини артаркан, беихтиёр пешонасини тириштириди. Маҳмуд машинани елдек учирив бораркан, ўтган кунги қўполлиги учун Зебузардан узр сўради ва бошқа бундай қилмасликка ваъда берди.

— Шоирангиз сизга бир нима дедими?

— Ҳа, айтди. Сен ташвишланма, ҳаммаси жойида бўлади. Сени Сайдга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ.

— Нима, мен буюммидим?

— Э, йўқ. Нима десам экан, сен ўзи менга тегишга розимисан?

— Энди рози бўлмай қаёқаям борардим?

— Мен сенинг чин кўнгилдан рози бўлишингни истайман.

— Рози бўлмасам «совчи юборсинг» деб айттиармидим?

— Ҳа, энди, ҳар ҳолда тўйдан олдин бир-биrimizни ўрганайлик, у ёқ-бу ёққа борайлик дейман-да.

— Мени бўларим шу, жиловлаб олдингиз, энди минаверинг.

— Вой-бў, жоним, қўй энди, — деди Маҳмуд унинг қўлларини ушлаб.

— Йўлингизга қаранг...

Шу пайт Маҳмуд машинасини қамиш ва моҳ ўтлари қалин ўстган, машина деярли юрмайдиган сўқмоқ сари бурди.

— Ҳой, қаёқقا?

— Бемалол гаплашиб оламиз.

— Йўқ, мен истамайман.

— Ўзингни бос, мен энди қўполлик қилмайман. Ахир биз энди бегоналар эмасмиз. Кел, аҳду паймон қилайлик, ширин турмуш қуриш ҳақида ўйлайлик. Машина сувлари жилоланиб оқаётган ариқ олдидаги улкан тол тагида тўхтади.

— Машинани ювамиз, — деди Маҳмуд ва радиоприёмникнинг мурватини бураб, яхши қўшиқни қўйиб қўйди.

Фир-ғир эсаётган шабода Зебузарнинг соchlарини тортқиларди. Қамишлар ҳам қўшиқ мусиқасига монанд рақс тушар ва қизнинг кўнглини кўтараётгандек туюлар эди. Шу пайт ярим яланғоч Маҳмуд машинага қараб бир челак сувни сепиб юборди ва сувнинг бир қисми қизнинг юзига сачраб, уни сескантиди.

- Вой ўлинг, чўчитиб юбордингиз.
- Сен учун ўлсам ўлдим, — деди Маҳмуд ва тўсатдан шими билан ўзини ариқقا ташлади.

Зебузарнинг чехраси очилди. Шими шалоббо Маҳмуд уни ечди-да, сиқиб, толнинг шохига илиб қўйди.

— Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, — деди турсичан Маҳмуд ҳўл шимига ишора қилиб ва шитоб билан машинани арта бошлади. У Зебузар ўтирган ўринидиқ ёнидаги ойнани узоқ артди. Ниҳоят қиз унга кулиб қаради. Маҳмуд эшикни очди-да ичкарини артган бўлиб қизнинг юзидан ва сўнгра лабидан ўпа бошлади. Кўп ўтмай йигитнинг ҳўл бадани қизнинг нозик танаси билан уйғуллашиб кетди... Қиз энди қаршилик кўрсатмас, йигит эса олам-олам ваъдалар бераверишдан қайтмас эди.

Маҳмуд ўзининг ана шу нашъали дамларини ўртоқларига кўз-кўз қилиш ва ғолибона мақтаниш учун кунлардан бир кун уларни таклиф қилди ва қўлларига дурбинини ҳам узатди. Чунки гап-гап, шарт бойлашиш қоидасига кўра «ашёвий далил» керак эди.

Тол тагидаги навбатдаги «машина ювиш» операцияси ҳам аъло даражада ўтди...

— Эҳ-ҳе, бу ёғи «секс-фильм»ку, — деди Жаббор қамишлар орасидан кузатаётган шерикларига машинанинг орқа ўринидигидан чиқиб турган икки жуфт оёқларни кўрсатиб.

— Ҳа, биз ютқаздик. У йўргани жиловлаш тугул миниб олиб ўйин ҳам кўрсатяпти.

— Ишқилиб унга уйланармикан?

— Уйланмай қаёқقا ҳам борарди.

— Қўйсанг-чи, қайси аҳмоқ уйланадиган ўз хотинини мана шунақа қилиб бошқаларга томоша қилдиради?

— У энди уйланмай ҳам кўрсин-чи, Султонали унинг онасини кўрсатади.

— Қиз ўзи рози бўлса ҳеч нарса қила олмайди.

— Зебузар ундей қиз эмас, уни зўрлаб алдаган бўлса керак.

Буни Маҳмуддан кутса бўлади.

— Кетдик йигитлар, пулни йигайлик-да, ўша Сайднинг отини олиб бериб, шу касофатдан тезроқ қутулийлик. Агар энди шу қизга уйланмаса, мен умуман уни одам қаторида кўрмайман.

— Шарманда...

— Сайд билан гаплашдиларингми?

— Ҳа.

— Нима деди?

— «Майли» деди. «Бозорни кўринглар, ўзларинг билиб бераверасизлар», деди.

— Бўпти, унда эртага бозорга чиқамиз.

Уч кундан сўнг Маҳмуднинг отхонасида Сайднинг тулпори пайдо бўлди. Маҳмуд уни қўчага голибона миниб чиқди ва Шоира орқали Зебузарни учрашувга таклиф қилди. «Бир ажойиб совғаси бор экан» деб айт, хўпми?!

Зебузар отлиқ Маҳмудни кўриб ҳайрон бўлди. От минишга у жуда ҳам қизиқарди. Маҳмуд отдан тушди.

— Мана бу сенга мендан совға.

— Йўғ-е, — деб юборди қиз севиниб. — Лекин мен уни ололмайман-да.

— Нега?

— Ахир, аввал, тўйимиз бўлсин.

— Нима бўпти, қалин ўрнида-да.

— Ҳо, битта от билан қутуламан деяпсизми?

— Йўқ, ҳали омоч ҳам олиб бераман, қўшилишиб ер ҳайдаймиз.

Улар самимий кулишди. Маҳмуд қизга ёрдамлашди. Зебузар маликалардай отга минди.

— Юр, далани айланиб келамиз.

— Вой, кўрганлар нима дейди?

— Нима, қўрқадиган жойимиз борми, энди билишса билишар.

— Кетдик.

Маҳмуд бир иргиб отнинг орқасига чиқиб олди. Улар хурсанд йўргани чоптириб кетишди. Уларни кўрган ҳамқишлоқлари ҳайратдан ёқа ушлаб қолардилар. Маҳмуд шу пайт отнинг жиловини даланинг пахтазор томонига бурди.

— Вой қаёқча, бўлак ёқча бормайман.

— Қўрқма, ҳув анаву сададан қайтамиз.

Ўша саданинг ёнида Сайднинг ери бор эди. У албатта, бу паллада далада бўлиб, экин сугораётган бўлиши керак. Дарҳақиқат, Сайд сувларнинг таралиб оқиши ва сувдан баҳра олаётган шоналаган ўзаларнинг қимирлаб рақс тушишидан завқ олаётганди. Сайднинг фикр-ўйи Зебузарда эди. Совчилар уларникига бир бор ўтиб келишди, яна боришмоқчи. «Ўгай онасининг қайтиб келгани яхши бўлибди, бу ёғи энди тезлашиб кетса керак», деб ўйларди ўзича. Худо хоҳласа у ёқтирган қизга эга бўлади. Хотини

бир этак фарзандлар туғиб беради, улар баҳтиёр ҳаёт кечиришади. Қандай яхши. «Ишқилиб Зебузар күнармикан? Күнса керак. Доим менга кулиб қарайди-ку», ҳаёлидан үтказди ва мийигида кулиб қўйди.

Афсус, унинг ширин ҳәёлларини тўсатдан отнинг кишнагани бўлиб юборди. Бу ўша таниш овоз, кечагина Раҳимга сотган ўз тулпори эди. «Қизик, қаёқдан келиб қолди у?» дея йигит шошапиша ўринидан туриб, атрофга аланглади. Қиз боланинг қувноқ кулгуси ҳам эштилди. Овоз зовурнинг у юзидан келмоқда эди. Сайд шошганича зовур томон чопди ва қирғоқ баландлигига шиддат билан чиқиб борди. Не кўз билан кўрсинки, Маҳмуд Зебузарни эгарга ўтиргизиб, белидан қучоқлаганча, унинг ола қашқасини мингтан ҳолда кетиб борарадилар. Маҳмуд қизнинг қулогига бир нималар дер, у эса қийқириб кулмоқда эди.

Сайдни сезган от яна бир бор кишинади. Бундан, «Ана шунаقا, сен оғзингни очиб қолаверасан» деган маънони англаш мумкин эди.

— Ҳормасинлар энди, йигит! — дея қичқирди Маҳмуд зовурнинг у юзида серрайиб турган Сайдга. Зебузар алланечук бўлиб кетди ва жиддийлашиди.

— Ҳай, жиминг, — деди у Маҳмудга.

Сайд ҳайратланиб қотиб турарди.

— Хўп яхши қол, оғайни. Ҳафа бўлма, сениям кўчангда байрам бўп қолар, — деди «чавандоз» бамайлихотир ва ўзича беўхшов хохолаб кула бошлади.

Сайднинг қўли муштланди. Югуриб бориб уни отдан тушириб олиб дўлпослагиси келди ва бир қадам ташлади ҳам. Лекин яна тўхтаб қолди. Йўқ, у серқамиш, суви тўла зовурни кечиб ўтишдан қочгани йўқ эди, балки калласига урилган бир хунук фикр уни бу йўлдан қайтарди. «Наҳотки, Зебузар унга ўз жиловини берган бўлса... Демак, унга тегишга рози бўлган. Мен бўлса аҳмоқ бўлиб уникига совчи қўйдирибман, тулпоримни сотибман, шундай эсли тулпоримни-я...» У ерга тиз чўкиб ўтириб қолди. Оҳиста ўринидан турди-да яна ғўзаларининг бағрига кирди. Қўлига кетмонни олди ва уни баланд кўтариб алам билан ҳайқирди. Ҳайқириқдан ҳуркиган бир тўда чумчуқлар «гур» этиб учиб кетишиди. Муаллақ турган кетмон ерга шундай урилдики, гўё қумли тупроқнинг ҳам ўти чиқиб кетгандай туюлди. Кетмоннинг сопи йигитнинг кўнглидай дарз кетган эди...

Маҳмуд на Зебузар ҳақидаги гап кичкина Шўрқишлоқ аҳолиси орасида тарқади. Баъзилар икки ёшнинг бу ҳаракатини «тарбиясиз, аҳмоқлар» деб қабул қилса, баъзилар «буни замонавий

муҳаббат дейдилар» дея устларидан кулар, бирор Зебузарга ачинса, бошқасини Маҳмуднинг қилиғидан жаҳли чиқмоқда эди. Лекин кўпчилик тўй бўлишига умид қиласди.

Узун-кулоқ гаплар албатта, Содиқҳожининг ҳам, Рашид аканинг ҳам қулогига етиб борди. Зебузарнинг отаси «ёшлар бир-бирини ёқтирап экан, совчи юборса қайтарманглар», дея Ҷўлпонойга тайинлади. Лекин Содиқҳожи кутилмагандага ишга тиш-тирноғи билан қарши чиқди ва ўғлини чақириб олиб, заҳар-заққумини соча бошлади.

— Ҳўв бола, сен кўзингни оч. Билиб қўй, ўша таги пастнинг қизига уйланмайсан. Мен бунга икки дунёда йўл қўймайман. Рашид қизини атайин сенга тиқиширган, менинг бойлигимга учган, у муттаҳам!..

— Рашид аканинг даҳли йўқ. Мен Зебузарни яхши кўраман, — деди ўғли аранг.

— Шу таги паст етимчани-я. Ҳой, ўйлаб галирятсанми? Сен агар кўнгилхушлик қилгинг келаётган бўлса, ана шаҳарда мингта қиз. Лекин мен биттаю-битта ўғлим учун ўзим хоҳлаган, иболи-ҳаёли, ота-онаси ҳурмат-эътиборли, бадавлат оиласининг қизини келин қиласман, билдингми! Отга миниб, йигитнинг қўйнига кириб, ҳиринг-ҳиринг қилиб, ўзини кўз-кўз қиласидиган бузуқи қизни мен останамгаям йўлатмайман. Буни ўнг қулогинг билан ҳам, чап қулогинг билан ҳам эшишиб, яхшилаб уқиб ол, ҳе аҳмоқ!..

— Ахир...

— Бас қил. Сен қилғилиқни қилиб бўлдинг. Энди бу ёгини менга қўйиб бер. От кимники?

— Менини

— Қанақа пулга олдинг?!

— Ютиб олдим.

— Киморгами?

— Йўқ.

— Нимага бўлмаса?!

— Шарт бойлашувдик...

— Шу бугуноқ уни эгасига қайтиб бер. Мени обрўйимни бир тийин қилибсан, аҳмоқ. Мен қишлоқнинг энг бообрў, бадавлат одамиман. Керак бўлса бунаقا яғир отнинг юзтасини сотиб олиб бера оламан. Лекин мишиқиларнинг отини олмайман. Йўқот унингни! Ҳе, сени туққан ўша онангни... — дея ҳожи ўғлини болохонадор қилиб сўка бошлади.

— Ҳай дадаси, қўйинг энди. Шовқинингиз маҳаллани бузаяпти-я, — деди хотини хавотир билан.

— Тур йўқол, сен ҳам. Сенлар менинг обрўйимни эл-юрголиди бир тийин қилдинглар. Ўғлингни шунаقا қилиб эркалатиб арзанда қилиб юборгансан. Мактабга бориб юрганидаям эмчак эмизардинг, мана оқибати!..

Маҳмуд индамай отни етаклаб чиқиб кетди. Шу фурсатда отасига гап қайтаришнинг фойдаси йўқ эди. «Лекин ёмон бўлди. Зебузарга қаршилик қилаяпти, энди нима қиласман, у нима қиласди?» — дея нохуш хаёл ўтди кўнглидан. «Ҳа майли, сал ҳовуридан тушсин, кейин бир гап бўлар», — деди у ўзини тинчлантириб.

Кўчага чиққач тулпорни қаёққа олиб боришини билмай гарантсишиб турди ва Раҳимникита қараб йўл олди. Бироқ Раҳим отни олишни кескин рад қилди.

— Ўзинг пиширган шўрвани энди ўзинг ичавер. Бизга отинг керак эмас.

— Одамни гаранг қилма, отам қўймаяпти.

— Биз сени ҳазиллашашаипти десак, сен бир бокира қизни бузиб ўтирибсан.

— Ҳе, унга текканим йўқ, ўлай агар.

— Сен эси паст, худбинсан. Ундан кўра Рашид аканикига тезроқ совчи юбор. Агар бу гапни Султонали эшитса абжагингни чиқаради.

— «Синглинг ўзи осилди» дейман.

— Ҳали шунақами, ифлос. Бор, йўлингдан қолма! — деди Раҳим ва уйига кириб кетди.

— Ҳой тўхта, отни Сайдга бериб пулларингни қайтиб олинглар, менга пул керакмас! — дея қичқирди Маҳмуд.

Маҳмуд нима қиласини билмай ҳайронда қолди. Раҳимдан бунаقا жавобни кутмаганди. Нима қилсам экан, Шокирникига борсаммикин? У ҳам олмасачи? Нима бало, булар менга қарши тил бириктиришганми? Яна дўстмиш. Алам қилаётганда. Агар мен машинами ютқазиб қўйганимда нима бўларди? Ҳазиллашишканмиш... Сени қараю... — деган ўйлар билан у отни минди-да Сайдникига қараб жўнади.

Сайд уйда йўқ экан. Яхши бўлди. Уйда қари онаси бор экан. У Маҳмудга ҳайрон ва синовчан қаради.

— Ҳа, тинчликми, ўғлим?

— Тинчлик. Ўғлингиздан отини вақтинча олиб тургандим.

— Уни сотувди шекилли.

— Ҳа, олмоқчийдим, лекин маъқул бўлмади.

— Унда ўзи билан гаплашинг.

— Кейин гаплашаман. Отини қолдириб кетмоқчиман. Қаерга боғлай?

Кампир уни ичкари етаклади ва отхонани кўрсатди.

- Раҳмат, хола.
- Нима деб қўяй.
- «Отинг ўзингга ўҳшаб хуркогич экан» деб қўйинг.
- Унақа деманг-а. Ўғлим яхши йигит. Кун бўйи даладан келмай меҳнат қиласди.

— Хўп, омон бўлинг. Тўйига айтишни эсидан чиқармасин. Тунда кимдир Маҳмудни чақирди. Бу Саид эди. Маҳмуд дарвоза эшигини очиши ҳамоно Саид уни ёқасидан олди.

— Билиб қўй, менинг жигимга тегма! Яна кўзимга кўринадиган бўлсанг, қамалиб ўлсам ўлиб кетаманки, орқангдан ичагингни суғуриб, оғзингга тиқиб қўяман, тушундингми?

Шундан сўнг у чўнтағидан пачкали пулларни чиқарди-да Маҳмуднинг юзига қараб отди ва юз-кўзи аралаш тупурди.

Пуллар сочилиб ётарди. Содиқҳожи томоғини қириб уйидан чиқиб келганида Саид жўнаб кетганди.

- Бу пуллар энди, қанақа пуллар, ҳароми?

— ...  
— Ҳой, эси паст, сендан сўраяпман?  
— Қарзи бор эди.  
— Қарзни бунақа қилиб сочиб кетмайди. Тўғрисини айт, яна нима бало қилдинг?

- Ҳеч нима...
- Бўлмаса йиғиштириб ол-да, ҳозироқ эгасига обориб бер.
- Қаёқقا?
- Мен қаёқдан билай, ит эмган!

Маҳмуд ердаги пулларни тера бошлади. У жуда кўрқиб кетган, бурнини тортиб пул терар экан, оқаётган бурнидан ҳам кўра кўпроқ юзидаги тупук изини артиб-артиб тутгата олмасди. У илк бор ҳаётida бироннинг ҳиссиёти билан хазиллашиб бўлмаслигини англаб етди.

Маҳмуд пулни олиб яна Раҳимникига борди.

— Ҳа, яна нима дейсан? — деди Раҳим гаглашгиси келмай.  
— Ма, ушла, — дея қўлига бир даста пулни тутқазиб.  
— Нима бу?  
— Сизларнинг пулларинг. Мен отни эгасига қайтариб, пулларнингни олиб келдим.

- Керак эмас.
- Вей Раҳим, бўлдида энди, жа ўзингдан кетворма. Қилган ишимдан пушаймонман, мени кечиринглар. Пулни болаларга қайтариб бер, илтимос.

— Зебузарнинг қизлигини-чи?

— ...  
— Билиб қўй, — деди Раҳим пулни олиб, — энди Зебузарга уйланмай, уни ташлаб қўйсанг, ўзингдан кўр.

— Э қизиқмисан, бир ёшлиқ қилиб қўйдикда, йигитчилик...

## «ТАРВУЗ» НИНГ ЕТИЛИШИ

Чүлпоной Зебузардаги ўзгаришларни ўзича талқын қиларди. «Бечора, мен кетиб қолганим учун уй юмушларига күмилиб қолиб, тоза сиқилган кўринади. Энди бўлса хурсанд. Кун сайин очилиб бораётган гунчага ўхшайди-я, қизгинам». Маҳмуд билан ўрталаридаги муносабатни ҳам у ўзича фикрлаб: «Қандай яхши, севиб турмуш қуришса, бунинг нимаси ёмон? Қизгинамнинг кўнгли бор экан-да...» – деб ўлади.

Рашид аканинг эса хуноби оша бошлади.

– Келиб-келиб Содиқҳожининг ўғлини-я... Ҳожи тўнг одам, ҳали бирорвга яхшилик қилган эмас. Ўғлиям ўзига ўхшаган булса керак. Бизга камбагал бўлсаям Сайджонга ўхшаган софдил кўёв керак эди, – деди у хотинига ниҳоят ёрилиб.

– Тақдир насиб қилганига тегади-да. Биз нима ҳам қила олардик?

– Тенг-тенги билан – тезак қопи билан-да, ахир.

– Қўйинг энди, дадаси, кўп сиқилаверманг. Ундан кўра тўй тарафдудини қўраверайлик, қизимиизга оқ фотиҳа берайлик.

Рашид ака ўлланиб қолди. «Хотиннинг гапида жон бор, энди кечга ўхшайди», деди у хаёлан.

– Хўп, улардан совчи қачон келаркан?

– Билмасам.

– Ие, нега бўлмаса йўқ совчига оқ фотиҳа берайлик, дейсиз?

– Кеп қолар.

– Олдин келсин. Ҳа, Зебузарга айтинг, иккинчи бесўроқ кўчага чиқмасин, оёғини тийиб юрсин. Бўлмаса мен ундан рози бўлмайман. Қишлоқда ҳар хил гап-сўз юрибди.

– Ҳа, «Қизинг бўлса эрга бер, қутул балосидан», деганлар.

– Наҳотки биргина қизимиизни асрай олмасак? Уни кўнгилдагидек жойга узата олмасак? Нима деган одам бўлдик, ахир, – деди Рашид ака хонтахтани муштлаб.

– Кўп ўзингизни сиқаверманг. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Лекин... «ҳаммаси яхши» бўлмади.

Бир неча кундан бўён отасининг кўзига кўринмай юрган Зебузарни кечки овқатга олиб чиқишиди.

– Ол қизим, еявер. Тўйи бўладиган қиз бақувват бўлиши керак, – деди отаси кечиримлилик билан.

– Худо ҳоҳласа, қизимииз жуда чиройли келин бўлади-да, дадаси, – деди онаси.

— Айтганинг келсин, тушган жойи обод бўлсин, илоҳим. Зебузар ўзига бўлаётган илиқ муносабатдан хурсанд бўлди ва иштаҳа билан овқат ея бошлади. Бироқ... Кўп ўтмай кўнгли айний бошлади. Чўлпоной қўрқиб кетди.

— Вой, ошқозонинг оғрияптими? Нима еган эдинг, болам? Улар бир четга ўтишиди.

— Унингизга дори-пори беринг, — деди отаси.

Чўлпоной қизни ичкари хонага олиб кириб ётқизди.

— Ошқозони оғриб қопти, бояқиши. Мен унга озгина атала қилиб бераман.

— Гуруч қайнатиб берсангиз ҳам бўлади, — деди Султонали аралашиб.

Ўгай она қиз атрофида парвона бўлди. Лекин қиз овқат ея олмади. Султонали тунда туман марказидан «Тез ёрдам» чақириб келди.

«Тез ёрдам» дўхтири нотаниш бўлиб, негадир Султоналини «куёв», Зебузарни эса «келинпошша», деб атай бошлади. Бунга дастлаб ҳеч ким эътибор бермади. Муҳими, беморнинг соғлиғи эди.

— Сиз кими бўласиз, опажон? — деб сўради дўхтири Чўлпонойдан, қизни текширап экан.

— Онасиман, айланай. Нима бўпти?

Дўхтири кулиб қаради:

— Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида. Табрикласам бўлади, албатта. Шундай бўлсаем эртага эргалаб туман поликлиникасига бориб тиббий кўрикдан ўтишсин, қон, сийдик топширишсин, келинпошшанинг ҳомиладор бўлганликлари янаям аён бўлади-қолади.

Чўлпонойнинг юраги «шувв» этиб кетди.

— Н-нима дедингиз? — деб сўради у бақрайиб.

— Ҳар ҳолда суюнчига қарздорсиз, хола, — деди дўхтири нарсаларини йигиштириб ташқарига чиқар экан, қўшиб қўйди.  
— Менинг айтганим доим тўғри бўлиб чиқсан.

Чўлпонойнинг рўмоли ерга тушиб анграйиб қолди. Ётган Зебузарнинг кўзлари катта-катта очилиб кетганди.

— Вой, она қизим, нима иш қип кўйдинг-а? Отанг билан аканг билишмасин, ишқилиб.

Ташқариди турган Султонали дўхтири кўчага кузатиб чиқди.

— Синглим тузукми, дўхтири?

— Ие, бу қиз синглингизмиди?

— Ҳа.

— Унда куёв бола ким?

— Худо хоҳласа энди узатамиз.

Дүхтири ҳайрон бўлиб бақрайиб қаради.

— Ие, шунақами? Хўп, хайр бўлмасам. Мен онангизга айтдим. Эртага вақтироқ поликлиникага боришин. Анализларни топширсин, — деди у чаккасидан оқаётган терларни артиб оларкан ва ичида: «Астагфуруллоҳ...» деди ҳамда уйдаги балоғатга етган қизини кўз ўнтига келтирди-да, ҳайдовчига «Тезроқ ҳайданг!» деб буюрди.

Султоналини ичкарига киритмаслик учун Чўлпоной атайин чироқни ўчириб қўйди ва оҳиста қизнинг тепасига бориб, унинг бошини силаб, юм-юм йиглай бошлади.

— Вой, нима қип қўйдинг, болам? Бу қандай кўргулик?..

— Мени кечиринг, ойижон, — дея пиқиллаб йиглай бошлади қиз ҳам.

— Мен аҳмоқ, мен гаранг ўшанда нимага кетиб қолдим-а? Урсанг ҳам, сўксанг ҳам қолавермасмидим-а... Мана оқибати. Қаровсиз қолган болам-а...

Зебузар унинг бўйнига осилиб олиб, пиқ-пиқ йиглай бошлади.

— М-мени кечиринг...

— Э Худо, нимага менга фарзанд бермадинг! Шу қизимнинг ўрнига, нимага мени ҳомиладор қилмадинг?.. Энди болам шўрлик нима қилади? Отасининг кўзига қандай қарайди?.. Бола кўрмай ҳомиладор бўлишниям билмабман, мени кечир қизим. Биз аёлларни шунақа, пешонамиз шўр бўларкан...

Шу зайл она-бала узоқ йиглашди, то тонгача дардлашиши ва эртаси саҳарданоқ туман марказига йўл олиши...

...Кечаги дўхтири янгишмаган экан.

\* \* \*

— Дадаси, айтсан тилим, айтмасам дилим куяди. Юринг сизга бир гапим бор, — деди Чўлпоной кечки овқатдан сўнг бамайлихотир телевизор кўриб ўтирган эрига.

Улар ўз ётоқларига киришди.

— Зебузар тузукми, ўзи? — деб сўради Рашид ака ичкари кириб бораракан, кўнгли бир хавотирликни сезиб.

— Ёмон иш бўлди, дадаси. Бирорга айтиб бўлмайдиган иш бўлди.

— Хўш-хўш...

— Фақат ўзингизни босинг, қон босимингиз...

— Нима гап, тезроқ айтсангиз-чи.

— Агар қизимизни уришмайман, деб сўз берсангиз кейин айтаман, — деди аёл ва йиглаб юборди. — Уни ўрнига мана мени сўкинг, уринг, минг марта розиман...

— Ие, мундоқ тушунтирибороқ...

— Ўшанда Зебузар мени урсаям, сўксаям кетмаслигим керак экан, дадаси... Ҳаммасига мен айборман... Бир оғиз гапи оғир ботиб, бўйи етган қизни ташлаб кетибман... Сиз бўлса доим далада...

Рашид аканинг юзлари аввал қизарди, сўнгра ниманидир фаҳмлаб докадай оқара бошлади, қўллари муштланди.

— Нима?! Қизимга ит тегибдими?!

— Фақат уни урманг, илтимос. Мана, мени уринг... Ҳомилали аёлни уриб бўлмайди, ахир...

Эр иргиб ўрнидан туриб кетди. Томогини бир нарса «ғип» бўғаётгандай туюлиб, нафаси қисила бошлади ва токчани ушлаб суюниб қолди.

— Бу аниқми?

— Ҳа... Дўхтирлар айтди.

— Қим экан ўша, ҳароми?!

— Ўша, суйгани. Фақат қизимни уришманг, жон дадаси.

Унда ҳеч қандай айб йўқ. Ҳаммасини айтиб берди. Уни мажбур қилганмиш...

— Оббо аблаҳ-ей! Мен ҳозир уни уйига ўт қўяман!

Аёл эрининг елкасига қўлини қўйди.

— Ҳеч қаёққа бормайсиз, ўтиринг.

— Ярамас! Ит эмган, ҳайвон!..

— Лекин ўша ҳайвонни куёв қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Энди фақат унинг совчиларини кутамиэ, холос. Шўрлик қизим...

Рашид ака бошини чангллади. Болалигидан юргулаб катта бўлган қизалогини, раҳматли хотини уни суюб эркалаётганини, бозордан хўроқзанд олиб келганида қучоfiga отилганини кўз олдига келтирди-ю, баттол Маҳмуднинг тагида номуси топталаётганини тасаввур қилиб, қўлига илингган гулдонни олиб отиб юборди-да, унсиз йиглай бошлади.

— Ҳозир қизимизга жуда оғир. Ўз-ўзини бир нарса қилиб қўймаса, деб қўрқаман, жон дадаси.

— Ҳе, ҳожи бўлган соқолингга!..

— Қўйинг энди, дадаси, бўлар иш бўлди. Энди буёгини ўйлайлик. Ҳа айтмоқчи, бу гапни Султонали асло эшитмасин-а. У Маҳмудни бир бало қилиб қўймасин, тағин.

— Номини тилга олманг у ифлосни! Юринг кетдик.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди? Ҳожиникига-да.

— Вой, ҳозир бориб бўлмайди. Сал ўзингизга келиб олинг, дадаси. Биз борсак тўғриям келмас...

Рашид ака шашт билан у ёқ-бу ёқ юра бошлади.

- Нима қил дейсиз, бўлмасам?
- Уларнинг совчисини кутишимиз керак.
- Келмаса-чи?
- Ҳай-ҳай, оғзингизни шамол олсин-а. Унақа деб ўйлай ҳам кўрманг-га...

Лекин кунлар ўтди, ҳафталар ўтди, совчилардан дарак бўлмади. Эшик «тиқ» этса ҳам, чумчуқ «пир» этса ҳам дарвозага қарайдиган бўлдилар. «Тарвузпоя»да экилган «тарвуз» эса тобора палак отиб катталашиб борарди...

### **«ОҚЛИҚ» ОЛИНГАН КУН**

Ёзниг илиқ шабодаси элитдими, баланд сўрида ёнбошлаб газет мутолаа қилаётган Содиқҳожи мизгий бошлади. Шу пайт тўсатдан хонтахта тепасида турган телефон қаттиқ жиринглади. Ҳожи чўчиб кўзларини катта-катта очди.

— Уфф, бир зум дам олганиям қўйишмайди-я, — деди у норози алфоздат телефон гўшагини қўлга олиб, унинг аниқловчи рақамларига тикилиб қарапкан «Кимдан экан-а?» — деб қўйди. — Ие! Ошнам Собирҳожи-ку!

У хурсанд бўлиб деярли ўрнидан туриб кетаёзди ва чўккалаб олган ҳолда бир қўлини қўксига қўйиб салом-аликни қуюқ қила бошлади.

— Ие-ие, ошна бормисиз?.. Ҳозиргина кўнглимдан ўтиб турувдингиз-да... А лаббай, раҳмат, раҳмат. Ҳудога минг қатла шукур. Ҳаммалари яхши, Маҳмудбой ҳам юрибди, ҳозир далада тарвузларни ҳисобини чиқарајпти. Қалай, ўзларингиз тинчмисизлар? Аёлингиз, қизалоғингиз Шаҳлохон яхшимилар?.. Ҳа-ҳа, раҳмат. Мундоқ йўқлаб келавермаганларинг учун энди ўзимиз сизнига бормоқчи бўп турувдик-да, ошна. Меҳмондорчилик ўз йўлига. Сиз билан бир бамаслаҳат иш борда... Қанақа дейсизми? Айтаверайнми?.. Ўзингиз биласиз, Маҳмуджон ўғлимиз биттаю-битта, кўзимизни оқу қораси. Шу, бу йил уйлантириб қўйиш ниятидамиз... Ҳа-ҳа, «Келин борми?» дейсизми? Жуда бор-да, ошна. Шу, «ошна-ошна» деяпману, лекин сизни қуда дегим кеп кетяпти-да, лекин... Тўғри, илоҳим. Тақдир насиб албатта... Хуллас, шунақа гаплар... Демак, эртага эрталаб... Қолганини ўша ерда гаплашамиз. Раҳмат қуда... э, ошна. Буни қаранг тилим айланиб кетай деяпти, — деди у ва лаганбардорона «ҳе-ҳе»лаб кула бошлади. — Бўпти ошна, пули тугаб қолмасин тагин, во-ҳа-ҳа...

Содиқхожи кула-кула телефонини хонтахта устига қўйдида, атрофини аланглаб хотинини қидира бошлади. — Хотин, ҳой хотин, қаердасан?!

— Ҳувв, манаю, кетаяпма-ну... — дея чопқиллаб келди хотини.

— Бўл тез хотин, тайёргарлигингни кўр. Синглим Ойишаниям айтиб кел, эртага эрталаб совчиликка борадиган бўлдик. Бу, ўғлингни бошини иккита қилиб қўяйлик, — деди у хурсанд ҳолда.

— Вой айланиб кетай сиздан, дадаси. Ўғлим ҳам қийналиб кетди. «Қачон совчи бўлиб борасизлар» деб, мениям ҳол-жонимга қўймаётувди, ийманиб сизга айта олмаётувдим.

— Ие, гарангмисан, у қаёқдан билади?

— Ахир, жиянингиз Шоирдан Чўлпоной айттириб юборган экан-да.

— Нима? Қанақа Чўлпоной?

— Рашиднинг янги хотини-да.

— Тавба, мен тоғдан келсам, сен боғдан келасан-а хотин, уларни бу ишга нима алоқаси бор?

— Ахир қизларига биздан совчи кутишаялти-ку.

— Мени нимага аҳмоқ қиляпсан? Нима, мен биттаю-битта ўғлимга ўша таги пастларнинг қизини олиб берар эканманми, тавба. Ҳеч жаҳонда ўғил томонга қиз томон «совчи юборинглар», деб айттирганини эшитганимисан, овсар? Бор, бошимни айлантирма! Нима қилаётганимни ўзим яхши биламан. Айтиб қўй, Маҳмуд икки дунёдаям у қизга уйланмайди, билдингми?! Бор тайёргарлигингни кўр, Собир ошнамникуга борамиз. Ҳозиргина у билан гаплашдим. Улар бизни эрталаб кутишялти. Уни ой деса ойдай, гул деса гулдай қизи бор. Маҳмудга ўша муносиб. Куданг бўлса ана шундай бор дегудек бўлса-да... Тавба, қаердаги таги паст, босар-тусарни билмайдиган қизни гапиради-я...

— Зебузар унақа ёмон қизмас, дадаси.

— Бас қил, дедим сенга! Бошқа у қизнинг номини ҳам тилингга ола кўрма. Мен ҳаёт эканман, мана уйим бузилса бузилиб, ёнса ёниб кетадики, унингни асло келин қilmайман! Бор, йўқол! Ҳе, сени ўша... Биламан, ўғлинг икковинг тил биринкитириб олгансанлар.

Сора опа ноилож ичкарига кириб кетди.

Эртаси Содиқхожи аёлларни олиб, Андижонга жўнади. Маҳмудга айтмай қўя қолишиди.

— Нима кераги бор, — деди ҳожи синглисини бир четга тортиб. — Орзу-ҳавасни мен қиляпман. У яккаю ягона ўелим. Мен нима десам шу бўлади. Кейин «Кутлуг бўлсин!» деб табриклаб қўярсизлар. Илоҳим, аввало, ишимиш бароридан келсин. Ҳали ошнам рози бўладими, йўқми... Сизлар ҳам бўш келманглар, хўпми.

— Хўп бўлади. Илоҳим ниятингизга етинг, акажон.

Улар эрта кетиб, пешиндан сўнг димоқлари чоф бўлиб қайтишди. Куда бўлмиш Собирҳожи: «Энди, бўлар ишнинг бўлгани яхши. Узоқ йўл, яна келиб овора бўлиб юрманглар. Мен ошнамни жуда ҳурмат қиласман» деб, хотинига оқлиқ олиб чиқишини буюрди. Шундан сўнг «Фотиҳа тўйи» куни ҳам белгилаб олинди.

Маҳмуд ҳали бу ишлардан бехабар эди. У кеч уйғонганида уйда ҳеч ким йўқ бўлиб, уйдагилар қаёққадир меҳмондорчиликка кетишган экан. У бундан фойдаланиб онаси дастурхонга ўроғлиқ қолдирган сомса ва қатлама билан тез-тез нонушта қилди-да, энди қандай қилиб Зебузарни уйидан чақиритиб келиш режасини туза бошлади. «Қани энди уни уйга олиб кела олсан, зўр иш бўларди-да», деган ўйга борди. Лекин бунинг иложи қийинлигини ўйлаб хуноби ошди. Шундай бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши аммаваччаси Шоирага илтимос қилиб кўрмоқчи бўлди ва уйкудан шишиб кетган қовоқларини ишқаб, аммасиникига қараб машинаси билан йўл олди. Уйда Шоиранинг ўзи бор экан. У хурсанд чиқиб келди.

— Ие-ие, келинг энди, куёв бола, — деди у жилмайиб.

— Раҳмат. Бир келин болани кўрмоқчийдим.

— Намунча шошмасангиз.

— Ахир ўзинг бизни қовуштириб қўйдинг-да, — деди Маҳмуд кулиб...

— Менда нима ишингиз бор эди?

— Дугонангни чақириб кел. Уйда бирпас, яrim пас гаплашиб ўтирамиз демоқчийдим.

— Вой, совчиларни ташлаб қандай келади?

— Қанақа совчилар?

— Тавба, худди ёш болага ўхшайсиз-а.

— Тушунмадим.

— Ахир ўзингиз юборган бўлсангиз керак?

— Қаёққа?

— Зебузарникига-да. Мен ойингизга ҳам айтган эдим.

— Нимани?

— Нимани бўларди, тезроқ совчи бўлиб боришлирини-да.

— Ие, рости биланми? — деди Маҳмуд оғзи қулогига етиб.

— Ҳа, рости билан. Нима, хабарингиз йўқми?

— Йўқ. Уйқудан уйғонсам уйда ҳеч ким йўқ экан.

— Вой ўлмасам! — деб юборди Шоира самимий кулиб. —

Тавба, тўйи бўлишидан куёвнинг хабари бўлмаса-я...

— ... Қаёқдан билай?

— Мениям хабарим йўқ эди. Ойим айтдилар, эрталаб ойингиз: «Тез бўлишсин, совчиликка бориб келамиз», деб айттириб юборган эканлар. Худо хоҳласа бугун унаштириласиз, акажон.

— Ие, шунақами? Лекин отам рози бўлмаётувди-ку.

— Рози бўлгандирлар-да. Ўзлари айтибдилар-ку!

— Маҳмуд уйга кўнгли шод бўлиб қайтди. «Лекин йигитларга кўз-кўз қилганим хунук иш бўлди-да. Ҳай майли, улардан қарзим йўқ. Муҳими Зебузарга уйланяпман-ку, жа гапираверишса шаҳарга кўчиб кетарман», деди у ўзича.

У уйга келиб режаси амалга ошмаганидан сал афсусда бўлса-да, энди бундан буён ишқий учрашувларга «яшил чироқ» ёнаётганидан беҳад шод эди. «Энди ҳар куни майшат қўйла бўлар», — деди у ва уйга кириб, видеомагнитофоннинг олдига яшириб кўйган бир талай бузуки кассеталарни топиб, оёғини осмондан қилиб ётганча секс-фильм томоша қила бошлади...

...Ана, гўё йигитнинг ролида ўзию, қизнинг ўрнида Зебузар... Поёнсиз ишқий лаззатлар... Маҳмуд беҳаё фільмга шундай берилиб кетдик, ҳатто отасининг чақириб уйга кириб келганини ҳам англамай қолди.

— Ҳе, шарманда, аҳмоқ! — дея ўшқирди Содикҳожи чалқанча тушиб ҳансираф ётган ўғлига. — Тур-е. Үчир анавунингни!..

Маҳмуд агил-тапил пультни ахтарди, лекин топа олмади. Ҳожи ўзи тўғри борди-да, телевизорнинг симини жон-жаҳди билан тортиб юборди. Розетка жойидан қўзғалиб, гилам устига алbastер бўлаклари тўкилди.

— Ҳе ўша, видеони ўйлаб топганнинг падарига минг лаънат! Мана шу бузаяпти сендақаларни! — дея ҳожи сўкина-сўкина ташқарига чиқиб кетди.

Маҳмуд бу ҳолатни ўзича тушунди: «Демак, Зебузарга тегинганимни билибди-да. Мехмондорчиликда шу гап бўлган бўлса керак-да. Тавба, қанақа одамлар экан ўзи! Шуни айтиш шартмиди? Қайнотамнинг кўзига қандай қарайман энди? Одамни уялтиришиди-ку булар...»

Маҳмуд ташқари чиқиб келиши ҳамоно ойиси ва аммаси уни муборакбод қила бошлашди. Отасининг ҳам чехрасида мамнунлик аломати пайдо бўлганди.

— Ўғлим, ҳалиги гапимни кўнглингга олма. Энди катта йигит бўп қолдинг, майлига-да. Мана тўйни ҳам бошлаб юборадиган бўлдик, оқлиқ олдик, муборак бўлсин энди.

— Раҳмат, — деди Маҳмуд қизарид. — Мен ўзи ўша қизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўрар эдим-да.

— Ия! — деб юборди Содикҳожи ажабланиб. — Сен уни қачон кўрган эдинг-а? Ё ҳалиги кинодагиларга ўхшаб орқамиздан пойлаб бориб, Шаҳлохон билан аҳду паймон қилиб ултурдингми-а? — деда кула бошлади. Аёллар ҳам: «Вой, йигити тушмагур-еий!» деда ўзларича кула бошладилар.

— Қанақа Шаҳло? — деб сўради Маҳмуд тўсатдан.

— Вой, келин бўлмишнинг исми Шаҳло-да, болам, — деди ойиси. — Ҳалиям билмайсанми?

— Шаҳло эмас-е, Зебузар унинг исми...

— Ҳа, ўғлингиз ануви Рашидни қизи билан адаштирипти шекилли-да, — деди аммаси.

— Бўлди қилларинг, вей, яна ўша таги пастни гапиряпсизларми? Ҳеч бўлмаса бугун, хурсандчилик кунда ўшаларни эсламанглар, илтимос! — деди ҳожининг фигони ошиб.

— Тушунмадим, — деди Маҳмуд. — Сизлар ўзи қаёқقا бординглар?

— Андижонга, Собирҳожи ошнамникига-да, овсар! Бошқа бунақа бемаъни савол берма! — деди отаси чўрт кесиб. — Ҳамма иш пишди. Энди сени олиб бориб келаман. Шаҳлохонини бир кўрсанг эди, ҳай-ҳай. Ўзининг «Тико»си, катта тикувчилик цехи бор экан. Худо хоҳласа цехини шу ерга кўчириб опкеладиган бўлдик... Бор, ишингни қил. Ануви видеоларингни йиғиштири. Яна шунақа киноларни кўрадиган бўлсанг телевизорингни синдириб, пачогини чиқараман, тушундингми?

Маҳмуд индамай нари кетди ва уйига тараффудланадиган аммасининг олдига бориб, унга савол назари билан қаради.

— Мениям хаёлимда йўқ эди, жиян. Бу томонга борсак керак десам, отанг Андижонга қараб олиб кетди. Ўзи олдин ишни битириб кўйган экан, — деди у Маҳмуднинг кўнглини тушуниб.

— Лекин ҳақиқатдан ёмон жоймас, жа сенбоп, биттаубитта кенжা қиз экан.

— Ахир, Зебузарга вайда берувдим...

— Оббо, тақдир насиб қилганига тегаверади-да, парво қилма. Йигит кишининг ризқи кўчада қолмайди, — деди аммаси дарвозадан чиқар экан.

— Ахир у...

— Тешик мунчоқ ҳам кўчада ётмайди, — деди аёл кулиб.

— Хайр, яхши қолинглар. Худо хоҳласа, тўйингда ўзим бош бўламан...

Маҳмуд дарвоза олдида серрайиб қолди.

— Ҳой дадаси, — деди ҳожининг хотини. — Ўғлингизни кўнгли тўлмаяпти шекилли.

— Э, парво қилма. Шаҳлохонни ҳали кўргани йўқ-да. Индинга уни ўзим олиб бориб, учраштириб келаман. «Тико»сида бир «катаиса» қилиб, ҳовуридан тушиб келади.

— У, ануви Зебузарни...

— Яна бошладингми! — хонтахтани бир муштлаб ўшқирди ҳожи.

Чўчиб кетган хотини бедана юриш қилиб ичкарига кириб кетди.

\* \* \*

Маҳмуд келиб кетгач Шоиранинг ҳаловати йўқолди. Қандай қилиб тезроқ бориб дугонасини қутлагиси келаверди. Совчилар келишини кўриш ҳам қизиқ-да. Ҳадемай унинг ўзини ҳам кимлардандир сўраб келишади. У Раҳимни ёқтиарди. Лекин эшитишича, Раҳим «Уйимни битирмай туриб уйланмайман», деган эмиш.

Хуллас, қиз апил-тапил кийинди-да, эшикни тамбалаб, Зебузарларникуига чопди. Ул-бул тайёрлашга ҳам ёрдамлашиб юборса бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, икки ёшнинг топишишларида унинг ҳам катта ҳиссаси бўлганлиги учун миннатдорчиллик эшитиш нақадар ёқимли... Лекин Рашид акаларнинг уйи олдида на тоғасининг қора «Волга»си, ичкарида на совчилар бор эди. Зебузар ҳам далага овқат олиб кетган экан, биргина Шербек кабутарларга дон бермоқда эди.

— Ойинг қанилар?

— Энамникуига кетишиди.

— Меҳмонлар келмадими?

— Қанақа меҳмон?

— Совчилар.

— Кимдан?

— Тоғамникуидан.

— Йўқ, ҳеч ким келмади.

Шоира ҳайрон бўлиб изига қайтди. «Қизиқ, ё совчилар тўғри далага борищдими, йўғ-е... Ё энасиникигамикан, йўқ, бу фаразиям тўғри келмаяпти. Тавба, улар қаёққа кетишди ўзи?» дея ер депсинди қиз ва ойисини бетоқатлик билан кута бошлади. Ниҳоят, дастурхон кўтарган ойиси Ойиша опа димоги чоф кириб келди.

— Ҳай-ҳай, ана молу, ана давлат, ана ҳурмату, мана ҳурмат.

— Кимни айтяпсиз, ойижон?

— Кимни бўларди, келин бўлмишникини-да. Шундай гўзал қиз экан, ҳай-ҳай, «Тико»ларни миниб юришини кўрсанг эди. Бирам ярашибдики, шундоқ ҳавасим келиб кетди, қизим.

— Тушунмадим, қаёққа бордиларинг ўзи?

— Андижонга. Совчиликка бориб келдик-да, қизим.

— Ие,вой, Зебузар-чи!...

— Э, қўй, тоганг уни номиниям эшлишини хоҳламаяптилар. Ишни пишитиб қўйган экан. Осонгина оқлиқни беришиди қўйишиди.

Шоиранинг ранги оқара бошлади ва тўсатдан қичқира бошлади:

— Вой, нима қип қўйдингиз, ойижон?!

— Вой, нима қипман?

— Ахир мен ваъда берганман-ку?

— Вой-вой, сени ишинг нима, бирорни ҳёти билан?

Тавба, ваъда берганмиш-а.

Шоира чиндан ҳам ҳўнграб йиглай бошлади.

— Ҳой, аҳмоқ қиз! Нега йиглайсан-а?! Тенг-тенги биланда. Нима, биттаю битта жиянимга акам хоҳлаганини олиб берадида. Сен намунча энди куйиб-пишмасанг? Маҳмуд аканг сенга бегонамас-ку. Бор, ишингни қил! Ундан кўра тогангникига бориб «Кутлуғ бўлсин!» деб кел, ҳе, сени қараю! Бирор билан сени неча пуллик ишинг бор? Зебузарлар бизга ҳеч қанақа уруғмас, тушундингми?

Шоира ичкарига кириб кетди ва бошини ёстиққа қўйиб, юм-юм йиглай бошлади. Бир зум ўтгач онаси кирди.

— Ҳай, сен нимага ҳадеб куйиб-пишасан-а?

— Ахир, Маҳмуд акам Зебузарга уйланиши керак.

— Бо, Худо! Сени улар билан ишинг бўлмасин дедим-ку!

— Ахир у ҳомиладорку...

— Ким?

— Зебузар.

— Кимдан?

— Кимдан бўларди?..

— Ҳой, мундоқ тушунтириброк гапир!

— ...

— Сен қаёқдан биласан? Тавба, худди қүшмачилик қилгандай гапирасан-а.

— Мен сабабчи бўлганманда... — дей йиглай бошлади қиз.

— Нима, сабабчи бўлиб қўлини ушлаб турғанмисан? Айт, қанжиқ! Тўғрисини айт, нима бўлган ўзи? Ё сен ҳам бирортаси билан бўлдингми? Айт деяпман!..

Ойиша опа тобора қаҳрли бўлиб авжга чиқа бошлади. Агар ташқаридан бирор чақириб қолмаганида, ким билади, қизини бурдалаб ташлаган бўлармиди?

Почтачи экан. Нафақасини олиб келибди. У кетгач, аёл қизига ёмон муомалада бўлганидан афсусланди ва оҳиста кириб, унга мулоийим гапира бошлади:

— Жон қизим, мени кечир, сал қизишиб кетдим. Тўғрисини айт, жон болам, орамизда қолади.

Шундан сўнг Шоира тарвузпоя воқеасини айтиб берди.

— Вой ер юткурлар-ей. Ўшанг Маҳмуд полвон Қўйдай ювош тортиб юрган экан-да. Лекин бир марта билан аёл киши ҳомилали бўлиб қолавермайди. Сен ҳадеб куяверма. Улар кўп учрашишгандир, ё бўлмаса у қиз бошқа йигитлар билан ҳам бўлаётгандир.

— Йўқ, Зебузар унақа қиз эмас.

— Сен қаёқдан биласан? Ҳозирги замонда одамни ичидагини одам билолмайди. Улар камбағал, Маҳмуд аканглар эса ўзига тўқ. Эҳтимол, атайин бойлиги учун илашгандир. Бўлди, бу тўғрисида бошқа ўйламаям, куюнмаям. Тур, молга қара. Ҳе эси паст қиз. Билиб қўй, «Фунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди». У вақтда Зебузарнинг онаси йўқ етимча эди. Отаси доим далада. Сен қаёқдан биласан унинг ниятини? Эҳтимол ўзи хоҳлагандирки, шу хунук иш бўлгандир.

Лекин бу гаплар Шоиранинг кўнглига хотиржамлик бермади. Ахир у ваъда берган, дугонасининг тақдирига бефарқ қарай олмасди. Маҳмуд эса Зебузарнинг ҳомиладор бўлиб қолганидан бехабар эди.

Орадан кўп ўтмай «фотиҳа тўйи» — унаштириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Куёв болани келинпошша ҳақиқатдан ҳам «Тико»сига миндириб, шаҳарни сайр қилдирди. «Боғишамол»га боришли. «Бургут» тагида музқаймоқ ейишли, тикувчилик цехини томоша қилишди. Ёқимтой ва тадбиркор бу қиз Маҳмуднинг ҳавасини уйғотмай қолмади. Унинг чеҳраси, бўртиб турган

сийналари, ёқимли табассуми йигитнинг эсини оғдираёзди. Шундай қилиб тўй бўладиган бўлди. Хушхабар кичик қишлоқга тез ёйилди.

Бу ҳақида эшитган Рашид ака ва Чўлпонойлар ўзларини кўйгани жой топа олмай қолдилар ва бор ҳақиқатни айтиш учун узун-қисқа бўлиб ҳожининг уйига кириб келдилар.

— Ҳа, келинглар, тинчликми? — деди ҳожи парво ҳам қилмай.

Маҳмуд уларни кўриб эсанкираб қолди ва тезда ичкарига кириб, деразадан гап пойлай бошлади.

— Бир хунук иш бўлган экан, — деди Рашид ака сўрига омонат ўтиргач.

— Қанақа иш?

— Ўғлингиз қизимиз билан... аҳду паймон қилишган экан.

— Ҳе-ҳе, — деди беўхшов кулиб ҳожи менсимай. — Бўлмаган гап, ўғлимни аҳду паймон қилгани бошқа, худо хоҳласа яқинда тўйи бўлади. Сизлар янгилишиб келибсизлар, шекилли.

— Йўқ, ҳожи ака, — деди Чўлпоной гапга аралашиб. — Қизимиз ҳаммасини айтиб берди. Ўғлингизни ўзи шўхлик қилиб кўйган экан.

— Ия, қачондан бери у сизни қизингиз бўп қолди?

— Ҳожи ака, ҳурматингиз бор. Ишни яхшиликча ҳал қилайлик, — деди Рашид жаҳли чиқиб.

— Ҳў ука, сиз аввало, қизингизни тийиб олинг эди, билдингизми! Сиз ҳам йигит кишисиз, кўзини сузган аёлга ким хушомад қилмас экан, а лаббай?..

— Гапни чўзмайлик, Зебузар ҳомиладор!

— А, кимдан?

— Ўғлингиз Маҳмуддан. Тўйингизни тўхтатинг, бўлмаса, судга берамиз.

— Ҳўв сингилжон. Қани, бу ёққа ўтиринг-чи, — деди ҳожи сал паст тушиб.

Чўлпоной ҳам омонат ўтириди.

— Ислотингиз борми ўзи? — деди ҳожи айёrona боқиб.

— Ҳа, бор.

— Ким гувоҳ экан, ким кўрган экан? Эҳтимол, у бошқа йигитчалар билан бўлгандир.

Рашид тутақиб ўрнидан туриб кетди.

— Вей, ҳожи, қанча гувоҳ керак бўлса топиб келаман, тушундингизми! Ишни пачакилаштиrmай, унга бошқаларни аралаштиrmай тинчгина ҳал қилайлик.

— Хўп. Хўп. Уэр, укажон. Ҳозир ўғлимиздан сўраймиз-да. Қани, сизлар қанақа туҳмат тўқиб келганларинг аён бўлади-кўди.

— Чақиринг.

— Ҳов Махмуд!

Махмуд чиқавермади. Ҳовлидан Сора опа чиқиб келди ва совуқ ўтирган меҳмонлар билан сўрашган бўлди.

— Бор, ўғлингни айтиб чиқ!

Ниҳоят қизариб-бўзариб, иштонини ҳўл қилиб қўйган боладай Махмуд чиқиб келди...

— Ҳой овсар. Мана булар сени устингдан шикоят қилиб келишибди. Сен уларнинг қизини бузиб қўйганмишсан. Шу тўғрими?

Махмуд индамай ер чиза бошлади.

— Мен сендан сўраяпман, ҳароми!

— Ҳай, мени ўғлим унақа иш қилмайди-я, нимага туҳмат қиляпсизлар-а?! Ҳай, «Йўқ» дегин ўғлим, «Йўқ» дегин, — дея тинмай жаврай бошлади онаси.

— Й-йўқ...

— Ана! Эшитдиларингми? Бор энди қаерга борсанг бораверинглар! Судга берасанми, ўтга берасанми. Аввал қизларингни жиловини ушлаб олларинг-да кейин бироннинг боласига туҳмат қилишни ўрганинглар. Тур йўқол, икковинг!

— Тўхтанглар, шошилманглар! — деди тўсатдан дарвозадан чопиб кирган Шоира, — Тоға, улар ҳақ, мен гувоҳман. Бу иш тарвузпояда бўлган эди.

Шоира тўй бўлишини онасидан эшитиб қолиб, Махмуднинг бу ишга бўлган муносабатини билиш учун бу ёққа шошиб келган ва дарвоза ортида туриб сухбатдан воқиф бўлган ва чидай олмаганди.

— Сен у ерда... нима еб юргандинг? — сўради ҳожи қўзларини ола-кула қилиб.

— Ўғлингиз, мана шу ўғлингиз мени сувга юборвориб, уни зўрлаб қўди.

Ҳожи шашт билан ўрнидан туриб кетди.

— Ҳой қанжиқ! Ўйлаб гапир, мен сени тоғангман-а! Бир фоҳишани деб мени обрўйимни тўқмоқчимисан, сен ҳали!

— У фоҳиша эмас, у бокира. Махмуд акам унга уйланаман деб сўз берган ахир. Гапирсангиз-чи, Махмуд aka, қанақа йигитсиз ўзи?!

— Махмуд, гапир! Тўғрисини айт. Шу гап ростми?

Маҳмуд бошини силкиб «ҳа» ишорасини қилди.

— Ҳайвон! Ҳомиладорлигини билармидинг?

Маҳмуд «Йўқ» ишорасини қилди.

— Бола сендан бўлганми? Ҳой, сендан сўраяпман, — дея қичқирди ҳожи ва сўридан сакраб тушди-да, важоҳат билан бир таёқни кўтарди.

— Ўзингизни босинг, ҳожи ака. Бўлар иш бўпти, энди буёғини ўйлайлик.

— Ҳа, уларни тезроқ қовуштириб, никоҳлаб қўяйлик.

— Нима! Нима деяпсизлар! Ахир, ахир мен...

— Ҳой дадаси, бафуржа гаплаша қолайлик. Жанжални нима кераги бор? Маҳалла эшитмасин-а, — деди Сора опа куйиб-лишиб ва Маҳмудга қараб: «Бор, кет» дея ишора қилди.

Ҳожи жияни Шоирага еб қўйгудек қаради-да сўрига қайтиб чўккалади. Нима қиларини билмай гарангсиди, гулдираниб сўқинди, бироқ бўлар иш бўлганлигини тан олишга мажбур бўлди. Лекин айбни ўелидан эмас, ҳамон қиздан қидирар, унинг назарида ҳозир қандай бўлмасин Зебузарнинг ота-онасидан бир илож қилиб қутулиши ва бундан бўён нима қилиши кераклиги ҳақида пухта ўйлаб олиши лозим эди. Шуларни ўйлаб, у энди маккорлик йўлига ўтди.

— Бечора қизга жабр бўлибди-да. Эҳ афсус... Мен бу ишни ўғлимдан ҳечам кутмагандим. Бу ифлос менга бир оғиз ҳам айтмади-я, ҳайвон.

— Йўқ, у билар эди, — деди Шоира шоша-пиша.

— Йўқол! Катталарнинг ишига аралашма, ҳе қанжиқ...

Шоира кетаркан, дарвоза тутқичини ушлади-да, яна бир оғиз ачитиб қўйгиси келди.

— Агар Маҳмуд акам Зебузарга уйланмас экан, қунингизни кўрасиз. Нон урсин, қасам ичаман, — деди у жиддий ва эшикни «Қарс» этказиб ёпди.

Эшикнинг қарсиллаши ҳожининг юрагига ханжар санчгандек бўлди. Отиб юбориш учун пиёлага ёпишди, лекин Рашид уни ушлаб қолди.

— Бўпти, — деди ҳожи ниҳоят. — Мен розиман. Эртанидин уларни никоҳлаб қўямиз.

Чўлпонойнинг чехрасига табассум югурди ва эрига маъноли боқди.

— Узр, сал қаттиқроқ гапириб юборган бўлсак, — деди Чўлпоной.

— Лекин, — деди гапини давом эттириб ҳожи, — никоҳ ҳозирча күпчиликка ошкора қилинмаслиги керак. Тўйни ҳам кейин қиласиз.

— Қачон? — деб сўради Рашид.

— Мен аввало, қизингизни кўришим керак. Ҳомиласи неча ойлик?

— Олти ойлик, — деди Чўлпоной.

— Эҳ-ҳе, сизлар нима, тарвуздек қорин билан тўй қилмоқчи бўлаяпсизларми?

— Ҳа, энди, бизниям орзу-ҳавасимиз бор. Қиз бола ўзининг тўйини кўриши керак-да.

— Ҳа, ўлманг! — деди ҳожи тўсатдан жонланиб, — мениям орзу-ҳавасим бор. Ўғлим яккаю ягона, эл-юрг олдида ўзимга яраша обрў-эътиборим, ошна-оғайним бор. Нима, дўст-душманни олдида ўғлимга қорни тарвуздек келинни олиб берсан ярашадими? Ахир ўзларингиз бир ўйлаб кўринглар-а. Нима деган одам бўламан?

— Нима қиласайлик бўлмаса?

— Бола туғилишини кутамиз. Ана кейин тўй бўлса, тўйда... — деди ҳожи қошини айёrona чимириб атрофига аланглар экан. Негадир шу пайтда Маҳмудни кўрмоқчи ва унга иложи бўлса қўзини қисиб қўймоқчи ҳам бўлди. Лекин ўғил дераза ортида бўлиб, отасининг бу ҳаракатини пайқамади.

— Бўлмаса бугун-эрта совчиларингизни кутамиз.

— Қанақа совчилар?

— Ахир қиз бола...

— Вей, қанақа содда одамсизлар-а, ўзи? Бўлар иш бўлган, мана ўзларинг ўғлимни сўраб келиб ўтирибсизлар-ку!

— Ҳай майли, бўлмаса улар қачон никоҳланишади? — деб сўради Чўлпоной ўсмоқчилаб.

— Ҳўп, сингилжон. Мен бугун-эрта масжидга бориб йўл-йўриқ сўрайман, сўнгра бирор домланинг вақтига қараб иш тутамиз-да, маъқулми, Рашидбек?

— ...Маъқул.

— Қани омин, — дея фотиҳага қўл очди ҳожи.

— Икки ёш қўша қарисин, — деди шоша-пиша Чўлпоной.

— Йўқ, — деди ҳожи уни чўрт кесиб, — аввало, мушкуллари осон бўлсин, Зебузархон келиннимиз эсон-омон

кутулиб олсинлар, шу хонадонда түйлар, яхшилик кунлар бўлаверсин, омин, аллоҳу акбар...

Ҳожи уларни кўчага кузатиб чиқди. Улар кетиши. Лекин уни ғам босди. «Оббо, энди нима бўлади? Ошнам Собирҳожига нима дейман? Ана шармандалигу, мана шармандалик... Унинг жаҳли чиқди ва уйга кира солиб ўғлини чақирди.

— Маҳмуд! Маҳмуд деяпман!

— Лаббай, — дея юзлари қип-қизил ўғли чиқиб келди.

— Ҳе, онангни... — дея болахонадор қилиб сўкинди ҳожи.

— Ҳамма ишни расво қилдинг, мени шармандай шармисор қилдинг. Бир таги паст одамларга бўйнимни эгдириб қўйдинг-ку, ифлос! Ўша бола сендан бўлганми ўзи?!

— Бил-бilmасам...

— Нега билмайсан?!

— М-мен...

— Лекин айтиб қўяй, ўша гапим гап. Мен у қизни икки дунёдаям сенга олиб бермайман, билдингми?!

— Ахир у...

— Парво қилма, бу ёғини ўзим тинчитаман. Фақат сен энди аралашмайсан, билдингми? Сен қиласи ишни қилиб бўлдинг, энди менга қўйиб бер. Шаҳлохонга уйланасан, тамом-вассалом!

— Н-никоҳ-чи?

— Ҳа, никоҳми? Уни қиламиз, лекин фиктивний деган гапни эшитганимисан?

— Й-йўқ...

— Ҳе, суробингга сени... — деди ҳожи жаҳл билан ва ичкарига кириб кетди.

Маҳмуд эса айвон олдида сувга пишилган мушукдай шумшайиб қолаверди.

## СИРТМОҚДАН ҚАЙТМОҚ

Эртаси Зебузарларникида кичик доирадаги никоҳлаш маросими ўтказилди. Битта хўроз сўйилиб, дўпидай ош дамланди. Ҳожи келиннинг қорнига разм солди. Ҳақиқатдан ҳам у билиниб қолган эди. Маросим ўтиб бўлгач қудалар ёлгиз қолишиди.

— Энди куда, гап мундоқ, — деди ҳожи хўриллатиб чойни ичib, пиёлани «тўқ» этказиб қўяркан. Қизимизни қишлоқда бундай юриши тўғри келмас. Дўст-душман бор ахир, нима дедингиз?

— Ҳа, албатта, — деди Рашид бошини эгиб.

- Шунинг учун мен ёшларга шаҳардан бир дом олиб берсам дегандим. Бола туғилгунича яшаб туришармиди?
- Раҳмат сизга, жуда яхши ўйлабсиз.
- Тагида машинаси бор. Бориб-келиб хабар олиб тураверади, маъқулми?
- Маъқул...

Лекин ҳожи дом олиб бермади. Балки ўзининг яқин таниши бўлган қўшмачи аёл — Сурмахоннинг уйидан бир хонасини ижарага олиб берди. Ҳожи Сурмахоннинг эски мижози бўлиб, бу аёл бўлаётган муаммолардан хабардор эди. Содиқдоҳининг хийла-ю найранглари аслида Сурмахоннинг йўл-йўриғи билан бўлаётган, ҳожи эса уни яхшилаб сийлаётган эди. Зебузар бу ишлардан мутлақо хабарсиз бўлиб, у ниҳоят Маҳмудга никоҳланганни учун кўнгли таскин топган ва фақат эсон-омон туғиб олиш ҳақида ўйларди. У етти хонали ҳовли уйнинг бир хонасини эгаллади. Дастлаб Маҳмуд тез-тез келиб турадиган ва ётиб ҳам қолаётган эди. Лекин кейинроқ отасининг тазиикларига мувофиқ қадамини камайтира бошлади. Бундан ташқари, Андижон билан алоқалар сусаймаган, балки Маҳмуд Шаҳлохон билан учрашувни канда қилмаётган эди.

Хуллас, ҳамма ишлар Содиқдоҳи ўйлаб қўйганидек борарди. Кунлардан бир куни ҳожининг ўзи гўё Зебузарни йўқлагани ташриф буюрди. Унга совға-саломлар ва егуликлар ола келди. Нариги хонада Сурмахон билан анчагина маслаҳат қилишди. Уларга чой дамлаб, овқат тайёрлаб юрган Дилбар исмли қиз тўсатдан уларнинг сұхбатидан ва ҳожининг Сурмахонга негадир катта пул инъом қилганидан воқиф бўлиб қолди.

— Хуллас, ҳаммаси чиройли ўтсин. Уни ухлатиб қўйиб, ўша йигитни аста киритиб юборинг. Сўнгра ўғлим устига кириб келади, қарабсизки, вассалом... — деди ҳо ҳи «хи-хи»лаб кулиб. — Қолганини иш битганидан кейин бераман.

Дилбар Зебузарнинг устидан нимадир режалаштирилаёттанини фаҳмлади.

«Бечора, бу ҳомиладор қизда нима гуноҳ? Уни тинч қўйишса бўларди», деди Дилбар ўзича ва ўзининг тақдири ҳам шунга ўхшаш кечганини эслади. Уни бу ерга алдов билан олиб келишиб, йигитларга қўшиб юборишган ва боласи тушиб қолган эди. Унинг Зебузарга жуда ҳам раҳми келди. «Эссиж, шундай гўзал қизларният расво қилишяпти-я», — деда ўйлади у ўксиниб.

— Зебузар, келган киши кимингиз бўлади? — деб сўради у идишларни юваётган ҳомиладор жувонга қараб.

— Ҳа, у кишими, қайнотам. Нимайди?

— Ўзим, шундай сўрадим-да. Эрингиз билан муносабатингиз яхими, ўзи?

— Ҳа, яхши.

— Қизиқ, — деди қиз Зебузарнинг қулогига шивирлаб. — Бу ернинг қанақа жойлигини билишадими?

— Қанақа жой экан?

— Бу ер ёмон жой, — деди Дилбар секингина, — фоҳишаҳона!

— Йўғ-е, — деб юборди Зебузар ҳайрон.

— Ҳа, Сурмахон опа қўшмачи, тириқчилиги шу...

— Ростданми?..

— Ҳа, эрингизга айтинг, сизни бу ердан иложи бўлса тезроқ олиб кетсин.

Зебузар Маҳмуд келиши билан бу гапни айтишни кўнглига туғиб қўйди ва тунлари қўшни хоналарда бекорга бақир-чақир, тарақа-турӯқ бўлмаётганини англади. «Наҳотки... Йўғ-е, улар қишлоқдан келиб қаёқдан билишарди», — деди у ўзича ва энди тунлари ҳаловати йўқолди. Лекин энди Сурмахоннинг муомаласи анча ўзгарган, анчагина меҳрибон бўлиб қолганди.

— Манг қизим, мана буни еб олинг, болангизга витамин бўлади, — дер эди у баъзан мева-чевалардан тортиқ қиласкан.

Кунларнинг бирида у Зебузарнинг олдига янада меҳрибон қиёфада кириб, унинг олдига кабоб ва иссиқ нонлардан қўйди.

— Олинг болам, мана буларни иссиғида еб олинг. Сизга қувват бўлади. Мана бу косадаги айронниям ичиб олинг, кўнглингизни очади. Ичинг, ҳаммасини ичинг... Ҳа ана, яшанг, олинг-чи қизим. Қайнотангиз «хабар олиб туринг» деб менга жа тайинлаб кетдилар-да.

Зебузарнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Боламга қувват бўлсин деб ҳамма айтгилган нарсаларни еб-ичиб олди. Қандай яхши. Уни ширин уйқу элитди.

— Ҳа, озгина мизгий қолинг. Мен ишларимни қила қолай, — деди Сурмахон у ёқ-бу ёққа қараб, дастурхондаги пичоқ ва токчадаги қайчиларни олиб чиқиб кетди...

Зебузар ширин уйқуга кетди. Кимdir унинг кийимларини ечаётгандай туюлди. «Маҳмуд акам бўлса керак-да. Бир хабар олиб келгандирлар-да. Соғингандирлар-да, келганлару мени уйқуда кўрганлар. Уйқумни бузмайин деб...» дейа ўй сура бошлаган эди. Лекин бирдан Маҳмуднинг «Қанжиқ! Ифлос! Сени шаҳарга олиб келиб қўйсам, бу ерда ҳам ифлослигингни қиляпсанми, ҳали?» — дейа бақирмоқда эди. Қиз шундагина ёнида бегона эркак

ётганини, эри эса тинмай сүкинаётганини аранг илгади. Сурмахон, Дилбар ва бошқа қызлар ҳам ҳозир нозир бўлган эдилар.

— Мана кўринглар, бу қанжиқнинг ишини. Хўйигит, тур йўқол, бўлмаса сениям сўйиб ташлайман!

Қандайдир йигит ўрнидан туриб шиппиллаб қочди. Маҳмуд келиб Зебузарни дўппослай бошлади.

— Ҳой ака, уни урманг, ҳомиладор-ку, уволига қоласиз-а, — деди Дилбар қичқириб.

— Ҳа, уни уриш мумкинмас, — деди яна кимдир.

— Бўпти, мана сизлар гувоҳ, хотиним бирор билан ётган экан. Мен уни уч талоқ қўйдим бўлмасам! Уч талоқсан, қанжиқ! — дея қичқиридни Маҳмуд ва чиқиб кетди.

Зебузар нима гап бўлганини ҳали англаб етмаган эди. Ўрнидан туриб кийимларини ечиб ташланганини кўрди. Сурмахон эшикни «қарс» этиб ёпиб, устидан кулфлаб қўйди. Атрофга гўё яна сокинлик кўнди. Дастилаб қиз нима иш бўлганини англағандай бўлди ва бир оздан сўнг дод солиб йиглай бошлади. Дилбар ундан хавотир олиб, деразадан ўтиб қараб-қараб кетарди... У Маҳмуднинг кетган-кетмаганлигини билиш учун кўча эшиги тирқишидан қаради. Не кўз билан кўрсинки, машинаси олдида улар кулиб турар, Сурмахонга ва ҳалиги ётган йигитга пул санаб бераётган эди.

— Мана буни дадам бердилар. Келишган экансизлар. Рози бўлинг.

— Ҳаммаси жойидами?

— Жойида.

— Ҳўш энди тўй ошини қачон еймиз?

— Ҳудо ҳоҳласа бугун-да. Дадам уйда кутаяптилар. Ишни охирига етказиб қўярканмиз.

— Кетдик бўлмаса.

Машина ўрнидан қўзғалди.

Дилбарнинг тили лол эди. У яна бориб деразадан мўралади. Зебузар энди дод солмас, тақдирга тан бергандек жимиб қолганди. Ҳа, у унсиз эди. Чунки жуссаси шифтдаги электр чироқнинг симига осиғлиқ ҳолда тебраниб турарди...

Дилбар қўрқиб чинқириб юборди. Лекин Зебузар турган хонанинг калити Сурмахонда кетганди. Дилбар жон-жаҳди билан деразани пол ювғич билан уриб синдириди-да, бир илож қилиб ичкарига кириб бориб, осилиб турган қизнинг оёқлари орасига кириб уни боши билан кўтариб олди.

— Зебузар, ҳушингни йиғ, бўйнингдан сиртмоқни чиқар, ўзингни ўлдирма! Мен ҳаммасини кўрдим. Бу иғво ишлар учун қайнотанг Сурмахонга пул берди, Маҳмуд ҳам пул тўлади. Улар сени жувонмарг қилиш учун атайин қилишди... Ҳозирнек бекорга нобуд қилма. Бўлмасам ёмон отлиқ бўлиб ўлиб кетаверасан! Ҳушингни йиғ, улардан қасос ол. Боланг ҳаққи қасам ичаман, мен

сенга ёрдам бераман, бўйнингни сиртмоқдан чиқар, илтимос!.. —  
дэя тўхтовсиз қичқиради у.

Ниҳоят Зебузар ҳаммасини тушунди. Уни Дилбар  
кўндириди, бўйнидан сиртмоқни чиқариб йўтала бошлади.  
Дилбарнинг боши оғриб кетди. Уни аранг тушириб олди. Икки  
қиз қучоқлашиб юм-юм йиғлашди.

— Нима ичувдинг? — деб сўради Дилбар кўз ёшларини  
артиб.

Зебузар аранг косани кўрсатди.

— Ҳа ифлос, сенгаям уйку дори берибди-да. Мениям  
шунаقا қилиб боплаган бу мегажин! Мен ундан ҳали ўч оламан.  
Сен ҳам қасос олишинг керак. Ўлсанг ўлиб кетаверасан-да,  
дугонажон. Сен энди боланг учун яшашинг керак. Уни увол қилма...

## СИНГАН КЎНГИЛ ОЙНАСИ

Маҳмуд ишни охирига етказиб қўйиш учун Сурмахон ва  
ўша Йигитни олиб қишлоққа қайтди. Уларни яхши зиёфат қилиб,  
яна қайтиб олиб келиб қўйишни вайда берди. Ўша Йигитнинг  
исми Нодирбек бўлиб, уни Бек деб чақиришар, Бек  
Сурмахоннинг ҳам тансоқчиси, ҳам «кавалери», ҳам иш  
бошқарувчиси эди.

Келишиб олинганидек, улар тўғри Зебузарларникига, ўша  
муқаддас никоҳ ўқилган хонадонга бориб тўхташди.

— Маҳмуджон, сиз ўтира туриңг. Керак бўлсангиз  
чақирамиз, — деди Сурмахон ва Бек билан ичкари кириб, «Опаю!  
Ҳой ким бор!» — дэя чақира бошлади.

Маҳмуднинг юраги қамалиб қолган қушдай питирлай  
бошлади. «Нималар қиляпман ўзи? Ишқилиб, уйда ҳеч ким  
бўлмасин-да» деган ўй ўтди унинг кўнглидан. Лекин «Хувв!» деган  
овоз уни сергаклантириди. У рулни маҳкам тутиб олди, пешонасидан  
совуқ тер чиқа бошлади.

Чўлпоной шаҳарлик танноз аёлни ва қўлида занжир  
ўйнатиб турган бегона олифта йигитни кўриб бироз шошиб қолди.

— Ие, келинглар... Қани, марҳамат.

— Ўўқ, опажон, ишимиз жа зарур, кетамиз, — деди  
Сурмахон менсимай.

— Ўтиргилар, чой-пой дегандек...

— Чойингиз ҳам, пойингиз ҳам керакмас. Биз қизингиз  
масаласида келувдик.

— Ие, вой қизимга нима қилди?

— Ҳеч нарса, қизингиз отдай кишнаб ётиби. — Бек  
беўхшов ҳиринглади.

— Мен қизингиз яшаётган уйнинг эгаси бўламан.

— Нима, унинг ўзини уйи бор эди-ку!

- Йўқ, у ижарага турибди, ойига йигирма беш минг тўлаягти. Энди тўлашмайди.
  - Тушунмадим. Ким, нимани тўламайди?
  - Эри Маҳмуджон тўламайди. Чунки улар ажралишиди. Мана гувоҳ, тўғрими Нодиржон?
  - Ҳа тўғри, — дея тасдиқлади Бек.
  - Кўпчиликнинг олдиди, то есть гувоҳлигига қизингизни уч талоқ қўйди.
  - Вой шўрим, нимага энди?
  - Жуда хунук иш бўлибди. Бегона эркак билан ётганда устидан чиқиб копти.
  - Йўғ-е, ахир у ҳомиладор-ку!
  - Ҳа-да, менам шунга ҳайронман-да. Жа бу ёшлар тарбиясиз бўп кетди-да. Маҳмуд бечора икки кун келмаганига чидаёлмабдими, дарров биттасини топиб олибди.
  - Вой шарманда, — деди ўзини қаерга қўйишни била олмай қолган Чўлпоной. — Нимага унақа қиласди-я, энди нима бўлади? Вой шўргинам қурсин-а...
  - Ҳўп, майли, шуни айтиб қўймоқчийдик-да. Уйимда қанча яшаса бемалол яшайверсин, пулни ким тўлашини менга фарқи йўқ, — дея Сурмахон ташқарига чиқиб кета бошлади.
  - Ҳай аттанг, мен қизимни кўришим керак. Жон опа, адресингизни ташлаб кетинг, пулингизниям бериб келаман.
  - Нодирбек, ёзиб беринг. Ундан бўлса эртага бора қолинг, опажон, хўпми. Мен уйда бўлмасам, мана бу йигит бўлади. Пулни ташлаб келаверасиз. Ана сиз учун ойига йигирма мингдан бўла қолсин.
  - Йўқ, у жувонмаргни мен қайтариб олиб келаман.
  - Ихтиёрингиз, лекин отасига нима дейсиз?
- Чўлпоной рўмолининг учини тишлаганча лол бўлиб қолди. Машина юриб кетди. Аёл эса қўлидаги қоғозга тикилиб, ерга чўқкалаб қолди. «Бу гапни дадасига билдирамаганим маъқул...» дея қарор қиласди у.
- Сурмахон машинага ўтириди-да: «Куёв бола, тез ҳайданг, иш битди! — деди севиниб. Маҳмуд уларни тўғри уйларига олиб келди. Содикҳожи уларни меҳмонхонасида дастурхон устида кутмоқда эди...
- Чўлпонойнинг ҳаловати йўқолди. Ой-куни яқинлашиб қолган қизининг бундай қилишини ҳеч ақлига сиғдира олмади. «Шу гап ростмикан, ўзи? Кимдан билсан бўлар экан-а? Ҳа, айтмоқчи, куёвни ўзи шу ерда-ку, уни айттириб кела қолсан-

чи», — леди у фикран ва ўйлай-ўйлай Зебузарнинг дугонаси Шоира орқали бор гапни билишга аҳд қилди. Лекин уйда Шоира йўқ, унинг ойиси Ойиша бор экан.

— Вой, келинг қариндош, хуш келибсиз! — дея яхши кутиб олди у.

Улар сўрига ўтириб фотиҳа қилишди. Ойиша Чўлпонойнинг нимадандир безовталигини сезди.

— Тинчликми, опажон?

— Ҳа, шу денг... күёвимиз билан қизимиз сал аразлашиб қолишибди, деб эшитдим. Шоира қизингизнинг хабари бормикан деб...

— Шоира далада эди, шолининг ишини ўзингиз биласиз-ку.

— Бўлмаса сиз ўзингиз бир Маҳмуджондан сўраб билиб бера олмайсизми? Ҳарҳолда жиянингиз...

— Вой Худо, ҳа энди ёшлар уришаверадиям, ярашаверадиям. Ўрталарига тушиб нимаям қиласдик? Тек қўяверинг, яна ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетишади.

— Кошкийди. Лекин мен сал ноҳушроқ гап эшитдим-да.

— Йўғ-е, ахир қизингизнинг тан-жони соғми?

— Худога шукур, соғ.

— Унда ҳечам хавотир бўлмасинлар, эсон-омон туғиб олишсин илоҳим, тўйларини кўрайлилк.

— Айтганингиз келсин, лекин...

— Ҳа, ё бирор гап ўтибдими?

— Шунаقاға ўхшайди, бошқа гап бўлган шекилли.

— Ундей бўлса, мен тезда ўтиб билиб кела қоламан. Сиз чойдан ичиб туринг.

— Вой, яхши бўларди. Узр, сизниям безовта қилиб қўйдим.

— Э йўқ, кўнглингиз хотиржам бўлгани яхши-да.

Ойиша кетди ва у қайтгунича Чўлпоной қизини ўз паноҳида асранини Худодан ёлвориб сўраб ўтирди. Анча фурсатдан сўнг ранглари оқаринқираган Ойиша бўшашиб кириб келди.

— Ёмон иш бўпти-ку, опажон. Қизингиз...

— Шу рост эканми?

— Ҳа, рост экан.

— Вой шўрим қурисин мени... — дея Чўлпоной йиглай бошлиди.

— Сиз қаёқдан эшитдингиз, опа?

— Уйимга бир шаҳарлик аёл билан бир йигит келди. «Уйни эгасиман» деди.

Ойишанинг хаёлига ҳозиргина акасининг меҳмонхонасида ароқ ичиб, айнима гаплар билан асқия қилиб ўтирган шаҳарлик

аёл ва олифта йигит келди. «Қизик, нимага энди акам уларни меҳмон қиляпти, ҳожи бўла туриб улар билан «отамлашиб» ўтирибди?... Ке қуй, нима қиласман унинг ишига аралашиб. Эшитса яна хафа бўлади. Шоиранинг қилиғи ҳам ўзи етиб ортар», – деди у ўзига ўзи ва Чўлпонойни юпатиб жўнатиб юбориш пайида бўлди.

– Ҳа энди, хафа бўлмайсиз-да опажон. Бу ҳаётда ҳар хил ишлар бўп турар экан-да. Нимаям қила олардик, буям бир кўргулик, Аллоҳнинг буюрган қисмати-да...

Чўлпоной йиғлай-йиғлай уйига кетди. Лекин уйида ўтиrolмади, апил-тапил тушлик тайёрлади-да, Шербекни мактабидан чақириб келиб, овқатни далага олиб бориб беришини тайинлади.

– Мен опангизни кўриб келаман. Далага бориб, тез қайтиб келинг ўғлим, хўпми, – деди-да, шошиб жўнаб кетди. Автобус бекатига бориб узоқ турди. Қўлидаги қофозга қараб-қараб сиқилиб хўрсиниб кўяр, дарди ичиди эди. Лекин шу пайт не кўз билан кўрсинки, куёви Маҳмуднинг машинаси пайдо бўлди. Аёл ўзини қаёққа олиб қочиши билмай гарантси... «Ахир ўзи тўхтар, бўлган гапни айтар, шаҳарга олиб кетар», деган ўйга борди. Қайнонасига кўзи тушиб қолган Маҳмуд ҳам ҳайратда эди. Унинг машинасида кайфи таранг Сурмахон ва Бек ўтирас, орқа ўриндиқда бир-бирларига сўйкалиб келмоқда эдилар.

Маҳмуд Чўлпонойни кўриб тўхтамоқчи бўлди ва тезликни пасайтириб, лабини Бекка қараб беёҳшов чўзаётган Сурмахонга савол назарида қаради.

– Ҳой, нега тўхтаяпсиз? – деди Сурмахон сузилиб.

– Зебузарнинг ойиси...

– Вой, жинни-пинни бўлганмисиз, ҳайданг-е!..

Маҳмуднинг машинаси бироз секинлаб юрди-да, яна тезликни оширди. Чўлпоной салон ичидагиларга эътибор бермади ва бу ҳолатдан ўзича: «Маҳмуджонни қизим ҳақиқатдан ҳам хафа қилиби-да, тўхтаб гаплашгисиям келмади», деган ўйга борди.

Чўлпоной куннинг қизигида шаҳар кезиб Сурмахоннинг уйини аранг топиб келди. Манзилни сўраб-сuriштиравериб, кўчама-кўча пиёда кезавериб ҳолдан тойди ва ниҳоят уйига борган Нодирбекка рўпара бўлди.

– Ие, келинг опа, сизга эртага дейилганди-ку, – деди у менсимай.

– Қизимни кўрмасам бўлмайди. Қани у? Уни менга тезроқ кўрсатинг! – деди аёл бетоқат ҳансираб.

— Ўҳ-хў. Ана уйда чўзилиб ётиби, ойпопук бўлиб, — деди Бек кўзини беўхшов олайтириб.

Чўлпонойнинг эти увишди. «Қанақа жойга келиб қолди, қизим-а? Бу қанақа одамлар ўзи?» дея ўз-ўзига савол берди хаёлан.

Бек индамай бориб хоналардан бирига калит солди ва дарҳол кўполлик билан сўради:

— Пулни обкелдингизми?

— Ҳа-ҳа, мана ҳозир, — деди аёл ва чўнтағидан ажратиб кўйган 20 минг сўмни чиқариб узатди.

— Ойнага-чи? — деди йигит ойнаси синган деразани кўрсатиб.

— Вой, тушунмадим.,

— Қизингиз ойнани синдирибди. Яна 10 минг берасиз.

Чўлпоной чўнтағини кавлади, лекин пули фақат орқага қайтиб кетишга етарли эди, холос.

— Пулим етмасакан-да, янаги келганимда олакеламан-да, укажон.

— Бўпти, эсингиздан чиқмасин-да. Қизингизгаям айтиб кўйинг, бошқа тўполон қилмасин, — деди у хона эшигини очиб бераркан.

— Вой, тўполончи қизим-а, нималар қип қўйди-я? Пул ҳам, ойна ҳам топилади, болам. Аввало, инсоннинг кўнгил ойнаси синмасин.

— Кўнгил синмайди, — деди Бек тиржайиб, «балки овланади» деган маънода.

Зебузар докадек оқариб ётар, томоги боғлаб олинган, оғир-огир йўталиб кўярди. Чўлпоной ўзини тутолмади. Қизнинг алдига чўккалаб ўтириб, хўнграб йиглаб юборди.

— Нима қип қўйдинг, жон болам? Қаерларга кеп қолдинг ўзи?..

Зебузар индамади, кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлади.

— Менда айб йўқ, менга ишонинг, ойижон, — деди у аранг паст овоз билан.

Қизининг овози пастлигини ҳам Чўлпоной ўзича тушунди ва атрофга аланглаб қараб, оҳиста шивирлади. — Шу гаплар ростми, қизим?

Қиз гапира олмади ва кўрпага ўраниб йиглай бошлади. «Демак, ҳаммаси рост экан-да», дея хулоса қилди аёл.

— Вой шўргинам қурсин-а, қиз бўлмай кет-а, энди нима қиласиз? Отанг билса нима дейди?.. — деди у қизнинг бошини силаб. Она-бала қучоқлашиб анчагача йиглашишди.

— Бўпти, мен борай энди, кеч бўлиб қолди. Охириги автобусга етиб олай... Сени Худога топширдим, болам. Лекин болангни эсон-омон туғиб бер, уни ўзим катта қиласман. Туққунингча шу ерда тура тур. Бир ойлик ижара ҳақини тўлаб қўйдим...

Зебузар ойисига бир нималар демоқчи бўлди, лекин томоғи фип бўғилиб, ҳеч сўз айта олмади.

— Хавотир олма, отанггаям, аканггаям айтмайман. Ўзим хабар олиб тураман, — деди Чўлпоной қизнинг пешонасидан ўпид ўрнидан туаркан.

Зебузар аёлнинг қўлидан тортиб, «кетманг» дея ёлвора бошлади, лекин аёл бу ҳолатни ўзича тушунди.

— Ҳай майли, болам, бўлар иш бўпти. Болангни эҳтиёт қил энди, — деди ва оғир хўрсиниб чиқиб кетди. Афсуски, бу маҳалда Дилбар йўқ эди. Тўғрироғи, у қўшни хонада «банд» эди. Йўқса бўлган воқеани айтиб берармиди.

...Бу маҳалда Маҳмуд ҳам «банд» эди, лекин у бошқа уйда, Сурмахоннинг бошқа танишиникида, бир жононнинг қўйнида шалпайиб ётарди...

Чўлпоной хонадондан чиқиб кетар экан, қизи синдирган ойнага яна бир бор нигоҳ ташлади. Юраги сиқилди. «Бу ойна бекорга синмагандир», деди у хаёлан ва Маҳмуднинг тезигирлик қилиб талоқ бериб қўйгани учун уни ич-ичидан койиди.

Содикҳожининг димоғи чоғ эди. Ниҳоят, ўз таъбири билан айтганда, унинг ўғли бир «палакат»дан қутулди. Энди буни «чиройли қилиб» охирига етказиб қўйиш керак эди. Чунки билиб бўлмайди. Рашид барибир тинчимай Маҳмуднинг устидан арз-даъво қилиши мумкин. Бу нарсага ҳамиша тайёр турмоқ, тадбир-чораларни кўриб қўймоқ лозим эди. Энг хавфлиси қизнинг ўзи. Унинг дамини бутунлай ўчириб, иложи бўлса шаҳардан бутунлай қайтмайдиган ва яна иложи бўлса узокроққа жўнатиб юбориш чораларини кўрмоқ керак. Шундагина у тинч бўлади, фақат шундагина бўлғуси қудаси бу машмашалардан бехабар бўлади. Кейинчалик эшитишса эшитар, ёшлиқда нималар бўлмайди, каби ўйлар ҳожининг калласида гужғон ўйнарди. Ана шундай шум ўйлар билан у машинасини Рашидникига бурди.

Уйда Рашид йўқ экан. Минг хижолатпазлик билан бошига рўмолини ташлаб, юзларини яшириб Чўлпоной пешвоз чиқди.

— Вой келинг ҳожи ака, ичкарига марҳамат, — деди аёл гуноҳкордай, ҳожининг кўзларига тик қарай олмай.

— Рашид қанилар?

— Вой, у киши озгина шолини сотгани кетувдилар. Ҳожи «афсус» дегандай оғир хүрсиниб қўйди-да, сўрига бориб омонат ўтири.

— Вой, мен ҳозир, — деди Чўлпоной қўрпача олиб келишга отланаркан.

— Синглим овора бўлманг, мен қайтаман, бир оғиз гапим бор, холос...

Аёл оҳиста изига қайтди ва мулзам бўлиб ерга боқди.

— Гап нима ҳақидалигидан хабарингиз бўлса керак, албатта.

— Ҳа... Айтишди, — деди аранг.

— Ёмон иш бўпти, — деди ҳожи бўш келмай. — Оббо қизталоғей, бизни чув туширмоқчи бўлди-я, яхшиям тўй қилиб бермаганимиз...

— Энди, яхши бўп кетишар...

— Нималар деяпсиз? Бу фирт шармандалик-ку, ахир! Демак, у Маҳмуддан олдин ҳам кимлар биландир юаркан. Ўғлим даладаги ишлар билан бўлиб ниҳояти икки кун боролмаганди, холос. Жа нобакор экан-ку, бу қизингиз! Онасини шаҳарда касалхонада олиб ётганида бир йигит билан танишиб қолган экан.

— Йўғ-е, бўлмаган гап. Ахир унда энди ўн уч яшар эди-ку!

— Нега энди “бўлмаган гап” бўларкан. Бўлиши мумкин. Рашид ўшанда хабар ололмагандир, пул керак бўлгандир.

— Йўқ, бас қилинг, унақа деманг, илтимос, — дея йиғлай бошлади аёл. — Ахир бокира қиз ундан қилмайди.

— Ҳаҳ, — дея кулиб қўйди ҳожи. — Бокирамиш, ҳозирги замон қизлари шунақа ақдли бўп кетишганки, таналарини пуллаб-пуллаб, кейин яна бокирага айланиб турмушга чиқаётганлариям бор.

— Қўйсангиз-чи, ҳожи ака, қизларни унақа ёмон отлиқ қилманг. Бари бўлмаган гап.

— Нимага бўлмаган гап деяверасиз? — деди ҳожи янада қизишиб, — мана любой дўхтирдан сўранг, қизликни яна тикиб қўйиш мумкин, пул бўлса бўлди... Қани омин, мен турдим, — дея ўрнидан туриб чиқиб кета бошлади.

— Вой, ҳай...

— Ҳа айтмоқчи, келин, хавотир бўлманг, бу гап орамизда қолади. Ёшлиқ — бебошлиқ дейдилар. Буни жуда яхши тушунаман. Ёмон иш бўпти. Лекин ҳар қандай ёрдамимни аямайман. Фақат сизлардан илтимос, бизни энди тинч қўйинглар, устимиздан

даъвои достон қилиб юрмасаларинг бас. Ҳалиги гапларимни қўнглингизга олманг, узр.

— Э, йўқ...

— Хўп хайр, Рашидга салом айтинг. Иложи бўлса унга бўлган ишларни айтмай тура туринг, қизингиз эсон-омон қутулиб олсин, илоҳим.

— Раҳмат, айтганингиз келсин...

Содиқдоҳи рулга ўтиаркан, елкасидан яна бир тоғ ағдарилгандек фуурланиб қўйди. Лекин бир олам алам-ғуссани Чўлпонойнинг елкасига юклаб кетди. Аёлнинг юраги увишиб, кўз олди негадир қоронгулашиб кетди ва деворга суюниб қолди. Икки қадам ташлади ўзидан кетиб йиқилди. Кўзини очганида ўзини касалхонада кўрди. Юраги хуруж қилган эмиш...

Ҳожининг уйида тўйга тарафдуд энди авж олди. Катта зиёфат қилиниб, бир тўда қариндош-уруелар қуданикига боришли ва тўй кунини ҳам тахминан келишиб олишди. Унинг аниқ кунини тўйни ўтказиб берадиган машхур ҳофизлар белгилар эдилар.

Ҳожи арзанда ўғлининг тўйини катта дабдаба билан ўтказишни, унга даврнинг энг кучли ҳофизини айтишни ният қилиб қўйганди. Шу туфайли унга жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Энг хавотирили жойи шу эдики, Маҳмуд билан Зебузар ўртасида бўлиб ўтган гаплар ҳақида қишлоқда «миш-миш» тарқалган ва бу гапни қудаларнинг қулоғига бориб қолишининг олдини олиш эди. Айниқса, тўй, борди-келди кунлари бирорта ҳам гап-сўз чиқмаслиги керак. «Бунинг йўли осон, — дея ўйларди ҳожи, — бу эси паст ҳамқишлоқликларни тўйдириб ичирсанг бўлди, майшатни қилиб, майда-чуйда гапларни унутишади, аксинча, қудаларни қучоқ очиб кутиб олишади». Шу туфайли, арзимаган пул турадиган спиртли ичимликлардан бир машинасини улгуржи арzon нархда олиб келтириб қўйди. «Ўқланган бўлса нима, чўл одамлари оми бўлади, молдай ичаверишади», — деди ҳожи ўзича.

Уйлар таъмирланиб, боғ ичи ариқлари катта тадбир учун текислиниб, майда-чуйда дарахтлар олиб ташланди. Бу тўй тумандаги энг дабдабали тўйлардан бири бўлиши керак эди.

Зебузарнинг ҳам ой-кунлари яқин қолганди. «Демак, унинг туғиши тахминан тўй кунларига тўғри келаркан, «Келинимиз банд бўларканлар-да», деди ҳожи хаёлан хушнуд бўлиб ва

Сурмахонни бир йўқлаб дам олиб келиш, бир йўла уни тўйга ҳам айтиб келишни кўнглига тушиб қўйди.

Ҳожи ташриф буюргани маҳали Дилбарга дуч келди. Дилбар Зебузарнинг қайнатаси нима учун келганини билиб олишга ошиқди ва уни Сурмахоннинг олдига бошлаб кириб, уларнинг хизматида парвона бўлди.

— Ануви қизимиш қалай? — деди ҳожи ёнбошлаб чой ҳўплар экан.

— Ҳа, Зебузарми, яхши, — деди Сурмахон кулиб, — Кун бўйи ётгани-ётган, ой-куни яқин, қарзиям қўпайиб кетди.

— Қарзини энди ўзи тўласин, — деди ҳожи кулиб.

— Вой, сиз-чи?

— Мен бошқа нарса учун тўлайман.

— Янги келинли бўпсиз, деб эшитдим.

Бу пайтда Дилбар овқат олиб кирганди. Уни кўриб ҳожи жавоб беришга шошилмади. Лекин Дилбар бор гални аллақачон илғаб бўлган ва қолганини эшик ортидан тингламоқда эди.

— Худо хоҳласа тўй қиляпмиз...

— Вой, қандай яхши!

— Сиз ҳам албатта, хизматда бўласиз-да.

— Худо хоҳласа, — деди Сурмахон ҳожининг оёқларини эркаланиб уқалар экан.

«Вой сассиқ чол-ей, Сурмахоннинг мижози экан-да», деган ўйга борди Дилбар ва бу ҳақида, умуман кутилаётган тўй ҳақида Зебузарга айтиш-айтмасликни ўйлаб хаёлга толди. «Йўқ, айтмайман. Айтсан яна жонига қасд қилиб, гўдагига жабр қилмасин. Оббо ифлос чол-ей, арзанда ўғлининг қилигини яшириб, бир қизни бадном қилмоқчи-я! Яна ҳожимиш...» — деди Дилбар фикран ва кириб Зебузардан хабар олди.

Зебузар дунё ишларидан хабарсиз, туғилажак фарзанди ҳақида ўй суреб, жажжигина пайпоқчалар тўқиб ўтиради. Негадир онасидан дарак йўқ. «Буни тушунса бўлади, чунки ҳозир айни йигим-терим маҳали, вақтлари бўлмаётгандир-да», деган ўйга борди қиз. Дилбар кириб келди. Уни кўриб қувониб кетди. Унинг дардлашадиган, ҳасратлашадиган яккаю ягона дугонаси фақат шу эди. «Бечора, — дея дугонаси ҳақида ўйларди Зебузар. — Бир муттаҳамнинг алдовига лаққа тушиб фоҳишага айланиб қолибди. Ота-онаси оқ қилишган, унинг ҳеч кими йўқ... Худо сақласин, мен асло бу йўлга юрмайман». Урушда ҳеч ким ўлишни истамайди, албатта, бироқ Зебузар айни шу кунларда мина устида

ўтирганидан ва унинг секин-аста ҳаракатга кела бошлаганидан бехабар эди.

— Вой, Дилбархон, қалай, яхши юрибсизми?

— Ҳа, раҳмат. Қалай, ўзингиз қийналмаяпсизми? Худо хоҳласа оз қолди...

— Ҳа, Худо хоҳласа.

— Нима кутяпсиз?

— Ўғил бўлса яхши бўларди, қиз бўлсаям ёмонмас, лекин...

— Нима лекин?

— Тақдири меникига ўхшамасин, дейман-да, ишқилиб.

— Ҳа энди, бу сиз учун бир сабоқ бўлди-да, туғиб олгач, бир-икки ой ичидা бу ердан чиқиб кетишингиз керак.

— ...Қаерга борсам экан?

— Хоҳласангиз менинг бир яхши танишим бор, тошкентлик. У бойвачча, ишбилармон киши.

— Э йўғ-е.

— Қўрқманг, хотин, бола-чақаси бор уни. Бир фирмани бошлиғи, хориж билан ҳам ишлар экан.

— У қанақа таниш ўзи?

— Бу ерга командировкага келиб турадилар-да... Келиб тўғри менинг олдимга кирадилар.

— Ҳа, тушунарли.

— У ҳар сафар айтадики, «Юринг, олиб кетай, катта тикув цехим бор. Уша ерда ишлаб яшайверасиз, ўзим ёрдам бериб турман», дейди.

— Яхши-ку, нега кетмайсиз бўлмаса?

Дилбар унга яқинроқ келиб, қулогига шилпшиди:

— Ҳеч кимга айтманг. Анави қанжиқ Сурмахондан ўчимни олишим керак. Унинг боплаб таъзирини бериб, кейин ўша ёқقا қочиб кетмоқчиман.

— Қачон?..

— Пайт пойлаб юрибман. Иннайкейин, сиз ҳам эсон-омон қутулиб олинг, дейман-да! Қийналиб қолманг тағин.

Зебузар ўйланиб қолди. Унинг кўзига оддий фоҳиша қиз бўлиб туюлган Дилбарнинг ўз режаси бор эканлигидан ва унинг ҳам қасос ўтида ёниб юрганидан ҳайрон қолди.

— Хўш, кетамизми?

— Қаёққа?

— Тошкентга-да.

— Қачон?

— Ҳмм, тахминан уч ойлар ичидা.

— Бўпти, ўйлаб кўрарман.  
— Бирор нима керакми?  
— Йўқ, раҳмат.  
— Мен ҳозир мевалардан опчиқиб бераман, — деди Дилбар ўринидан тураркан. — Ичкарида «катта мижоз» бор, — деди у қошларини маъноли учирив. — Бир хабар олай-чи. Ҳа айтмоқчи, уйдан хабар борми?

— Йўқ, ойим келиб кетганларига бир ойча бўлиб қолди. Негадир келишмаяпти.

— Бўлмаса мундоқ, Сурмахон бугун «қаттиқ банд». Пайтдан фойдаланиб мен бориб кела қоламан, манзилингизни ёзиб беринг, хўпми?

Зебузар қувониб кетди. Шундай дугона топиб олганидан Худога минг қатла шукроналар айтди. Унинг хурсандлигини ҳомиласи ҳам сезгандай типирчилаб қўйди...

Дилбар Бекнинг мудраб ўтирганидан фойдаланиб, сездирмай уйдан чиқиб кетди. У ўзининг кўча кийимини кийиб олган, тақинчоқлари ял-ял ёнар, бадани хушбўй тароват тарқатар, ҳусни-жамоли ўтган-кетган йигитларнинг кўзини қамаштирав эди. Қишлоқ йигитлари эса, айниқса, унга «еб қўйгудек» суқланиб қарашар ва дарҳол «муҳаббат изҳор» қилишга тайёр эдилар.

Шу пайт гузарга тўй камчиликларини битириш ҳаракатида чиқсан Маҳмуднинг кўзи узоқдан келаётган жононга тушиб, унга фойибдан «ошиқу бекарор» бўлди ва сичқонга ташланадиган мушукдай шайланди. «Воҳ, жонидан! Адашиб қолган йўрга шекилли», деди у ва машинасини қиз томонга қараб бурди. «Фоҳишалиги аниқ, қизиқ, неча пул сўраркин?..» Лекин яқинроқ боргач, уни таниб қолди.

— Ие, бу ануви Сурмахоннинг шогирдларидан-ку! Бу ерда нима қилиб юрибди экан-а? — деди у ва машинасини оҳиста тўхтатди.

— Келсинлар, ойимқиз. Ҳа, биз томонларда адашиб?..

— Ие, Маҳмуджон ака, сизмисиз?

— Ўтиринг, обориб қўяй. Бўлмаса сизни ўғирлаб кетишимасин, тағин.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Нима бало, одам кўришмаганми дейман.

— Ўзингиз ҳам жа қўзга яқинсиз-да, лекин...

— Маҳмуд ака.

— Ҳа, лаббай.

— Нега унақа қилдингиз?

— Нима қипман?

- Зебузар ёмон қизмас-ку!
  - Ёмон бўлмаса бегона эркакни қўйнига киргизармиди?
  - Бек унга қўлини теккизмаган...
  - Э қўйсангиз-чи, кийимларини арвоҳлар ечиб қўйибди-да бўлмасам?
  - У ухлаб ётганида Сурмахон опа киргандилар.
  - Нима? Бўлмаса Сурмахон опа ечиб Бекка ёпишириб ҳам қўйгандир, э қўйинг, бу нарсани эслатманг, илтимос. Ундан кўра айтинг, мендан нима хизмат?
  - Хизмат йўқ. Ўзим бир иш билан...
  - Бу ерда бир ўзингиз ёлғиз бунаقا юрманг дейман-да.
  - Вой, мен ҳам анойиларданмасман, Маҳмуд ака.
  - Буларнинг биттасиниям пули йўқ. Лекин уч-тўрт кун оч қолсаям сиз билан ҳисоблашишга тайёр улар.
- Дилбар кулиб юборди.
- Хўш? — дея савол назари билан қаради Маҳмуд. — Нима қиламиш, — дам оламишми?
  - Э йўқ, ишим бор.
  - Қанақа иш?
  - Зебузарларникига келувдим. Сиз бормаганингизга яраша ойисини бориб туринг, ой-куни яқин, деб айтиб келмоқчиман.
  - Ойиси уйда йўқ, касалхонада деб эшилдим.
  - Вой! Қайси касалхонада?
  - Туман марказидаги. Юраги хуруж қилиб қолганмиш.
  - Вой, шунинг учун боришмаётган эканлар-да. Мен қайтдим бўлмаса.
  - Ия-вей, борасиз-да, биздаям яхши жойлар бор, бир дам оламиш.
  - Ундан кўра хотинингизга боринг, қуёвтўра.
- Маҳмуднинг жаҳли чиқиб кетди, лекин алам билан ўзини аранг босди.
- Бўпти, яхши боринг бўлмаса. Менга ноз қилганингиз билан бошқа хўроздан қочиб қутулолмайсиз.
- Дилбарнинг ҳам жаҳли чиқди.
- Ўша хўрозингизнинг думини тугиб қўяман! — у машина эшигини қарсиллатиб ёпди ва Зебузарларникига қараб кета бошлади. Маҳмуд эса, унинг юришига мос ҳолда машинасини ҳайдаб борарди.
  - Вой-бў, келинг энди.
  - Э бор, йўлингдан қолма...

— Хўв, сендақа йўрғаларни-чи, мингтасини минганман, билдингми? Ҳе қанжиқ... — дея машинасини тез ҳайдаб кетди ва тўпланиб уни кузатиб турган бир тўда ўртоқлари олдида тўхтади.

— Тайёр нарса келаяпти. Бир кўриш 1000 сўм. Уни яхши биламан. Олинглар, опкетинглар.

— Ўзинг-чи?

— Э ишим кўп, тўйга тайёргарлик дегандай... — деди-да жўнаб қолди.

Йигитлар Дилбарнинг йўлига пешвоз чиқиши. Қиз Маҳмуднинг уларга ўзи тўғрисида нимадир деганини фаҳмлади, лекин сир бой бермади, уларнинг олдидан бепарво ўтиб кетмоқчи бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши сумкаласидаги финка пичоқчасига назар ташлаб олди.

— Тўхтанг, ойимқиз, — деди Йигитлардан бири.

У тўхтамади. Иккинчи йигит унинг қўлидан ушлаб тортиди.

— Сизга айтяпмиз, ўша пулингизни оласиз.

— Ҳар биримиз 1000 сўмдан нақд, — деди бирори.

— Э қоч, қўлимни қўйвор. Мен сен айтган қиз эмасман.

Йигит уни маҳкам ушлаб, ҳирс кўзи билан боқди.

— Қўрқма, ҳаммамиз эмас, менинг бир ўзим...

— Мана сенга, — деди-да, қиз финка пичогини чиқариб, унинг елкасига санчди ва дуч келган томонга қараб қоча бошлади.

Йўл четида қажавали мотоцикл турарди. Йигитлар кутилмаган бу ҳаракатдан шошиб қолишиди ва қизнинг кетидан жон-жаҳдлари билан қува кетишиди. Қиз мотоциклни зарб билан юргизди-да, келган томонига қараб жўнаб қолди.

— Ҳой, тўхта, қанжиқ! Қўлимизга тушсанг ўлдирамиз! — дея югуриб қолаверишиди, Йигитлар.

Пичоқ еган йигитнинг елкасидан тинимсиз қон кетмоқда эди.

— Уни тезда касалхонага олиб бориш керак.

— У қанжиқ ким эди?

— Уни Маҳмуд танийди, топдирамиз ҳали.

Дилбар мотоциклни тез ҳайдаб бораркан, қарши томондан келаётган транспорт ҳайдовчилари унга ҳайрон қараб қолишарди. Қўзлари тегдими, мотоциклнинг бензини тугаб ўчиб қолди.

— Оббо, энди нима қилдим? — деди қиз ўз-ўзига ва мотоциклни кўздан йўқотиш ҳамда яшириниш учун уни зовурга қараб итариб юборди-да, ариқ ичига яширинди. Бир «Дамас»да ўша йигитлар шовқин-сурон кўтариб ўтиб кетишиди. Қиз қўрққанидан ерга шундай қапишдик, оппоқ тиззалари, бўртиқ

күкраклари тупроққа беланди. Хайрият, күришмади. Бўлмаса Худо билади, нима бўларди. Қиз чўккалааб ўтириб қолди ва ўз толеидан нолиб, ҳўнграб йиглай бошлиди. Бўялган кипригу қовоқлари калтак егандай қўкарди. Эҳтиёткорлик билан йўл четига чиқди. «Дамас» кетган тарафдан бир оқ «Тико» кўринди. Унинг рулини бир қиз бошқариб келарди. У андижонлик Шаҳло эди...

Шаҳло Маҳмуднинг уйидагиларга билдирамаган ҳолда, яқин келажакда ўзи келин бўлиб тушажак қишлоқни, иложи бўлса яшайдиган уйини ўз кўзи билан кўриб қўйишга бўлган қизиқиши туфайли ҳамда қаллиғи билан учрашиб, ЗАГС в а бошқа масалаларда маслаҳатлашиб олиш мақсадида бир ўзи йўлга чиққанди. Машина учун ҳеч гап эмас, бир соатлик йўл экан, холос.

Дилбарнинг қилган илтижолари ижобат бўлиб, Шаҳло йўл четида чиройли кийинган, лекин йиғлаб турган Дилбар олдида ҳайрон бўлиб тўхтади. Дилбарнинг чиройли кофтаси ва оёқ-қўллари чанг эди.

- Вой, тинчликми, нима қип турибсиз?
- Итлар қувлади... — деди қиз атрофга аланг-жаланг қараб.
- Вой, унда машинага чиқақолинг тез.

Дилбар машинанинг орқа ўринидигига тез ўтирди. Шаҳло унга баклашкадаги сувни ва дока латтани узатди...

- Нима қилаётувдингиз?
- ...Қўлимни ювмоқчийдим.
- Катта итми?
- Ҳа, бўридек.
- Қаёққа борасиз?
- Сиз-чи?
- Шу томондаги бир қишлоққа.
- Мен Шўрқишлоққа.
- Вой, сиз ўша ерликмисиз?
- Йўқ, мен ҳам ўша ёққа кетаётувдим.
- Кетдикми, бўлмаса?
- Кетдик. Фақат йигитларнинг олдида тўхтаманг, илтимос.
- Нега энди?
- Бу ернинг йигитлари ёввойи бўлишади. Худди қиз кўрмагандек одамга ташланишади.
- Йўғ-е, унчалик эмасдир-ов, — деди Шаҳло салон ойнасидан қизни синчиклаб кузатар экан. Унинг кўча қизларидан

эканлигига шубҳа билдирамади. «Оббо, бошимга бало орттирамадимми, ишқилиб? Қишлоғига ташлайману, жўнаб қоламан...»

— Кимникига кетяпсиз? — деб сўради Дилбар ойнага қараб ўзини тузатар экан.

— Содикҳожи аканикига.

Дилбар унга «ялт» этиб қаради.

— Танийсизми?

— Ҳа, — деди Дилбар.

— Уйини биласизми?

— Йўқ.

Шаҳло савол назари билан қаради.

— Отамнинг таниши эди.

— Ҳа, айтмоқчи, сиз бу ерлик эмассиз-а? Бу ерга кимникига келяпсиз?

— Бир дугонамникига.

— Уйини биларсиз?

— Йўқ, — деди Дилбар ва сумкачасидан бир қогоз чиқарип кўрсатди. — Лекин Содикҳожи ака ҳозир уйларида йўқ. Мен уни яқинда шаҳарда кўрувдим.

— Ҳа, майли, яна яхши.

Дилбар унга савол назарида қаради.

— Тўғриси, унинг ўғлида ишим бор.

— Маҳмуд акадами?

— Вой, униям танийсизми?

— Ҳа, дадаси билан борганди.

— У менинг қаллиғим бўлади.

Томдан тараша тушгандай бу гапдан Дилбарнинг оғзи очилиб қолди.

— Ҳа, сизга нима бўлди?

— Мен ҳалиги...

— Ҳа, яқинда тўйимиз бўлади. Шунга бир учрашай деб... Яхши бўлди, уни уйидан чақириб берасиз.

Улар қишлоққа кириб келишди. Дилбар қўрқиб, орқа ўринидикда ўзини пастроқ олди. Шаҳло эса қишлоқ кўчалари, дўконлару пастак пахса деворли хонадонларни ўта қизиқиши билан кузатмоқда эди. Йўл четида бир тўда ҳар хил йигит ва ўсмирлар туришар, уларнинг нима ҳақида баҳслашишаётгани Дилбарга аён эди.

— Илтимос, фақат анувиларнинг олдида тўхтаманг.

- Вой, намунча қўрқасиз, булар итга ўхшамайди-ку!
- Итданам баттар улар.

Бегона машина ва ноодатий ҳол — рулни қиз бола бошқараётгани албатта, йигитчаларнинг эътиборини жалб қилмай қолмади. Улар машина ичига назар солдилар ва кимдир орқа ўриндиқдаги Дилбарга қўзи тушгандай бўлди. «Қаранглар, ҳалиги қиз!» — деди. «У андижонлик экан», — деди кимдир... «Тўхтанглар!» деба қичқирди яна бирори.

- Тўхтаманг, илтимос, ҳайданг! — деди Дилбар ерга қараб олган ҳолда.

Шаҳло-тўхтамади. Болалардан бирори машинага тош отди. У орқа ойнага келиб тегиб, чизик ҳосил қилди. Шаҳлонинг жаҳли чиқиб тўхтади.

- Қайси беринг тош отдинг?! Ҳозир Содиқҳожи акага айтиб, таъзирларингни бердираман.

- Айтдим-ку сизга, булар ёввойи, деб.

- Ўзингиз бирор ишқал қилгандирсиз-да, — деди Шаҳло унга ўқрайиб қараб.

- Э, йўқ, ўлай агар, энди келишим.

Шаҳло индамади ва жаҳл билан машинани физиллатиб ҳайдаб кетди. Қишлоқ бўлғуси келинчакни ана шундай қарши олди.

Улар йўлда кетаётган бир аёлдан Содиқҳожининг уйини сўраб олишди. Унинг уйи қишлоқда бошқа уйларга нисбатан энг кўрками бўлиб, ўзининг салобати билан ажралиб турарди. Машина сал берироқда тўхтади. Дилбар аlamзадалигини намойиш қилибми ёки меҳмон қизнинг илтимосини бажаришни ўзига лозим топдими, ҳеч иккilanмай бориб дарвозанинг қўнғирофини босди. Оёғи шимарилган, майкачан Маҳмуд чиқиб келди ва Дилбарни кўриб довдираф қолди.

- Эҳ-ҳа, келибсан-да?!! Мен ҳозир машинамни миниб чиқай.

- Машинангиз керакмас.

- Бу ер нокулай ахир.

- Зебузарники қаерда?

- Ҳозир машинамни опчиқай, ташлаб қўяман, дедим-ку!

- Машинанг керакмас, ифлос. Ана, ўз машинам бор.

Маҳмуд шундагина таниш «Тико»га қўзи тушди ва ранги оқариб кетди.

- Вей, Дилбар, ҳеч нима демадингми ишқилиб, а?

- Ана, мушугинг келди. Кучоғингга ол, — деди Дилбар гезариб.

Ғалати диалогни узоқдан кузатиб турған Шаҳло: «Нима бало, улар таниш экан-ку!», деган нохуш ўйга борди ва келгани учун ўзини койий бошлади.

— Агар Зебузарнинг уйига ҳозироқ олиб бормасанг, түйингни расво қиласман! — деди Дилбар газаб билан.

— Хўп ҳозир, кийиниб чиқай... — деди-да, Маҳмуд ичкарига қараб чопди.

— Ҳой қиз, тўғрисини айтаверинг, ораларингда бирор гап борми?

— Йўқ, мен унга ҳамқишлоқларинг қаллиғингнинг ойнасини синдириб қўйди, деб айтдим.

— Вой, бекор айтибсиз-да. Ўшанга жаҳулари чиқибди-да.

— Йўқ, ҳозир кийиниб чиқади.

— Шунақами? — деди Шаҳло, лекин кўнглининг бир четини шубҳалар тарк этмади.

Қизарид-бўзарид Маҳмуд чиқиб келди.

— Маҳмуд ака, — деди Дилбар ролга кириб, — Зебузарнинг уйи қайси томонда?

— Ҳув, анави кўчадан чапда, кейин ўнгга бурилади. Олдида шағал тўкилган кичкина дарвоза.

— Хўп, мен кетдим бўлмаса, яхши қолинглар, — дея Дилбар машина ичидан сумкаласини олиб кетмоқчи бўлди. Лекин шу маҳал бир «Дамас»да тўла йигитлар етиб келишди.

— Ана ўша қанжиқлар! Андижонликлар экан!..

— Ҳой, нима деяпсанлар? Ахир булар меҳмон, куда томондан-ку!..

— Меҳмонмиш, мотоциклим қани?

Шаҳло ҳайрон бўлиб қолди. Дилбар эса машинага чиқди-да, «Ҳайданг машинани, булар бизни ўлдиради!» — дея қичқиради. Шаҳло унга итоат қилиб, машинани ўт олдирди-да уни тез ҳайдаб кетди.

— Нима гап ўзи? Тушунмадим, — деди Шаҳло.

— Айтдим-ку мен сизга, булар шунақа, ёввойи, деб.

— Ахир меҳмонмиз-ку, оқибат қани?

— Булар унақа нарсани тушунишмайди. Башаралари курсин буларни!

Шундай қилиб, улар келган томонларига қараб физиллаб кетишлиди. Дилбар гоҳ-гоҳ «Ишқилиб қувишмаяптими?» деган хаёлда орқага қараб-қараб қўярди. Туман марказига етиб келишди.

— Мен касалхонада қоламан. Сизга раҳмат, дугонажон.

— Исмингиз нима? Меники Шаҳло.

— Меники Дилбар.

— Хафа бўлманг, Маҳмуд ака ҳали орқангиздан етиб боради.

— Хўп, омон бўлинг, Дилбар.

Дилбар Чўлпонойни суриштириб касалхона бўлимларини айланди. Хирургия бўлими олдида ўтирганлардан бири бошқасига: «Шўрқишлоқда бир қиз бир йигитга пичоқ саншиб қўйибди. Милиция қидираётганмиш», дейтганини эшишиб қолди ва у ердан тез ортига қайтиб, кардиология бўлимига келиб Чўлпонойни суриштириди.

— Фамилияси нима? — деб сўради ҳамшира қиз.

— Билмайман, исмлари Чўлпоной, Шўрқишлоқдан.

Ҳамшира палаталардан суриштириди ва унинг кеча касалхонадан чиқиб кетганини айтди. «Эсиз, уйига ўтсан бўларкан», деган ўйга борди у. Шундай қилиб ўз гўшасига ҳориб-чарчаб, кечки пайт кириб келди.

— Яна сўроқсиз кетиб қолсанг, ўлдираман, билдингми?

— деб ўшқирди Бек муштларини кўрсатиб. — Каёққа бординг?

— Ўз ишим билан, поликлиникага, — деди Дилбар ва чопиб ўз хонасига ўтиб кетди. Уни ўша тошкентлик таниш мижоз кутарди... Уни кўриб Дилбарнинг бугунги ташвиш-аламлари унут бўлди.

Кўнгли шод бўлган Дилбар эрта-саҳар таниши Асрорбекни Зебузарнинг олдига олиб кирди.

— Танишинглар. Бу қиз ўша сизга айтган дугонам Зебузар, — деди у кирасолиб. — Бу киши Асрорбек, сенга ўттан куни айтгандим-ку.

Зебузар унга ним табассум қилди.

— Эҳ-ҳе, меҳмон кутяпмизми? — деди Асрорбек кулиб.

— Худо хоҳласа, — деди Дилбар. — Шунинг учун ҳам мен сизга 2-3 ойдан кейин, дедим-да.

— Ҳа, яхши.

— Кўрқманг, болани катта ойисига ташлаб кетамиз, тўғрими Зебузар?

Зебузар «Ҳа» ишорасини қилиб, бош силкиди.

— Яхши, ундаи бўлса қизлар, мундоқ қиласмиш...

Дилбар кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб, эшикни маҳкамлаб келди.

— Секинроқ. Деворниям қулоги бор.

— Хуллас, мақсад ўша бўлса, менга агар ишонсангизлар, паспортларингизни, иннайкейин фотосуратларингизни берсангизлар.

— Фотосуратинг борми, Зебу?

— Ҳа, бор, лекин нима кераги бор?

— Мен сизларни ҳозирдан пропискаларингизни түғрилаб, ишга расмийлаштириб қўяман. Вақтдан ютайлик, дейман-да.

— Вой раҳмат, айланай сиздан, — деди Дилбар ва Асрорбекнинг бўйнига осилиб, ўпиб олди.

— Зебу, қани паспорtingни, расмингни бер, мен ҳам ўзимникини опчиқаман.

Зебузар беихтиёр ҳужжатини ва фотосуратини чиқариб берди.

— Эҳ-ҳе, асал экансиз-ку! — деди Асрорбек суратга қараб.

— Менчи, мен?

— Сен ҳам, — деди Асрор Дилбарни эркалаб.

— Хўп хайр, мен яна бир ойдан кейин келаман.

Ҳужжатларингизни қайтиб олиб келаман.

— Агар ишимизни битириб келсангиз, иккаламиз биргалашиб хурсанд қиласми, хўпми?

— Худо хоҳласа, Тошкентда, — деди Асрорбек Зебузарга суқланиб қараб.

У кетди.

— Э, бекор қилдинг-да, — деди Зебузар афсусланиб.

— Йўқ, бекорни айтибсан. Кеча мен қишлоғингта бориб кўрганларимни эшиганингда эди. Умуман, юзи курсин ўша чўлни...

— Вой, бизниги бордингми, ойим, акам, укам яхши эканларми? Нима?..

— Йўқ, уларни кўра олмадим, — деди Дилбар ва бўлган воқеани айтиб берди. Шаҳло билан бўлган учрашувни айтмади. Эшилса, яна боласига таъсир қиласин, деб индамай қўя қолди.

— Лекин Маҳмуддан ажралаётганинг бир жиҳатдан яхши бўлганга ўхшайди, — деди.

— Вой нега? Ахир у боламнинг отаси-ку!

— Ҳаҳ, болани жонгинам, любой эркакдан орттириш мумкин. Унинг ярамас, ифлос экан. «Нега?» дейсанми, у мени кўрибоқ оғзидан шалтоги оқиб, «Бир чеккада гаплашайлик», деб судради. Лекин сен кўнглингга олмагин, хўпми?

— Ҳа, энди, йигит киши-да... Ўзлари яхши одам.

— Ҳаҳ, йигитмиш ўша мишиқи?! Ўзиям бир гўр, отасиям...

— Кўйсанг-чи, отаси ҳожи-я, яхши одамлар, гуноҳ ишларни қилмайдилар.

— Ҳой, сен ҳақиқатдан ҳам гўл, хомкалла экансан. Лаққа ишониб, жиловингни тутиб берибсан-да. Билиб қўй, «Куш уясидаги кўрганини қиласди». Буларнинг асли зоти шунаقا бўлса керак. «Хўп» деявер, яхши иш бўлди.

— Э қўйсанг-чи, мендаям айб бор... — деди Зебузар бошини хам қилиб.

— Ҳой, хоҳлайсанми, мен сенга ҳозир доказат қиласман. Юр-чи, бу ёқса.

Дилбар уни қўярда-қўймай оҳиста ташқарига етаклади ва Сурмахоннинг деразасидан мўралаб қаради. «Ана қара», дея Зебузарга ишора қилиб. Не кўз билан қўрсинки, ярим яланғоч қайнотаси Сурмахон билан ишрат қилаётган эди. Зебузарнинг бақириб юборишига бир баҳя қолди...

— Вой, соқолингга бит тушкур, қариб қуийлмаган имонсиз чол-ей! — деди ғазаб билан Зебузар хонасига қайтгач, ўз кўзларига ишонмай.

— Бу ишларнинг уюштирилганига энди ишондингми?

— Ҳа, лекин нима учун ахир?!

— У сени келин қилишни хоҳламайди. Маҳмуд бўлса, унинг изнидан чиқолмайди. Сени «йўқотиш» учун Сурмахон ёрдамида ҳаммаси уюштирилди. Сен бўлсанг ўзингни осмоқчи бўлдинг. Ос, ўлиб кетавер, бу ифлосларнинг парвойигаям келмайсан, уларда одамгарчилик ҳам, диёнат ҳам йўқ. Ҳаммаси бир гўр, буларнинг.

— Оббо, ярамас чол-ей...

— Яна бир гап айтардим-ку, кўнглингга келмасмикин...  
Фақат менга сўз бер.

— Айта қол, тинчликми?

— Ўша Маҳмуддан бутунлай воз кечаман, десанг айтаман. Болангни ҳаққи-ҳурмати, биз булардан ўч олишимиз керак.

— Яна бирор гап борми?

— Ҳа, Маҳмуд уйланармиш...

— Йўғ-е, бўлмаган гап, — деди Зебузар бепарво.

— Келинчак билан шахсан гаплашдим. Унинг исми Шаҳло, андижонлик экан.

— Ё тавба, Андижонгаям бордингми?

— Йўқ, у Маҳмуднинг олдига учрашувга келган экан.

— Хўш, кейин-чи?!

— Қишлоқлик йигитлар уни боплаб ҳайдашди.

— Нима қилишди?

— Машинасининг ойнасини синдиришди.

— Ия, машинасиям бор эканми?

— Ҳа, янги «Тико». Ўзи рулда экан.

— Ажаб бўпти-да.

Шундан сўнг Дилбар қолган гапларни ҳам гапириб берди ва ўша куни Зебузарнинг қалбida Маҳмудлар оиласига нафрат

үйғота олди. Дарҳақиқат онасининг касалга чалинганига аслида шулар сабабчи бўлганини у тушуниб етган эди.

— Ойимни кўриб келишим керак, — деди Зебузар кўзларига ёш олиб.

— Маслаҳат бермайман. Чунки сен ҳақингда даданг қандай фикрда, ануви ота-бала суюқоёқлар қанақа фитналар уюштиришди? Бу сен билан мен учун қоронгу.

— Бўлмаса нима қиласми?

— Мен яна бориб келаман.

— Ахир, сени қидиришаётганмиш-ку.

— Бу сафар сенинг кийимингда бўламан.

Орадан икки кун ўтгач, Дилбар кўйлак-лозим кийиб ва бошига рўмол ўраб Шўрқишлоқ сари равона бўлди. Унинг мақсади Зебузарнинг ота-онасига бор ҳақиқатни айтиш ва Маҳмуднинг устидан судга ариза беришларини таклиф қилиш эди.

### ТАРАДДУД

Содикҳожи шаҳардан хушнуд бўлиб қайтди. Хотинига тик қарамагани ҳолда, гўё ўзини турмуш ташвишлари билан қаттиқ банддай қилиб кўрсатди. Худо хоҳласа, уйида катта тўй-томоша бўлади. Кимсан қишлоқнинг энг обрў-эътиборли одамининг уйида карнай-сурнай чалинади, ёлғиз фарзандига ўзининг энг яқин ошнасининг қизини келин қилиб олиб келади. Қандай яхши... Ана шундай хаёлларга берилган ҳожи сўрига ўтириб, совуқ чойдан пиёлага қўймоқчи бўлган эди, чойнакнинг қопқоғи тушиб кетиб, таъбини тириқ қилди.

Шу маҳал телефон жиринглади.

— Ҳой, қаёқдасан? Олмайсанми телефонни!

Хотини югуриб чиқиб гўшакни кўтарди:

— Ие,вой, ассалому алайкум! Яхши юрибсизларми? Ҳа, уйдалар. Мана ҳозир.

— Ҳой дадаси! Сизни қудангиз сўраяптилар.

— Нима! Қудам? — дея кўзлари катта-катта очилиб кетган ҳожи тез келиб гўшакни олди ва телефонда қуюқ гаплаша бошлиди. Лекин хушнуд кайфияти тезда йўқолиб, ранглари ажабтовур тусланиб, бўзара бошлиди.

Буни кўрган хотини хавотирлик билан.

— Ҳой тинчликми, дадаси? — деб сўраган бўлди.

— Нима?... Йўғе, рости биланми? Шаҳлохон келганлар эканми? Ие билмабман-да... Уйда кеча йўқ эдим-да. Муҳим иш

билан... «Маҳмуджон кўрибди» дейсизми? Йўқ, мен ҳозир келувдим... Ҳеч хижолат бўлмасинлар, қуда, келиннимизга узримизни айтиб қўйсангиз, илтимос. Бир-иккита кўчанинг ишкалчи болалари дид-да. Мен уларни ҳозироқ топиб, жазосини бердираман... Сўзимда турмасам одаммасман. Вой қизталоқлар-еъ, шунаقا бўлти денг. Узр қудажон, минг бор узр. Хўп, салом айтинг, ҳаммаси яхши бўлади. Ўшаларнинг оналарини кўрсатаман ҳали. Хўп, раҳмат, хўп, узр...

Ҳожи гўшакни ушлаган ҳолда бир оз қотиб қолди. У қизариб, чаккасидан тер чиқиб кетган эди.

- Ҳой, тинчликми, дадаси?
- Ҳей онангни... Тинчликми эмиш-а! Қани Маҳмуд?!
- Вой, уйда, телевизор...
- Бу итдан тарқаган яна телевизорга ёпишиб олдими, падарингга лаънат!

Ҳожи меҳмонхонага важоҳат билан кириб борди. Маҳмуд аллақандай фильмни кўриб ухлаб қолган, телевизор эса оқ рангда пил-пиллаб турарди.

- Ҳой мохов, ит! Нима қиляпсан?!
- Ётувдим, — деди эринибгина Маҳмуд, нима гаплигидан бехабар. — Ҳа...
- Нега менга дарров айтмадинг?
- Ўзингиз уйга келмадингиз-ку!
- Бир кун уйда бўлмасам, шунаقا, ишни расво қиларкансанлар-да!
- Ҳеч нима қилганим йўқ.
- «Қилганинг йўқ»... Келинни хафа қилибсан-ку, ҳозир кудам телефон қилди, ифлос!
- Анави Дилбар деган қиз билан келиб, ўзлари дарров кетиб қолишиди.

— Дилбар! Яна қанақа Дилбар??

Маҳмуд ерга қаради.

— Гапир деяпман сенга!

— Анови, Сурма опанинг қўлидаги қиз-чи!..

— Нима?!

Ҳожининг фифони фалакка чиқди. Бу пайтда хотини ҳам, эри ўғлини бир нима қилиб қўймасин, деган хавотирда ичкарига кириб келган эди. Ўғлини яна бирор иш қилиб қўйган, деб ўйлади.

— Вой нималар деяпсан ўғлим, яна қанақа Дилбар-а?... — деб сўради аёл ҳам ҳайрон бўлиб.

— Э... бор ўша ёққа, ишиңгни қил! — дея жеркиб берди ҳожи хотинини. — Эркакларнинг ишига аралашма, билдингми!

Шундан сўнг ҳожи ўғли билан холи қолди ва ундан сўраб, бўлган гапни билиб олди.

— Оббо, қизталоқлар-ей. Ойнаси синган, холосми?

Маҳмуд «ҳа» ишорасини қилди.

— Бўлмаса мен ҳозир участковий Мамарозиқнинг олдига ўтиб келаман. Уларни бир адабини бериб қўймасак, ҳали тўйда ҳам бирор ишкан чиқаришлари мумкин.

— Э, қўйинг, нима кераги бор.

— Сен жим ўтири, нимани ҳам тушунардинг. Бу ерда гап менинг обрўйим ҳақида кетяпти. Қудамнинг олдида бир тийин бўлдим, унга сўз бердим. Илоннинг бошини ўзим вақтида янчиб ташламасам, яна ўзимга ташланади, билдингми, — деди ҳожи тезлик билан кетишга шайланаркан, нимадир ёдига тушди шекилли, яна изига қайтди. — Менга қара, бирон нима ёзиш керак бўлса, мен айтганимдек қилиб ёзиб берасан, тушундингми?

— Хўп, — деди Маҳмуд отасининг шаштини қайтаришга ботинолмай.

Шундай қилиб, қишлоқда нохуш хабар тарқалди. Нима эмиш, қишлоқнинг бир гурӯҳ безори Йигитлари уюшган ҳолда олдиндан тил бириклиришиб, Содикҳожиннинг бўлғуси келинининг йўлини тўсишган, ундан пул талаб қилишган ва бермагач машинасини пачоқлаб ташлашган эмиш. Ўша куни бу ишга дахлдор ва шериклик қилган босқинчи гурӯҳ аъзоларининг барчаси Содикҳожи ва Маҳмуднинг берган даъво аризаларига мувофиқ қўлга олинди. Уларнинг ота-оналари ялиниб-ёлвориб ҳожининг ўйига оқиб кела бошладилар. Дили оғриган ҳожи эса уларнинг арз-додини эшитиши хоҳламади. Жиноий иш қўзғатилиб, бегуноҳ Йигитларнинг иши судга оширилди. Ҳожи Сурмаҳон орқали олдиндан тайёрлаб ёзилган баённомага Дилбарга ҳам имзо қўйдирив олди. Лекин бу иш оқибатида Маҳмуд ҳам жазоланса керак,.. деб ўйлаган эди.

Шутуфайли ҳам қишлоқдаги бир неча оиласалар ҳам моддий, ҳам маънавий зиён кўришиди — Содикҳожига нисбатан қишлоқ аҳолиси орасида аламзадалар сони янада кўпайди.

Ҳожи ўз қудасига берган ваъдасининг устидан чиқди, безорилар жазоланди. Жавобгарликка тортилганларнинг ота-оналари ўртада пул йиғиб янги «Тико»га етарли маблагни

ҳожининг қўлига тутқазиши ва ундан аризасини қайтиб олишни илтимос қилишиди. Лекин ҳожи уларни юз-хотир қилмади, пулни олгач, энди Андижонга бориб, бўлғуси келинидан кечирим сўрашларини айтди. Сўнгра қудасига бу «иш» битганини телефон орқали айтажагини ўйлаб кўришини маълум қилди. Ҳожи аризасини қайтиб ҳам олди, лекин давлат қонунларига биноан уюшган гурӯҳ аъзоларига турли миқдордаги жазолар белгиланди. Тош отган йигитча қамалди, қолганлари эса шартли равишда озодликда қолдирилди. Бу ҳолат ҳожининг қишлоқдаги обрўсини янада ошириди. Энди у бемалол тўй-томушани ўтказса бўларди. Тўй куни ҳам энди аниқ белгиланди. Лекин Содикҳожининг ўзидан аламзада кўпчилик йигитлар ва уларнинг қавм-қариндошларига ишончи йўқ эди.

Уларнинг тўйда бирор ишқал чиқаришмайди, деб ким кафолат берарди? Шу туфайли ҳожи ҳар эҳтимолга қарши бир талай совға-саломлар билан участкавойнинг ҳузурига борди. У яқинда тўй қиласагини ва тўйнинг тинч-осоиишта ўтишига ёрдам беришини сўраб, ундан қаттиқ илтимос қилди:

— Ўзингиз тушунасиз, ўслим, бу безориларнинг менда алами бор.

— Ҳеч хавотир олманг, ҳожи ака. Ҳаммаси яхши ўтади. Худо хоҳласа ўзим хизматда бўламан. Иложи бўлса ўша кунига тумандан қўшимча ёрдамчи куч жўнатишларини илтимос қилиб кўраман.

— Э, раҳмат сизга. Агар тўйни эсон-омон ўтказиб олсан, сизга тўну белбоғ ҳадя қилганим бўлсин...

— Раҳмат-раҳмат. Лекин мана бу нарсаларни бекорга олиб келибсиз.

— Ҳечқиси йўқ, «тўйники табаррук», дейдилар. Сизлар бор экан, биз хотиржаммиз. Раҳмат, ўслим.

Милиционер уни ҳурмат билан кузатиб қўяр экан, ўз зиммасига оғир масъулият юклатилганини ҳис қилди. Чунки жияни Жаббордан Маҳмуднинг Зебузар исмли қиз ўртасида ишқий муносабатлар бўлғанлигини эшитгандай бўлувди. Лекин қиз томонидан ҳеч қандай шикоят бўлмагач, бу гапларга унча аҳамият бермаганди.

«Пул кетса кетсин, обрў кетмасин», тўйни катта қиласавишим керак. Шундай тўй қиласайки, душманларим ҳасаддан ёрилиб ўлсин, қишлоқлик аламзадалар бўлса, ароқ ичиб бўкиб

қолишин. Шундагина менинг ким эканлигимни күриб қўйишади, аламлари унут бўлади, соямга ҳам ўйлаброқ салом беришади», дея ўзича фикр юритар эди Содиқхожи. У арzon ароқдан кўпроқ келтириб қўйди. Тўйга ҳофизларнинг энг олдини айтди.

\*\*\*

Султонали синглиси Зебузар ҳақидаги ҳақиқатни фақат Маҳмуднинг тўйига бир-икки кун қолганда эшилди. Чунки бу тўйга уйдагилар тайёргарлик кўришмаётганидан ажабланган ва бу ҳақида Чўлпонойдан сўраган эди. Дилбар эса бор гапни Чўлпонойга айтиб кетган, лекин у Зебузар эсон-омон қутилиб олсин, кейин бир гап бўлар, дея ҳеч кимга «чурқ» этмаган эди. Энди бўлса куёвининг тўйи бўляпти. Султонали қайта-қайта сўрайвергач, у чидай олмади. Савол нигоҳи билан қараб турган Султоналига бор гапни айтиб берди.

— Лекин синглингизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Уни айбламанг, ўғлим. Қиз бола бир ожиза бўлади, унга куч ишлатиб зўрлаш ҳам мумкин. Нима ҳам қила олар эдик, — деди аёл пиқиллаб йиглаб. — Эсон-омон қутилиб олсин, кейин Худо бир йўлга бошлар.

— Нима?! — дея ғазаб билан қичқирди йигит. — Ахир у синглимни бузиб қўйган бўлса, синглим ундан бола кутаётган бўлса, ўзи бошқага уйланаётган бўлса, индамай тураверамизми? Нега менга вақтлироқ айтмадингиз?

— Синглингизга жабр қиласиз деб қўрқим-да, болам.

— Отам биладими?

— Йўқ...

— Нима қилиб қўйдингиз, ойи?! Ахир индинга тўй эканку. Бу синглимнинг тўйи бўлиши керак эди-ку, ахир. Нима, у тўй кўрмай ўтиб кетаверадими?

— Ахир, у бугун-эрта туғади-да, болам.

Султонали аламидан ёна бошлади. У табиатдан ювош ва индамас йигит бўлиб, ҳали бирор марта ҳам бироннинг бурнини қонатиш тугул сўкинишни ҳам билмай ўсган эди. Шу туфайли бутун аламини ичига ютди. Уйга кириб кетди ва синглиси Зебузарнинг суратига тикилиб, бошини деворга ура бошлади. «Йўқ, Маҳмуднинг уйланишига йўл қўймаслигим керак. Бу номард, аblaҳнинг адабини беришим керак», дер эди у ўзига ўзи. Лекин «қандай қилиб?» — деган саволга жавоб топа олмаётганди...

Маҳмуд акасининг бошқа қизга уйланаштаганини эшитиб, Шоира ҳам жинни бўлаёди. Унинг кўз ўнгидан ўша тарвузпоядаги воқеа — Зебузарнинг қонга беланиб дод солиб ётгани ҳеч кетмас, яна ҳомиладор бўлиб қолгани-чи, Маҳмуднинг «уйланаман» дегани-чи, ўзларининг ўртасида воситачи қилиб қўйиб алдагани-чи. «Йўқ, бунга йўл қўя олмайман. Ахир дугонамнинг олдида мен нима деган одам бўламан? Унга сўз берганман, қасам ичганманду!.. Ҳа, мен унга агар Маҳмуд акам сенга уйланмаса, мен унинг уйига ўт қўяман, деганман», дер эди Шоира хаёлан.

У эс-хушини йўқотган, овқат ҳам емай озиб-тўзиб кетган, тинмай қарғамоқда эди. Дадаси ишда, онаси эса тўйхонада, «Сен ҳам қарашвор» деб тайинлаб кетганди. Нима қилса экан? Борсинми, зиёфатларни тайёрлашга ёрдамлашсанми ёки... Унинг хаёлига нохуш уйлар келарди. Тоғасининг машинаси турадиган жойда идишларда бензин ҳам туришини қўрган эди... Ундан сув пақирига қуйиб олади. Сўнгра кружка билан селиб чиқади, шунда ҳеч ким сезмайди. Лекин қаерга? Албатта, келин тушадиган уйга, сеплар осиладиган дорга!.. Янги кийимлар, кўрпа-тўшаклар ажабтовур ёнса керак. Шундай қилса тўй бузилади, келин қайтиб кетади. У бу ишни айни тунда, тўй авжига чиққанида, келин билан куёв шаънига чиройли гаплар айтилаётган ҳамда базм қизиган, ҳамма тўй даврасига чиқиб, рақсга тушаётган маҳали қилади. Шунда уни ҳеч ким сезмайди, «электрдан чиқди», деб ўйлашади...

Шоира ана шу қарорга келди ва ўз режасини амалга ошириш мақсадида тўйхонага «ёрдамга» отланди.

Бу пайтда Зебузарда ҳам тўлғоқ бошланди. Уни туғруқхонага олиб кетишиди...

## ЗЕБУЗАР КЎРМАГАН ТЎЙ

Бу тўй мўъжазгина Шўрқишлоқ тарихидаги энг машҳур ва энг машъум тўй бўлди...

Эрта тонгдан карнай-сурнайлар садосидан қишлоқ осмони ларзага келди. Наҳорги ош бир неча қозонда Чўнгара гуручидан дамланди. Содикҳожини билган вилоятнинг фаоллари, ҳатто қўшни республикалардан ҳам меҳмонлар оқиб кела бошлиди. Амри маъруфга энг таникли ваъзхон қорилар айтилган эди. Улар мусулмончиликка ёт бўлган турли номаъқулчиликлар, ахлоқ ва

одоб, ҳожиликка хос хислатлар түғрисида алоҳида түхтадилар. Фотиҳа сўнгидა эса, хайр-эҳсон қилиб юрга ош берәётган Содиқжонинг шаънига ҳамду санолар айтдилар. Мана шу мақтovлардан сармаст бўлганиданми ёки тўйга барвақт келган Сурмахоннинг Зебузарни түғруқхонага кетганини айтиб «хушхабар» олиб келганиданми, ҳар ҳолда кўнгли тоғдай кўтарилган эди. Шу пайтда тўйхонадаги ҳар қандай кишига «тила тилагингни» деб юборгудек, хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

Амри маъруф тугаб, асосий ош тарқатиб бўлингач, яна қолган-қутган ошна-оғайнилар ва қуда томондан бир гуруҳ меҳмонлар кириб келдилар. Улар учун алоҳида жой ҳозиру нозир эди. Содиқжонинг нияти энди уларни қандай қилиб кўнглини хушлаш эди. Шу туфайли омбордаги жияни Рўзиматни чақириб, қулоғига шипшиди:

— Рўзимат, нозик меҳмонларга ўзинг билиб оқ чойнакка оқ, қизил чойнакка қизил қилиб жўнатавер. Бир-икки соатдан кейин бутилкаларни аямай тарқатаверасан. Кейин эслаб юришади.

— Лекин маст-аласт кўпайиб, яна бирор жанжал чиқмасмикан?

— Кўрқма, участковой ҳам ўз одамлари билан бугун хизматда бўлади. «Фик» деганини протокол билан савалашади, — деди ҳожи хохолаб кулиб.

— Бўлди, тушундим. Демак:

«Оқ чойнакка — оқ қопқоқ, кўк чойнакка — кўк қопқоқ».

— Ҳа, баракалла, яшавор азамат!

Тўғри, ҳожининг қулоғига кимдир келиб, чойнаклардаги «шайтоннинг суви» ҳақида нимадир деб шивирлаган бўлди, лекин бу гапдан у пинагини ҳам бузмади.

— Йўқ, бу шайтонни суви эмас, ошна. Бу ахир Шўрқишлоқнинг шўри-ку, — деди у хохолаб кулиб.

Шундай қилиб, тушга яқин гирт мастрлар сони қўпая бошлади. Уларнинг бири ўйинга тушган, бошқаси хиргойи қилган, бири тош қотган бўлса, яна бирори алжиради. Лекин мана-ман деб енг шимариб, муштлашадигани ҳали-вери етилмаган эди...

Оқшомга яқин келин келди. Келин томондан автобуслардан ташқари Андижон номери билан енгил машиналарда ҳам меҳмонлар келдилар. Келинни аввало, уйга олиб киришди ва уни кенг даврага олиб чиқишга тайёрлашди. Ранго-ранг қимматбаҳо сеплари гўшангани безади. Гўшангада қоровул бўлиб қолган бир кекса

аёлдан бошқа қиз-жувонлар келинни даврага олиб чиқиб кетишиди. Гижбака-банг базм бошланди. Содиқожининг кўзи билан қараганда, ҳозирча ҳаммаси рисоладагидек бораётган эди. Жиянлари ҳушёр. Ҳар эҳтимолга қарши спорт мактабидан атайин пулга ёллаб олиб келинган каратечи йигитлар келин-куёв орқасида тансоқчилик қилмоқдалар. Дастурхонларда ноз-неъматлар тўкин, тўйгунча еб-ичиш мумкин...

Лекин кўччанинг у ер, бу ерларида қишлоқнинг йигитлари тўда-тўда бўлиб ҳам ичишмоқда. Улар орасида Содиқожидан, Маҳмуддан аламзада бўлган йигитларни ҳам, Зебузарнинг синфдошларини ҳам, Султоналининг хайриҳоҳларию, Сайднинг дўстларини ҳам учратиш мумкин эди. Ичкаридаги базм овози оламни тутар, лекин бу йигитларнинг қулогига кирмасди, чўлнинг чивинидек аҳамиятсиз эди. Бу пайтда Султонали тўйга келишни хаёлига ҳам келтирмади. Базмдаги қўшиқ овози унинг юрагига найза бўлиб санчила бошлади, дил яраси азобидан ўзини қаерга қўйишни билмай, кўчага чиқиб кетди ва умрида ҳали оғзига олмаган ароқдан тўйиб ичиб олиб, қайтиб келиб ухламоқчи бўлди. Шу мақсадда гузардаги дўконга кирди. Ароқ олди-да,.. унинг оғзини очиб шу ердаёқ ичди.

- Бу ерда ичиш мумкин эмас, — деди дўкондор жиддий.
- Пулини тўлаганимдан кейин ўзим биламан, — деди харидор норози қараб.
- Ҳой бола, гап пулда эмас. Ароқ ичгинг келса ана ҳожиникига тўйга бор, икки машина олиб келиб туширди. Тўйгуннингча ичаверасан.
- Мен пеc-моховларнинг тўйига бормайман, билдингизми?

Дўкончи бир оз ўйланиб, кейин алланималарни эсига олди шекилли, «Э-ҳа, тушунарли», — деб қўйди.

- Нимаси тушунарли? — жаҳли чиқди Султоналининг.
- Узр, биродар, ярангта билмай туз сепиб қўйибман. Ма, ичавер, — деди у стакан узатиб, шўр бодрингдан олдига олиб қўяр экан. — Қўй, хафа бўлма. Бу Маҳмуднинг ифлослигини ҳамма билади-ку. Худо бор, ўзи жазолайди ҳали.

Султонали индамади. Ароқни стаканга ҳам қўимай, шишаси билан даст кўтарди ва деярли шишани бўшатиб қўйди.

- Ҳой, нима қиляпсан. Бунақа ичувчи эмас эдинг-ку! — деди дўкондор ва хавотир олиб унинг олдига ўтди. — Тўғри уйингга бориб ёт, хўпми? У ёқ-бу ёққа юрма, ҳожи бир тўда милиционерларни ҳам чақиртирган, балога қоласан. Ақлингни

Йиғиб ол, йигит! – деди ва Султоналиниң елқасини самимий силаб құяркан, ичіда: «Бечора йигитда синглісінінг алами бор шекилли», деб қўйди.

– Хўп, раҳмат, – деди Султонали ташқарига чиқаркан. Дўкондор унинг орқасидан хавотирли қараб қолди. Йигит уйига томон кетди ва шариллаб оқаётган сувдан юзини ювіб олмоқчи бўлди. У ерда эса Зебузарнинг бир гуруҳ синфдошлари кичик давра қуриб ўтиришарди.

– Қаранглар, Султонали ака келяпти, – деди бирори. Султонали бу гапни эшилди, лекин уларни кўрмаганликка олиб, тебраниб ўтиб кета бошлади.

– Ҳа, – деди кимдир, – Шунақаям латта бўладими одам, бирор синглісіни зўрлаб, бошқага уйланайтган бўлса-ю...

– Тс-с, эшигади.

– Эшилса, эшитар. Мард бўлса Зебузарнинг шаънини ҳимоя қилин... У қизда нима айб?!

Султонали тўхтади. Ароқ унинг миясига гупиллаб ургандек туюлди, сигарета чеккиси келиб қолди ва йигитларнинг олдига борди:

– Сигареталаринг борми?

– Ҳа, бор, – дея бирори сигарета узатди ва ўт тутди.

– Тўйга бормай нима қилиб ўтирибсизлар?

– Бошлаб борадиган одам йўқ.

– Мана, мен-да бошлаб борадиган. Ахир бугун синглімнинг тўйи-ку...

– Сиз мастилиз, уйингизга кетинг, – деди бирори.

– Йўқ, – деди Султонали. – Мен масти бўлсан ҳам мардман, сенларни тўйга олиб кириб майшат қилдирмасам одаммасман. Қани, Маҳмудбек бизни қандай меҳмон қилас экан. Кетдик, юринглар, – деди у буйруқона оҳангда.

Йигитлар бир тўда бўлиб тўйга жўнашди. Уларни күёвнинг жўралари ўрнида қўриб тўйхонадагилар эҳтиром билан кутиб олишди ва даврадаги жойлардан бирига ўтказиши. Маҳмуднинг кўзи Султоналига тушиб, юраги негадир ўт олаётган «бульдозернинг моторидек» потиллаб кетди. Бу ҳақида шу заҳотиёқ ёнидаги жўрасига пичирлаб маълум қилди. Базм авжига чиқиб, қистир-қистир бошланди, пул ёмғирдек ёға бошлади...

Бу пайтда Шоира бир сирли пақирга бензинни қуйиб, қопқоғини ёпиб олганча, кружкаси билан келиннинг уйига томон йўналган эди. У гўшангага кириб борганида, келин томондан келган аёл ҳам ташқаридаги базмни дераза орқали томоша қилаётган эди. Шоирани келганини кўриб қувониб кетди

— Вой, сув олиб келдингизми, айланай сиздан. Анави четга қўяверинг, келинг. Раҳмат, умрингиздан барака топинг.

— Сизга чой-пой олиб келайми, холажон?

— Йўқ, раҳмат қизим. Агар малол келмаса бир зум шу ерда ўтириб турсангиз. Мен бир ҳовлига чиқиб шамоллаб келардим.

— Вой, бемалол...

Лекин аёл қизнинг кўзларига қараб иккилангандек яна туриб қолди.

— Айбга буюрмайсиз, бу ердаги нарсалар жа қимматда. Сиз ҳалиги... куёвимизга қарашлимисиз, ишқилиб?

— Ҳа-ҳа, мен у кишининг жиянлари бўламан. Ислом Шоира.

— Вой шундайми? Шоирахон қизим, ҳушёр бўлинг-да, тағин бирор кийимликни ўтирилаб қўйишмасин. Яна бирор соатдан кейин ҳаммаси тугайди. Келин-куёв гўшангага киришади, апоқ-чапоқ бўлишади, кейин мен чиқа олмай қоламан-да, айланай.

— Сиз бемалол чиқиб келаверинг, мен қараб тураман.

— Бўлмаса эшикни ичидан қулфлаб ўтиринг, десам хафа бўлмайсизми?

— Э, йўқ.

— Хўп, шунаقا қилинг, бегоналар кирмасин, хўпми.

— Хўп...

Аёл шошилиб чиқиб кетди. Шоира келиннинг сепларига бир қатор назар солди ва эшикни қулфлаб, пақирни беихтиёр қўлига олди. Ҳар бир осиглиқ кийимликларда дугонасининг қиёфасини тасаввур қила бошлади. «Сувингни менга сеп», дер эди дугонаси қиқирлаб кулиб. Шоира унга қараб, «мана сенга!» дей сепа бошлади. «Мен бу ердаман. Мен бу ерда....» дер эди Зебузар бир у кўйлакда, бир бу кўйлакда. Гоҳ сандиқ, гоҳ кўрпа устида кўриниб кулиб қочар, Шоира эса, уни гўё қувиб, сув сепиб ўзи ҳам шалаббо бўлмоқда эди.

Шу маҳал тўйхонада чироқ ўчиб қолди.

Сайднинг энг яқин дўсти Тоҳир қишлоқда монтёр эди. Унинг ҳам Сайднинг бошига солган ишлари учун Маҳмуддан алами бор эди. Шунинг учун базмнинг энг авж жойида атайнин чироқни ўчириб кўйди. Тўйда ҳуштакбозлик, бақир-чақир бўлиб кетди.

— Монтёрни топинглар! Бу нима қилиқ, бўлинглар тезроқ!  
— дея ҳайқирди Содиқҳожи ва эртароқ унинг ҳам оғзини ёғлаб кўймаганидан афсусланди.

— Ишқилиб ёнармикан, ёнмаса тўйни тугатиб қўявериш керак! — деди кимдир.

— Ҳа, энди ўйнаяпмиз-ку, тоғажон, — деди келин томондан келган қизлардан бири.

— Ҳозир, бир зум дам олиб, сабр қилинглар.

— Движок ёқиши керак! — деди кимдир.

— Бўлинглар тез, клубдагини олиб келинглар! — деди бирор.

Кимлардир движок олгани кетишиди.

— Тоҳир уйида йўқ, шаҳарга кетган экан, — деб қолди кимдир.

— Оббо, — дея хуноби ошди ҳожининг. Унда давранинг ўртасига гулхан ёқинглар!

— Узум бор-ку, отахон.

— Куриса-қурир, парво қилма!

Ўртага ғўзапоя уюлиб гулхан ёқилди. Мусиқачилар доира чала бошлишди. Базм энди микрофонсиз паст овозда давом этди. Кайфи ошган Султонали ҳам ҳеч кутилмагандан ўртага чиқиб рақс туша бошлади. У йўргалаб келин-куёвга рўбарў бўлиб қолганини кўпчилик пайқамай ҳам қолди.

— Ҳой, куёв бола, менга қистирмайсизми? — деди у Маҳмудга қараб муқом қилиб.

Маҳмуднинг ёнидаги жўраси ҳам чироқ ташвишида қаёққадир кетиб бўлганди. Атрофни аланглади — тансоқчилар ҳам негадир кўринишмасди. «Ҳай майли, пул берсам нари кетар» деб, ёнидан бир қанча пул чиқариб унинг қўлига узатди. Лекин ўйнаётган Султонали пулни қўлига олмади ва бўйинни чўзиб, «қистир!» деган маънода бошини энгаштирди. Ноилож, Маҳмуд пулларни унинг шалкасига қистирди. Қистирдиу балога қолди — Султонали унинг ёқасидан гиппа бўғди-да, тўсатдан ўзига қаратса қаттиқ тортиб, столни ағдариб юборди ва куёвни тагига босиб

олиб дўппослай кетди. Қий-чув, бақир-чақир авжига минди. Ур-йиқит, тўс-тўполон бошланди. Бир ёқда Зебузарнинг синфдошлари столларни аямай ағдара бошлишди. Гўшангага эса ўт кетди. Кимdir қаттиқ чинқирди, бақир-чақирда бу чинқириққа ҳеч ким аҳамият бермади. Бу Шоира эди. У чирок ўчиб қолгани учун ёпилган эшикни қидириб топа олмаган, гутурт ўти бензинга шалоббо либосига ҳамда латта-путталарга илашган эди. Эшикни бузиб очишганида, у гуриллаб ёнаётган олов ичидаги қолиб кетганди. Аланганинг ели энди тезлик билан қўшни хоналарга ҳам ўта бошлаган, томдаги шиферлар аланганинг тобидан замбаракнинг ўқидек атрофга отилмоқда эди.

Ичкиридаги тўс-тўполон авжига миниб, унинг тўлқини кўчага ҳам чиқди. Маст-аласт аламзода Йигитлар қўлига кирган нарса билан автобус ва енгил машиналарнинг ойнасини чил-чил синдира бошладилар. Қоронгуда ким ким билан олишаётганини билиб бўлмас, хотин-халаж дод солиб турли тарафга қочмоқда эдилар. Гижбанг базм бир зумда тўс-тўполонга айланди.

Содикқожи нима қиларини билмай у ёқдан бу ёққа югурад, одамларни ёнаётган уйини ўчиришга даъват этар, лекин унга ҳеч ким қулоқ солмасди.

Участковой Мамарозиқ ўз жўралари билан чироқ ўчунга қадар бир хонада меҳмондорчиликда эди. Аввалига нималар бўлаётганини тушуна олмади. Бир ёқда ёнгин, бир ёқда ур-йиқит. У чопиб кўчага чиқди ва машиналарнинг пачоқлананаётганини кўрди. Кимdir унинг бошига таёқ билан туширган эди, кўз ўнги қоронгулашиб кетди ва бир четга аранг чиқиб олиб, рация орқали хабар қила бошлади.

— Алло, алло, мен Шўрқишлоқдан 11-ман! Бу ерда бир тўда қуролланган экстремистлар уйларга ўт қўйишаётти, машиналарни пачоқлашяпти, бир-бирини ўлдиришаётти, зудлик билан махсус отрядни ёрдамга юборинглар! Ўт ўчириш машинасини, «Тез ёрдам»ниям! Мени ҳам яралашди, эшитяпсизларми, алло...

— 11-, ҳаммаси тушунарли, ёрдам кетди, кутинг...

\*\*\*

Султоналини Маҳмуддан қанча ажратишимасин, унинг галстугини қўлига ўраб бўғиб олган, нафаси қайта бошлаган куёвтўрани тўхтовсиз дўппосламоқда эди.

— Мен сенга уйланишни кўрсатиб қўяман. Мана сенга!

— Қўйвор, уни ўлдириб қўясан-ку! — дея бақирди кимdir.

Кўрқиб кетган келинни икки дугонаси етаклаб ҳовли томон олиб қочишиди. Улар қаерларгадир урилиб, туртилиб,

қоқилишиб, йиқилиши. Келиннинг сутдай оппоқ либосининг расвоси чиқди. Шифер парчаларининг бири келиннинг бошига тегди ва у ўзидан кетиб, йиқилди.

\* \* \*

Бир соатлардан сўнг Шўрқишлоқقا ўт ўчириш ва «Тез ёрдам» машиналари етиб келди. Лекин ўтни ўчириш учун тиркаб қўйилган машиналар орасидан ўтиб бўла~~масди~~. Бунинг устига одамлар ур-йиқит билан овора эди. Энди улаф~~т~~ ўт ўчириш машиналарини ҳам пачоқлай бошлидилар. Сувни одамларга қаратада сепишга тўғри келди. Ўт ўчирувчилар ҳам, «Тез ёрдам»дагилар ҳам юқорига хабар қилиб, зудлик билан маҳсус отряд юборишларини сўрадилар. Ҳадемай қора ниқоб кийган қуролли аскарлар етиб келиб, дуч келганни савалаб берк машиналарга тиқа бошлидилар.

Тўполон то тонггача давом этди.

Ҳеч нарсадан хабарсиз қуёш яна ўз заррин нурларини соча бошлади. Шунда вайронагарчилик асоратлари ўзининг ваҳимали кўриниши билан намоён бўлди.

Содиқожининг уйи ўрнида қора тепа пайдо бўлган, аччик тутун тутаб турар, дошқозонлар ағдарилган, зиёфат қолдиқлари, ичилган, ичилмаган шишалар, синган, пачоқланган идишлар, гиламу кўрпачалар тупроққа қоришган, пачоқланган машиналар гўё бомба тушгандан кейинги ҳолатни эслатиб турар, аёлларнинг йиги-сифиси, қарғишлари, эркакларнинг бўралаб сўкишлари чуғурчукларнинг тонгги овози билан уйғунлашиб кетмоқда эди...

Хуллас бу тўй Шўрқишлоқ тарихидаги энг машҳур ва энг маъшум тўй бўлди. Унинг қандай ўтганлиги куёвтўранинг башарасида яққол акс этарди. Ким билади, эҳтимол, бу, ўша пайтда тўлроқ тутиб ётган Зебузарнинг илтихосими, мархума Шоира руҳи исёнимиди, Чўлпонойнинг қарғишими ёки Яраттанинг жазосими? Ҳеч ким бу ҳодисанинг заминига етиб бора олмади. Бу тугунни ечиш фақат бир қанча терговчилар, прокуратура ва суд ходимларининг зиммасига юклатилди.

Ўша тунда маҳсус отряд Султонали ва унинг яқинларини тутиб олиб келиб, ертўладаги камерага тиқиб қўйиши. Улар орасида ҳақиқий оломондан чиққанлар ҳам, мастиликда нима иш бўлганини англамаган, довдира бломон орасида қолган

меҳмонлар ҳам бор эди. Шундай түполонда фақат бир киши қурбон бўлган бўлиб, у ҳам бўлса Шоира эди. Бу ҳақида гўшангадаги аёл айтиб берди. Терговчиларнинг катта гуруҳи эса тўйхона эгалари, меҳмонлар ва қудалар билан иш олиб борди. Шундай қилиб, Шаҳлоҳон Шўрқишлоқдан иккинчи бор «ёр-ёр» бўлиб қайтиб кетди. Унинг уйига қайтиб бориши отаси Собирҳожининг газабини ҳиқилдоғига келтирди ва масаланинг тагига етишга қатъий бел боғлади. Яхши адвокат ёллади. Унинг даъво аризасига мувофиқ жиноий иш кўзгатилди. У ўзи кўрган моддий ва маънавий зиённи айборлардан қонуний ундириб беришларини талаб қилди. Бунинг ичига тўйнинг барча харажатлари, қизининг сепларию, пачоқланган машиналар ҳам киритилди.

Собирҳожини фақат бир савол қизиқтиради: «Нима учун тўй бузилди ва бунинг асл сабабчиси ким?» Кудаси Содикҳожи эса, юрагини чанглаб касалхонага ётиб олди. Уни ҳам тушунса бўларди. Чунки у энди хонумонидан айрилди. Лекин тез орада тузалиб чиқди ва укасининг уйида яшай бошлади. Қишлоқдаги машъум воқеалардан бехабар бўлган Зебузарни ўша куни оғир тўлғоқ тутганди. Унинг кўз олдиди негадир зўрлаётган Маҳмуднинг башараси, дугонаси Шоирахоннинг ҳадеб: «Маҳмуд акам сени яхши кўради. Сенга уйланади! Агар сенга уйланмаса мен унинг уйига ўт қўяман!» дей қичқираётгани намоён бўларди. Алжираётган Зебузарнинг ва гўдакнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун узоқ уриндилар. Ниҳоят тонгта яқин у қиз тұғди. Зебузар қизининг исмини Бокира деб атади.

Собирҳожи аввалига қудаси Содикҳожига раҳми келиб, уни йўқлаб касалхонага, сўнг укасининг уйига бориб кўриб келди. Куёвини кўриб ачинди. Мазкур фалокатнинг асл сабабчиларини албатта, аниқлаб, уларни жазога тортиришга ва ҳар икки томон кўрган заарларни ундиритириб олишга сўз берди. Унинг назарида бу ишни Содикҳожини кўра олмайдиган бир гуруҳ душманлари уюштиргандек эди, лекин воқеалар ривожи бутунлай бошқача тус олди: Рашид Маҳмудни қизини алдаб зўрлаганликда айблаб, қолаверса, тергов қилинаётган ўғли Султоналини қўйиб юборишларини сўраб даъво аризаси берди.

Тўсатдан кўзлари кўкарған куёвни ҳам ҳибсга олиб кетишганини эшитган Собирҳожи дастлаб бу ҳолатни тушуна олмади. Буни ҳам дўстининг душманлари уюштироқда, деган

ўйга борди ва бу ҳақида аниқроқ билиш учун Андижондан туман прокуратурасига етиб келди.

Бош терговчى Қосимов унинг мақсадини тушунди.

— Ҳожи ака, — деди у босиқлик билан, — Сиз фақат тўғри тушунинг. Бу ерда қудангизнинг, күёвингизнинг ҳеч қандай душманлари йўқ.

— Унда нима гап?

— Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Лекин биз аниқлаяпмиз. Яқин кунларда билиб оламиз.

— Ука, сиз мужмал гап қилманг. Наҳотки бир оила хонавайрон бўлиб кетаверсаю, қонун ҳимоячилари қўл қовуштириб ўтираверсаларинг?!?

— Ҳожи ака, ишлайдимиз.

— «Ишлайдимиз» эмиш, олтмишта йигит ертўлада ўтирса. Жабрдийда күёзимизният ҳибсга олган бўлсангизлар, бу қанақа гап?! Адолат борми ўзи?

— Бор.

— Уларни нега ушлаб турибсиз бўлмаса?

— Ҳа, тўғри. Тез орада күёвингиздан ташқари ҳаммасини қўйиб юборсак керак.

— Нима?! Лекин тушунмадим. Ахир бу ўлганинг устига тепган билан баробар эмасми?

— Күёвингиз жабрдийда эмас, у айбдор!..

— Нимага?

— Мана, унинг устидан даъво аризаси тушган, — деди Қосимов қоралама қилинган қофозларни «тап» этиб қўяркан.

— Ариза дейсизми?

— Ҳа. У бирорнинг қизини бузиб қўйиб, яширинча уни никоҳига олган ва Сизнинг қизингизга уйланадиган экан. Бунга нима дейсиз?

Ҳожининг ранглари оқариб кетди. Пешонасидан совуқ тер чиқиб, қўллари титграй бошлади.

— Йўғе, рости билами?

— Ҳали ҳаммасини аниқлаганимизча йўқ. Тўй, менимча, айнан шу сабабдан бузилган. Қизнинг шаънини ҳимоя қилишган. Нобуд бўлган қиз эса ўша қизнинг яқин дугонаси бўлган. Ўга ўша ўт қўйган экан, ўзи ҳам ёниб кетибди. Ҳозирча шу. Энди бораверинг, ҳаммасини судда билиб оласиз. Ишимизга халақит берманг, қўлингиздан келса ёрдам қилинг.

Собирҳожи тепасидан тегирмон тоши юмалаб ўтиб, ғовлаган калласи обжувозда янчилаётгандек ҳис қилди ўзини...

У прокуратура биносидан чиқиб, күчада узоқ қотиб туриб қолди. «Вой ифлосей! — деди у ўзига келиб қўлларини мушт қилди. — Вой палакат-эй...» Бир оз тургач, осмонга қўлларини чўзиб, қўзларига ёш олиб илтижо қила бошлади:

— Эй, яратган Эгам! Ўзингга шукур, қизимни ўз паноҳингда асраганингга шукур, бадном қилмаганингга шукур!..

Бир оз ўтгач Собирҳожи яна Қосимов ҳузурида пайдо бўлди.

— Яна нима гап?! — деб сўради терговчи, «ишилагани қўясизми?» деган маънода.

— Айтинг, ертўладаги Йигитларни қўйиб юборишин. Уларга раҳмат айтишим керак. Лекин даъво аризам бўйича ҳамма заарларни қудамдан ундиришга изн берсангиз.

Терговчи узоқ ўйланиб қолди.

— Ҳа, гапингизда жон бор, — деди у ниҳоят тилга кириб.

— Лекин ҳаммасини қўйиб юбора олмаймиз. Тўполонни бошлаганлар тегишли жазосини олади.

— Улар ким?

— Жабрланган қизнинг акаси — Султонали.

— Унда ҳам айб йўқ, — деди ҳожи ўйчан.

— Яна қишлоқ монтёри. Лекин чироқнинг ўчишида у айбдор эмас экан.

— Ким ўчирган экан?

— Сайд исемли Йигит. У ўша жабрланган қизни яхши кўраркан. Совчи ҳам юборган экан.

— Унда ҳам айб йўқ...

— Ҳа, лекин жамоат тартибини, қишлоқ осойишталигини бузишган, давлатта зиён етказишишган. Лекин буларнинг ҳаммасига асосан бир киши сабабчи.

— Ким экан у?

— Кудангиз Содикҳожи.

Собирҳожи терговчининг кўзига ҳайрон тикилди.

— У спиртли ичимликларни ҳаддан зиёд қўпайтириб юборган.

— Йўқ, — деди ҳожи унинг гапини тасдиқлаб, — у имонини йўқотган. Бўлган ишни яшириб, бизни алдаган. Қизимнинг баҳтсиз бўлишига бир баҳя қолибди. Уни Худо асрабди. Лекин ўлган қизга жабр бўлибди. Раҳматли охирги чорани қўллагани аниқ, жасур қиз экан.

— Ҳа, тўғри. Энди ҳамма гап жабрдийда Рашид аканинг қизида қолди. Биз уни қидиряпмиз.

— Ие, у йўқми ҳали?

— Шаҳарда эмиш, суд жараёни бошлангунча албатта, топиб келамиз.

Собиржохи «афсус» дегандек, бошини сарак-сарак қилди.

— Ўша, Маҳмудни менга бир кўрсата оласизми?

— Hera?

— Кўрқманг, ҳеч нима қилмайман.

— Жиддий гапирияпсизми?

— Ҳа, бунга ҳаққим бор. Нима бўлсаям у менинг куёвим.

ЗАГС қилингган, никоҳ ўқилган...

Терговчи алланечук бўлиб кетди ва қаёққадир кўнғироқ қилди. Бир оз ўтгач хонага Қўлига кишан солингган Маҳмудни олиб киришиди.

Ҳожи унинг кўзларига тик боқди. Маҳмуд кўзларини ундан олиб қочди.

— Кўзимга қара!!!

Маҳмуд аранг бошини кўтарди.

— Ҳайф сенга йигитлик. Тфу!.. — дея башарасига қарата тупурди-да, хонадан шиддат билан чиқиб кетди.

Бу Маҳмудга аталган ҳожи отанинг табаррук тупуги эди....

### ЯНГИ «ҚЎШМАХОНА»ДА

Орадан икки ой вақт ўтди. Суд жараёнлари давом этарди. Асосий жабрланувчи деб топилган Зебузар судга келмади. Тўғрироғи, уни топиша олмади. Чунки ўғлини қутқариб қолишнинг ягона чораси деб билган Содиқжохи Сурмахонга бор-будини бериб, Зебузарни бошқа жойга кўчиришни қаттиқ илтимос қилган эди. У берган пулга Сурмахон кўп қаватли уйлардан уй сотиб олди ва у ерни ҳам ўз мақсади йўлида қўшмахонага айлантиришни режалаштириди. Туғруқхонадан чиқсан Зебузарни «Ёр-ёр» қилиб тўғри янги уйга келтиришди ва унга болалар хонасини ажратиб беришди. Суд жараёнлари ўтиб кетгунча Сурмахон ҳам шу ерда яшай бошлади. У Зебузарга елиб-югуриб қаради ва сохта меҳрибонлигини қўймади. Лекин она-бала зарурати, овқату дори-дармонни, ижара ҳақи, гугуртни ҳам: «ҳисобли дўст айрилмас, бир куни берарсан» дея, Зебузарнинг кўз ўнгига бир «темир дафтар»га ёзиб қўярди. Ҳадемай Зебузар қарзга ботди, ҳеч ким ундан хабар олмас ва пул бермас эди. Фақат Диібаргина бир ойдан сўнг нима сабаб биландир келиб, унинг бу ердалигини билиб қолди. У Бек билан бирга Сурмахоннинг олдига келишганди. Сурмахон эшикни устидан қулфлаб, улар билан бирга кетди. Шу кетганча бир хафтадан

кейин келди. Зебузар ёлғиз боласи билан уй ичидә қамалиб, бир ҳафта оч-наҳор қолиб кетди.

— Менга қара, — деди Сурмахон кела солиб, — ҳурмат ҳам эви билан, қарзларингни қачон узасан?

— Билмасам, — деди Зебузар аранг.

— Сендан умуман уйнингдагилар воз кечибди, деб эшилдим.

Отанг оқ қилганмиш!

— Нима?!

— Эшилтанинг. Эринг ҳам бошқага уйланганмиш, тўй ҳам бўлибди.

— Йўғ-е...

Зебузар боласини бағрига маҳкам босганича остоноада беҳол ўтириб қолди.

— Энди сенинг ҳеч кимга керагинг йўқ. Уйга қайтиб боришни ўйламай қўяқол. Қишлоқда ҳамма сени фоҳиша бўлиб кетган, деб билишар экан..

— Ахир мен...

— Маҳмуджон билан бўлганингни қишлоқ йигитлари дурбинда томоша қилишган эмиш. У бу ишни баҳс бойлашиб қилган экан. Энди хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам номинг қора бўлиб бўлган. Энди бу ёғига болангни ўйла. Хоҳласанг қарзингни тўлагину кетавер, лекин тўламагунингча ҳеч қаёққа кетмайсан.

— Ишлаб пул топаман.

— Ҳа, менинг хизматимни қилсанг, айтганларимни бажаришга рози бўлсанг ҳозироқ озиқ-овқат, боланг учун нима керак бўлса олиб келиб бераман.

Зебузар иссиқлик тошиб қизариб кетган боласига тикилди. Унинг тагини алмаштиришга таглик ҳам йўқ, егулик, уст-бош ҳам, ҳатто ювинтиришга совун ҳам йўқ эди. Овқат емай қўйганига анча бўлгани учун сути камайиб, кўзлари киртайиб қолганди. Шу аҳволда қаергаям борарди? «Наҳотки, ота-онам мендан воз кечишган бўлса? Ҳа, мен ўшанда Маҳмудга изн бериб уларнинг дилини оғритдим, ўтай онамни келтирмай анча эркаликлар қилдим. Демак, Маҳмуд мени талоқ қўйгач ўзидан қўшиб уларга нима деса дегандир», деб кўнглидан ўтказди қиз.

— Нима юмушингиз бор? Фақат боламга керакли нарсаларни олиб беринг. Нима дессангиз бажараман.

— Ҳўп, яхши. Мен ўзим билиб кечки пайт керакли нарсаларни олиб келаман, тушундингми? Ма, манави совун-шампунь, яхшилаб юваниб ол.

- Қорним жудаям оч қолди. Болам ҳам....
- Ўхў, мана иккита нон, ҳали кўрасан, кўп нарса олиб бераман.
- Ёзиб қўясизми?
- Албатта-да. Ташвишланма, сени ўзим қиз қилиб оламан. Боланггаям қарашаман. Бу дунё ғанимат, инсон шунаقا пайтда бир-бирини қўллаши керак. Агар менга содиқ бўлиб ишласанг, кейинчалик мана шу уйни ўзингга бераман, хўпми?

Зебузар нонни тез олиб, уни катта-катта тишлаб чайнар экан, ҳозир баҳслашишнинг ўрни эмаслигини, балки нима деса «хўп» дейиш кераклигини биларди.

Сурмахон бундай «қирчанғи йўрга»ларни фақат оч қўйиш усули билан йўлига юргизиши мумкин, деб ўйларди. Ҳозир ҳам найранги иш бераётганидан ичидагурурланиб, узун қошлари чимирилиб кетди.

Кечга яқин Бек келди. Унинг қўлида иккита катта сумка бор эди. Хонанинг ичи сигаретанинг аччиқ тутунига тўлди. У кирдию дарров эшикни ичидан қулфлаб олди.

— Қалайсизлар, катта бўляпсизларми? — деб сўради пичинг қилиб.

— Шукур, раҳмат. Сурмахон опа келмадиларми?

— Ишлари чиқиб қолибди. Мана буларни олиб келишни менга буюрди, — деди у сумкаларга ишора қилиб ва хоналарни айлана бошлади. — Ўхў, уй зўр-ку, энди буни жиҳозлаш керак. Совқотмаяпсизларми?

— Йўқ. Фақат бир ойнаси синиқ экан, шамол киряпти.

— Ҳозир-да, ҳозир боллаймиз-да. Мен ана шунаقا майдачуда камчиликларни тўғрилаб бераман. Сен бирор нарса пишир. Бирга овқатланамиз, хўпми?

— Хўп, — деди Зебузар итоат билан, лекин йигитнинг бошқа нияти борлигини ҳам юраги сезиб, ўзини нохуш ҳис қила бошлади. «Нима қилсан экан? Қандай қилиб уни кетказиб юборсан экан? Гарангман-да, ўша ойна синигини бекор айтибман. Ўзимга ўзим яна ташвиш орттиридим» деб ўзини койий бошлади.

Ҳадемай овқат ҳам пишиди. Чўмилтирилган чақалоқ жимгина ухламоқда эди. «Бечора болам, онаси тўй кўрмаганидек унга ҳам бешик кўриш насиб қилмади...» Зебузар кўзларига ёш олди ва йиглаб овқатни суза бошлади.

— Ие, ҳа, йиғлаяпсанми? Қүй, хафа бўлма. Ўша тасқарани бошингга урасанми? Ҳали ёш, гўзалсан. Менга ҳам ёқасан... — дея кулиб қўйди Бек.

Зебузар индамади, тайёрланган овқат ва чойни дастурхонга олиб келиб қўйди:

— Келинг, чой ичинг.

— Э, яшавор. Гап мана бундоқ бўлти. Мен ҳозир, — деди у ва тез бориб сумкадан бир конъяк чиқарди. — Ҳа, энди, мана бу чақалоқни, янги уйни ювмасак бўлмайди...

— Мен ичмайман.

— Биламан. Мен зўрламайман, яхши биласан-ку.

Зебузарнинг иштаҳаси энди бўғилди. Қўз олдига ўша тарвузпоядаги Маҳмуднинг куч ишлатиб зўрлагани намоён бўлиб, оғриқни яна бир бор танасида ҳис қилиб, қалтираб кетди.

— Кўрқма. Мен сенга тегмайман. Нима қиласман сутингни оқизиб? Чилланг чиқиб олса ўзинг сийлаб турарсан ахир.

Зебузарнинг кўнгли анчагина таскин топди. Бекнинг ўзи икки пиёлани бўшатди ва чўнтағидан маҳоркага ўхшаган бир нима чиқарди-да папироснинг тамакисини тўкиб ташлаб, ҳафсала билан чертиб, бошқа нарса кола бошлади.

— Мундоқ, бирор нарса десанг-чи, одамни хит қилмай.

— Нима дейман?

— Дардларингни айт, ёзиласан.

— Фойдаси йўқ.

— Кел, мана бундан озгина ичиб ол, иштаҳанг очилади боланг ҳам яхши ухлайди.

— Йўқ, раҳмат.

— Вей, бундан кейин биз битта командамиз, битта одаммиз, билдинг. Шунинг учун энди бундан буёнига бир-биримизни суюшимиз керак, — деди ёнбошлаб олган Бек, тайёрланган папиросидан чукур тортиб оғзидан чиқсан тутунни бурни орқали яна қайта симирав экан.

Хонани қандайдир бўғиқ тутун қоллади. Зебузар туриб деразани очиб юбормоқчи бўлиб ўрнидан қўзгалди. Лекин негадир оёқлари ўзига унча бўйсунмаётганидан ҳайрон бўлди.

— Қаёқقا?

— Форточкани очиб қўяй.

— Күявер, ўтириб овқатингни е. Менга қара, мана бундан бир ҳўпла, гап бор. Ол, деяпман! — деди у ўшқириб. Зебузар конъяк қуилган пиёлани беихтиёр қулига олди.

— Хуллас бугундан бошлаб Сурма опа онанг, мен акангман. Мана бу кошона сеники. Энди сендан ўзим хабар олиб турман, зўравонлардан ҳимоя қиласман... Бирор сенга ғинг деса абжалини чиқараман, тушундингми?

— Ҳа...

— Бўлмаса ол. Мендай аканг борлиги учун ол.

Зебузар ноилож бир ҳўплади. Қандай бўлмасин йигитнинг айтганларини қилиб, бу ердан уни тезроқ кетказиб юборишни ўйларди.

— Акажон, — деди бир оз ўтгач қиз ўз ўйлаган режасини ишлатиб қўрмоқ учун, — Кеч бўлиб қолди, энди бора қолинг.

— Ҳўп, — деди Бек чўзиб, — Мени ҳайдаяпсанми, акангни-я?

— Ҳа, ўзингиз айтдингиз-ку «Чилланг чиқсан» деб.

— Воҳ! — деб юборди Бек хурсанд бўлиб. — Лекин чиллани «ҳийла»сиям бўлади.

— Бирор куни Дијбарни олиб келинг, ўшанда гаплашайлик. Жуда зерикиб кетдим, илтимос.

— Ҳўп. Ҳўп, жонидан, — деди у ва ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди. Лекин тура олмади. Зебузарга «Мени турғазиб қўй» — дея ишора қилди. Хурсанд бўлиб кетган қиз иргиб ўрнидан туриб, унинг қўлидан тортмоқчи бўлди. Негадир зил-замбил оёқларини кўтара олмай аранг қадам ташлади. Бек унинг бу ҳолатини кўриб, «хо-хо»лаб кула бошлади, қиз ҳам беихтиёр қўшилди. Улар узоқ кулишди ниҳоят Зебузар йигитнинг қўлидан тортиди, йигит эса, унинг ўзини тортиб олди. Бир фурсат ичида қиз ўзининг гулдек жуссасини йигитнинг қўланса ҳид анқиб турган ва юнг босган бағрида кўрди...

\*\*\*

Тергов-суриштирув ишлари ва суд жараёнлари узоқ чўзилди. Асосий гувоҳ ва жабрланувчи деб ҳисобланган Зебузарни топа олишмади. Сурмахон ўзининг кўрсатмаларида ижарага турувчи бу қизни эри келиб талоқ қилиб кетгач, онаси келиб-кетганини, туғишидан бир ҳафта олдин эса, тошкентлик бир йигит келиб «Унинг акаси бўламан» деб олиб кетганини ёзиб берди. Мазкур

баёнот инобатга олиниб, Маҳмудга қўйилган айб исботланмади. Аксинча, уни жабрланувчи сифатида кўриб, қўйиб юборишиди. Тўйнинг бузилишига асосий айбдорлар сифатида Султонали ва Сайд тан олинди. Чунки Сайд монтёр дўстининг ҳеч қандай айби йўқ эканлитини, балки унинг чўнтағидан подстанциянинг қалитини ўғирлаб қасдан чироқни ўчирганлигини бўйнига олди. Ёнгин сабабчиси мархума Шоира эканлиги меҳмон аёлнинг кўрсатмаси ва далилий ашёлар билан тасдиқланди. Шундан сўнг тўполонда иштирок этиб қўлга олинган барча йигитлар Собирҳожининг саъи-ҳаракати билан озод этилди. Собирҳожи қилган барча тўй ҳаражатлари ва зиённи «кудаси» Содикҳожидан ўндириб бериладиган бўлинди. Сайдни тўрт йилга, Султоналини эса саккиз йилга ҳукм қилишди.

Суд раиси ҳукмни ўқиб бўлгач, айбдорларга охирги сўз берилди.

— Мен ўз айбимни тан оламан ва бу ишим учун ҳамқишлоқларимдан узр сўрайман, — деди Сайд ва кўнглида «Мен Зебузарни севардим» деб айтмоқчи ҳам бўлди-ю, ўзини аранг тийиб ерга қаради.

Султонали суд залида ўтирган Маҳмуддан қўзини узмаган ҳолда ўзининг охирги сўзини айтди:

— Менинг устимдан ўқилган ҳукм жуда ҳам тўғри! Лекин Маҳмудга гапим бор. Вей, Маҳмуд! Мен қамоқдан албатта, қайтиб келаман. Агар сен уйланадиган бўлсанг, билиб қўй, ахта қиламан!..

Залда шов-шув кўтарилди. Маҳмуд ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Сайд ва Султоналини олиб чиқиб кетишиди. Чўлпоной ва бошқа аёллар фарёд кўтаришли, Рашидинг эса, қўллари муштланди. Чидай олмади, бир четда безрайиб турган Содикҳожига қаратса ҳайқирди. Бу унинг ҳаётидаги илк нидоси эди:

— Ҳой, Содикҳожи! Ҳамма жим қолди. Залдан чиқиб кетаётганлар ўринларида таққа тўхтади.— Ҳожилигинга тупурдим! Бошқа қўзимга кўринма! Агар сени қишлоқда кўрадиган бўлсан, ўлдирмасам эркак эмасман!

Барча «Ув!» деб юборди.

— Ҳай-ҳай Рашидбек, ўзингизни босинг. Бу бир кўргилик, холос... — деди кимдир

— Йўқ! — дея ҳайқирди Рашид. — Гапим гап, вассалом!

Унинг важоҳатига ҳеч ким бас кела олмади. Чунки унинг ҳозирги ҳолати — ўғлининг қамалиши, қизининг бедарак йўқолиши қўйдек юваш бу одамнинг қалбida туғён уради, у шердек важоҳатли эди!

Шундай қилиб, хонавайрон бўлган уйнинг омон қолган бир омборхонасида Маҳмуд онаси билан яшай бошлиши. Содиқҳожи эса, қўрққаниданми ёки орият кучими, қишлоқдан бош олиб чиқиб кетди. Айтишларича, у аҳолидан узоқ бўлган чўл ичидаги дала шиййонларидан бирида ёлғиз ўзи яшай бошлабди. Унинг ерлари, бепоён боғзорлару теракзорлари, машиналари, мол-қўйлари сотилиб, суд қарори билан моддий ва маънавий зиённи қоплаш учун қуда бўлмиш Собирҳожига ундириб берилган эмиш. Болахонали, данғиллама уйининг ёнгандан сўнг қолган қора ёғочлари ҳозирда ҳам диёнатсизлик ва имонсизлик рамзи сифатида қишлоқ маҳаллаларининг бирида қаққайиб турган эмиш...

Энди Зебузарга қайтсак. Унинг чилласи ҳам чиқди. Бек ундан «хабар олиб турди». Бошқа йигитларга қўшишга Бекнинг хиравлик қилаётганидан Сурмахоннинг жаҳли чиқарди. Чунки оқибатда Бек уни ҳақиқатдан ёқтириб қолиши ва уйланаман деб туриб олиши мумкин. Режалари барбод бўлади-ку! Шунинг учун Зебузарни албатта, бошқа йигитларга ҳам қўшиш керак. Шундагина Бекнинг ундан кўнгли совийди. Ҳар ҳолда уйланишни хаёлидан чиқаради, деб ўлади Сурмахон.

## ДИЛБАРНИНГ РЕЖАСИ

Сурмахоннинг шаҳардаги «манаман» деган ўғри-кazzоблар ва гиёҳванд бангилар ҳамда майший бузуқ бойваччалар билан ҳам мустаҳкам алоқаси бор эди. Улар гиёҳфурушилик билан шуғулланишгани учун пулдорларнинг ўғил, қизларини бу ишга жалб қилишарди. Баъзан бу гуруҳ тоғ томондаги оқ сой суви оқиб келадиган сўлим жойдаги бир бойваччанинг дала ҳовлисида тўпланиб «зиёфат» уюштишарди. Бу майшатнинг бошқалардан фарқи шундаки, у ерда ҳамма қип-яланғоч юриши қатъий қонун қилиб олинган эди. Улар наркотик, героин, нашаларни кўнглига ёқкан турли усуllibар билан қабул қилишар ва шу алфозда ҳафталааб бу ерда қолиб кетишарди. Албатта, уларни озиқ-овқат, майшати учун зарурий нарсалар билан таъминлаб турувчи хизмат кўрсатувчи аёл ва қизлар керак эди. Гуруҳ бошлиғи Иброҳимбек шу масалада Сурмахонга мурожаат қилиб қолди. Сурмахон у ерни яхши биларди, чунки ёшроқ, жононлигига уни ҳам олиб бориб туришганди ва у Иброҳимбекнинг кўнглини ола билган эди. Албатта, бундай хизматлар эвазига катта даромад келишини кўшмачи аёл жуда яхши биларди. Шу туфайли бу ишга у Дилбар

били Зебузарни тайёрлашга жазм қилди. «Бек бўлса уйни пойлаб, болага қараб ўтираверади», деган фикрга борди у ўз қароридан кўнгли тўлиб.

Дилбарнинг эса, алами ичида эди. У ҳаётини барбод қилган мана шу қўшмачи хотиндан қандай қилиб бўлса ҳам ўч олиш ва уни чув тушириб, Тошкентга – Асрорбекнинг олдига Зебузар билан ҳочиб кетиш ҳақида ўйлаб юрарди. Сурмахоннинг «зўр иш» ҳақида режасини у эшитар экан, ўша фурсат келаётганидан дили хушнуд бўлди.

– Зебузарни йўлга сол. Энди ҳадеб таранглик қиласавермасин. Худо хоҳласа, яхши хизмат қилиб берсанглар мен сенинг ҳамма қарзларингни, унинг қарзларини ярмидан кечаман.

– Вой, ҳаммасидан ҳам кеча қолинг энди, – деди Дилбар эркаланган бўлиб.

– Худо хоҳласа, кейинги машшатда қолганидан ҳам кечарман. Ўзларинг ҳам бир яйраб оласизлар-да. Бу дунёда ўйнаганинг қолади, қизим. Ана, Зебузарнинг қишлоғида бир қиз тўйда ўзига ўт қўйиб юборганмиши. Ўлдию кетди.

– Вой, ким экан, у қиз?

– Анаву келиб туради-ку, Зебузарни қўйиб юборган Маҳмуднинг жияни эмиш.

– Вой, нега унақа қипти?

– Билмасам, қизим, ўша Маҳмуд худди «сексуалный маняк»ка ўхшайди. Бирор иш чиқаргандир-да.

– Вой, ер ютгур ит-еї. Галингиз тўғри. Аслида у Зебузарниям бузиб қўйган экан.

– Энди юрибди гадой бўлиб.

– Нима, уни тўйи бўлмадими?

– Тўйи бузилди. Келиннинг нарсалари ёниб битди. Ҳаммасини тўлашди.

– Ажаб бўпти. Баттар бўлсин, – деди Дилбар қувонишини ҳам, ачинишини ҳам билмай ва бу ҳақда тезроқ дугонасига етказиб қўймоқчи бўлди.

– Аяжон, мени Зебузарнинг олдига олиб боринг.

– Нима қиласан у ерда?

– Ахир у... анаву айтган ишингизга дарров кўнавермайди. Қовун тушириб қўймасин тағин.

– Ҳа, тўғри айтасан. Сен бўлмаса бир-икки кун у билан яша, уни тайёрла. Билиб қўй, – деди Сурмахон Дилбарнинг қулогига яқинроқ келиб, – у ерда ҳамма ялангоч юради.

— Вой, сиз ҳамми?  
— Ҳа, энди кемага тушганни жони бир-да...  
— Лекин айтиб қўяй, мен наркотик қабул қилмайман.  
— Тўғри, бизнинг ишимиз уларга хизмат кўрсатиш. Чой-пойига қараймиз, супуриб-тозалаймиз, ҳа энди, бирортаси кўз ташлаб қолса «йўқ» демайсан-да, — деди Сурмахон «хи-хи»лаб кулиб.

— Бўпти, яхши тўлайдими, ахир?

— А как-же.... — деди Сурмахон чимирилиб.

Зебузар Дилбарни кўриб боши осмонга етди. Ўша туни икки дугона то тонгга қадар дардлашишди. Бек нариги хонада қотиб ухлаб қолгач, Дилбар ўз режаларини унга бирма-бир баён қилди.

— Зебузар, бу бир имконият. Бунақаси камдан-кам бўлади. Таваккал қиласиз. Ҳаммасини ичириб, «ўчирамиз». Кийимларини бир хонага олиб чиқиб қўямиз. Мен улар шубҳага бормасликлари учун чалғитиб бирга бўламан. Сен бизнинг устимиздан қулфлаб, ҳаммасининг пулларини оласан-да, кийимларини олиб чиқиб сойга оқизиб юборасан. Лекин ўзинг кийиниб олишни унутма. Кейин такси олиб уйга келасан-да, Бекка: «Сизни Сурмахон чақирайти, тез борарканисиз» деб айтасан. Ундан болани оласану тўғри ойингникига жўнайсан. Болани у кишига ташлаб «ҳаё-ху» деб Тошкентга, Асрорбек аканинг олдига равона бўламиз. Мана у кишининг манзили.

Дилбар сумкачасини титкилаб, ундан бир ташриф қоғозини олди.

— Ма, олақол. Ҳужжатларимиз ўша кишида пропискамизниам аллақачон тўғрилаб қўйган бўлса қерак.

— Сурма ортимдан қувиб келиб ушлаб олса-чи?

— Ушлай олмайди. Мен буни ҳам ўйлаб қўйдим. Ўшанда Бек кетгандан кейин сен милицияга қўнгироқ қилиб, ўша «зиёфат» бўлаётган жойни, у ерда бир гуруҳ наркоманлар яланғоч майшат қилаётганини хабар қиласан. Ҳаммасини қўлга олишиб, сур-сур бўлгунча биз сен билан Тошкентда бўламиз.

— Сен ахир қандай қилиб?

— Мен олдиндан бир жойга спортивкамни яшириб қўяман. Кейин сизларникуга бораман. Бизлар бирга ишга кетаётганимизни айтаман. Ҳа айтмоқчи, сен пулдан мен учун ойингга қолдириб кетасан. Кўп бўлса чақалоққа қарашлари учун у кишига ҳам бер, хўпми?

— Вой, күркіб кетяпман. Бу жуда қийин иш-ку!  
— Ҳа, қийин иш. Лекин ануви Сурма қанжиқдан ўч оламиз.  
Болглаймиз... Келишдикми?

— Келишдик....

Дугоналар бир-бирларини самимий қучдилар. Уларнинг хаёлини бир сония ширин ниятлар чулғаб олган эди. Эртанги кунга бўлган умид, фоҳишалиқдан қутулиш, ниҳоят одамлар қатори эркин меҳнат қила олиш, баҳтли ҳаёт кечириш истаги уларнинг гўзал чехраларида ял-ял товланмоқда эди.

Ниҳоят, ўша масъулиятли «тадбир» ўтказиладиган кун ҳам етиб келди. Дилбар Зебузарни аёллар салонига олиб бориб, унинг соchlарини замонавий усулда турмаклаттириди. Тирноқларини маникюр қилдириди ва кўкраклари хиёл кўриниб турадиган кийим кийдириб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб қўйди. Умрида чўл қуёши ва шўр далалардан бошқа нарсани кўрмаган қиз илк бор бутунлай бошқа қиёфага, йигитларнинг суқи кирадиган ҳурлиқога айланди.

— Вой-бў, — деди Дилбарнинг ҳам оғзи очилиб, — жуда ҳам гўзал бўлиб кетдинг. Маҳмуд бир кўрса эди, юраги ёрилиб, ўлиб қоларди.

Дилбарнинг ўзи ҳам жуда гўзаллашиб кетди. Ҳуллас, икки ҳурлиқ бойваччаларга ўзларини баҳшида қилиш ва ўз режаларини амалга ошириш мақсадида манзилга етиб келишганида ҳали деярли ҳеч ким йўқ эди.

— Мижозларимиз ҳали кечга яқин келишади, — деди Сурмахон Зебузарни айланиб томоша қилар экан. — Кўз тегмасин, маликанинг ўзи бўлибсан. Тарапнлик қилмай яхши хизмат қилсанг, ўзингга ҳам кўп пул ишлаб оласан.

— Мен ҳаммасини тушунтиридим, — деди Дилбар кулиб. — Биз учун иш-да, тўғрими, Зебузар?

— Ҳа тўғри, — деди у ҳам тасдиқлаб.

— Бўлмаса ишга киришайлик, — деди Сурмахон ва дала ҳовлининг ичига чиқишиди. Бек машинадан бир талай егулик, ичимликларни туширди-да болани олиб орқага қайтишга тараффудланди.

— Қачон келай? — деди у машинани юргизар экан.

— Болани қўшни Салимахонга бериб, ўзинг эртага келарсан. Ҳамма жойни беркитиб, калитни ҳам ўша қўшнига бериб кел. Эртадан ўзинг ҳам шу ерда бўласан, бўптими?

— Бұptи.

— Бора қол. Юринглар қызлар, ўзимиз бир тамадди қилиб олайлик. Ҳа айтмоқчи, аввал мен печни ёқиб қүй. Шамоллаб қолмайлик тағин, — деди «хи-хи»лаб кулиб.

У кетди. Фурсатдан фойдаланиб Дилбар спорт кийимларини сумкасидан олди-да, ташқаридағи зинанинг тагига яшириб қўйди. Сўнгра ечиниш эшигини маҳкамлаш йўlinи текшириб кўрди ва бир ломни олиб, уни эшик тутқичига солиб, қандай маҳкамлаш кераклигини Зебузарга кўrsатди.

— Сен у ердан қандай чиқасан?

— Бир амаллайман-да, — деди Дилбар ўйланиб. — Бўлмаса сен эшикни маҳкамламай қўявер. Кийимларни, пулларни олсанг, ўзинг кийиниб кетаверасан. Бир соатлардан кейин мен чиқиб, уларнинг устидан ўзим маҳкамлаб кетаман. Бўладими?

— Бўлади, яхши, — деди Зебузар матькуллаб.

Бир оздан сўнг Иброҳимбек ташриф буюрди. Қызларни, айниқса, Зебузарнинг ҳусни-жамолини кўриб оғзининг сўлаги оқиб кетди.

— Э-ҳе, салом гўзаллар! — деди у хурсанд.

— Қызлар, ўзларинг хўжайнинни бир хурсанд қилингларчи...

— Ўлгудай очман, буларингизнинг қўйнида ўлиб қолмайин тағин.

— Ҳа-я, бирданига учта жонон билан бўлиш сизга қийинлик қиласди, — деди Сурмахон сузилиб кулиб.

— Ие, учинчиси ҳам борми?

— Вой, мен-чи, мен?....

Улар кулиб юборишиди ва конякни очиб, танишганлари учун қадаҳ қутаришиди. Сўнгра ичкари хоналарни кириб қўздан кечиришиди.

— Яхши, — деди у қўлидаги тилла занжирини айлантирас экан, меҳмонларга яхши хизмат қилинглар, хўпми, — деди у ва Сурмахоннинг қўлига бир даста пул тутқазиб. — Бу аванс...

— Вой, раҳмат, меҳмонлар келгунича дам олақолинг, — деди у Зебузарга ишора қилиб. Зебузарнинг юраги гупиллаб уриб кетди.

— Вой, мен, ҳалиги... ануви... — деди довдираб. Дилбар уни қўлидан ушлаб, ечинадиган хонага бошлади.

— Кўрқма, ҳаммаси яхши бўлади, — деди у ечинар экан.

— Икковимиз бирга кирамиз, хўжайниннинг кўнглини олишимиз

керак. Ўзингни кўлга ол, ҳалиги гап ёдингда турсин. Илохи борича ичмагин, чекмагин, лекин ўзингни мастиликка солиб юравер. Менинг нима қилаётганимга ҳеч эътибор берма. Мен эркакларга нима ёқишини жуда яхши биламан, тушундингми?

Бирданига икки ярим яланғоч ҳурлиқо қизларнинг чиқиб келишидан Иброҳимбек лол қолди.

— Биз тайёрмиз, ечинмайсизми? — деди Дилбар кулиб.

— Майли кираверинглар, мени яна юмушларим бор, — деди Сурмахон.

Иброҳимбек ҳам ечиниш хонасига кириб, татуировкалар чизиб ташланган баданини кўз-кўз қилган ҳолда қорнини қаппайтириб, узун труси билан кириб келди.

— Вой, манави нима, қопми? — деди Дилбар кулиб труси резинкасини чўзиб қўйиб юбораркан.

Албатта, хўжайин «гижинглаб турган янги тойча»ни хоҳлади. Дилбар эса унга илҳом бағишлай бошлади... Бир-икки соатдан кейин бошқа мижозлар ҳам қип-яланғоч ҳолда бир-бир кириб кела бошладилар. Улар турли миллат ва турли турқу тароватдаги эркак-аёллар бўлиб, майшат қилиб ётган Иброҳимбек билан қўл ташлашиб сўрашиб ўтиб кетишар ва бир четларга бориб жойлашмоқда эдилар. Сурмахон ҳам ярим яланғоч бўлиб олди. У фақат олдига ошхона фартуги тутиб олганди. Қизларнинг олдига ҳам биттадан фартук ташлади. Фартук уларнинг бу ерда хизмат кўрсатувчилар эканининг белгиси эди. Кимдир чой, кимдир ичимлик, кимлар эса «Куруғи»дан буюра бошлади. «Куруғи»ни хўжайин олиб келди. У бир дипломатда бўлиб, унда наша, пакетчаларда марихуана, героин, шприц ва яна бир нималар бор эди. У дипломатни хонтахта устига қўйиб, қопқоғини очиб қўйди. «Марҳамат, ким нимани хоҳласа! — деди у ва мусиқа марказини ёқиб қўйди. Майшат бошланди. Кимдир наша тутатар, кимдир бурни билан оқ қуқунни ҳидлар, кимдир эса, қўлига эҳтиётлик билан шприц суқмоқда эди...

Зебузарнинг кўз ўнгидаги етти ухлаб тушига кирмаган ҳодиса содир бўла бошлади. У ўзини наша тутунидан эҳтиёт қилиш керак, деб биларди. Ва тез-тез хиёл очилган дераза олдига келиб, тоза ҳаводан чукур-чукур нафас олиб кета бошлади. Наша ҳиди элтиб қолмаслиги учун тоза ҳаводан яна бир бор нафас олаётган маҳали орқасидан кимдир ёпишди. Бу бўйни ва қўлларига тилла занжир тақиб олган бойваччалардан бири, Аҳмад исмли йигит эди. У

қизнинг деразадан ютоқиб нафас олиб, «чиройли» турганига узокдан кўзи тушиб қолди. Ўзини жиловлай олмади, Зебузарнинг ҳам қаршилик кўрсатишга ҳаққи йўқ эди. Унинг хаёлида фақат бир ўй – қандай қилиб бу фурбатдан қочиб кетиш бор эди, холос. Тун ярмидан оққанида ҳаммаси чўзилиб қолди. Кимлардир донг қотиб ухламоқда, кимлардир гиёҳ таъсирида алжарамоқда эди.

Зебузар оғзидан суви оқиб ётган Аҳмаднинг кўйнидан оҳиста сирғалиб чиқиб, Дилбарни қидирди. Тутундан ачиб ётган буюмлари ивирсиб кетган хоналарнинг бирида Дилбар ҳам бир бегона эркак кўйнида чўзилиб ётарди. Уни оҳиста уйғотди ва «Вақт бўлди» дея ишора қилди. Наркотик таъсирида бўлган Дилбар кўзини оҳиста сузиб, сўнг маъноли қисиб «Боравер» деган ишора қилди. Зебузар оҳиста ечиниш хонасига чиқиб борди. Лекин у ерда, не кўз билан кўрсинки, бир қориндор киши билан Сурмахон тарвайлаганча беўхшов ётишарди. Уларни кўриб капалаги учди. Шундай нафрати кўзидики, шу пайтда ломни олиб уларнинг бошига туширмоқчи ҳам бўлди. Қайтиб кириб Дилбарни туртди. Лекин дугонаси тура олмай чўзилиб ётарди. Уни судраб ювиниш хонасига олиб кириб, бошини сувга тутди. Ўзи ҳам ювиниб олди. Улар анчагина енгил тортишди. Шошилиш керак эди. Қизлар ечиниш хонасига кириб, Сурмахон ва анави кишини аранг судраб умумий хонага олиб киришди.

– Вой, нима қиляпсан? – деб сўради маст Сурмахон.

– Бу ер совуқ, шамоллаб қоласизлар, – деди Дилбар.

Уларни олиб киришгач, Дилбар Зебузарга «Жўнайвер» деган ишора қилди ва ўзи хонанинг ичидан қулфлаб олди.

Зебузар дугонасининг топшириқларини айло даражада бажарди. Бир талай пул ва тилла-тақинчоқлар ва Сурмахоннинг сумкасидан калитларни олиб, кийимларни бир тугун қилди-да, ўзи билан олиб чиқиб, шарқираб оқаётган сойга қаратса отиб юборди. Катта йўлга чиқиб, шаҳарга кетаётган машиналарга қўл кўтара бошлади. Бир енгил машина тўхтади.

– Ҳа яхши қиз, қаёққа?

– Шаҳарга, илтимос уйимга ташлаб кўйинг.

– Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз? – деб сўради ҳайдовчи синчков.

– Дугонам шу ерга турмушга чиқувди. Уни тушириб, энди қайтаётгандим.

У Сурмахонникига етиб келганида чугурчуқлар чириллаб, уфқ анча оқариб қолган, узоқлардан масжид сўғисининг азони эшитиларди.

Хайрон бўлган Бек кўзларини ишқалаб чиқиб келди.

— Нима гап, тинчликми?

— Ҳа, тинчлик. Сурмахон опам сизни харажат қилиб кесин деб, манави пулни бериб юбордилар. Кеча кўй гўшти олмаган экансиз. Нонуштага шўрва қилинар эмиш.

— Уфф, — деди у бошини қашиб, — гўшт дўкони ҳаливери очилмайди-ку...

Зебузар уни ўпиб қўйди:

— Биттаси менга суйкалган эди, баинарасига тупурдим. Шунинг учун Сурма опа, «Бориб дамингни олиб, болангни эмизиб кел», дедилар. Сиз бўлмаса харажатни ташлаб кела қолинг, мен сизни кутиб ётаман, хўпми?

— Йўқ, — деди Бек ва унга шердек ташланиб, даст кўтарганча хонасига олиб кириб кетди... Зебузар ўзини худди унга борлигини бахшида қылгандек кўрсатди. Сўнгра ўзини қотиб, ухлаб қолганга солди. Бек оёқ учida оҳиста чиқиб, машинасини ўт олдириди...

Пайт пойлаб ётган Зебузар иргиб ўрнидан турди-да, апилтапил ювиниб кийинди ва калитлар билан Сурмахоннинг уйини очиб, унинг сейфидаги пул ва тилла тақинчоқларни олди ҳамда телефоннинг гўшагини кўтариб, милицияга хабар қила бошлади.

— Кимсиз? Исм-фамилиянгизни айтинг... — дея навбатчи милиционер маълумотларни ёзиб ола бошлади.

— Мен ҳозиргина шаҳарга ўша ердан келдим. Мени алдаб олиб боришган экан, қочдим... — деди Зебузар у ернинг манзилини ва кимлар борлигини айтиб бўлгач.

— Исмингизни айтинг, илтимос.

— Афсус, айтолмайман, айтсан ўлдиришади, — деди қиз ва гўшакни қўйди. Чопиб қўшни Салимахон опаникига қараб кетди. Гўдак уйғонган, қорни очиб бифиллаб йигламоқда эди. Қўшни аёл уни кўриб қувониб кетди ва болани «тезроқ эмиза қолинг», деб олиб чиқиб берди. Зебузар болани олиб дарров эмчагини тутди ва ўзини Сурмахонникига кириб кетгандай қилиб кўрсатди-да, тезлик билан бошқа кӯчага бурилиб, шошиб чопа бошлади.

Шаҳарда таксилар эндиғина юра бошлаган баҳаво тонг маҳали эди...

— Мени аввал Шўрқишлоққа, кейин Тошкентга олиб кетасиз, — деди у бир таксист йигитга.

— Одам ҳам оламизми?

— Йўқ, олмайсиз. Ҳаммасига ўзим тўлайман.

Улар чўл томон йўлга тушишди. Қорни тўйган гўдак яна ухлаб қолди. Зебузар жинси кийими чўнтакларида пулларни олиб, уларни тахлаб санай бошлади. Ҳайдовчи уни қўриб, салон ойнасидан синчков қаради. Бу ҳолатни қиз сезди.

— Тошкентдан мол олиб келаман. Тирикчилик, — деб қўйди.

— Ҳа, ҳа, савдо билан шуғулланасизми?

— Ҳа, дўконим бор.

— Қайтишдаям ўзим олиб келавераман.

— Йўқ, бир-икки кун қолиб кетаман, — деди қиз.

У ўгай онаси ва Дилбар учун пул ажратди. Лекин унинг уйига кириб болани қандай ташлаб кетиши муаммо эди. Шунинг учун у шофёр йигитга илтимос қилди:

— Акажон, сизга бир илтимосим бор...

— Қанақа?

— Машинангизни бир четга қўйиб турасиз-да, уйдан ойимни чақириб берасиз.

— Ие, тинчликми ўзи?

— Ҳа, отам билан уришиб қолувдим-да...

— Ҳай майли. Исмлари нима?

— Чўлпоной.

— Отангиз чиқса-чи?

— Унга «Чўлпоной опани бир аёл чақирайпти» деб айтасиз.

— Кейин ойингизни бошлаб келаман.

— Ҳа, худди шунақа, сўнгра болани у кишига бериб, Тошкентга жўнаймиз.

Улар кўча муюлишида тўхташди. Ҳайдовчи қийналмади. Чўлпоной кўча супураётган эди. Аввалига ҳайрон бўлди. «Қизингиз» дегани учун ҳовлиқиб югурди. «Қизим, қизалогим, қани у?» деди у ва тинмай кўзидан дувиллаб ёш оқарди.

Зебузар онаси билан қучоқлашиб қўришди ва йиғлаб-сиқташди.

— Вой, нима қилиб турибсан, юр уйга!

— Йўқ, ишим шошилинч, Тошкентга кетяпман, кейин келаман.

Чўлпоной қизининг юз-кўзлари ва кийимларини кўриб анграйиб қолди.

— Жа бошқача бўлиб кетибсанми? Тошкентдамисан?

— Ҳа, манг, мана бу пул сизга. Боламни сизга бериб кетаман, унга яхшилаб қаранг. Керакли нарсаларни сотиб олинг. Манави пулни бўлса ўша сиз билган дугонам Дилбар келади, унга бериб қўйинг. Мен ишга ўрнашиб олай, кейин сизларни олиб кетаман, хўлми, ойижон?

Чўлпоной гўдакни қўлига олди. Унга меҳр билан қаради, қувониб Яратганга шукроналар айтди.

— Хайрият, эсон-омон қутулиб олибсан. Ўғилми?

— Қиз.

— Исли нима?

— Бокира. Бўлти ойижон, мен энди борай, яхши қолинглар, — деди у, онаси ва қизини ўпид қўяр экан.

— Ҳай, акангдан хабар олиб қўй. У Зангиота деган жойда экан.

— У ерда нима қиляптилар?

— Вой, хабаринг йўқми, қамоқда-ку!

— Тинчликми?

— Эке, не ишлар бўлмади, дейсан, қизим. Маҳмуд ҳаромининг тўйи бузилди. Шоира ўт қўйиб юборди, ўзиям ўлди. Содиқҳожи қишлоқдан чиқиб кетди. уни даданг судда, «қўзимга кўринсанг ўлдираман» дебди. Аканг Маҳмудга «агар уйлансанг ахта қиласман» деди. Сайджон ҳам қамалди...

— Қайси Сайд?

— Ҳалиги сенга совчи қўйган-чи. Сени яхши кўрас эканда, қурмагур.

Бирданига шунча ахборотга эга бўлган Зебузар беихтиёр эшикни ёпди.

— Ҳой шошма! Қаёққа кетялсан?

Киз пиқиллаб йиглай бошлади.

— Кетдикми? — сўради шофёр.

— Кетдик... — деди қиз рўмолча билан оғзини тўсиб.

Машина ўрнидан қўзғалди. Қўлида бир талай пул ва гўдакни кўтариб олган Чўлпоной ҳайрон бўлиб қолаверди.

— Кетгингиз келмаса, қола қолинг, — деди ҳайдовчи йигит. Қиз эса, уни қидириб ҳозир келиб қолишлари мумкинлигини эслаб, «Кетаверамиз» деган ишора қилди.

Ўшанда ишнинг бир жойи хом бўлган экан. Улэр Дилбар билан бирор жойда учрашиб, бирга кетишлари керак экан...

Тонгги «насиба»сини олиб дили хүшнуд бўлган Бек янги сўйилган қўйнинг гўшидан беш кило олди-да, ашулани «ванг» қўйиб тоф томонга қараб жўнади. Бир пайт орқадан милиция машиналарининг колоннаси сирена ёқиб келиша бошлади. У машинасини бир четга олди. Машиналар физиллаб ўтиб кетди. Уларнинг ичидаги куролланган никобли аскарлар ҳам бор эди. «Нима бало, бирор нима бўлдимикан?» Кўнгли алланечук нохушликни сезди ва газни босди. Худди кутилмагандаги машиналар тўғри уларнинг дала ҳовлиси томон кета бошлашди. «Нима бало, бу қанжиқ бирор иш кўрсатдимикан? Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас. Агар бир гап бўлса ҳозир қайтиб бораману уни чавақлаб ташлайман», деган ўйга борди, у. Йигит машинасини катта йўл бўйига қўйди-да, ўзи бир катта тош оргига яшириниб, дала ҳовли атрофида нима гап бўлаётганини узоқдан кузата бошлади. Бир пайт аскарлар қўлига кишан солинган яланғоч кишилар ва устига аллақандай ёпинчиқ ташлаб олган аёлларни олиб чиқиб, машинага ўтказа бошладилар. Улар орасида соchlари тўзиб кетган ярим яланғоч Сурмахон ҳам гандираклаб чиқиб келди. Шу пайт орқада кимдир Бекнинг машинаси эшигини ёпгандай ва моторини юргизаётганидай туюлди. Бу Дилбар эди. Бек нима гаплигини билмоқ учун жон ҳолатда машинаси томон югурди ва қалитни унутиб қолдирганини эслади. Дилбар машинани юргизишига уринаётган эди. У машинани ўт олдиргунча терлаб, пишиб кетди, Бек етиб келди. Аввалига «тўхта!» — дея унинг йўлини тўсмоқчи бўлди, сўнгра эса, кўрқиб йўл бўшатди. Бу пайтда Дилбарнинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, наркотик ва ароқнинг таъсиридан эди, бу. У йўлини тўсган ҳар қандай кимсани мажақлаб босиб кетишга тайёр эди.

— Тўхта, қанжиқ! Ифлослар, келишиб олишган булар! Ўлдираман сенларни! — деди Бек ҳансираф ортда қоларкан, йўловчи машиналардан бирини базур тўхтатди.

— Илтимос ака, машинамни бир қиз миниб қочиб кетди. Ўзини бир нима қилиб кўймасин. Минишниям билмайди... Ҳеч бўлмаса ДАН постигача олиб кетинг, — деди у ялиниб.

— Ўтиринг, — деди машина эгаси аҳволни тушуниб.

— Тезроқ ҳайданг, илтимос!

— Жонимдан тўйганим йўқ, ука...

Дилбар машинани тўғри чўл томонга, ДАН пости турмайдиган сўқмоқ тош йўллар орқали катта тезликда ҳайдаб

борарди. Қишлоқ йўлларида бу маҳалда мол-қўйлар далага олиб кетилишини у ҳаёлига ҳам келтирмаганди.

Дилбар Зебузар иккиси қилиб қўйган ишларни бир-бир кўз ўнгига келтирди. Ана кечагина тилла занжирини ўйнатиб юрган Иброҳимбек, ҳузур қилиб марихуана ҳидлаётган Аҳмад, сузилиб алчайиб ётган Сурмахон, қўли кишланган, ҳаёлларини аллақандай кукунлару наркотик моддаларга баҳшида қилган малъунлар... Қиз уларнинг қип-яланғоч олиб чиқиб машинага солишларини кўз ўнгига келтирар экан, негадир кулгиси келди. Тўхтовсиз кула бошлади. У шундай кулардики, ҳатто рулда кетаётганини ҳам унуди. Негадир ётиб-ётиб, юмалаб-юмалаб кулгиси кела бошлади. Бу албатта, наркотикнинг таъсири эди. Гиёҳ, афюн гўё Астроил бўлиб унинг ҳәтини исканжага олмоқда эди...

Бу маҳалда қаттиқ пинакка кетган Зебузар довонга етиб қолган ва тушида Дилбар билан чақ-чақлашиб, осмонда учеб юришганди. Шу пайт бирдан қаердандир бир калхат пайдо бўлиб, Дилбарга ташланди. Зебузар қўрқиб қичқириб юборди. Кўзини очганида машина туннел ичидаги бормоқда эди.

— Синглим, сизга нима бўлди? Қўрқманг-қўрқманг, — дер эди тинимсиз ҳайдовчи йигит. — Манг, сувдан ичиб олинг, босинқирадингиз шекилли.

— Нима дедим? — деб сўради Зебузар «дир-дир» титраб.

— Аллақандай Дилбарни чақирдингиз.

Зебузарнинг дилида ноҳуш ўйлар кеча бошлади: «Ишқилиб, Дилбар соғ-омонмикан? Афсус, у билан бирор жойда учрашиб, бирга йўлга чиқмабмиз-да. Келмай қолса нима қиласман? Кутаман албатта»...

## ХОРИЖГА ЙЎЛ

Зебузар ниҳоят Асрорбекнинг иш жойини топиб келди. У биринчи қавати кафе-бар ва иккинчи қавати тикув цехидан иборат хусусий корхона экан. Бинонинг учинчи қавати ҳам бўлиб, у ерда асосан меҳмонхона, ётоқхона ва яна аллақандай хоналар бор эди.

— Нима, бир ўзингиз келавердингизми?

— Ҳа, Дилбар бир оз ушланиб қолди.

— Эсон-омон кутулиб олдингизми, ахир?

У Зебузарнинг уйқусизликдан қизариб турган сузук кўзларига суқланиб боқди.

— Ҳа, раҳмат. Узр, жуда чарчаганман.

— Аввало, келишингизни нишонлаймиз, сўнгра дам оласиз. Сизлар учун хона тайёрлатиб қўйганман.

— Тезроқ ишни бошлайверсак, дегандим.

— Йўқ, ишни бошлай олмайсизлар. Чунки ҳали мутахассис эмассизлар. Сизлар аввало, касб-хунар эгаллашларинг керак, яъни замонавий европача кийимлар тикишни ўрганиб олмоқларинг лозим бўлади.

— Вой, ростданми?!

— Ҳа, бунинг учун хорижга ўқишга бориб келасизлар.

— Нима, хорижга дейсизми?!

— Ҳа, менинг Эмират билан контрактим бор. Сизларнинг ҳужжатларингни ҳам аллақачон тўғрилаб... Нима, Дилбар айтмаганмиди?

— Айтгуви, ишлаймиз деб. Лекин хорижда ўқиш тўғрисида ҳеч нарса демаганди.

— Ҳозир гуруҳ ташкил бўлган. Фақат сизларни кутиб туришибди. Хорижда кеч қолганларни ёқтиришмайди.

— У ерда нимани ўрганамиз?

— Замонавий моделлар тайёрлашни. Бизда материаллар арzon, лекин улардек жаҳон талаби даражасидаги кийимлар тикишни билмаймиз. Шу пайтгача фақат хом ашёнинг ўзини сотиб ўрганганимиз. Агар тайёр маҳсулотни сотсан даромадимиз икки баробар кўп бўлади. Бу эса менинг бизнесим.

Асрорбек Зебузарни яхшилаб меҳмон қиласкан, ўз режалари ҳақида эринмай сўзлаб, ширин вино қўйиб берди. Кечаги алғов-далғов ишлар ва йўл чарчоги Зебузарни уйқу томон элта бошлади. Кўп ўтмай у ўзини пар ёстиқлар қоплаган юмшоқ диванда кўрди ва қаттиқ уйқуга кетди. Уйғонганида эса ёнида яланғоч Асрорбек ётганини кўрди. Ўрнидан шарт туриб кетмоқчи бўлди, лекин йигитнинг бақувват қўллари унинг нозик билагидан ушлашга улгурган эди...

Лекин Дилбар эртасига ҳам, индинига ҳам келавермади. Орадан бир ой ўтдики, ундан дарак бўлмади. Бу орада Зебузар Асрорбекнинг кўнгилхушлик манбаига айланиб қолди. У эшикнинг устидан қулфлаб кетар, «Орамиздаги муносабатни ҳеч ким билмаслиги керак» – деб егулик ва ичкиликларни ўзи билан олиб келар ва тунаб қоларди. Кейинги пайтларда эса негадир Дилбарнинг келмаётганидан жаҳли чиқа бошлаган эди.

— Ахир бу қандай гап? Контрактим бузиляпти, катта жарима түлайман-ку! — деди у бетоқат жаҳл билан.

— Бұлди, бугун келса келди, келмаса ўрнига бошқа бир қиз бор, әртага биргә жұнайсизлар.

Худди бу гапдан хабар топғандек ўша куни Дилбар кириб келди. Лекин унинг юзларыда тирналган излар, оёғида гипс ва құлтиқтаёқда, бир ақвонда эди. Унинг касалхонада ётгани ва ўзига қарай олмагани шундоқ күриниб турарди. Бу ақвонни күриб Асрорбекнинг фифони фалакка чиқды:

— Ахир бу нима гап? Хорижта бундай ақвонда бориб бўлмайди-ку!

— Аварияга учрадим-да, кейин касалхонада ётдим.

— Омон қолибсан, Худога шукур, — деди Зебузар унга раҳми келиб.

— Лекин қызлар, мени тўғри тушунинглар. Мен сизлар учун катта пул сарф қилиб қўйганман. Агар бормасанглар, куяман.

— Сиз ҳижолат бўлманг, Асрорбек ака, биз, албатта, борамиз, — деди Дилбар.

— Шу ақвонда-я, ё тавба-еий...

— Энди гипсни олсак ҳам бўлаверади. Уни олиб ташласак манави құлтиқтаёқниям кераги бўлмайди.

Асрорбекка бу таклиф маъқул кўринди ва Дилбарни қаёққадир олиб кетди. У қайтиб келганида ҳақиқатдан ҳам салпал оқсоқланар эди, холос.

— Бўлди, әртага жұнайсизлар. Яхшилаб ювиниб олинглар. Сўнгра яхши кийиниб, сочларингни ҳам замонавий турмаклатиб оласизлар. Сўнгра мен сизларни тунги клубга меҳмондорчиликка таклиф қиласман, келишдикми?

— Келишдик!

Зебузар бунақа сершовқин мусиқали, ранго-ранг чироқ нурлари жилваланиб турадиган емакхонада илк бор бўлиши эди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Дастанхонлар тўкин, ичишга, чекишига, дилдан сұхбат қуришга ҳамма нарса мұхайё. Бутун умр начорликда, оддий қишлоқ оиласида ўсган қиз дастлаб ўзини жаннатга тушиб қолғандек ҳис қилди. Қызлар, йигитларнинг кийинишини, тақынчоқлар ва емишларини кўриб лол бўлди.

Уларнинг даврасига яна бир истараси иссиқ қиз келиб қўшилди.

— Танишинглар, — деди Асрорбек. — Бу Зулайҳо, эртага сизлар билан жўнайди. Сизлар билан бирга малакасини ошириб, Худо хоҳласа, яхшигина модельер бўлиб қайтмоқчи.

— Вой, жуда хурсандмиз, — деди Дилбар. — Менинг исмим Дилбар. Бу дугонам Зебузар, — деди у танишириб.

— Қани, танишганимиз учун оламиз бўлмаса, — деди Зулайҳо севиниб.

— Официант! — дея қичқирди Асрорбек.

Шу пайт ансамблъ арабча куй чала бошлади ва бир ялтироқ темир труба ўрнатилган давра ўртасига арабча кийимда уч қиз чиқиб келиб хиром айлай бошладилар. Улар тўсатдан устидаги ҳижоб кийимини иргитиб юбориб, ярим яланғоч, кўкрагу киндикларини ва думбаларини ўйнатиб рақс туша бошладилар.

— Вой ўлмасам,вой шарманда! — деб юборди Зебузар, рақс ижросига қараб маҳлиё бўлиб кузатар экан.

— Ҳой, — деди Дилбар унинг кўзини қўли билан беркитиб, — Ҳали бунақасини кўп кўрасан, овқатингни е.

— Ҳа, ҳозир стриптиз ўйинига ҳам тушиб беришади, — деди Зулайҳо.

— «Стриптиз» нима? — деб сўради Зебузар ҳайрон бўлиб.

— Европача ажойиб рақс, — деди Асрорбек, қадаҳларни тўлдирап экан. — Лекин сиздан ажойиб раққоса чиқса керак.

— Йўғ-е, ўлибманми...

— Йўқ, сиз уларнинг яланғочлигига аҳамият берманг. Ҳамма гап унинг жозибасида. Аёл ўз гўзаллигини, латофатини танасининг ҳаракатлари билан намойиш қила олади. Бу жуда нозик санъат. Фақат мана шу санъатни саводсизларгина бошқача тушунади. Бу ҳам санъат, ҳам бизнес...

— Асрорбек aka, бизга бу бизнеснинг нима кераги бор?

— «Йигит кишига қирқ ҳунар оз» деганлар. Билиб қўйсангизлар ёмон бўлмайди. Шу пайт арабча рақс тугаб, деярли яланғоч ҳолда бир қиз даврага чиқиб келди-да, ўртадаги ялтироқ труба атрофифа айланиб, ўзини минг турга солиб рақс туша бошлади.

— Мана шу стриптиз бўлади.

— Вой шарманда... — деб юборди Зебузар.

— Йўқ, ахир бу санъат-ку! Ана гўзаллигу, ана латофат, — деди Асрорбек қарсак чалиб ва раққоса устидан бир талай пулни сочиб юборди.

Бошқа бойваччалар ҳам қийқириб, бу ташаббусни құллаб-күвватлаши.

— Ҳой Асрорбек ака, ўзим сизга бугун бундан ҳам зүр рақс тушиб бераман, — деди Дилбар ҳазил қилиб.

— Ҳа, сиз аввал, оёғингизни тузатиб олинг. Мени ўзи тоза туширдингиз.

— Вой қаранг, бу рақсда оёқни ишлатмасаям бўлаверар экан-ку, — деди Зулайҳо кулиб.

Даврада кулги кўтарилиди. Қадаҳ устига қадаҳлар, хорижий сафар олдидан яхши тилаклар билдирилиди ва ётоқقا қизлар сархуш бўлиб қайтиши.

— Ҳой, Дили, — деди Зебузар уйқуга ётишдан аввал.

— Нима дейсан?

— Ўша тикувчилик касбини шу ерда ўргансак бўлмасмикан?

— Бу ерда ўргатиша олмас экан. Хорижбоп кийимлар тикиш учун унинг жойида ўрганиб келиш керак.

— Ишқилиб, анави стриптиз ўйнашни ўргангани кетмаяпмизмикин?

— Ҳе, гапингни шамол учирсин. Ухла! Сафар олдидан унақа ўйларга бориб бўлмайди. Фаришталар «омин», деб юбориши мумкин.

Лекин Зебузарнинг уйқуси келмади. Чунки эртага узоқ сафарга жўнаб кетади. Ниҳоят унинг кўрган-кечирган нохуш кунлари ортда қолади. Ҳунар ўрганади. Ниҳоят бошқа одамларга ўхшаб ҳаёт кечира бошлайди. Хорижда ишлаб, эҳтимол яхши пул топиб, ҳалол меҳнат қиласи, чиройли кийимлар тикади. Албатта, қизчасига ҳам бир-биридан бежирим кўйлакчалар тикиб беради. Қизи катта бўлганда уни яхши ўқишлиarda ўқитади, авайлаб-асраб вояга етказади. Асло, асло ўзиникига ўхшаб ҳаётини заҳарлашларига йўл қўймайди. «Дадам қани? — деб сўраб қолса нима дейман?», дея ўзига-ўзи савол берди қиз. Албатта, «Даданг ўлган, дейман. Худо хоҳласа, бошқа эр қилмайман. Афти курсин бу эркак зотини...»

— Ҳой сен бугун ухлайсанми, йўқми? Ўчир чироқни! — деди Дилбар эснаб.

Зебузар чироқни ўчириб ётди. Кўз ўнгига чақалоги намоён бўлди. Ёстиқнинг бирини маҳкам кучоқлаб олди. Сийнасидан сут оқа бошлаганини ҳис қилди, кўзларига ёш келди. «Бечора қизим, ҳозир нима қиляпти экан? Йиғлаб ойимни қийнаётгандир... Мен

албатта, қайтиб келаман, қизим. Бизни шу күйга солғанларнинг ҳаммасидан қасд оламан, мана күрасан...» Сўнгра унинг кўз ўнгидан тарвузпоядаги воқеа, Маҳмуднинг талоқ қўйиши, Бекнинг мажбурлаши, дала ҳовлидаги майшат, Сурмахоннинг чатаногини кериб ётиши бирма-бир ўтди. Лекин ўлиб кетган дугонаси Шоиранинг сиймоси уни тоонгга қадар таъкиб қилди. «Мен унинг уйига ўт қўйдим!» — дея тинимсиз қичқиради у...

\* \* \*

Эртаси аэропортда уларни бир тўладан келган қирғизқовоқ аёл кутиб олди. Исли Мастура экан.

— Мастура опа бизнинг дилеримиз. У киши сизларни Дубайга олиб бориб, ўқишга жойлаб қайтадилар. Айтган чизикларидан чиқмайсизлар, — деди Асрорбек уни таништиргандан сўнг.

— Ҳа, у ер сизларнинг қишлоқларинг эмас. Ўзларингни билиб юринглар, ўзбошимчалик қилманглар. Ўзларингни у ёқ-бу ёққа ташламайсизлар, йўқса полиция ушлаб, бир ой қамаб қўйиши мумкин. Ҳужжатлари жойидами?

— Ҳа, мана, ҳаммаси жойида.

Мастура паспорт ва билетларни қўлига олиб танишиб чиқди ва уларни эгаларига қайтариб берди.

— Божхона текширувидан ўтгач, Дубайдага менга ҳужжатларни қайтарасизлар. Мен у ёқда сизларга ётоқ тўғрилайман, ишга расмийлаштираман.

— Ишлаймизми ҳали? — деб сўради Зебузар қизиқиб.

— Ҳа, албатта, ҳам иш ўрганасизлар, ҳам ишлайсизлар. Ўзларингни яхши кўрсатсангиз, биз сизларга сарфлаётган пулдан ташқари ўзларингизга ҳам қолади, — деди Мастура. — Лекин билиб қўйинглар, бизнинг қўшма корхонамиз пулни бекорга сарфламайди. Сизлар биздан қарздорсизлар. Биз сизларга сарфлаган пуллар эвазига ишлаб берасизлар.

— Ҳа тўғри, — дея қўшилди Асрорбек. — Ахир мана бу билетлар, ётоқхона, ейиш-ичишининг пуллари сизнинг зиммангизда бўлади, тушундингларми?

— Тушунарли, — деди Дилбар.

— Ҳаммангиз тушундингизми?

— Ҳа!

- Эътирозингиз йўқми?
- Йўқ!
- Ундай бўлса, мана бу расмий ҳужжатга қўл қўйиб беринглар. Бу расмиятчилик учун, холос.

Қизлар ҳеч иккиланмай ҳужжатларга қўл қўйиб беришди. Унинг мазмунига қизиқишмади ҳам. Ҳужжатларда хорижга ўз ҳоҳиш-ихтиёри билан кетаётгани ва ҳеч кимга ҳеч қандай эътирози йўқлиги ҳақида гап бораради. Шунингдек, хориж сафарига барча харажатлар учун Асрорбекдан уч минг АҚШ долларидан олганлик ва бу пулни хорижда ишлаб пул топганда қайтаражаги, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида ҳам ёзилганди.

Қизлар аэропорт сари кета бошлишди. Дилбарнинг оқсаб юриши Мастуранинг эътиборини жалб қўлмай қолмади.

- Ҳой, сен нега оқсаябсан, тўғри юр!
- Оёғим қайрилиб қолган.

Мастуранинг негадир кўзлари чақчайиб, жаҳли чиқиб кетди, қозоқчалаб қўпол қилиб сўкиниб қўйди-да, қизларнинг олдига келиб, худди мол бозорида бузоқ танлагандек ушлаб кўрди.

— Ҳой, — деди у Зебузарга, — Нега сенинг кўкрагинг кичкина?

- Эмизикли болам бор.

Аёл унинг кўзига еб қўйгудек тикилди-да, Зулайҳонинг орқасидан қаради ва жаҳли чиқиб, Асрорбекка шангиллай кетди:

— Ҳой бола, сен менга кимларни тиқишитиряпсан, буларинг ҳеч нимага ярамайди-ку! Бири чўлоқ, бирини сути оқиб ётиби, бири...

Асрорбек тезлик билан уни четга тортди-да, бир нималар деб тушунтира бошлади.

— Нима бало, у бизни худди сотиладиган молдек талашяптими? — деди Дилбар шубҳа билан.

— Йўғе, ахир хорижнинг ўз талаблари бўлади-да, — деди Зулайҳо.

- Қанақа талаб? — деб сўради Зебузар соддалик билан.
- Билмасам....

Ниҳоят Мастура билан Асрорбек келишиб олишди шекилли, қизларнинг олдига келишди.

— Сизлар хижолат бўлманглар, Мастура опа шунаقا, талабчанроқлар. Зебузар боласини кимга ташлаб кетяпти, демоқчилар. Чунки борадиган жойларингизда сизларни бир қатор тиббий кўрикдан ўтказишади, қон топширасизлар, комиссия сұхбатидан ўтасизлар. Агар ўта олмасангизлар қайтариб юборишса биз йўл харажатларига куйиб қоламиз, тушунарлими?

Шу билан ўртадаги хижолатпазлик кўтарилгандек бўлди. Лекин Зебузарнинг кўнгли фаш, у каҳаҳт эди. Гўё уни бозордан сотиб олишгану бўйнига ип боғлаб етаклаб олиб кетаётгандек ҳис қиласарди ўзини. Бу каҳаҳтик самолётга чиққанларида ҳам, манзилга етиб боргандаридан ҳам, ажнабий одамлар ичида, осмонўпар бинолар орасида, таксида аллақаёққа кетишаётганданда ҳам уни тарқ этмади.

Ўзга дунё, ўзга юрт. Тилларини, ёзувларини умуман тушуниб бўлмайдиган, рўдапо кийинган қоп-қора одамлар, бир-биридан ажратиш қийин бўлган ойнаванд бинолар, ярим яланғоч турган кўча қизлари, қаерларга келиб қолишиб улар? Наҳотки, ҳунарни шулардан ўрганиб бўлса?..

## ҚУЛФУРУШЛАР

Асрорбек аслида қўлида ҳеч қандай ҳунари йўқ, бўйни меҳнатга эгилмайдиган ишёқмас, маишатбоз ва яхшигина фирибгарлар хилидан эди. Тўғри, у Дубайга келиб-кетиб тижорат билан ҳам шуғулланиб кўрди, лекин эплай олмади. Қарзлари кўпайиб кетди. Қарз олган таниш-билишларидан қочиб, бошини қаерга уришни билмай юрган кунларнинг бирида у Мастура билан ўша стриптиз рақслари намойиш қилинадиган тунги барда танишиб қолишибди. Қадди-қомати келишган, истарали йигит бўлган, айниқса, гапи бўйича Дубайга бориб-келиб турадиган Асрорбек Мастурага ёқиб қолди. Ўша куни тунги бардаги ўтириш учун пулни ўзи сарфлади. Албатта, дўмбок, қўпол, кўримсиз бўлса ҳам пулдор жазманга эга бўлиш йигит учун ортиқчалик қилмасди. «Бундай аёлларни боплаб пулини олиб, ишини битириб юравериш керак», ўйлади йигит.

Асрорбек стриптизга ўйнаётган қизга маҳлиё бўлиб тураркан, Мастура унинг қулоғига шипшиди:

— Хоҳласангиз, бизнеснинг яхши йўлини ўргатаман. Менинг давримда бойвачча бўлиб юрасиз.

— Майли, — деди йигит. — Қанақа бизнес экан?  
— Бу жуда ҳам оддий. Кам харж қилинади. Бож тўланмайди.  
Энг муҳими — товар ихтиёрий, ўз оёғи билан боради.

Асрорбек, «тушунмадим», дегандек елкасини қисиб қўйди, лекин унинг юз-кўзидан янги «бизнес-лойиҳа»га бўлган иштиёқ сезилиб турарди.

— Яхши, — деди йигит, — Лекин ҳар қандай бизнес қандайдир миқдорда сармоя салаб қиласди. Шу масалада мен...

— Гап унда эмас. Худо хоҳласа ўша сармояни мен бераман.  
Энг муҳими — менга яхшигина бизнес-ҳамкор керак. Хўш, ишлаймизми?

— Ишлаймиз, — деди Асрорбек навбатдаги қадаҳни чўқишиширап экан.

Улар ўша тунни бирга ўтказиши. Аёлнинг шинам квартираси бўлиб, ёлғиз ўзи тураркан. У ўзига тўқ, уй жиҳозлари етарли, совуткичи егуликларга тўла эди.

Мастура тунги кофе ичиш пайтида ҳам, тўшакда ётганда ҳам, тонгти нонуштада ҳам янги ҳамкорига ўз бизнесининг сир-асорини ўргатиб чиқди.

— Ахир бу тирик одамларни сотишга ўхшаб қетяпти-ку!  
— деди Асрорбек ниҳоят ўз шубҳаларини ошкора қилиб.

— Нималар деяпсиз, унақа эмас. Бу билан бир талай ишсиз, ночор, бекорчиларни иш билан таъминлаймиз. Биз уларга дунёни кўрсатамиз. Хорижга чиқишиади, янги-янги танишлар орттиради. Пул ишлаб келиб, яхши кунларига сарфлайди, онглари ошади. Бунинг нимаси ёмон? Қўйиб берсанг бу одамларнинг кунлари барибир ҳам шундай ночор ўтаверади, хорижни икки дунёда ҳам кўра олмай дунёдан ўтиб кетишиади. Биз учун, ўзлари учун мўмай пул топишгач қайтиб келаверишиади. Кейин қайтиб келиб яхши-яхши ишларни бошлаб олишиади. Ҳар ҳолда, мардикорларга ўхшаб хор бўлиб юришмайди-ку.

— Демак, ҳам саёсҳат, ҳам тижорат денг?  
— Ҳа, яшанг. Лекин қизлар дунё стандартига жавоб бериши ҳам керак. Бўлмаса уларни яхши пуллай олмаймиз.

— Нима, тил билиши, билими демоқчимисиз?  
— Э, йўғе, асло. Бизга қолса умуман тил билмайдиган, ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қила олмайдиган соддагина бўлганлари маъқул. Бўлмаса бошимизни гаранг қилишлари турган гап.

— Үнда қанақа стандарт түғрисида гапиряпсиз?

— Ҳой содда йигит, билиб қўйинг сизни ҳам бирортасига сотиб юбораман-а. Наҳотки қиз боланинг қаери қанақа бўлишини тушунмасантгиз? Масалан, хипча бели, қомати, бўйи зътиборни торгадиган, ўзларидан мушк-анбарнинг ҳиди келиб туриши керак, — деди Маствура «хи-хи»лаб беўхшов куларкан.

— Ҳа, энди тушундим.

— Уларни биздан сотиб оладиганлар анойилар эмас. Молни кўриб, кейин пулинин беришади.

— Қанақа қилиб кўришади?

— Ечинтириб, албатта. Бўйларини, қоматларини ўлчаб ҳам кўришади.

— Нархини қандай белгилашади?

— Стандартга тўғри келишига қараб 2000 дан 5000 долларгача. Ҳуллас, мен сизга киши бошига 2000 дан беравераман. У ёфи бор таваккал.

— Агар қопағон, сузонғич, тепадиган чиқиб қолса-чи?

— Ҳеч ҳам парво қилманг. Ювош қилиб кўйишнинг йўллари жуда кўп. Ҳар қанақасиям бошида сакрайди. Кейин шундай мулоийим мушук бўлиб қоладики, эҳ-ҳе, уларнинг ҳар қанақасини кўрдим.

— Қочиб кетганлари ҳам бўлдими?

— Ҳа, бўлган. Қочиб қаёққаям борарди? Қўлида на ҳужжати, на пули бўлади, у ернинг тилини ҳам, қонунларини ҳам билишмайди. Қочгани билан полициянинг қўлига тушишади. Уларни ертўлага қамаб, бошига ит азобни солишади, ўласа қилиб калтаклашади. Сўнгра оч-яланюч кўчага ҳайдашади. Қарабисизки, ё ўлиб кетади, ё «мулла минган эшак»дек бўлиб ўз қочган жойига қайтиб келади.

— Дейлик, бирданига кўпчилик қочса-чи?

— Бир гал бунақаси ҳам бўлувди. Ўзим полицияга пул бериб, уларни уч кун ит азобини бошига солдирдим. Бўйин эгмайдиганини эгдирдим. Шундан кейин олдимга тушиб шундай қайтиб келишдик... Берган пулларим, кўрган заарларимни ҳам бўйниларига икки баробар қилиб илиб қўйдим. Ҳозир ҳам қарзларини узолмай ётишибди, бечора дангасалар...

— Улар ҳукуматга устингиздан арз қилишмайдими?

— Дардларини кимгаям айтишарди? Ким ҳам уларга қулоқ соларди?

— Ҳа энди, ҳар холда...

— Шунинг учун ҳам, Асрорбек, сиз иложи борича етим, сўққабош, ота-онаси уйдан ҳайдаган, жуда камбағал қизларни топинг-да. Оғзингизга сиққан ватъдани бераверинг. Иложи бўлса стандарт жойлариниям қўлдан бир ўтказиб кўринг, хи-хи-хи...

— Бундай қизлар асосан, қўшмачиларнинг қўлида бўлади-да.

— Ҳа, яшант. Бир Ўзбекистонни айланиб келинг, мингтасини топасиз. Тожикистон, Қирғизистонга ҳам бораверинг, биз учун уларнинг қаерданлиги, миллати қанақалигининг фарқи йўқ.

— Рус бўлса-чи?

— Бўлаверади. Қайтанга улар арzonга ҳам тушади. Демак, бизга кўп даромад қолади, тушундингизми? Яхши пуллай олсам сиз учун алоҳида мукофот ҳам бераман.

— Ҳа, албатта.

— Мана шу ўша бизнес бўлади. Манави сизга аванс, ҳозирча 1000 доллар. Мени ҳар ҳафта жума кунлари ўша тунги бардан ёки уйимдан топасиз. Ҳар шанба куни олиб келган товарларингиз учун ҳисоб-китоб қилиб, самолёт билан бирга учеб кетавераман.

— Неча киши бўлиши керак?

— Истаганингизча. Пул керакми, ишланг. Лекин бу ердаги муаммолар, ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ўзингиз бажарасиз. Уларнинг паспортларини олиб, Дубайга уч кунлик туристик йўлланма тўғрилайсиз. Мен эса уч кун ичидан уларни мижозларимга етказаман, Худо хоҳласа. Хўш, ишлаймизми?

— Ишлаймиз!

Улар шундай қилиб, «бизнес-ҳамкор»га айланишди. Зебузарлар Асрорбек томонидан тайёрланган бешинчи гуруҳ эди. Аввалига у бир оз қийналди. Ишонтириш осон бўлмагани учун икки гуруҳда фақат рус қизларини, икки гуруҳ тоҷикистонлик қизларни Дубайга жўнатган эди. Бугун эса илк бор ўз юртдошларини «парвоз»га олиб чиқди.

Лекин Мастура товарлар «нестандарт» эканини куриб, жиғи-бийрони чиққан ва улар учун тұлғанған 6000 доллардан 1000 долларини қайтиб олғандан кейингина ҳовуридан түшгән эди.

Асрорбек рүйхатдан ўтиб кетаёттган уч қызниң ортидан қараб қоларкан, охирги марта Зебузарнинг күзи билан түқнашганды эти жимирлаб кетди. «Эссизгина, яхши қиз эди...», деб күйди у чуқур хұрсина.

\* \* \*

Мастура қыздарни шинам мәҳмоналардан бирига жойлади. Дилбар билан Зулайқо қувониб кетишганидан юмшок диванларда худди ёш болалардек сакрашды, дераза орқали шаҳарнинг жамолини күриб завқланишди. Зебузарнинг негадир күнглига хурсандчилик сифматы.

— Қыздар, бир соатдан кейин пастга тушинглар, ресторанда тушлик қиласызлар. Сүнгра сизларни күчада автобус кутади. Хорижий туристлар билан бирга шаҳар айланасызлар. У ёқ-бу ёққа ўзларингни урмай, гурухдан ажралмай, яхшигина бўлиб юринглар. Бўлмаса йўқолиб қоласызлар, — деди Мастура соҳта мулојимлик билан.

— Урра! — деб юборди Зулайқо чапак чалиб. Қолганлар ҳам ўз қувончларини яшира олмадилар...

— Ана энди хужжатларингизни беринглар. Мен сизларни ишга расмийлаштириб, кечга яқин келаман. Кечки овқат ҳам ўша ресторанда бўлади. Сизларни ўзим бир мәҳмон қилай...

— Вой, раҳмат опажон, — деди Дилбар қувониб.

— Бирам яхши экансизки, — деди Зулайқо.

— Сен-чи, сен хурсандмасмисан? — деб сўради Мастура Зебузардан.

— Сал бошим оғриброқ турибди.

— Ҳа, бу йўл чарчоги. Ҳалиги гапимга хафа бўлмагин, қизим. Ҳоҳламасанг шаҳар айланышга бормай қўяқол. Дамингни ол.

— Хўп, майли, шунаقا қиламан.

— Вой, сен ҳам юравер, ўтоқжон! — деди Дилбар.

— Э, ҳали бу шаҳарда юравериш жонларингга ҳам тегади.

— Ўқишимиз узоқми, опажон? — деб сўради Зулайқо.

— Ҳар куни автобусда борамизми? — деди Дилбар ҳам.

— Йўқ. У ернинг ўз ётоқхонаси бор. Ҳаммаси ўша корхонанинг ичидаги.

— У қанақа корхона ўзи? — деб сўради Зебузар.

— Кўшма корхона... Бўпти, мен кетдим, қизлар эҳтиёт бўлинглар, гуруҳдан ажралманглар. Эсли, яхши қиз бўлиб юринглар, хўпми жоним, — деб Зулайҳонинг елкасига қоқиб қўйди.

— Хўп, — деди Зулайҳо ҳам хурсанд бўлиб.

Лекин Мастура туфайли уларни уч кунлик туристик йўлланма билан хорижга алдаб келганларидан, бу ерда не-не кулфатлар кутаётганидан улар ҳали бехабар эдилар.

Ҳаш-паш дегунча уч кун ҳам ўтиб кетди. Маза қилиб дам олган қизлар ўзларига кўрсатилган иззат-икромдан бошлари осмонда эди. Улар учун ҳали маҳкум бўлган тўртинчи кун бошланган ярим тунда эшик қаттиқ тақиллай бошлади. Мастура келди, деб ўйлаган Зулайҳо эшикни очиб қичқириб юборди. Остонада оппоқ тишларини кўрсатиб қоп-қора ҳабаш — меҳмонхона ходими туарди. У аввал арабча, сўнгра инглизчалаб буйруқона бир нималар леб аллақандай қогозларни кўрсатди.

— Говорите по русски, — деди Зулайҳо ҳайрон.

— Время ваше конец... Придет новая группа... Освободите комнату, — деди у ҳижжалаб.

Қизлар шовқин-сурон кўтаришди. Ходим ички қўл телефони билан кимнидир чақирди. Кўп ўтмай нағбатчи администратор ва икки ҳабаш қоровул ҳозир нозир бўлишди.

— Ваши путёвка на три дня, — деди администратор рус тилида яхши гапириб. — Вы должны освободить или еще доглатите.

Зебузар дарров бориб сумкасини ковлади-да, бир қанча доллар чиқарип узатди.

— Олинг, — деди ўзбекчалаб.

— Возьмите еще за один день — деди Зулайҳо русчалаб.

Улар пулни олиб чиқиб кетишиди. Лекин қизларнинг кўнгли хижил бўлиб бошқа ёта олмадилар ва бу ҳолатни мухокама қилиб, тонгга қадар мижжа қоқмадилар.

— Менга негадир бу нарса ёқмаяпти, — деди Зулайҳо хавотирланиб.

— Нега унақа дейсан?

— Ахир туристик йўлланма билан ҳеч қачон хорижга ишга юборишмайди-ку!

— Ҳа, тўғри, — деди Дилбар қўшилиб. — Менинг бир амакимнинг ўелини Кореяга жўнатиш учун қайсирид вазирликдан хужжат тўғрилаётганини эшигандим.

- Унда қайтиб кетайлик, — деди Зебузар.
- Қанақа қилиб? Пулимиз ҳам, хужжатларимиз ҳам йўқ-ку.
- Менда пул бор, билетга етади, деди Зебузар.
- Ануви пулларданми? — деди Дилбар.
- Ҳа, — деди Зебузар.
- Ҳаммасини олиб келганмисан?
- Йўқ, Тошкентда бир жойга яшириб келганман.
- Асрорнинг ётогигами?
- Ҳа.
- Топиб олса-чи?
- Топа олмаса керак.
- Бекор қилибсан, банкка қўйиш керак эди.
- Паспортим йўқ эди-да.
- Қизлар, бир оз дам олайлик.
- Э, йўқ, ануви Мастиурани кутамиз. У билан очиқ-оидин гаплашиб олишимиз керакка ўхшайди.

Эрталаб тиржайиб Мастиура кириб келди.

— Ҳаммасидан хабарим бор, қизлар. Яхши ҳам пулларинг бор экан. Бўлмаса кўчага ҳайдаб чиқаришар эди. Жуда ақлли иш қилибсизлар.

— Бизлар қанақа туриstmiz ўзи? — деб сўради Зулайҳо тўсатдан.

— Вой... Ахир ишни расмийлаштиргунимча қаердадир яшаб туришларинг керак эди-да. Кейин, бу йўлланмани ўзимизда сўмга сотиб олганмиз. Бу ёғига энди корхона ётоқ беради, ишлайсизлар, ҳеч хавотир олманглар, қизларим.

— Кўрик қанақа бўлади, ўзи?

— Кўрикда... қадди-қоматларингни, саломатликларингни кўришади. Кейин қанақа ишга қўйишини ҳал қилишади. Лекин сизлар ҳеч ҳам қўрқманглар.

— Кимлар бўлади?

— Докторлар, профессорлар.

— Нима, эркакларми?

— Эркаклариям бўлади. Лекин уялманглар. Бу ерда ялангоч юриш уят ҳисобланмайди. Худо хоҳласа бир кун пляжга олиб бораман. У ерда ҳатто чўмилгичсиз ҳам юришади. Офтобга тобланиб маза қилиб ётишади. Бу ер эркин давлат. Ким қандай хоҳласа шундай яшайверади. Бирор билан бирорнинг иши йўқ, ғийбат йўқ, фисқу фасод ҳам, энг муҳими, пулинг бўлса бўлгани.

— Неча ой ўқиймиз? — деб сўради Зебузар.

— Уч ой, яна кўрамиз. Ҳунарни эгаллашларингга қараймизда, — деди Мастира ерга қараб, пайпогига ёпишган бир тукни чертиб ташлар экан. — Айтмоқчи, пулни ким тўлади?

— Мен...

— Яхши, қизим. Ҳисобингга ёзиб қўяман, хўпми? Бўлмаса юринглар қизлар, нонушта қиламизу ишга жўнаймиз.

## АУКЦИОН

Мастира уларни бир арабнинг олдига олиб борди. У қизларга жилмайиб нигоҳ ташлади. Мастира уларни бирма-бир таништириди.

— Бу киши Шайх Аббос, врач. Сизларни бир кўриб қўядилар. Сизлар ҳечам уялманглар, ўзларингни эркин тутинглар. Рұсчани тушунишади.

Шайх Аббос қизларни бир-бир қабул қилди. Аввало, тишлари, тилларини кўриб, қадди-қоматларини, кийинган ҳолда айлантириб кўздан кечирди. Унинг ёнида ўтирган Мастира уларнинг ҳар бирини араб тилида таърифлаб бериб турди. Сўнгра ҳар бир қиз ечинтирилиб, кичик саҳнага гўё суратхонадаги каби ёруғ чироқ остида айлантириб юргизиб кўрилди. Орқа томонда кимдир бу манзарани суратга ҳам олаётганидан қизлар бехабар эдилар.

Шундан сўнг қизларни бир хонага олиб кириб, устларидан қулфлаб қўйишиди. Қизлар нима гаплигини билишмай, анча вақтгача қуруқ скамейкада ҳайрон бўлиб ўтиришиди. Сўнг қовоқ-тумшугини осилтириб Мастира кириб келди, келасолиб «Оқсоқланмай ўл!» дея Дилбарнинг оёғига бир тепди.

— Ҳа, одам бўлмай ўлларинг, ўзларингга қарасанглар ўласанларми? Бир тийинга қимматсанлар!

— Вой, опажон, ўзи нима гап бўлди, тинчликми?

— Бало бўлди, дард бўлди! Сенларга сарфлаган пулим чиқмаяпти. Ёнларингда қанча пул бор? Давай йигинглар. Бу ер сенларнинг қишлоғингмас, ҳар бир қадаминг пул. Ҳозир оз-моз узатмасак ишга олмаймиз дейишяпти.

Қизлар сумкачаларини тез ковлашди, бор пулларини ўртага йифишиди.

— Бу урвоқ ҳам бўлмайди-ку, зиракларингни ҳам ечларинг.

- Вой, унда ўзимиз қандоқ қиламиз?  
— Еч деялман, қанжик! Нима, мен сен учун пулни катта холамникidan оламанми?!

Шундай қилиб қызлар кулоқ, бүйин ва құлларидаги тилла тақинчоқтарни ҳам ечиб беришди. Мастура уларни сумкаласига солиб, шошиб чиқиб кетаркан:

— Сенларга маслаҳатим — ўзбошимчалик қилмаларинг, қочиши хәёлларинггаям келтирмаларинг, — деди-ю, «қарс» этказиб эшикни ёпди. Эшик яна қулфланди. Қызлар Masturani бошқа қайтиб күришмади. Унинг иши битган, қызларнинг ҳужжатларини Шайх Аббосга топширган ва у билан ҳисоб-китоб қилиб, Тошкент самолётига шошаётган зди, ўшанда...

\* \* \*

Ўша куни қызлар кечга қадар оч-наҳор, сувсиз ва ҳожатсиз қамалған ҳолда қолиб кетишли. Фақат тундагина икки гавдали йигит ва бир таржимон рус қызы кириб келишли. Қызнинг исми Ольга экан, у қызларга ўзларини яхши тутишлари кераклигини, ҳозир бир жойга күріктан ўтиш учун боришиларини маълум қилди.

— Ювениб олсак бўлар, — деди Дилбар.

— Қорнимиз ҳам оч, — деди Зулайҳо

Ольга инглизчалаб йигитларга бир нима деди. Фақат беш дақиқага рухсат берилди.

— Дилбар, қочайлик, — деди Зулайҳо ичкаридан овоз чиқариб.

— Только не вздумайте убегать, — деди Ольга дарҳол уни тушуниб. — А то они вас убьют.

— Вой, за что? — деди Зулайҳо.

— Потому что за вас оплачено большая сумма. Пока нерасчитайтесь, никуда вас не отпустят... — у бармоғини лабига қўйиб, «Жим, бошқа гапирманлар» дейа ишора қилди.

— Сейчас нас куда?.. — деб сўради Зулайҳо шивирлаб.

— В аукцион.

Қызлар тушунишмади. Уларни ёпиқ машинага чиқариб, аллақаерга олиб келишли-да, тўғри ечинадиган хонага олиб киришли. У ердаги қўшни хоналардан ҳам русча, тожикча ва бошқа миллат тилларида гаплашаётган қызлар овози эшитилиб турарди.

— Сизларни ҳозир ўзлари бир-бир чақиришади, — деди Ольга йўриқнома бериб. — Мана номерларинг, бўйинларингга осиб оласизлар. Ҳозир уст-бошларингни ечиб, мана бу ерга илинглар.

— Вой, нега энди!? — деб юборди Зебузарнинг ранги оқариб.

— Ечин, дегандан кейин ечинавер-да. Бошқа иложимиз йўқ, — деди Зулайҳо.

— Тинчлан, яна кўрикдан ўтсак керак. Это осмотр, да? — деб сўради у Ольгадан

— Ҳа, шунга ўхшаш, — деб жавоб берди у. — Фақат сизлар кўрқманглар. Ўзларингни эркин, bemalol тутинглар. Ҳудди модалар залига чиқасизу у ёқ, бу ёққа юрасизлар. Ўртада зина бор. Зинага ҳам чиқиб бориб, айланиб, сўнгра яна изларингизга шошилмай қайтасизлар. Мана қаранглар, мана бундай... — дея Ольга ўзини модалар залида юргандек қилиб кўрсатди. — Кимки чиройли юриб, ўзининг қомати, гўзаллигини ўтирганларга кўрсата билса, демак, у яхши жойларга ишга олинади. Тушунарлими?

— Тушунарли...

— Қани, энди битта-битта юриб кўрамиз.

Қизлар бир-бир юриб ўртадаги кичик зинага чиқиб, айланиб яна қайтиб туша бошладилар.

— Энди кийимларингни бутунлай ечинглар.

Зебузар ийманиб, ечинмай тураверди. Ольга унинг олдига келди:

— Калтак егинг келяптими?

У тураверди.

Ольга туфлисини ечди. Унинг важоҳатидан жаҳли чиққандай бўлди ва тўсатдан оёғининг юзи билан Зебузарнинг жағига тепди. Қиз кутилмаган бу зарбадан ерга гурсиллаб ағанаб тушди. Дилбар югуриб уни ўрнидан турғазди

— Айтганимни қиласанг, дабдалангни чиқазаман, тушундингми?!

— Ҳа-ҳа, тушунди-тушунди, — деди Дилбар дугонасининг лабидан оққан қонни артаётib.

Қизлар энди тихирлик қилмай тақдирларига тан беришди. Ольга яланғоч қизларни сафлаб, бүйинларига рақамларини илиб қўйди. Энди бирма-бир юриш машқларини қайтара бошлади. Ниҳоят хонага бир мўйловли араб кириб келди. Қизлар қўкракларини қўли билан яширишли.

— Қўлингни ол! — дея муштини Зулайҳонинг пешонасига қаттиқ никтади. У беихтиёр қўлини туширди. Дилбар ҳам қаршилик қилмади. Зебузар эса қўрқувдан даг-даг титрамоқда эди. Ольга унинг қўлини силтаб ташлади ва яна туфлисини ечди.

— Қўлингни тушир, айтганини қил, — деди Дилбар шоша-пиша.

Зебузар қўлини қўйиб юбориб, ерга қаради. Мўйловли киши қўзларини чақчайтириб уларни бир-бир кўздан кечирди, Ольгадан Зебузар тўғрисида бир нима сўрагандек бўлди.

— Сени боланг борми деб сўраяпти.

— Ҳа, — деди қиз аранг.

— Неча ойлик?

— Икки ой, — деб жавоб берди унинг ўрнига Дилбар. Ҳалиги киши бир нималар деб гудраниб чиқиб кетди.

— У сенга ачинаяпти, — деди Ольга Зебузарга қараб.

Ниҳоят қизларни саҳнага олиб боришли. Уларни бирма-бир чиқара бошлаши. Саҳнага жуда ёруғ чироқлар қаратилган бўлиб, қизлар учун фақат биринчи қаторда ўтирганларгини кўринарди. Трибунада эса бир киши алланималар деб тўхтовсиз жаврар эди. Қизлар ўша ўргатилганидек бир-бир юриб чиқишар, зина устига оҳиста чиқиб, бир айланиб яна қайтиб тушишарди.

Зебузар ўзининг ҳозирги шармандали томошага тушиб қолганидан кўра ўшанда ўзини осиб қўйиб, ўлиб кетмаганига минг-минг пушаймон бўлар, ўлимдан қутқариб қолган дугонаси Дилбарни тинимсиз қарғамоқда эди. У томошадан қайтиб чиқдию тўсатдан Дилбарга ташланди, бақириб унинг юз-кўзларини юмдалай бошлади.

— Вой шарманда!.. Мени нега ўшанда қутқардинг!? Ўлиб кетганим яхши эди. Энди нима деган одам бўлдим!...

## 13-ҚАВАТДАГИЛАР

Канизаклар хизмат қиласидан тунги бар ҳамда исловатхона 12 қаватли бинонинг ертўласида бўлиб, уларнинг ётоғи бирорнинг назари тушмайдиган бино чордоги ҳисобидаги 13-қаватда эди. Лифт шундай мослашган эдики, у фақат ертўла билан чордоқ орасида қотнар, гуё қуш қафаси билан мояк қўядиган ясама уясига ўхшаб кетарди. Лекин тунда қушлар ухласада, “бу қушлар” тиним бўлмас, уяларига таранг тортилган, ўзларига оро берилган холда янги узилган бодрингдай кириб кетиб, қайтгач эса тузланиб, шалвираб ва гандираклаб келардилар-да, ўзларини ўринларига отардилар. Бири ҳадеб алжирав, бири ҳўнграб йиғлар, бошқаси эса, тентаклардек шарақлаб кулар, жойларига ётардилару қотардилар...

МХД давлатларидан келтирилган 20 чоғли қиз устидан ички назоратни ишга ёлланган Россиянинг қайси бир шаҳрида каратэ бўйича қорабелбог соҳибаси бўлган Ольга исмли спортчи қиз ҳамда бешафқатлиги юз-кўзидан яққол сезилиб турган америкалик бақувват Милана исмли негр қиз амалга оширадилар. Милана армия хизмати пайтида ўзи билан хизмат қилаётган бир аскарни ўлдириб қўйгани учун қамалиб чиқсан ва бу ерга у ҳам ишга ёлланиб келгандардан эди. Бундан ташқари лифт олдида ва ертўладаги йўлакларда турли миллатга мансуб бўлган бақувват қўриқчилар туришарди. Уларнинг вазифаси ўзини мижозга “бахшида” қилишдан бўйин товлаган ёки қочишни хаёл қилган маҳбуса қизларни ювошлантириш эди. Бунинг учун фақат тик туриш мумкин бўлган, сейфга ўхшаш совуқ ва қоронғу камерага қамаб оч қолдиришарди. Қизлар ётоқдан лифтга, лифтдан мижозлар хузурига онадан туғилгандай яп-яланғоч ҳолда ўз оёқлари билан “чопқилаб” боришар ва ҳозиргина жазоланган бўлсада, жазманига чиройли табассум ҳадя қилишга, хоҳиш-истакларини худди олдиндан дастурланган қўғирчоқдек бажаришга ўргатилган эдилар. Ўз танасининг нозик ҳаракатлари билан мижознинг кўнглини овлаш, ўзига маҳлиё қилиш ва минг ишваю карашма билан яна уларни тез-тез келиб туришга даъват этиш ҳар бир фоҳишанинг хизмат вазифаси эди. Мазкур вазифани сидқидилдан бажармаганлар ёки мижознинг бирор шикоятига сабаб бўлганлар аямай жазоланарди. Қизлар эса, ўз навбатида

тезроқ қарзларини узиш ва яна бир-икки танга орттириб, ватанларига бир илож қилиб, қайтиб кетиш илинжида ноихтиёрий, ношармий вазифани бажаришга мажбур эдилар.

Қизлар хизмат күрсатиш турига күра икки гурухга бўлинганди. Биринчи гуруҳ асосан, фоҳишалар бўлиб, улар кўпчиликни ташкил этарди. Иккинчи гуруҳ эса асосан, арабча ва стриптиз рақсларини хиром этувчи раққосалардан иборат эди. Мазкур гурухга қадди-қоматлари “жаҳон стандарти” меъёрларига жавоб берадиган, келишган қизлар танлаб олинганди.

Улар алоҳида залда машқ қилдирилар, вазифалари эса барделда кўпчиликнинг кўнглини овлаб, мусиқа остида ўз танаси мушакларининг ҳаракатлари билан хордиқ бериш эди. Раққосалардан фоҳишалик мақсадида камдан-кам фойдаланилар, фақат алоҳида ҳоллардагина, яъни қандайдир пулдор ёки доимий мижоз бирорта раққосанинг хиромига маҳлиё бўлиб, у билан бирга бўлиш истагини билдиргандагина, хўжайиннинг ижозати билан “сафарбар” этиларди. Бундай маҳбусаларда ўзининг нозик санъати, иссиқ бадани, ишвалари билан мижозларини хурсанд қилиб, яхши пул ишлаб олиш имконияти кўпроқ эди. Албаттa, уларнинг нархи фоҳишаларнидан анчагина баланд турарди.

Зебузар ҳар ҳолда омадлироқ чиқиб қолди. Уни раққосалар гурухига олишди. Дилбар билан Зулайҳо эса, гулдек баданларини турли мамлакатлардан ташриф буюрган ориқ-семиз, сариқ, оқу қора, дengизчию тижоратчи, ҳаммолу саёҳатчи, ароқхўру кашанда, гиёҳванду нашаванд, соғлому касалванд мижозларнинг, уккеникидек бешафқат панжаларию шерникидек бақувват оёқлари остида топталишга маҳкум эдилар. Қизлар 10-15 чоғли мижознинг “дилларини хушнуд айлаб”, танfurушлик корхонаси учун ҳар куни икки-уч минг доллар ҳисобида даромад келтиришар эди.

Бир мижоздан олинадиган хизмат ҳақи бир соат учун 100 долларни, раққосанинг бир кунлик иш ҳақи эса 200 долларни ташкил этарди. Хуллас, қизларнинг бу ердан тўлиқ озод этилишлари учун Ольганинг айтиши бўйича 15000 доллар пул ишлаб топишлари керак. Лекин уларни 5000 долларга қул сифатида сотиб олишган, яна кундалик озиқ-овқат, ижара ҳақи, медицина хизмати, дори-дармонлар, эҳтиёт қопчалар, ати-

упалар, латта-лутталаар пули кундан-кунга қарз сифатида қўшилиб борар, қарздорлик, қараммик, қулликнинг поёни кўринмас эди.

Маъмурият билан назоратчи ва кузатувчилар ўртасида радиотелефон алоқаси ҳамда ички видеокузатув ҳам ўрнатилган бўлиб, керакли “бадан” ўзининг хос рақами орқали чақиртирилар, қизларнинг ётиш-туриши, юриш ва хатто ювинишлари ҳам қатъий назорат остида бўлиб, бу ерда нафақат қочиб қолишинг балки, ўз-ўзини ўлдиришнинг ҳам ҳеч иложи йўқ эди. Шундай бўлсада, деярли тирик мурдадек бўлиб қолган Дилбар билан Зулайҳо бу ердан бир иложни қилиб қочиш ёки ўз-ўзини ўлдириш “илинжи” билан яшардилар. Лекин Дилбар бу тузоққа Асрорбек ва Маствура туфайли нафақат ўзи, балки бегуноҳ, фарзандли дугонаси Зебузарнинг ҳам тушиб қолишига сабабчилигидан виждони чексиз азобда бўлгани учун ўз дилидагини кунлардан бир куни Зулайҳога тўкиб солди.

— Кўйсангчи, энди бўлар иш бўлган. Ўзингни ўйласангчи. У ҳар ҳолда раққоса... — деди Зулайҳо маюс, очилиб ётган белига одеялни оҳиста ўтар экан.

— Бу мамлакатдан албатта, қочиб кетиш керак. Кейин ифлос Асрор билан Маствурадан қасос олишим керак. Мен аввало, уларни ўлдириб, сўнгра ўзимни ўлдирмоқчиман, — деди Дилбар ғазаб билан.

— Кўй, Дилбар ундан дема. Майли улардан қасд оламиз, лекин ўзингни ўлдиришдан не фойда?

— Менинг ўйлаб кўйган режам бор.

— Қанақа режа?

— Ўзимга СПИД юқтираман.

— Нима?! - дея қўзлари ола-кула бўлиб ўрнидан туриб кетди Зулайҳо. Унинг шаштини қўриб тепаларида Ольга пайдо бўлди ва “Нима гап?”, дегандек ўтқир нигоҳини маъноли қаратди.

Қизлар индамадилар ва бир-бирларига терс қараб жойларига ётиб олдилар.

— Сен бу беъмани фикрни каллангдан чиқариб ташла, — деди Зулайҳо ётган ҳолда қўзларига ёш олиб.

— Йўқ, ташламайман! — деди Дилбар қатъий.

— Нима фойдаси бор?

— Мен бу ердан, албатта, қочиб кетаман. Сизларни күтқараман. Ўша Асрорни топаман ва унга касалимни юқтираман. Сүнгра у Мастира билан бўлади. Улар бир умр азобланиб ўлишлари керак. Уларни худо жазолай олмаса, мана мен...

— Юқмаса-чи?....

— Юқмаса бир илож қилиб Мастирага қонимни бераман. Бунинг йўли осон....

Зулайҳо дугонасининг бу қароридан танг қотди ва унинг ёнига ўтиб, аламдан ёнаётган нозик жуссасини бағрига босди.

Уларни видеода кузатаётган қўриқчилардан бири шеригига “Анавуларни қара”, — деда туртди. “Ҳа, эркаклар камлик қиласяпти шекилли”, — деди у кулиб.

Кўп ўтмай Дилбарни янги мижознинг хизматига чақиртиришди. Зулайҳо дугонасини қўйиб юборгиси келмай дир-дир титрай бошлади

— Ўрнинга мен борақолай, дугонажон.

— Йўқ. Сен дамингни ол, — деди Дилбар ва унинг аламли юзига нозик мижозларга ҳадя этиладиган табассумга ўхшаш сунъий табассум инди. Унинг нигоҳи фоят латофатли ва мағрур эди. У кетаркан Зулайҳо уни гўё охирги йўлга кузатаётгандек, видолашаётгандек хўнграб йиглаб юборди ва унинг бағрига талпинди. Лекин бу иши учун юмшоқ жойига қўриқчидан яхшилаб резина таёқ еди...

Зебузар келганида Зулайҳо инграб ётганди. Буни сабабини у бошқа қизлардан сўради.

— У негадир Диляни мижозга боришига қаршилик қилган эди, калтак еди, — деди Тания исмли самаралик рус қиз.

— Хой, нега унақа қилдинг? Ма, сенга конфет олиб келдим, — деди Зебузар дугонасига раҳми келиб.

Зулайҳо индамади. У дугонасининг арабча, киндиги очик рақс кийимини, маникюр қилинган узун чиройли бармоқларини ушлаб кўраркан, Дилбар билан ораларида бўлиб ўтган гап ҳақида индамай қўяқолишга аҳд қилди. “Дилбарнинг қочиш ҳақидаги фикрини сир тутганим маъқул,. СПИДга келсак, ундан худонинг ўзи арасасин”, деб қўйди у хаёлан. Кўп ўтмай уни ҳам навбатдаги мижоз хизматига чақиришди.

## ИЛТИЖО

Зебузар иқтидорли қиз бўлгани туфайли арабча ва беҳаё бўлсада, бошқа рақсларни ихтиёрий-мажбурий тарзда тез орада ўрганиб олди. Бошига сап-сариқ парик соч кийиб олган, лекин қош-кўзлари қоп-қора бўлган бу янги раққоса қиз тез орада бардель мижозларининг эътиборини торта бошлади. 13-рақамли бу «маҳбуса»нинг бутун кечмиши, дарду алами, одамларга айтмоқчи бўлган дил фарёди, уни ўз паноҳида асраб, бошқаларга ўхшаб эркин яшашга имкон беришини Яратгандан сўраб қиласётган илтижолари унинг бутун борлиғи, жуссасининг ҳаракатларида акс эта бошлаган эди. Қандай шаклда, қайси услубда ва қай ҳолатда, кийимидами ёки ярим яланғочми, ўртадаги ялтироқ турба атрофида туриб, ётиб, чўққалаб ва бошқа назокатли бел ҳаракатлари билан рақс хиром этар экан, у юракдан фарёд қиласарди.

Зебузар ҳар бир айтмоқчи бўлган фикрини танасининг ҳаракатларида акс эттиришга ҳаракат қиласар экан, унинг фикри-ёди фақатгина бир мақсадгага қаратилганди: “Қани энди, дерди у фикран рақс қила туриб, менинг дарду аламларимни тушунадиган бирор инсон топила қолсайди. Ҳайқира олмасам, на тилим, на пулим, на хужжатим бўлмаса... Ахир мен ҳам бир мусулмон фарзандиман-ку! Бу дунёга умид билан келганман-ку!.. Менга ишонинг одамлар, мен фоҳиша эмасман! Буни истамаганман, мени бунга мажбур қилишди! Ҳаётимни барбод қилишди. Лекин мен яшашни истайман! Йўқ! Йўқ!..”

Зебузар фикран шундай дея оқ ялтироқ трубани ушлаб олган ҳолда қаддини орқага эгиб, тўзиқ қора соchlарини айлантириб рақс туша бошлади. Сариқ парик сочи эса кимнингдир қўлига учиб бориб тушганини ўзи ҳам сезмай қолганди. “Йўқ! Йўқ!..” дея унсиз ҳайқиарди у...

Қўлига парик сочи келиб тушган киши хизмат сафарига келган туркиялик санъатшунос Керимбей эди. У беихтиёр қарсак чалиб юборди. Бу эса бирдан бардель ҳодимларини ва мижозларни ажаблантирди. Чунки стриптиз рақсига қарсак чалиш деярли учрамайдиган ходиса эди. Зебузар ўз рақсини ялтироқ трубага пешонасини сирпантирган ва қўлларини баланд ёшиб Яратгангага илтижо қиласа ҳолда тиз чўкиб тугатди... Сирпалишдан пешонасидан ўт чиқиб кетай деди. Бу ҳаракатидан ўзи ҳам қониқиш ҳосил қилгандек бўлди ва қарсак овозини эшитди. Тепасидан пуллар сочилди. Юзига чироқ ёруғи тушиб тургани учун қаршисида

Ғири-ширада завқ билан қарсак чалаётган ўша туркиялийкка күзи тушгандек бўлди. Лекин қўриқчилар тезлик билан уни судрагудек қилиб олиб кетишиди.

Керимбей бу раққосанинг қул қизлардан эканлигидан бехабар бўлиб, балки бу бир чекка барделда шундай истеъодли раққоса қизнинг бирор театрда ишламасдан, ўзини хор қилиб юрганлардан, деган холосага келган эди. Шундай бўлсада, унда раққоса қизга ўз миннатдорчилигини изҳор қилиб, қўлидаги парик сочини қайтиб бериш, иложи бўлса, у билан яқиндан самимий танишиш истаги туғилди. Бу ҳақда бош официантга мурожаат қилди. Бош официант унинг истагини хўжайнинга етказажагини айтди. Кўп ўтмай у хўжайнинг рухсат берганини ва бир соатга 200, бир кечага эса 2000 доллар тўлаб қўйиши кераклигини эслатиб қўйди.

- Йўқ, узр, менинг ундей мақсадим йўқ. Фақат у қизнинг яхши рақси учун ташаккур билдириб, мана бу сочини бериб қўймоқчи эдим, холос, - деди у.

Официант муҳлис туркнинг қўлидан парикни юлқиб оларкан, бунинг иложи йўқлигини маълум қилиб нари кетди. Шундан сўнг Керимбей бу ерга айнан шу қизнинг рақсини томоша қилиш учун тез-тез ташриф буюриб туришни одат қилди. Лекин унинг на исмини била олди, на ўзи билан сұхбат кура олди. Бироқ бу муҳлисда хатто бардель беркилиб, чироқлар ўчгандан кейин, раққосани уйига қайтиш маҳали учратиб, танишиб олиш истаги туғилди. Шу туфайли бир неча бор уни кўчада, машинасида ҳам кутиб ўтириди. Лекин ҳар сафар қайсиdir компанияяга қарашли бу 12 қаватли бинонинг фақат чордоғидагина чироқ ёниқ бўларди... “Қизик, наҳотки у фоҳиша бўлса... Лекин фоҳишалар бундай дардли рақс тушмайдилар-ку”! – дерди у ўз-ӯзига.

Кунлар ўтди. Зебузар ўз маҳоратини ошириб, рақсларида ўзлигини янада яхшироқ намоён қилишга интилар эди. Керимбейда эса мана шу номаълум қизга бўлган иштиёқ янада ортиб борарди. Ниҳоят, айтилган пулни тўлаб бу қиз билан танишишга қарор қилди.

Мана, ўша орзудаги фарахбахш онлар... Керимбей афанди айтилган жойга официант ортидан борар экан, юраги негадир гупиллаб уриб, ҳаяжонланаётганлигини ҳис этди. “Наҳотки, одамларнинг бир-бири билан учрашуви шунчалик қийин бўлса,

ёқтириб қолган қизни учратиш учун ҳам катта пўл тўланса. Яна назорат остида... Бу ҳуриқо ким бўлди ўзи? Ёки бирор бадавлат одамнинг қизимикан, рақс унинг хоббисимикан?" деган саволлар унинг хаёлида гужон ўйнарди. Ниҳоят у билан учрашади, уни шаҳарнинг бирор сўлим масканига дилдан сұхбат қуришга таклиф қиласди ва эҳтимол, унинг кўнглига қўл солиб кўради. Қандай яхши...

Бироқ уни хонада башанг кийинган ва ширин мусаллас хўплаб, сигарета чекиб ўтирган машҳур раққоса эмас, балки қўрққанидан сувга тушган мушукдай титраб-қақшаб, парик сочини маҳкам ушлаб олган ярим яланғоч Зебузар кутарди. У фақат бир соаттагина ташриф буюрган мижознинг кўнглини тезроқ овлаш учун қолган-қутган кийимларини ҳам ечиб, мусиқасиз рақс хиром айламоққа тайёр эди шу онда...

- Нималар қиласяпсиз? — деди турк ажабланиб араб тилида.
- Тушунмадим, — деди қиз ҳам ҳайрон.
- Душунмадим, — йигит туркчалаб тақрорлади ва оқ чойшабни олди-да, унинг устига хурмат билан ёпиб қўиди.

Керимбей энди меҳрибонлик билан турк тилида гапира бошлади.

- Курдмисан?
- “Йўқ” дея бошини чайқади қиз.
- Қозоқми?
- Ўзбекман, — деди қиз ерга қараб. Айни шу дамда Зебузарнинг хаёлига: “Ҳалоскорим келди шекилли, у мени кутқаради”, деган фикр келиб қолди. — Мен фоҳиша эмасман. Мени сотиб олишган. Илтимос, акажон, мени кутқаринг, — дея чойшабни танасига тортган ҳолда илтижо қила бошлади у. — Мени бу ердан олиб кетинг, жон ака. Нима десангиз қиласман. Бир умр қулингиз бўламан, — деди қиз ва йиглаб юборди.

- Сотиб олишган, неча пулга?
- 5000 га, яна 10000 доллар қарзим ҳам бор.

Туркнинг жаҳли чиқди.

- Ахир бу қулфурушлик-ку! Инсон ҳуқуқини паймол этиш-ку! Юр кетдик, — деди у ва қизнинг қўлидан етаклаб чиқди. Коридорда уларни икки барзанги қўриқчи тўхтатди.

- Қаёқقا?
- Ахир бу қандай бедодлик? Бу ҳам мусулмон фарзанди-ку! — дея қичқирди йигит беихтиёр.

Соқчилар оёққа турди. Кимдир орқа томондан келиб ҳалоскорнинг бошига қарата телди. Керимбейнинг пешонаси устунга урилди ва ўзидан кетди. Қўрқиб кетган Зебузар тинмай қичқирмоқда эди. Қаердандир хўжайнин пайдо бўлди. Юз долларни туркнинг чўнтағига тиқиб қўяркан, “Бу ҳезалакни кўчага олиб чиқиб ташланглар. Бу ерга бошқа қадам қўя кўрмасин! Тушунарлимис?!?” деди қатъият билан арабчалаб. “Тушунарли!” дея қичқиришди соқчилар. Хўжайнин чойшабга ўралиб, дир-дир титраётган Зебузарни зимдан кузатди ва “Жазосини беринглар бу қанжиқни”, дея нари кетди.

Соқчилар ҳовлиниң орқа томонидан ўтиб, бехуш турк йигитини ахлат қутиласидан бирининг олдига ташлаб келишди.

## ДИЛБАРНИНГ ҚОЧИШИ

Дилбарни териси беўхшов кўкимтири, баданини оқиш юнг босган, тамакидан сарғайиб кетган тишларини иршайтириб навбатдаги мижоз кутмоқда эди. Унинг баданидан тузланган балиқ ва аллақандай қўланса хидлар анқиб турар, узоқ денгиз сафаридан келганини англаш қийин эмасди. Албатта, денгизчиларнинг аёлларга чанқоқлиги табиий ҳол эди.

Қиз хонага кирибоқ қўланса хиддан энсаси қотди. Нима қиларини билмай гарангсиди. Қочиб кетай деса, эшик ортида соқчилар бор. Тақдирига тан бериб бурнини беркитган ҳолда тескари қараб ётиб олди. Хабашнинг эса димоги чоғ эди, хирсини жиловлай олмас, ҳарсиллаб шоша-пиша кийимларини ечар экан, чўнтағидан ҳужжатлари, пул солинган кармони ва бир ов пичоги тўп этиб тушиб, сочилиб кетди. Қиз бу нарсаларни кўрмаганга олиб, тишини-тишига қўйиб қўзларини юмди ва оғзини беркитди.

Лекин мижоз ўта сур ва безбет эди. Қизни очиқасига зўрлай бошлади. Дилбар ниҳоят чидай олмай “Дод!” деб юборди. Баданига ёпишаётган ва сингиб бораётган сассиқ шилимшиқлар унинг тобора газабини жунбушга келтириб хаёлида мижозни чавақлаб ўлдириш ҳақидаги даҳшатли фикрлар ғужғон ўйнай бошлади. “Ҳозироқ уни ўлдираман, кийимларини кияманда, қочаман. Соқчилар йўлимни тўсишса, пичоқ суқаман. Қўлга

түшсам қамашади. Бу ерда ит азобида яшагандан кўра турмада чириганим афзал...”

Шундай қарорга келган Дилбар анчагина хотиржам бўлди ва қочиш онлари яқинлашганидан хурсанд бўлиб, соҳта эркаланди, хабашнинг кўксидаги дағал оқ юнгларини силади, сассиқ бўлса ҳам қоп-қора, дўрдоқ лабларидан ўпган бўлди. Ҳабаш қизни яна буйдалай бошлади. Қиз эса даст ўрнидан туриб, ювинмоқчи эканини имо-ишора билан тушнитирди ва ваннага кириб ювинар экан, “Эй Худо, ўзинг мадад бер. Бу азоблардан мени тезроқ кутқар, қилган гуноҳларимни ўзинг кечир”, – дея илтиҳо қиласарди.

У сочиқ билан артиниб чиқдиди, хабашга: “Сен ҳам ювиниб ол”, дея ишора қилиб қўлидан тортқилади, лекин сур мижоз унинг ўзини тортгаб олиб, яна бағрига босди.

Дилбар полда ётган пичоққа нигоҳ ташлади. “Бу ифлосни нима қилсан экан? Бунақа имконият бошқа бўлмайди”, фикр қилди қиз ва хабашнинг баданидан суркалиб тушиб, унга: “Ваннага юр, ўша ерда давом эттирамиз”, дея тушнитиришга ҳаракат қилиб, унинг дағал соchlарини эркалаб силаб кўйди. Ниҳоят қоп-қора мижоз ўрнидан қўзғалди ва Дилбарни даст кўтарди-да, ваннага қараб юрди. Иккалалари яхшилаб ювинишгач, ваннага сув тўлғаза бошлади. Дилбар уни шампунь билан яхшилаб ювинтира бошлади. Денгизчи ҳар ҳолда қизнинг кўнглини ранжиттиси келмади.

Фурсатдан фойдаланган қиз ўз сочиғини олиб келиш мақсадида ювиниш хонасидан тезлик билан чиқиб кетди ва полда ётган балиқ ёрадиган ўтқир ов пичоғини сочиғига ўраб майин табассум ила қайтиб кирди-да, кутилмаганда хабашнинг юрагига санҷди... Ваннадаги сув алвон тусига кирди. Дилбар апил-тапил денгизчининг қўпол кийимларини кийди. Аммо ёзги оёқ кийими жуда ҳам катта эди. Хонадан чиқди. Уйқусираб турган ёлланма соқчилар дастлаб зътибор беришмади. У сочиғига пичоқни ўраб олганди. Лекин “мижоз”нинг катта шляпа кийиб беўшшов ҳаракат қилиши соқчилардан бирининг зътиборини ўзига тортди. Шубҳаланган соқчи арабчалаб “Тўхта!” – дея қичқирди ва бу иши учун жазоланди. Йўлини тўсган шериги ҳам пичоқланди.

Дилбар оёғидаги пойафзални иргитиб юбордида, жон ҳолатда эшик томон қоча бошлади. Соқчилар оёққа турди. Шердек ғазабланган қыз пичноқни баланд күттардида, дуч келганини құрқитиб ташқари томон отилди. У серқатнов құчани машиналар оралаб кесиб ўтаркан, уни тұсатдан машиналардан бири уриб юборди ва боши айланиб олдинга йиқилди. Буни кутмаган юк машиналаридан бири қаттық тормоз берди, лекин унинг олд ғилдираклари қизни мажақлаб бұлған эди. Шундай қилиб, Дубайнинг серқатнов құчаларидан бирида шахси номағым бир қизнинг жасади ётарди. Жасадни ёриб күриб қони тақлил қилинганида, уни СПИДга йүлиққанлиги мағым бўлди. Марҳума фоҳиша кейинги пайтларда умуман эҳтиёт қопчаларидан фойдаланмай қўйган эди...

## ЗУЛАЙҲОНИНГ ҲИЙЛАСИ

Қочиш соҳасида Зулайҳога “омад кулиб боқди”, десак муболаға бўлмас. Дилбарнинг ўлимидан сұнг у бу ишга пухта тайёргарлик кўриш, чумчуққа ҳам озор бермай қуён бўлиш кераклиги ҳақида ўйларди. Ниҳоят ана шундай кунлар ҳам етиб келди. Чиройли қўнғиз мўйлов ва араб йигитларига хос соқолни клей билан ёпишириб, эгнига то тўлиғигача тўсиб турадиган арабча эрқак кўйлаги ва рўдапо эркакча рўмолини тангиф олган Зулайҳо йўлакдаги дуч келган соқчиларга бирма бир пул узатиб табассум билан ўта минатдор кўринишда барделдан ташқарига бемалол чиқиб кетди. Озод қушдек чуқур нафас олди-да, таксилардан бирига имо қилди. Такси ҳайдовчи унинг ҳурматини жойига қўйиб, машинасини гир айланиб ўтдида, мулозамат билан орқа эшикни очди. Зулайҳо табассум билан унинг қўлига 100 доллар қистирди. Бу муомалада “Бугун мени хизматимни қиласан”, деган маъно бор эди. Барделдаги қизлар қочиш ёки бу ердан яхшилик билан қутулиб чиқиш пайтида жуда зарур бўладиган сўзларни аввал мижозларидан ўрганиб, сўнгра ётоқхонада бир-бирларига ўргатар эдилар.

Зулайҳо ҳозирги ҳолатда “Ўзбекистон элчихонаси”га дейиши керак эди. Лекин овози панд бериши мумкин. Шу туфайли у тинимсиз йўталиб, томогини силай бошлади ва таксичига бу “чилиминг асорати” дея тушунтиromoқчи бўлди. Таксичи уни тушунди. Шундагина “Ўзбекистон элчихонасига” дея олди чийиллаб.

Хўш, Зулайҳо нима қаромат кўрсатдики, эсон-омон қутулиб қолди? Ақл-заковатини қандай ишлата олди, деб ўйлашингиз табиий, албатта.

Унинг доимий мижозига айланиб бораётган 20-25 ёшлардаги қўнғиз мўйловли, чиройли сақолли бир араб йигит бўларди. У Зулайҳога ҳам ёқарди. “Қани энди замон кўтарсаю, унга хотин бўлиб тегиб олсан. Шу баҳона азоблардан ҳам қутулардим” – дея орзу қиласади қиз. Шу туфайли ҳам унинг ёш қўнглини хушнуд қилиш учун ўзининг бутун борлигини, бутун истеъодини унга баҳшида қиласади. Лекин бойвачча йигитдан ҳеч садо чиқмас, ҳар сафар роҳатланиб бўлгач, ўрнидан тезликда туриб кетаверар ёки уни кимдир уяли телефонига қўнғироқ қилгандан сўнг лаззатланишни бас қилиб қўяқоларди. Келаси сафар, навбатдаги телефон қўнғироғи бўлганда Зулайҳо уни олиб тўсатдан ўчириб қўйди ва алам билан бир четга итқитди. Лекин йигит унинг бу иши учун тарсаки тушурди ва туриб кетиб қолди. Бошқа уни йўқламайдиган, балки дугонаси қирғиз қиз Ойсуловни ихтиёр қиласидиган одат чиқарди. Зулайҳонинг қўнглида дастлаб алам ўти тутай бошлади. Лекин ундан Дилбарга ўхшаб қасд олиш эмас, балки фойдаланиб қолишни режалаштира бошлади ва тез орада соchlаридан калта-калта қирқиб, игна билан чўткага ўхшатиб танғиб, йигитнигига ўхшаш соқол ва мўйлов тайёрлай бошлади. Тикувчилик маҳорати бўлган қиз учун бу иш ҳеч гап эмасди. Ниҳоят ясама соқол тайёр бўлди. Энди Ойсуловни қўндириб, қилган қўполлигига узр айтиб қўйиш учун, ҳеч бўлмаса, бир марта у билан бўлиш таклифига қўндириб беришни илтимос қилди.

– Бу сенге не керек? – деб ўринли савол берди Ойсулов.

— Фақат орамизда қолсин, — дея шипшиди Зулайҳо. — У йигитни бизни қутқариб олишга деярли күндиригган эдим. Аммо кейин бир кун уни хафа қилиб қўйдим.

— У қандай қилиб қутқармоқчи?

— Отаси БМТ да ишларкан. У орқали хат бериб юборамиз. ҳамма қизларни ёзамиш.

Шундай қилиб пинхона “қочиш” операцияси бошланди. Ойсулов “Зулайҳо сизни севиб қолибди. Умрбод ўйнаш бўлишига ҳам тайёр. “Уни хафа қилиб қўйдим, кечирим сўрамоқчиман, деяпти” деб йигитга етказди ва келишиб олинганидек терс қараб ётиб, атайин уни қониқтираслик “чора”сини кўра бошлади. Лекин бойвачча йигит Зулайҳони олдига кирмади, балки энди рус қизи Таняни ихтиёр қилди. Зулайҳо билан Ойсулов уни ҳамма гапдан воқиф қилдилар. Таня ўзининг “бейхшов” ролини қойиллатиб бажарди. Ниҳоят, “улжа қармоққа илинадиган” кун ҳам етиб келди. Қора соч араб йигит чойшаб ичиди эски мижозини кутмоқда эди.

Зулайҳо бундай имконият бошқа бўлмаслиги эҳтимоли борлиги учун тезгина қизларнинг манзиллари ёзилган қофозни ва ясама соқол-мўйловни олдида, латта-пугтага ўраб оёгининг орасига қистириб олди ва ўзини хурсанд бўлгандек кўрсатиб, соқчиларни бир-бир ўпиб, мижози томон йўналди.

Мижоз уни кулиб қарши олди. Зулайҳо ҳам қувноқ табассум ҳадя қилди. Иккови бир-бирини соғинган, лекин арзимаган иш учун аразлашиб қолган бу ёшларни тенгсиз “муҳаббат лаззати” кутмоқда эди.

Қиз кириб келди-ю, унинг лабларидан узок ўпди ва қўлинин иккинчи ёстиққа оҳиста олиб борди ва тўсатдан ёстиқни олиб йигитнинг юзига бор кучи билан босди. Буни кутмаган йигит жон талвасасида типирчилай бошлади. Зулайҳо уни миниб олдида, типирчилаётган қўлларини билакларидан ушлаб, юзи билан ёстиқни босиб олиб, йигитнинг чотига қаратса тиззаси билан тўхтовсиз тела бошлади. Бироздан сўнг хонада жимлик ва осойишталик ҳукм суро бошлади.

Қиз латталарни олдида, йигитнинг оғига тиқди ва қўл-оёқларини яхшилаб боғлаб, устига чойшабни ёлиб қўйди. Бечора йигитнинг нафаси қайтиб кетган, бехуш эди.

Қиз тезлик билан ваннахонадаги ойна олдига борди-да, араб эркагининг рўдапо, лекин юмшоқ ва енгил кийимини кия бошлади. Суперклей билан соқол ва мўйловни ёпиштириб олгач, йигитмисан-йигитга айланди. Мижозининг бир талай пули бор экан. Соқчиларда шубҳа уйғотмаслик учун уларга оз-оздан узата бошлади. Соқчилар бу мижознинг кўпинча вақтлироқ чиқиб кетишини ва узрини билдириб қўйиш учун пул тарқатишини яхши билар, Зулайҳо ҳам бу амални илгари, аламда қолган кезларида эшик тирқишидан мўралаб бир неча бор кузатган эди.

\* \* \*

Тез орада элчихона ходимларининг ёрдами билан Зулайҳо Тошкентга келди. Уни хавфсизлик хизматининг мутасадди ходимлари кутиб олишди. Уни вақтинча ушлаб туриш, тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволанишга олиб кетишли. Зулайҳо ватан тупроғига қадам ранжида қиларкан, аламидан йиглаб юборди ва чўкка тушиб аэропортнинг иссиқ асфальт йўлагини пешонасига суртди. Ходимлар унинг қўлтиғидан олишди.

Хавфсизлик хизмати ходимларининг мақсади қўлфурушлик билан машғул бўлаётган Асрорбек ва Маствурани далилий ашё устида, аэропортда ёки Асрорбекнинг сотилган навбатдаги товар учун пул олаётган пайтида қўлга олиш эди. Лекин бу ҳолат узоқ чўэйлди. Зулайҳо тезроқ улардан қасд олиш ўти билан ёнарди ва ўзи уннаб қўрмоқчи бўлди.

У ўша Асрорбек билан танишган тунги барга кўзойнак ва парик тақиб олган ҳолда боришни одат қилди. Ниҳоят ўша, ўзи ва дугоналарини минг азобга соглган шахслар ўз ўринларида пайдо бўлишиди. Маствура ва Асрорбекнинг қўл ва бўйинларида тилла тақинчоқлар ял-ял ёнарди. Уларнинг рангли чироқларда жилоланиши бу тақинчоқлар қанчадан-қанча алданган қизларнинг сел бўлиб оқсан кўз ёшлари ва тўкилган қонларига ўхшаб кетди. Дастурхон ҳам тўкин-сочин эди. “Ифлослар” дея ижирғанди

Зулайҳо ва уларнинг орқаларидағи ўриндиққа ўтириб, гапларига қулоқ сола бошлади.

— Бугун қаерда дам оламиз, жоним? — деб сўради лўппи юзлари қип-қизил Мастура ширин винони хўплаб, Асрорбек тиззасига кўлини ташларкан.

— Мазам йўқроқ. Янаги сафар.

— Вой, ўзим уқалаб кўяман, асалим. Қаерингиз оғрияпти, ўзи?

— Белимда ўқтин-ўқтин санчиқ бор, бошим ҳам айланиб турибди, қувватим ҳам камроқ, — деди Асрорбек.

— Вой, ёшроғини кўрсангиз тойчоқдек кишинаб юборсангиз керак! — деди аёл нозли аразлаган бўлиб.

— Йўқ, жиддий айтяпман.

— Сизни жуда соғиндим-да. Мен учун бир сафарга чиданг энди. Сизга аталган совғам бор.

— Раҳмат. Лекин бугун ишларим бор.

— Мениям белим, оёқларим санчияпти, чидаб турибман-ку!

— Сизнинг йўриғингиз бошқа.

Уддабурон Зулайҳо калласига келган зўр фикрдан хурсанд бўлиб кетди ва бир четга ўтиб официантдан қофоз-қалам олиб хат ёза бошлади ва унинг кўлига 10 доллар тутиб, хатни Асрорбекка етказиши илтимос қилди. Хатнинг мазмуни қуйидагича эди: “Салом Асрорбек ака! Мен Зулайҳоман. Чўчиманг, ҳаммаси яхши. Тўғри, дастлаб қийналдик, сўнгра ишларимиз юришиб кетди. Стриптизга рақс тушишни ўргандик, мўмай-мўмай пул топа бошладик. Қарзлардан кутилиб, энди ўзимиз учун ишлайпмиз. Жойга ижара ҳақи тўлаймиз, холос. Шу туфайли бу ишга сиз сабабчисиз. Мастура опага ҳам салом айтинг. У кишига ҳам бизнинг хусуматимиз йўқ... Зебузар ҳам яхши юрибди. Лекин Дилбарингиз борганимиздан 10 кундан сўнг тўсатдан ўлиб қолди. СПИД экан. У ўлимни олдидан сизни, оиласизни, Мастура опани бу бедаво дардан халос бўлиш учун ҳаракат қилишларингизни тайинлади. Дастрлаб унинг бели санчиб, сўнгра боши айлана бошлади... Лекин бу гап ўртамиизда сир бўла қолсин. Дўстидушман, оиласиз эшитса яхши бўлмайди. Бунинг учун сизга дўстона таклифим бор. Эртага эрталаб саот 10-00 да сизни

шаҳар СПИД марказининг эшиги олдида кутаман ва 20000 доллар ола келишингизни яхшиликча сўрайман. Хатимни ҳам қайтариб берасиз. Зулайҳо.”

Хатни ўқиган Асрорбек дастлаб кулиб турган эди, лекин тўсатдан қўллари муштга айланди, зиёфат ёзилган столга шундай урдики, гўё тунги барда бомба портлади. Дастурхон устидаги шиша ва рюмкалар чил-чил синди. Йигит алам билан шундай ҳайқирдики, мусиқачилар ҳам, саҳнадаги раққосалар ҳам бир сония қотиб Қолишиди.

— Анави мастни ҳисоб-китоб қилиб, опчиқиб ташланглар, — деди бош официант ғазаб билан.

— Вой, вой, нима бўлди?! Ҳаҳ ҳат ёзмай қўлларинг синсин-а! Нима дебди? Ким ёзибди?!

Асрорбек хатни буклаб, тез ён чўнтағига солди ва столга 100 долларни қўйиб:

— Юринг тез, кетдик, — деди Маствурага.

— Вой, тинчликми? Мундоқ тушунтириброқ гапирсангизчи!

— Тинчликмас, кейин тушунтираман.

Асрорбек аланглаб Зулайҳони қидирар, Зулайҳо эса ташқарида такси ичидаги уларни пойлаб турарди. Ҳат иш берган эди.

Эртасига айтилган пайтда шаҳар СПИД марказининг олдига бир қора “Мерседес” келиб тўхтади. Зулайҳо марказ эшиги олдида ҳеч нарса бўлмагандек қўриқчи милиционер билан гаплашиб, хотиржам сигарета тутатиб турарди. Асрорбек сигнал берди. Унинг юzlари докадек оқариб кетган, орқа ўриндиқдаги Маствура эса шолғомдек қип-қизил эди.

— Ҳа, ажалинг келгур, қанжиқ, — деб қўйди Мастура.

— Жим бўл!, — деди сенсираб Асрорбек, — бўлар иш бўлди.

— Мана хотинбозликнинг оқибати!

— Сенга айтаяпман! Ҳозир ишни бузасан, аҳмоқ! — дея бақириб берди йигит кўзларидан ўт чақнаб. — Қилган гуноҳларимиз учун бегуноҳ алданган қизлар, фарзанд доғида куйган оналарнинг қарғиши етиб, бизни худо жазолаяпти!

— Вой, акажоним, яхши келдингизми? — деди Зулайҳо кулиб. — Мен ҳам ўзимни бир яхшилаб текширтириб олайнин деб...

— Қанжик!.. — деди Маствура кўзлари олайиб. Асрорбек унинг тиззасига бир урди. Бу шундай зарба эдики, унинг замираидаги олам-олам алам бўлиб, зарбнинг акси гўё Маствуранинг миясига ҳам етиб борган ва беихтиёр “Вой!” деб қичқириб юборган эди. Милиционер күшёр тортди. Лекин Зулайҳо ролга кириб ўзининг мижозларига қандай табассум ҳадя қилиб келган бўлса, ҳозир ҳам шундай қилди ва ходимга “ҳаммаси жойида”, дегандек кулиб қаради.

— Хўш, акажон. Бизнинг заказ нима бўлди?

Асрорбек тезлик билан бир пакетни узатди.

— Ҳаммаси жойидами?

— Ҳа...

— Айтиб қўяй, агар кам ёки “ўқланган” бўлса, ўзингиздан кўринг.

Асрорбек машинани ўт олдириб, жон-жаҳди билан ҳайдаб кетди.

— Вой, секинроқ ҳайданг, - дея қичқирди Маствура.

— Ишинг бўлмасин!

— Қаёққа кетяпмиз? Хой, машинани тўхтатинг!

— Бизниги борамиз, хотинимни оламиз.

— Вой шўрим, пешонам қурсин-а. Бошқа сиз билан бўлган ҳам бор-ку, ахир!

— Уларнинг ҳаммаси хорижда. Сен уларни пуллагансан, қанжиқ! Шунинг учун худо бизни жазоламоқда.

— Вой, ўзингизни босинг, бирга текширувга борайлик. Давоси бордир.

— Ҳомкалла! Ахир Дилбар ўлибди-ку! Энди мен ўламан, сен ҳам ўласан!

— Хотинингиз ҳам...

Асрорбекнинг юзига тўсатдан қон югурди, юраги хаддан зиёд тез ура бошлади. У машинани катта тезлик билан ҳайдаб бораркан, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди: чорраҳадаги

светофор чироқлари ҳам, йўловчилар ҳам, хатто йўл ёқасидаги тўсиқлар ҳам... Унинг кўз ўнгидаги фақат содда ва гўзал, бегуноҳ хотини, бир-биридан ширин болалари намоён бўлган эди... Унинг миясига қон қўйилиб, бурни ва қулоқларидан тирқираб оқиб чиқди ва рулни бошқара олмай муюлишдаги тўсиқقا зарб билан урилди. Улар ҳалок бўлишиди. Хайриятки, тасодифан бу ҳодисадан бошқа ҳеч ким талофат кўрмади.

Шундай қилиб, Зулайҳонинг саъии-ҳаракатлари туфайли Зебузар ва МДҲ давлатларидан келтирилиб, виждонсиз кишилар томонидан кул сифатида сотилган бошқа бегуноҳ қизлар озод қилинди.

### СОДИҚХОЖИНИНГ ТАВБАСИ

Қосим тоға Зебузарнига кирганида уйида Чўлпоной бор экан. У аввало, сўрига ўтириб, раҳматли Рашиднинг руҳига тиловат қилди.

— Ҳа, — деди кўзига ёш олиб Чўлпоной, — Раҳматли у киши болаларининг дардига дош беролмадилар. Юраги хуруж қилди. Бунинг устига ҳадеб шоли экиб сув кечавериб, ревматизм деган балони ҳам орттириб олган эканлар.

— Ёмон бўлти. Бу ҳам бир кўргиликда, нима ҳам қила олардик, ўлим ҳақ, синглим. Энди, ўғил-қизларингизнинг умрларига умр берган бўлсин, мушкулларини осон қилсин, деб худодан тилайверасиз.

— Илоҳим, албатта. Лекин қизим мана, олти йилдирки бедарак кетди. На хат бор, на хабар... “Меҳр кўзда” кўрсатувигаям мурожаат қилдик... — деди Чўлпоной йигламсираб.

— Ўғилларингизчи?

— Ўғлим Султонали қамоқда эди. Аминис чиққанмиш, яқинда қутилиб келар экан.

— Яна бир ўғлингиз бор эди, чамамда?

— Ҳа, Шербек. У шаҳарда ишлайпти. Бизни ўша боқаяпти, омон бўлгур.

— Қизингизни қаерда деб ўйлайсиз?

— Билмасам. У шошилиб қўлимга чақалогини тутқазди-ю, бироз пул ҳам бериб, ўзи Тошкентга кетганича қайтиб келмади. У кетганидан кейин қизим ижарага турган уйни эгаси Нодир деган йигит жаҳл билан уни қидириб келди. “Менга Зебузарни топиб бер, бўлмаса ссниям, чақалоқниям бир жойга олиб кетаман” деб дағдага қилди. Ёмон иш қилиб қўйган шекилли, қизим бечора.

— У йигит бошқа келмадими?

— Йўқ. Дилбар деган дугонаси қўлтиқтаёқда чўлоқланиб келди. Кейин у ҳам ўзига тегишли пулларни олиб, Тошкентга кетди. Эшитишимча, ўша куни ҳалиги йигитни гузарда мелисалар ушлаб кетишганмиш... Сўраганни айби йўқ, буларни сиз нима учун сўраяпсиз?

— Ҳа, гап шундаки, қизингиз сопла-соғ, омон...

— Вой! Ростданми, ундан хабар олиб келдингизми? — қувончдан кўзлари катта-катта очилиб кетди аёлнинг.

— Ҳа. Сиздан хабар ололмаганининг сабаби — у Арабистонга бориб исломдан сабоқ ўрганиб, отинча ойим бўлиб қайтди.

— Вой, шунаقا денг, қандай яхши! Ҳозир қаерда у? Тошкентдами?

— Агар уни уришмайман, қилган гуноҳларини кечираман десангиз, албатта, айтаман.

Чўлонойнинг кўзлари қувончдан порлаб, ўрнидан туриб довдираи бошлади.

— Ҳой, Бокира-ю!

Ҳовли томондан қизалоқнинг “Ҳувв!” деган овози эшитилди.

— Тез кел, болам. Айланай болам, онанг ўлмаган экан, у тирик экан, болам...

Аёл юзлари мева еявериб қорайиб кетган қизалоқни бағрига босиб, қувончдан ўпа кетди.

— Билиб қўйинг, агар Зебузарни уришадиган бўлсангиз уни ўзим қиз қилиб оламаш, Бокирани ҳам олиб кетаман.

— Вой, нималар деяпсиз, уришиб ўлибманми.

Қосим тоға индамай чиқиб кетди ва машинада хаёл оғушида ўғирган Зебузарнинг олдига келди.

— Ҳаммаси жойида, қизим. Лекин ҳалиги гап. Күрган кечирғанларингни қишлоқда бирортасига айтар экансан, мендан калтак ейсан, тушундингми?

Қиз табассум билан “ҳа” ишорасини қилди.

— Сен ислом илмини мукаммал ўрганиб келгансан, хўпми?

— Йўғ-е, унчалик билайманку.

— Энди ўрганасан-да, — деди тоға жиддий. — Мен ойингга шундай дедим. Хавотир олма, у сени уришмайди.

Қосим тоғанинг ортидан қизчасини етаклаб ҳайрон бўлиб чиқиб келган Чўлпоной анча нарида бир машина турганини ва унинг ичидаги меҳмон киши ҳадеб кимгадир бир нималарни уқтираётганини кўрди. Ниҳоят орқа эшик очилди ва ундан арабча хижоб кийиб олган бир аёл тушиб келди. У оҳиста келаркан Чўлпонойнинг кўзига гўё фариштадек бўлиб туюлди. “Қани энди мана шу фаришта аёл менинг қизим бўлсайди, Зебузар бўлсайди. Эй худо! Уни тезроқ бағримга қайтар...” дерди у тинимсиз. Қиз яқинлашиб қолгач, кўзойнагини олди.

— Ойижон! ... — дея чақирди у синиқ овозда.

— Вой! Қизим! Омонмисан, жон қизим, либосларинг муборак бўлсин! — дея Чўлпоной уни ўз бағрига олди.

Рашиднинг йўқолиб қолган қизи Зебузар Арабистонга бориб, ислом илмидан таҳсил кўриб қайтгани ҳақидаги гап кичик қишлоқда яшиндек тез тарқалди. Чўлпоной суюнчи сифатида Қосим тоғага бир чопон, белбоғ ва дўппи ҳадя қилди.

— Бўпти, сизлар bemalol гаплашаверинглар, мен шаҳарга тушиб келаман. Кечга яқин қайтаман.

— Албатта, келинг. Кўпдан-кўп раҳмат сизга.

— Йўқ, ҳали, яна озгина бор шекилли раҳматга, — деди у илмоқли қилиб ва чиқиб машинасини ўт олдириди Бу пайтда топилган қизни кўргани қўни-қўшнилар, қариндошуруғлар кела бошлишган эди. Қосим тоға гузарга борди ва бир қишлоқ дўконига кирди.

— Кечирасиз, — деди у сотувчига, — мен бу ерда меҳмонман. Менга Содиқхожининг уйи керак эди.

— Ҳа, тушундим, у кишида нима ишингиз бор эди? Сиздан қарз олган бўлса, яхшиси савобгарчиликка кечиб юборганингиз маъқул.

- Йўқ. У кишида бошқа ишим бор эди.
- Лекин уни бу ердан тополмайсиз.
- Эшитганман, лекин қаердан топсам бўлади?
- У бу ердан 30 километрча нарида, кумликлар ичидা, ўзи якка-ёлғиз чўлқувварларнинг шийпонида яшайди.

— Эҳ, аттанг, мен атайин уни кўргани Тошканти азимдан келгандим.

— Э, шунақами? Бўлмаса сизга ўғлимни қўшиб бера қоламан. Фақат уни қайтариб олиб келиб қўйишингиз керак бўлади. Чунки у ёқа транспорт деярли қатнамайди.

— Албатта, олиб келаман. Савобга қолдингиз-да, лекин.

— Сухроб! — дея дўкондор омборхона томон қичқирди. Ичкаридан бир болакай чиқиб келди ва Қосим тоғага яхшилаб салом берди.

— Бу амакингни Содиқҳожида зарур ишлари бор экан. Атайлаб Тошкентдан келишибди. Бирга бориб келасан, хўпми!

— Хўп бўлади. Кетдик, амаки! — деди болакай кувноқлик билан.

Улар йўлга тушишди. Бола аввал, тоғага синчиклаб назар солди ва ўз қизиқувчанлигини яшира олмади.

- Ҳожи тоға кимингиз бўлади, амаки?
- Болаликдаги ўртоғим, дея кулиб қўйди ҳайдовчи.
- У вақтдаям ҳожимиди?

— Э, йўқ, — деди у болакайнинг соддалигидан кулиб. — Ҳожиликни одам кейинроқ қабул қиласди.

- Ҳожи нима дегани, ўзи?
- Ўзинг нима деб ўйлайсан?
- Им-м... Уми энг бой, иннанкейин, одамларнинг энг зўри бўлса керак-да.

Кекса ҳайдовчи кулиб юборди.

- Оббо сен-еїй, унаقا эмас.
- Содиқҳожи шунақа-ку!
- Илгари бадавлат эди, шунақами?
- Ҳа.
- Ҳозирчи?

— ...

— Ҳозир у эл назаридан қолган, энг қашшоқ, ватангадо инсон. Чунки Аллоҳ унинг жазосини берган. Одамлардан у бежиз қочиб юргани йўқ. Демакки, шунга арзирли гуноҳ ишлар қилган. Ҳожи учун эса, гуноҳ қилиш бутунлай ёт нарса.

— Гуноҳ ишлар қанақа бўлади? — дея яна савол берди Сухроб.

— Одамларга зиён-заҳмат етказиш, яхшилик ўрнига ёмонлик қилиш, иззат-нафсини тия олмаслик. Энг ёмони, исломни ниқоб қилиб олиш. Бундай одам ҳеч қачон ҳожиликка даъвогар бўла олмайди. Ҳожилик улар учун гўё амал даражасидек бир гап, халос. Бундай одамлар ўта диёнатсиз ва субутсиз бўлишади. Бошқалар унга доимо тебе бўлишини истайди ва уларни менсимайди. Тушундингизми, ўғлим?

— Тушундим

Энди савол бериш навбатини мўйсафид ўз кўлига олди.

— Сиз унинг ўғли Маҳмудни танирсиз?

— Ҳа, танийман.

— У ҳозир қаерда, нима ишлар қилиб юрибди?

— Э, уми, ануви, уни томи кетиб, дарвеш бўлиб қолган.

Қачон қарасангиз одамларни қўйини боқиб най чалиб юради.

— Най чалади дейсизми?

— Ҳа.

— Яхши чаладими?

— Яхши....

— Демак, унинг дарди бор эканда. Чалганларини бир эшитсам яхши бўларди.

— Найни чалиб якшанба кунлари бозорга бориб ўтириб олади. Одамлар унга пул, ул-бул бериб ўтишади.

— Астағфуруллоҳ... Ўғлим, шунинг учун ҳеч қачон бирорвага ёмонликни раво кўрмаслик керак. Борига шукур қилиб яшаш лозим. Туппа-тузук, ўзига тўқ одамлар гадойлик қилиб юрса, тавба....

— Ёниб кетган уйлари ҳалиям ўшандай қорайиб турибди.

— Ҳай-ҳай-ҳай. Яратган буни атайин бандаларимга сабоқ бўлсин, деб тек қўйибди-да...

Улар шу күйи қизғин сұхбат қуриб чүлнинг узоқ, янги ўзлаштирилган ерларига бориб қолишиди. Бу ерларда ҳали саксовуллар ҳам, қум барханлари ҳам бор эди. Асфальт йўл тугаб, шагалли ва шўр, қумлик, ўнқир-чўнқир йўллар бошланган ва машина ортидан қуюқ чанг кўтарилимоқда эди.

— Эҳ-ҳа, бу ерларни сиз қаёқдан биласан, ўғлим.

— Дадам овга ишқибозлар. Баъзида мениям опкелиб турадилар.

— Нима овлайсизлар?

— Тустовуқ, қуён, тулки, кейин балиқ.

— Яхши тушадими?

— Ҳа.

Нихоят узоқда палапартиш ўсган қамишлар ва маккапоялар ортида бир уйчанинг томи кўринди. Олдида бир неча тол дараҳтлари бўлиб, дренаж суви чиқиб оқмоқда. Унинг ёнидаги кичкина сўрида елкасига рўмол ташлаб олган бир мўйсафид ўтиради.

— Ана, Содикҳожи, — деди Сухроб узоқдан уни кўрсатиб.

Содикҳожининг оппоқ соч-соқоли ўсиб кетган, уст-кийимлари бир аҳволда, кўзлари киртайган, бетоблиги ва руҳан тушкунликка тушиб қолгани шундоққина сезилиб турарди. Ёлғизлик уни эзиб ташлаганди. У тошкентлик меҳмоннинг ташрифидан ҳайрон бўлди. Чунки унинг бунақа таниши йўқ эди. Ҳаёллари кирди-чиқди бўла бошлади.

Қосим тога салом-алиқдан сўнг увадалари титилиб кетган тўшакнинг бир четига омонат ўтирган бўлди. Фотиҳа қилинди.

— Йўқ, сизни суриштириб келдим. Мана бу болакай маҳаллангиздаги магазинчининг ўғли. Бу ерларни яхши биларкан.

— Сизни танимайроқ турибман.

— Ҳа. Мен тошкентлик Қосим киракаш бўламан. Касбим шунақа, бир умр одамларга beminnat хизмат қилиб келаман. Сизнинг бошингизга тушган мушкул ишлар ҳақида эшийтдим.

Шунинг учун савобгарчиликка сизни бир йўқлаб қўяйин дегандим. Инсонгарчилик ҳам керак-ку, ахир.

— Раҳмат. Кимдан эшитдингиз?

— Бўлгуси келинингиздан.

Хожи ялт этиб қаради ва елкасини титроқ босди.

— Қанақа келин? Менинг ярамга туз сепмоқчимисиз?

— Ахир унинг қўлида сизнинг ягона зурриёдингиз, яъни набирангиз бор.

— Мақсадингиз нима?

— Ҳеч нима. Мен келинингизниям, набирангизниям ўзимга қиз қилиб олмоқчи эдим. Агар эътиrozингиз бўлмаса, албатта

— Нима, Зебу сизникида яшаётганмиди?

— Йўқ. Набирангиз Бокира Чўлпон бувисининг қўлида, Зебузар бўлса, Арабистонда яшаётганди. У ерда ўқиб, ишлаб яхшигина муслима аёл бўлиб қайтибди. Мен уни аэропортда кутиб олиб келган бир киракашман, холос.

Хожи Қосим тоғага анграйиб қаради

— Нима, Арабистондан келди дейсизми?

— Ҳа, худонинг ўзи қўллаб, ишларини ўнглаб юборган экан, шекилли. Ажойиб, иффатли ва зукко аёл бўлибди, қаранг.

— Ҳозир у қаерда?

— Уйларида. Маҳалла-қўй уни зиёрат қилиб, қуллук қилишмоқда. «Хожи она» деб чақиришмоқда. Сиз ҳам бир ўтиб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

Содикҳожининг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Ўзини ёмон хис қила бошлади, юрагининг бир четига қаттиқ оғриқ кирди. «Нималар қилиб қўйдим?.. Ахир мен уни бадном қилдим-ку!.. Яратган эгам қилган гуноҳларим учун менинг ўзимни жазолаб, уни бўлса қўллаб юборибди. Ким эдиму ким бўлдим? Эссиз ўтган умрим...» У беихтиёр сўрига ётиб қолди.

— Ие, ҳожи ака, ўзингизни тутинг, кўнглингизга олманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, манг, манави ичиб олинг.

— Жон ака...— деди ҳожи ҳарсиллаб, — Ҳизр бувамисиз, Аэроилмисиз, билмадим. Сиздан биргина илтимосим бор. Менинг куним битган кўринади, машинангизда уйимга олиб кетсангиз.

Бу ерларда ўлиб қолсам, ўлигим сасиб кетмасин. Мени уйимга олиб кетинг, илтимос...

– Э бўлди, кетдик бўлмаса. Келинг, ёрдамлашиб юбораман.

Қосим тоға ҳожини суваб олиб бориб, машинасига ўтказди. Машинанинг салони бадбўй ҳидга тўлди. «Эҳ-ҳе, бу чолнинг чўмилмаганига минг йил бўлгандиров, астағфуриллоҳ» деб қўйди ҳайдовчи ичиди. «Шундоқ сувлар оқиб ётибдию ўзига қарамабдида, афсус...»

– Ҳожи тоға, сизга нима бўлди? – дея дабдурустдан савол берди Суҳроб.

– Мени бошқа ҳожи деманглар, ўғлим.

– Нимага, гуноҳингиз кўпми?

Қосим тоға «Бошқа савол бермай, жим кетгин», дегандек унинг тиззасини маъноли босиб қўйди.

– Гуноҳим жудаям кўп, болам, жудаям... – дея харсиллар экан Содиқҳожи алланечук бўлиб кетди. «Наҳотки шу болачалик ақлим бўлмаса. Мен бу дунёга нима учун келдим ўзи, эй, худо? Тезроқ жонимни ола қолсанг-чи! Бўлмаса бу бола мени яна сўроққа тутиб, беш кунлик дунёда яшаганимга ҳам пушаймон қилдиради, шекилли!».

Нихоят улар қишлоқ гузарига етиб келишди. Дўкон олдида болакай тушиб қолди.

– Ҳожи тоғанини хув анави кўчада. Катта болахонали уй, ёниб қорайиб кетган. Узоқдан кўринади, – деди болакай Қосим тоғага тушунтирас экан.

– Илтимос, мени уйимга эмас, олдин Зебузарнинг ҳузурига олиб борсангиз, – деди ҳожининг лаблари титраб.

– Ие, қандоқ бўларкин, уст-бошингиз бир аҳволда-ку! Эрта-индин ўзингизга қараб... дегандай.

– Йўқ, эртага кеч бўлиши мумкин. Илтимос, айтинг, ўғлимният топиб келишсин...

Қосим тоға болакайнинг ортидан қичқирди:

– Ҳой, Суҳробжон!

– Лаббай, амаки!

— Узр, яна бир илтимос чиқиб қолди, ҳожи тоғандың үелімні тез айтиб келишсін, деяптилар. Биз Зебузар опангникида бўламиз, хўпми?

— Нима? Зебузар опа келинлари бўладими? — деб сўради у ҳайрон бўлиб ва дўкон олдидан бир велосипедни олди-да физиллатиб кетди.

Хотин-халаж тўлиб кетган Чўлпонойнинг уйида тўсатдан хилвираган Содиқхожининг пайдо бўлиши ва уни бир бегона эркак суюб келиши кутилмаган хол бўлди. Ҳозиргина чеҳраси шодлигидан ўзларини қўйишга жой топа олмаётган Чўлпоной ва Зебузарларнинг юзларини тундлик қоплади. «Умримда бўлаётган бир мартагина шу қувончли кунимниям кўп кўрди, шекилли, бу ифлос», деган фикр ўтди Зебузарнинг кўнглидан. «Лекин энди бўш келадиган анойинг йўқ. Мен энди сен билган содда бир қишлоқи қиз эмасман. Энди гапирадиган ҳар бир гапинг, ҳар бир ҳаракатинг учун кўпчилик олдида шармандангни чиқариб ўчимни оламан!», Зебузар ҳожининг кўзига қаҳр билан тикилди. Ҳожи унинг кўзига қарай олмади, балки остонаядан кирибоқ бир-икки қадам ташлади-да, тиззаси билан чўккалади. Қосим тоға унга ёрдам бериб турғизмоқчи бўлди:

— Ҳожи ака, ундан қилманг, туриңг, кўпчиликни олдида...

— Қўяверинг. Мени бошқа «ҳожи» деб чақирманлар. Ҳожилик номига мен муносиб эмасман, бу номга иснод келтирдим. Мени шайтон йўлдан урди. Асл ҳожи она ана, қаршиларингда турибди, — деди у Зебузарга таъзим қилиб ва ерга пешонасини ишқади.

Сўнгра елкаларини беўхшов силкитиб тўсатдан йиғлай бошлади.

— Мен аҳмоқни кечира олсанг кечир, қизим!..

Зебузар кутилмаган бу ҳолатдан ҳангу-манг бўлиб қолган эди. Ҳаёлан ички бир овоз «Бориб уни турғаз» деса, бошқа бир овоз «Бориб башарасига тупур», дер эди. Лекин у ҳеч нарса қила олмади, Содиқбойнинг жуссаси ерга мук тушди. Уни тезлик билан кўтариб сўрига ётказиши. Аёллар типирчилаб қолиши. «Вой ўлмасам, тез ёрдам чақириш керак», «дўхтир чақиринглар», «ўғлини чақиринглар», деган овозлар ҳар томондан ёfila бошлиди. Унинг юзига сув сепиши. Латтани намлаб юзларини арта бошлиши.

— Уни уйига олиб бориш керак. Жон таслим қиласапти, — деди Қосим тоға.

Ҳожиликдан воз кечиб, Зебузар олдида тиз чўкиб кечирим сўраб жон таслим қила бошлаган Содиқбой ҳақида шовшув тарқалди. Ўша куни жаноза ўқилиб, ўлиги уйидан чиқарилди.

Қосим тоға ҳаётнинг бу синоатидан лол эди. У жанозада ҳам, эртаси қунги тонгги фотиҳада ҳам иштирок этди. Деярли йифи-сиги бўлмади. Дарвеш Маҳмуд эса миқ этмай ўтираверди. Ҳозир унинг хаёлида хориждан келган Зебузарни учратиш ва ундан кечирим сўраб, ёлвориш истагининг пайдо бўлганлиги эҳтимоли йўқ эмасди.

— Тавба, — деди Қосим тоға атайнин Маҳмудга эшииттириб, ёнида ўтирган қўшни кишига, - дўппидайгина қишлоқларинг бор экану, шундай катта ишлар бўлиб ўтибди-я.

— Ҳа, нимасини айтасиз, Содиқ аканинг ўлими кўпчиликка сабоқ бўладиган бўлди. Лекин ҳамма Зебузарга қойил қолаяпти. У ҳатто, маъракасига ишлатинглар деб 100 доллар бериб юбориби.

Қосим тоғанинг бу гапдан хабари бор эди. Шунинг учун аҳамият бермади. Балки эътиборини ёнгин оқибатида ходалари қорайиб қотган чиркин уйга қаратди.

— Мана бу уйни бузиб ташламанглар, — деди у дабдурустдан.

— Нега энди, меҳмон?

— Бу уй келажак авлодларинг учун бир сабоқ бўлсин. Невара-чевараларингни бу ерга етаклаб келиб, бўлган ишларни ҳикоя қилиб беринглар. Токи худбинлик, ёмонликнинг оқибати қандай фожеага олиб келишини ёшлар жонли мисол билан кўриб қўйишишин. Бу ёнган уй яхшиликка даъват этувчи тимсол сифатида ана шундай қорайиб, қотиб, ис босиб тураверсин, — деди у аччиқ қилиб. — Бўпти, азизлар. Менинг ҳам сафарим қариdi. Ҳали кўп савоб ишлар қилиб улгура олмадим, қани омин! Илоҳим эл-юртимиз, қолаверса, қишлоқларинг тинч бўлсин, ёшларга инсоф берсин, диёнатли бўлиб улғайишишин, ушбу хонадондан ўтганларнинг, шу жумладан, Содиқбойнинг жойлари жаннатда бўлсин, руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин! Аллоҳу акбар!

Шўрқишлоқликлар пойтахтдан келган бу беғубор киракашни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан кузатиб қолишиди. Лекин ўша куни Зебузарни уйидагилари ва қавм-қариндошлари уни кетказгани қўйишмайди. Шу туфайли Қосим тоға бир ҳафтадан сўнг ўзи келадиган, ҳозирча эса, бошқа йўловчиларни олиб кетадиган бўлди. Бу ҳақида бутун қишлоқ, ҳатто, Маҳмуд ҳам дарак топди.

Ўтган беш йил мабойнида бор хунумонидан айрилган, ҳаётга енгил-елти қарашга ўргангандан, ўз севгилисига хиёнат қилиб, имонини йўқотган Маҳмуднинг қўзлари мошдек очилганди. Йигит ҳамма даҳшат, фожеалардан сўнггина ўзининг қилиб қўйган ишини, Зебузарни чин дилдан севишини, усиз ва қизчаси Бокирасиз яшай олмаслигини англаш етган эди. Шу туфайли виждони азобда, деярли одамови, дарвиш бўлиб, ўзига қарамай соч-соқолини ўстириб, рўдапо кийиниб, мажнуннамо ошиқу

бечорага айланиб қолганди. Афсуски, уни тушунадиган, дардини тинглаб, далда бўладиган кимсанинг ўзи йўқ эди.

У бутун дарду аламини зовурлар ва йўллар бўйида қўй боқиб, чалиб юрадиган най наволари орқали овоза қилар, унда “Менга ишонинг, одамлар, бундай қилмоқчи эмасдим, буни хоҳламагандим! Мен Зебузарни чиндан ҳам севаман. Майлига у фоҳиша бўлса ҳам. У билан яшашни, у билан баҳтиёр бўлишни истайман! Эшитаяпсизми, одамлар!..”, дея ҳайқираётгандек туюларди. Лекин йигит қалбининг исёнини хеч ким эшитишни истамас ва ҳамқишлоқлари уни тентакка чиқариб қўйишганди. Фақат уни пойтахтдан бир ҳафтадан сўнг қайтган Қосим тоғагина тушунди.

Дўнглик тепасида най чалиб, Зебузарнинг йўлига кўз тикиб ўтирган Маҳмуд тўсатдан тўхтаган машинани кўриб кўзларига ёш олди. Қосим тоға ҳам унинг олдига оҳиста келиб ўтириди:

— Нега тўхтатдинг, чалавер ўғлим, — деди унинг елкасига кўл ташлаб.

Маҳмуд ўз дардкаши топилганиданми ёки қархисида Зебузарга ҳайриҳоҳ бўлиб, отаси умрининг охирги лаҳзаларига ҳамдард бўлган дилкаш ва меҳрибон киши ўтирганиданми, ҳар холда «йўқ» демади. Балки, қалбини ўртаётган аламни нолалар орқали ифода қила бошлади. У шундай берилиб чалдикি, Қосим тоғанинг дили ҳуфтон бўлиб кетди:

— Зебузарни яхши кўрасанми?

Маҳмуд боши билан “Ҳа” ишорасини қилди.

— Қилган гуноҳингни биласанми?

Йигит яна бош иргаб “Ҳа” деди.

— Хўп... Аслида бетингга тупуришим керак эди. Айбингни тан олибсан, бунга энди хожат йўқ. Ҳали ёшсан, ҳаётинг олдинда, Зебузарнинг муҳаббатига эришишингга имкон йўқ эмас. Лекин у сени кечира олармикан, билмадим ўғлим. Мен уни бутун Тошкентга олиб кетаман. У энди қизи учун яшамоқчи. Хўп, ҳайр...

Маҳмуд кетаётганди машина ортидан маҳзун тикилиб қолди.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Орадан бир йил ўтди. Зебузар Қосим тоғанинг ёрдами билан энди тунги клубда эмас, балки хориждан олиб келган ва Асрорбекникида қолган сармояси эвазига масжид-мадраса яқинидаги уйғурча таомлар ошхонасини Зулайҳо билан бирга ижарага олиб ишлай бошлашди. Официантлик ва бошқа юмуш ишларига эса ўзларига ўхшаш аччиқ тақдирни бошидан кечирған ожизаларни жалб қилишди. Бу ерга турли етим-есир, гадойлар ҳам бир коса овқат, бир бурда нон илинжида келиб туришарди.

Ишдан сүңг қызлар мадрасанинг аёллар гуруҳига кириб, ислом илмидан мукаммал сабоқ ўрганишарди. Кунлардан бир кун мадраса олдида бир дарвеш пайдо бўлди. У най чаларди. Найни шундай чалардики, унинг ноласи юрак-бағири ўртаб юборарди.

Мана уч кундирки, Зебузар дарвешнинг тонги наволарини эшлишини одат қилди. Оҳангларида оғир дард бор эди. Унинг Дубай барделида тушган рақслари, ўзининг оғир қисмати ёдига тушарди. Ўзининг бутун ички дард туғёнини баданларининг ҳаракатларида акс эттиришга интилган ва уни тушунишларини истаб томошабинлардан нажот излаган эди, ўшанда... Ҳозир ҳам найчининг қалбida ана шундай туғённи ҳис қилди. Лекин неажабки, у озодликда бўлсада, «Мени қутқаринглар! Қилган гуноҳларимни кечиринглар!», дея фарёд чекмоқда эди гўё... «Ким бўлди экан, бу дарвеш? Қандай тақдир уни бу ерларга бошлаб келди экан?», деб сўради Зебузар ўз-ўзидан ва дарвешга нимадир бериб келишни истади.

Шу пайт Зулайҳо келиб қолди. Икки дугонанинг эътиборлари найчининг нолаларига қаратилди. Уни бир оз тинглашди.

- Яхши чалар экан, — деди Зулайҳо.
- Сен қараб тур, мен найчига ул-бул бериб келай.
- Ҳай майли, бора қол.

У кетгани ҳамоно эски аравасини вариллатиб Қосим тоға келиб тўхтади. Зулайҳо уни эҳтиром билан кутиб олди.

— Эҳ-ҳе, омонмисизлар қизларим. Зебузар қаёққа кетяпти?

— Хуванаву найчига бир нима бериб келмоқчи.

— Найчи дейсизми? — Қосим тоға масжид олдида ўтириб най чалаётган дарвеш йигитга кўзи тушиб хайрон бўлиб туриб қолди ва сўнг оҳиста стулга ўтириб, най оҳангини беихтиёр тинглай бошлади. Бу маҳалда Зебузар ҳам дарвишнинг олдига етиб бориб қолганди.

Шу пайт найнинг овози таққа тўхтади. Қосим тоғанинг ҳам хаёлига бир гап келиб, юраги хапқириб кетди.

— Наҳотки, бу ўша!.. — деб юборди у дабдурустдан.

— Кимни айтаяпсиз? — деб сўради Зулайҳо ҳайрон.

— Бу ўша, юраги тўла дарди бор Маҳмуд бўлади.

— Ие,вой,унда Зебузарни тўхтатиш керак!

— Қўявер, қизим...

Кўп ўтмай кўзлари жиққа ёшга тўлган Зебузар келди ва ҳамма нарсадан воқиф бўлиб турган Қосим тоғанинг кўксига бошини қўйди.

— Ҳафа бўлма қизим, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳали ҳаётинг олдинда. Қизингни ўйла...

Най навоси яна тарала бошлади. Лекин энди нолаларнинг оҳангига қандайдир жозиба киргандек жўшқинроқ эди, гўёки эртанги кунга бўлган умид учқунлари шаҳар уммонининг шиддатли тўлқинлари билан уйғунлашиб кетмоқда эди...

Тошкент-Фарғона, 2006 йил

## МУНДАРИЖА

ЖИНСИ ШИМЛИ «ФАРИШТА».....	3
ЧҮЛДАГИ «ЙЎРҒА».....	14
АРЗАНДА.....	20
ТАРВУЗПОЯДАГИ ВОҚЕА.....	29
«ТАРВУЗ»НИНГ ЕТИЛИШИ.....	42
«ОҚЛИҚ» ОЛИНГАН КУН.....	46
СИРТМОҚДАН ҚАЙТМОҚ.....	58
СИНГАН КҮНГИЛ ОЙНАСИ.....	62
ТАРАДДУД.....	82
ЗЕБУЗАР КЎРМАГАН ТҮЙ.....	87
ЯНГИ «ҚЎШМАХОНА»ДА.....	98
ДИЛБАРНИНГ РЕЖАСИ.....	104
ХОРИЖГА ЙЎЛ.....	115
ҚУЛФУРУШЛАР.....	122
АУКЦИОН.....	129
13-ҚАВАТДАГИЛАР .....	133
ИЛТИЖО.....	137
ДИЛБАРНИНГ ҚОЧИШИ.....	140
ЗУЛАЙҲОНИНГ ҲИЙЛАСИ.....	142
СОДИҚ ҲОЖИНИНГ ТАВБАСИ.....	149
ХОТИМА ЎРНИДА.....	161

**Набижон Ҳошимов**

# **ЗЕБУЗАР**

**(Воқеңй детектив қисса)  
Адабий-бадиий оммабоп нашр**

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2008.

**Мұҳаррирлар:** М.Содиқова, М.Миркомилов  
**Техник мұҳаррир:** Ш.Ҳошимов  
**Мусаҳхілар:** И.Құзиев, М.Хайитова  
**Дизайнер:** А.Курамшин  
**Компьютер операторлари:** А.Адилов, Ф.Мұминова,  
**Рассом:** О.Восихонов

Босишга рухсат этилди 28.02.2008 Бичими 60 x 84 1/<sup>16</sup>. Офсет  
босма. Газета қоғози. Ҳисоб нашриёт 10,0 б.т. 141- сонли буюртма.  
Тиражи 2000 нұсха. Баҳоси келишилган нархда.

*Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги «Дизайн-принт»  
МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.*

*Манзили: 100100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22-үй.  
E-mail: dizayn\_printpro@mail.ru*